



ALISHER
NAVOIY

ҒАРОЙИБ
УС-СИҒАР

10 ЖИЛД

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК
УНИВЕРСИТЕТИ

Алишер Навоий

ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР

Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари

Ўн жилдлик

10 жилд

Монография

ТОШКЕНТ
“O‘ZKITOBSAVDO” нашриёти
2020

УЎК: 821.512.133-14

КБК: 84(5Ў)1

А 50

Масъул муҳаррир:

Тўхлиев Б. – филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Жабборов Н. – Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ профессори,
филология фанлари доктори

Омонов К. – ТДШУ профессори, филология фанлари доктори

А 50

Б.Тўхлиев, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, Н.Бекова, К.Муллахўжаева,
З.Мамадалиева;

Алишер Навоий. “Ғаройиб ус-сиғар”. Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳ-
лари. 10-жилд. – Тошкент: “O‘ZKITOBSAVDO”, 2020. – 290 б.

Таҳрир ҳайъати:

Давлатов О., Имомназаров М., Маннонов А.М., Маҳмудов Н.М.,
Муҳиддинов М., Омонов К., Раҳмонов Н., Рихсиева Г.Ш., Содиков К.,
Сирожиддинов Ш.С., Тўхлиев Б., Қуронбеков А., Ҳаққулов И.Ч.


Монография Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазал-
лар шарҳига бағишланган. Шарҳлар адиб ғазалларининг матни, уларнинг
вазн кўрсаткичлари, луғат ва насрий баён билан таъминланган.

Девондаги ғазалларнинг яхлит ва изчил илмий шарҳи биринчи марта
амалга оширилмоқда.

Китоб илмий тадқиқотчилар, таълимнинг турли босқичларида фаоли-
ят юритаётган ўқитувчи ва мураббийлар, талаба ва ўқувчилар, шунингдек,
Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига қизиқувчи барча китобхонларга мўл-
жалланган.

Монография ПЗ-20170930393 “Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар”
деворидаги ғазалларнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги илмий изоҳ ва
шарҳларини яратиш” грант лойиҳаси асосида яратилган ҳамда Тошкент дав-
лат шарқшунослик университети Илмий кенгашининг 2020 йил 26 ноябрда-
ги 4-сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6858-8-8



© ТДШУ, 2020

© “O‘ZKITOBSAVDO”, 2020

“ФАЛАК КЎРМАДИ МЕН КИБИ НОДИРЕ”

Алишер Навоийнинг фахриялари ҳам оз эмас. Бу фахриялар Ҳазрат Алишер Навоий учун ниҳоятда мос ва ярашиқлидир. Зеро, мавлоно Гулханий айтганларидек, “Бор мактанса ярашур”. Ана шундай фахриялардан бири Саид Ҳасан Ардашерга ёзилган мактубдаги айрим сатрларда ҳам мужассамлашган:

*Мен ул менки, то турк бедодидур,
Бу тил бирла то назм бунёдидур.*

*Фалак кўрмади мен кеби нодире,
Низомий кеби назм аро қодире.*

*Не назме дер эрсам мени дарднок
Ки, ҳар ҳарфи бўлғай анинг дурри пок.*

*Етар тенгридин онча қувват манга
Ки, бўлмас битирига фурсат манга.*

Мутафаккир адиб қолдирган улкан мерос туркий тилнинг кучи, қудрати, тасвир ва ифода имконларининг бепоёнлигини кўрсатиб турибди. Бунини ўз пайтида улуғ Ҳазратнинг замондошлари, устозлари, шогирдлари ҳам қайта-қайта эътироф этишган. Улардан бири машҳур тарихчи ва шоир Давлатшоҳ Самарқандий шундай ёзадилар:

“Йигитлик айёмидаёқ зуллисонайн эди. Туркий тилда машҳур ва форсийда фазилат эгаси бўлди. Улуғ Амир тўғрисида муаллиф (яъни Давлатшоҳ Самарқандий – Б.Т.) муламма йўси-нида шундай дейди:

*Туркийсин кўруб қилурлар эрди тарку тавба ҳам,
Гар тирик бўлсалар эрди Лутфий бирла Кирдарий.*

*Бо вужуди форси дар жанби шеъри комилаш
Чист ашъри Заҳир, кист бори Анварий?!”*

Алишер Навоийнинг туркий тил имконларини муттасил излангани ва бу борада ажойиб ва беҳудуд кашфиётлар қилгани фақат “Ғаройиб ус-сиғар”даги бадий кашфиётлар замирида ҳам акс этиб турибди.

*Дегайсен баҳр даврида қамишлиғ ичра ўт тушимиш,
Кўзум гирдида қон ёшим, югурур хори мужгонда.*

Табиат қўйнидаги муайян бир биткининг кўплиги -зор қўшимчаси орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Бундай мисоллар Навоийнинг ўзида ҳам оз эмас. Аммо имкон бўлганида адиб унинг ўрнида бошқа қўшимчани қўллашни афзал билади. Ҳозирги ҳолатда ҳам “қамишзор” ўрнида “қамишлиғ”нинг қўлланиши мана шу истак ва иштиёқ билан изоҳланиши мумкин.

Қисқа бир вақт оралиғини ифодалашда “бир кунлик”, “бир ҳафталик”, “бир ойлик” сингари ифодалар кўп қўлланади. Навоий уларнинг ёнига “бир замонлиғ”ни ҳам қўшади:

*Бир замонлиғ ҳажр чун минг йилча бор, ўлсам не тонг,
Чунки бўлмас ҳеч кишининг умри минг йил пойдор.*

Ҳар бир ошиқнинг истаги ўзича бўлишига қарамасдан, уларнинг барчасини бирлаштириб турувчи хислатлар ҳам оз эмас. Аммо адибнинг лирик қаҳрамони ошиқлик мартабасида ҳам ўзбекона лутф ва қадриятлар ичида яшайди:

*Истаманким, ишқ мендин ўзгани қилғай асир,
Ҳеч кишига бўлмасун, ё раб, манга бўлган бало.*

Халқ ичида ўзи дуч келган қийинчилик ва машаққатларнинг бошқалар тақдирида такрорланмаслигини астойдил ишташ, худодан айни шу ҳақдаги марҳаматлар бўлиши учун дуо ва илтижолар қилиниши табиий ҳол. Аммо бунинг ишқ билан боғлиқ талқинлари фақат Навоийгагина хосдир.

Ошиқнинг кўнгли қандай бўлади? Бунга минглаб мисолларни келтириш мумкин. Аммо қушни полопонлигидан ўзига ўргатган одам бу қушнинг катта бўлганида ҳам ўзидан айрилмаслигини, айрила олмаслигини тасаввур қилса, юқоридаги саволга бериладиган жавобни осонроқ тасаввур қилади:

*Ёр ила хўй айлаган кўнглум эрур ул навъ қуш
Ким, кишидин айрила олмас кичикдин ўрганиб.*

Энди бошқа бир мисолни кўрайлик:

*Жонда ўз доғин кўруб ошиқлиғимни англади
Ул кишидекким, таниғай ўз қулин белгу кўруб.*

“Қул” ва унга “белгу қўймоқ” бугуннинг кишиси учун тушунарли бўлмаслиги мумкин. Аммо тарихнинг сарғайган саҳифалари варақланса, ушбу ҳодисанинг моҳияти англашилади. Унда қул эгаларининг ўзига дахлдор мана шундай кишиларга муайян белги – тамға босганлари аёнлашади.

Ёрнинг илтифотини улуғлаш учун қўлланган бу ташбеҳ фавкулоддалиги, ҳолат ва ҳодиса моҳиятини ёрқин ва таъсирчан ифода этиши билан эътиборга лойиқ. Қолаверса, мана шу талмех воситасида бугунги кун кишисига тарихий бир ҳодиса ҳам енгилгина эслатиб ўтилади.

Ҳижрондаги ошиқнинг юрак-бағри қон, қалби вайрон бўлади. Табиийки, ушбу ҳолат унинг ташқи кўринишда ҳам ўзига хос тарзда акс этади. Навоий буни “бошидаги тиғ ярасидан билса бўлади”, деб таъкидлайди. Бу яранинг миқдори эса ҳайратланарлидир:

*Бошимда тийғи ярасин неча дебон сўрманг,
Киши бўлурму бошининг тукин шумора қилиб.*

Навоийда инсон руҳиятини кузатиш ва унинг энг нозик ҳолатларини санъаткорона ифодалай олиш қобилияти ҳам чеку чегара билмайди. У бир ғазалида бошдин оёқ нидо санъатини қўллайди. Ҳар бир байтда камида битта ундалма иштирок этади ва у албатта, инсон руҳиятининг у ёки бу қиррасига дахл қилади. Бошқа бир ғазалнинг ҳар байти эса тазодлар силсиласидан тузилади. Уларда мантикий зиддият очиқ кўриниб туради. Яна бир ғазалда эса икки ёки ундан ортиқ сўзнинг байтлараро фаол иштироки кузатилади. Мантикий урғу ҳар сафар мана шу сўзларга тушади. Улар ғазалнинг меҳварини ташкил этади.

Ғазални ўқиш ва уқиш муаммоси мавжуд. Интуитив тарзда матн мазмунини тасаввур қилиш, ҳис этиш ҳам мавжуд. Аммо айнан “шарҳ туфайли мулоҳазаларнинг дастлабки нотугаллигига барҳам берилади” (В.Е.Хализев)

Навоий ғазалларининг шарҳларида айни мана шундай жиҳатларга урғу берилгани эса бугунги навоийхонларимизга манзур бўлишидан умидвормиз. Улар айни пайтда, барча китобхонларимизни, айниқса, ёшларимизни улуг мутафаккир адибимиз Алишер Навоий ижодига янада кўпроқ маҳлиё қилса, уларнинг қалбида бадиий сўзга, туркона ифода ва тасвирларга нисбатан меҳрларини янада кўпроқ товлантурса ажаб эмас.

Боқижон ТЎХЛИЕВ

“Ғаройиб ус-сиғар”

“Наргисин гул узраким, бемор этар ноз уйқуси...”

Наргисин гул узраким, бемор этар ноз уйқуси,
Мисли шўхедурки, суст эткай ани ёз уйқуси.

Кўз очиб беҳудлуғумни кўрмаса йўқтур ажаб
Ким, манга бахт уйқуси бўлмиш, анга ноз уйқуси.

Чархи сойир гўйиё ошиқдурурким, кечалар
Бор анинг ҳам мен кеби кўп ашкию оз уйқуси,

Бизни дафъ ўлсун дебон солмиш ўзини уйқуға,
Зарқдин холий эмастур ул фусунсоз уйқуси.

Ҳар тун айлар истимў эл қиссасин, ваҳким, келур,
Менки ўз ҳолим десам, ул қиссапардоз уйқуси.

Иста комил хидматин ғафлатни рафъ айлай десанг
Бордур ўздин ғойиб ўлмоқ зумрайи роз уйқуси.

Эй Навоий, очма ғамдин кўзки, сиррим қилди фош,
Яхшироқ бедорлиғидин буйла ғаммоз уйқуси.

-V- - -V- - -V- - -V-

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Зумрайи - бўлак, қисм, тўда
Суст эткай - бўш, ожиз бўлмоқ
Беҳудлиғ - беҳушлик, мастлик
Сойир - бошқа, ўзга
Рафъ айлай - кўтармоқ, йўқ қилмоқ
Ашки - кўз ёши
Зарқдин - алдов, макр, ҳийла
Холий - бўш
Фусунсоз - найрангбоз, афсунчи
Истемў - қулоқ солиш, тинглаш
Ғаммоз - чақимчи, сўз терувчи
Шоҳид - гувоҳ, ҳозир турувчи
Ҳайъати - шакл, кўриниш, суръат

Насрий баён

Гул узра наргизнинг ноз уйқуси бемор этар, уни ёз уйқуси
ожиз этгай.

Кўзин очиб беҳушлигимни кўрмаса, ким менга бахт уйқуси
бўлар, у эса ноз уйқуда бўлса.

Гўё ошиқдур ўзгача, кечалар менинг каби кўзёши кўп, аммо
уйқуси оз.

Бизни даф бўлсин деб ўзни солган уйқуга, алдовдан бошқа
эмасдир бу найрангбоз уйқуси.

Ҳар тун тинглар эл қиссасини, мен ўз ҳолим десам у ўз
қиссасини баён айлар.

Иста комилликни, ғафлатни йўқ қилай десанг, ўздан гўйиб
бўладиган зумрайи роз уйқуси бордир.

Эй Навоий, ғамдан сўз очма, сирим қилди фош, яхшироқ
бедорлигидан бўлди чақимчи уйқуси.

Шарҳ ва изоҳлар

Бу ғазал “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган. Ғазал етти байтли. Мавзу ва ғоявий йўналиши нуқтаи назаридан ошиқона ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Чунки ғазалда ошиқнинг машуқага бўлган ишқи, муҳаббати, севгиси тараннум этилади.

Қофияланиши: а-а, б-а, д-а, э-а, ф-а, г-а, ҳ-а, и-а. Қофияланишига кўра оддий ғазал бўлиб, байтлардаги қофиялар қуйидагилар: ноз, ёз, ноз, оз, фусунсоз, қиссапардоз, зумрайи роз, гаммоз. Бу муқайяд қофия турига киради.

Қофиядош сўзлардаги равий- “з” товуши.

“Уйқуси” радиф сўз сифатида олинган. Ғазалдаги асосий фикр қофияга тушган. Мақтада Навоий тахаллуси қўлланилган. Ушбу ғазал тузилишига кўра якпорадир. Боиси, ҳар бир байтнинг мазмуни ўзидан олдинги ва кейинги байт билан изчил боғланган. Матлаъда бошланган мавзу мақтага қадар давом этган. “Ҳазойин-ул маоний” нинг биринчи девони — “Ғаройиб-ус сиғар”га киритилган Алишер Навоийнинг ҳар бир ғазали ўзига хос ёндошиш, ўзига хос таҳлил ва тафсир усулини тақозо этади, чунки ҳар бир ғазал алоҳида руҳий ҳолат, алоҳида бадий фикр ва ҳис-туйғулар ривожини ифодалаб келади, тасвир тарзи, санъатлар мунтазамлиги ва мутаносиблиги ҳам шунга мувофиқ.

Ошиқона ва орифона ғазалларда, кўпроқ мақтаъдан олдинги байтда бирор ўғит-насихат қилиш кам учрайдиган ҳодиса эмас. Матлада ташбеҳ санъатидан фойдаланилган. Кейинги мисрада ошиқнинг беҳушлигини машуқа уйқу сабаб билолмаслиги тазод санъатини юзага келтирган. Ғазалда зарқ ва фусунсоз сўзлари орқали таносиб санъатидан фойдаланилган. Ғазалда тазод санъати муҳим ўрин тутadi, чунки машуқанинг хатти-ҳаракатлари ошиқнинг ҳолатига қарама-қарши қўйилган.

Назора БЕКОВА

“Эй кўнгул, бердинг иликдин васлининг давронини...”

Эй кўнгул, бердинг иликдин васлининг давронини,
Билмадинг бу навъ талх эрмиш ғами хижронини.

Гўйиё Фарход эрур тоғ ичраким, чексам фиғон,
Ул дағи ҳамдардлиғдин тенг чекар афғонини.

Тўтиёе кўз тутарманким, кетурсанг, эй насим,
Кўрсанг ул бадмеҳр чобук туркнинг жавлонини.

Қолди кўнглум сенда, лекин асрадим, эй қоши ё,
Хаста кўнглум ўрнида хокийларинг пайконини.

Не учун киймиш қизил тўн даҳр бўстонида гул,
Гар оқизмоқ истамас ошуфта булбул қонини.

Тирборони ғаминг жисмимни қилди ерга паст,
Ваҳки, ёмғур касрати йиқти ғаминг вайронини.

Эй ажал, Тангри учун кетким, бихил қилмам санга,
Кўймасангким, дарди-ўқ олғай Навоий жонини.

–V– –V– –V– –V–

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Иликдин бермоқ - қўлдан бермоқ
Талх - аччиқ
Чобук - тез

Жавлон - от елиши

Даҳр - дунё

Ошуфта - ошиқ

Тирборон - ўқ ёмғири

Касрат - қўплик

Билҳил қилмоқ - бўйин эгмоқ, рози бўлмоқ

Насрий баён

“Эй кўнгил, васлининг давронини қўлдан бой бердингу, ҳижрон ғамининг бунчалик аччиқ эканини билмадинг.

Агар мен ғамдан фиғон чексам, тоғ ичидаги Фарҳод ҳам менга ҳамдарад бўлиб мен билан тенг афғон чекади.

Эй насим, агар у меҳрсиз тезкор чавандоз туркнинг от елишини кўриб, менга келтирсанг, уни тўтиё қилиб кўзимга суртаман.

Эй камон қошлигим, кўнглим сенда қолган, лекин хаста кўнглим ўрнида тупроқларингнинг ўқини асрадим.

Агар гул ошиқ булбул қонини оқишишни истамаса, нима учун дунё чаманида қизил тўн кийган?

Ғамингнинг ўқ ёмғири жисмимни ер билан баробар қилди, ёмғир эса ғаминг вайронасини йиқитди.

Эй ажал, тангри учун кет, мен сенга бўйин эгмайман. Агар бунга кўнмасанг, ёр дардининг ўзиёқ менинг жонимни олишга етарлидир”.

Шарҳ ва изоҳлар

Мазкур ғазал етти байтдан иборат. Мавзу ва ғоявий йўналиши нуқтаи назаридан ошиқона.

Ғазалда маъшуқа бевосита иштирок қилмайди. Унинг ҳақидаги барча маълумоту хабарлар ошиқ тилидан берилади. Ғазалда матладан бошланган мазмун мақтага қадар изчил давом этади. Айни услубий-ғоявий жило ғазал якпоралигини таъмин этган.

Мақтанинг иккинчи мисрасида “Навоий” тахаллуси қўлланилган.

Яхлит маъноли воқеабанд ғазаллар яратиш улуғ Навоий лирикасига хос бўлган хусусиятдир. Мақсуд Шайхзода бунга биринчи бўлиб эътиборини тортган эди. Навоийдан олдинги шоирлар ижодида ахён-ахёнда учраб турадиган бу хусусият Навоий ижодида изчиллик хусусиятини олади, муайян ривоя, бадий ифода тарзига айланади. Турфа лисоний ҳолатлар, воқеа-ҳодисалар тасвирига бағишланган туркум-туркум ғазаллар шундан далолат беради. Яхлит маъноли ғазал мазмунига кўра ошиқона, яъни ошиқнинг ҳижрондаги изтиробларини, кечин-маларини ифодалайди. Шу жиҳатдан уни шарҳи ҳол усулида ёзилган асарлар сирасига киритиш мумкин. Аммо зоҳирий маънолари билан ошиқона бўлиб кўринган ушбу ғазалда орифона (тасаввуфий) маънолар ҳам ифода этилади. Алишер Навоийнинг аксар ғазалларида зоҳирий ва ботиний маъно, “дунёвий ишқ” ва “ишқи илоҳий”, бошқача айтганда, “мажозий” маънолар билан “ҳақиқий” маънолар бирга қўшилиб, бири иккинчисини тақозо этиб келади. Биз Навоий лирикасини таҳлил қилаётганимизда бу икки ишқни ажрата олмаймиз. Навоий лирикасида мажозий ишқ ҳақиқий ишққа қарама-қарши қўйилмайди. Балки мажозий ишқ ишқи ҳақиқийнинг бир кўриниши ёки ҳақиқий ишқ йўлидаги ўзига хос босқич сифатида баҳоланади. Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да “Ал мажозу қантарат ул -ҳақиқат” (мажоз ҳақиқат кўпригидур), деган машҳур арабча иборани келтирган. “Руҳан пок, маънавий комил инсон учун мажознинг ўзи айна ҳақиқатдир. Муҳими шундаки, Навоийнинг ўзи масаланинг муҳимлигини ҳис этгани учун бўлса керак, бир неча ғазал ва қитъаларида ўз йўналишини махсус изоҳлайди”.

Масалан:

Гар Навоий йиғласа, ишқинг мажозийдур дема,
Ким назар пок айлагач, айна ҳақиқатдир мажоз.

Ёки:

Кўрмаса ҳусни мажозий ичра жуз сунини
Ошиқеким, бўлса ишқ атвори ичра покбоз.

Зоҳидо, бу ишқдин ман айлама ошиқниким,
Ғар сен идрок йласанг, айни ҳақиқатдур мажоз

Икки маънолилик, икки йўналишли тасвир мазкур ғазалга ҳам хос.

Биламизки, Навоийда ошиқнинг ёридан жудолик лаҳзаларини тасвирловчи ғазаллар анча. Аммо ҳар бир ғазалда ўзгача оҳанг, мафтун этувчи санъаткорлик қўлланилади ва табиийки, бу айни ҳолатга мос бўлиб тушади. Гоҳ ёрини сафарга кетгани, гоҳ ваъдасига вафо қилмай келмагани, бепарволик ва ўйинқароқлик қилгани, гоҳида ошиқни синаш учун атайлаб ҳижрон азобига солиши, ранг-баранг кийимлар кийиб, безаниб хуснини кўз-кўз этиши, ошиқни баттар қийнаши ва гоҳида саман от чоптириб майдонга кириши жозибали лавҳаларда кўрсатилган.

Ёри висolidан маҳрум бўлган ошиқ кўнглига ҳижрон ғамининг қанчалар аччиқ эканлигини билмаслигини айтади. Навоийнинг ушбу ғазали ҳам анъанавий мавзуда, яъни ишқ мавзусида. Бу байтда ошиқнинг ҳижрон азоблари-ю изтироблари ўз ифодасини топган. Матла бевосита ошиқнинг кўнглига мурожаати билан бошланади. Фарҳод мумтоз адабиётда комил инсон тимсоли. У ҳам ўз севгилисига етишиш учун анча азобу машаққатларни тортган, уларни енгиб ўтган. Ошиқнинг изтироблари шу қадарки, Фарҳод ҳам унга ҳамдard бўлади.

Насим шарқ мумтоз адабиётида кўп учрайдиган образлардан биридир. Шамол, ел, насим, боди саболарнинг барчаси қаҳрамонларнинг хабари, севги-муҳаббатини ёру дўстларига етказувчи ҳисобланади. Юқоридаги байтда Фарҳод образи тилга олинган эди. Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам Фарҳод ўлими олдидан боди сабога мурожаат қилиб, ота-онасига сўнги сўзларини етказиш эпизоди мавжуд. Мазкур байтда ошиқ ёри висолига шунчалик ташнаки, ҳатто насим унга меҳрсиз ёрининг от елиш хабарини келтирса, уни тўтиё каби кўзига суртишини айтади. Бунда ошиқ учун ўз маҳбубаси қанчалик қадрли эканлиги бadiий суратда намоён бўлган. Насимга мурожаат қилиш нидо санъатини юзага келтирган.

4-байтга келиб, ошиқнинг дарду ҳасратлари ўз ҳадди аълосига етади. “Кўнглим сенда қолди” иборасини ҳам ўз маъносида, ҳам кўчма маънода тушуниш мумкин. Лирик қаҳрамон хокийлар деганда ёрига ошиқ бўлган ошиқларни назарда тутяпти. У ўз маҳбубасини рашк қилиб, уларни тупроққа тенглаштирмоқда. Ағёр отган камон ўқларини эса хаста кўнгли ўрнида сақлаган. Бунда ошиқ маъшуқаси учун ҳар нарсага тайёр, деган ғоя илгари сурилган. Ошиқ чекаётган азоблари сабабини топгандай бўлади, яъни дунё чаманида гул ошиқ булбул қонини оқизишни истагани учун қизил тўн кийган. Демак, ошиқлар учун қийинчилик, маъшуқадан жабру зулм кўриш азалий қисмат экан. Мана шуларга сабр қилган ошиққина ўз мақсадига етишади. Бунда ҳусни таълил ва тажовҳили ориф санъатларининг гўзал намунаси яратилган. Ошиқ ғамни ўқ ёмғирига ўхшатар экан, ҳижрон азобининг нақадар шиддатли ва зулмкор эканлигини таъкидлайди. Бу ҳам етмаганидай, ғам ёмғири унинг вайрон бўлган кўнглини ҳам йиқитади. Мақтаъда лирик қаҳрамон ажалга мурожаат қилиб, унинг жонини олишни ёр дардига қўйиб беришни илтижо қилади. Зеро, ҳижрон азоби ажалдан ҳам ҳалокатлироқдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ғазалда ошиқнинг ҳижрону айрилиқ дамларида чеккан соғинч изтироблари, дардли кечинмалари тасвирланган. Аммо тасвир ўқувчининг қалбини ҳаяжонга соладиган даражада кучли ва таъсирчандир. Шу тариқа ёрга умидвор, васл умидида қийналаётган ошиқ туйғулари ғазалда тараннум этилган. Ғазалда қўлланилган бадий санъатлар, қофиялар бу ҳолатни кучайтирган, яхлит бир куй, дардли қўшиқ вужудга келган.

Назора БЕКОВА

“Ул ойки, меҳр ила оламини муҳтарам қилди...”

Ул ойки, меҳр ила оламини муҳтарам қилди,
Бу телбага недин, оё, назарни кам қилди?

Кўзум изига яқиндур мунга дағи юз шукр,
Агарчи йўлида гардун қадимни ҳам қилди.

Насиҳат етса улус тезрак бўлур ишқим,
Бале, итикрак етар ўтни улки дам қилди.

Фироқ шарҳини ҳар кирпигим ёзар, гўё
Фалак миҳамни тенгиз ичраги қалам қилди.

Ул ой азимат етиб юз ғаму бало нақдин
Насибим етти, ёмон бормади, қарам қилди.

Сипеҳр ишқда Мажнунға ёзди кўп таъриф,
Муқобилида замона мени рақам қилди.

Кўзумки қон аро бўлди ниҳон ажаб ермас,
Ки “айн”ға чу дам ўлди қарин, адам қилди.

Шукуфа сийм чиқарғач бу гулшан ичра хазон,
Ғавоға баргини сочмоқ била ситам қилди.

Навоий жисмин ўқунг захми етти доми бало,
Висол қушлари андин магарки рам қилди.

V-V- VV-- V-V- --

мафоилун фаилотун мафоилун фаълун
мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуб

Луғат

“Айн” – араб алифбосидаги ҳарфлардан биринг номи, кўзга ўхшатилади

Адам қилмоқ – йўқолмоқ, йўқ қилмоқ

Азимат етмоқ – бирор ишга қасд қилмоқ, киришмоқ, интиломоқ

Бале – ҳа, тўғри, шундай; албатта

Гардун – фалак, осмон, кўк

Дам – қон

Дағи – ҳам; тагин, яна

Дам қилмоқ – пуфламоқ, ҳаво бермоқ (темирчиликда)

Итик – ўткир, кескир, тез

ичрағи – ичидаги

Мижа – киприк

Муқобил – қарши зид; қарши турувчи

Муҳтарам – ҳурматли, азиз

Нақд – оқча, пул; қимматбаҳо нарсалар

Оё – сўроқ ва таажжубни англатувчи кўмакчи сўз

Рақам қилмоқ – ёзмақ, битмоқ; пайдо қилмоқ

Рам қилмоқ – чўчимоқ, ҳуркмоқ

Сийм – кумуш, ақча, танга

Сипехр – осмон, осмон гумбази, фалак

Тезрак бўлмоқ – шиддатланмоқ, кучаймоқ

Хам қилмоқ – егмоқ, букмоқ

Шукуфа – гул, чечак, гунча; мевали дарахтларнинг (кўпроқ оқ) гули

Қарин – яқин, яқинлашган; қалин дўст

Насрий баён

Меҳри билан оламни азиз қилган у ой(га ўхшаш гўзал)
Бу телбага нима учун камроқ назар солар экан?

Гарчи унинг йўлларида бу фалак менинг қаддимни букиб қўйган бўлса-да, Кўзим (унинг босган) изига яқиндур, шунинг ўзига ҳам юз шукр(лар бўлсин)

Атрофимдаги халқ панд-ўғит берадиган бўлса, ишқим янада кучаяди, албатта, ўт пуфланадиган бўлса, уни янада кучлироқ алангалатади-ку!

Фироқнинг изоҳ ва шарҳини ҳар битта кипригим ёзадики, гўё Фалак киприкларимни денгиз ичидаги қалам қилиб қўйди.

У ой(дай гўзал махбуба) қасд қилиб юз ғаму бало бойликларини менинг насибам қилди, (унинг бу иши) ёмон бўлмади, (бу билан у) қарам қилди.

Фалак (яъни тақдир) ишқ борасида Мажнунга кўплаб мақтовлар ёғдирди, унга қарама-қарши ҳолда замона (бу борада) мени бунёд етди.

Кўзим қоннинг ичида кўринмайдиган бўлиб қолди, Ахир, “айн” ҳарфида “дам” сўзи қўшиладиган бўлса, улардан “адам” (“йўқлик”) ҳосил бўлади-да!

Бу гулшан ичидаги хазон оқ гуллар чечагини чиқарди (ҳамда) ҳавога уларнинг баргини сочиш билан ситам қилди.


Навоийнинг жисмини ўқинг яралари ўзларига бало тузоғи қилиб олди, еҳтимолки, висол қушлари ундан шунинг учун ҳам чўчиб қочишди.

Шарҳ ва изоҳлар

Мумтоз адабиётдаги маъшуқа ўзининг бир қатор анъанавий ҳислатларига эга. Шулардан бири унинг ҳаммага меҳр ва муҳаббат билан қарагани ҳолда, ҳақиқий ошиққа нисбатан бепарво муносабат кўрсатишидир. Мазкур ғазал ҳам айти мана шу мотив билан бошланади.

Ул ойки, меҳри ила оламини муҳтарам қилди,
Бу телбага недин, оё, назарни кам қилди?

Аслида, кам назар қилишнинг сабаби ҳам бироз ойдинлаштирилгандай туюлади. Лирик қаҳрамон ўзини “телба” деб баҳолай-



ди. Оламга меҳр билан қараган ойнинг бир телба билан нечоғлик иши бўлсин?!

Табиийки, ғазалнинг бошланмаси – матла навоиёна гўзал тасвир топилдиқлари билан музайян қилинган. Жумладан, мазкур байтдаги дастлабки жумлаларданоқ ажойиб сўз ўйинлари жилваланади. Биринчи мисрани “оламни ўз қуёши (юзи, жамоли) билан мухтарам ва мунаввар қилган у ой” деб ҳам табдил қилиш, тушуниш мумкин. “Ой” ва “оё” сўзларининг талаффузидаги яқинлик ҳам тасодифий эмас. Улар ўзакдош сўзлар эмас. Шунга қарамай, дастлабки товушларнинг бир хиллиги уларнинг талаффузидаги яқинликни таъмин этган. Эътибор берилса, байтда ўзига хос бир муסיқийлик, оҳангдорлик мавжуд. Уни юзага келтираётган омиллардан бири “и” (10) ва “а” (9) унлилари, шунингдек, “л” (6), “м” (5), “н” (5) жарангли ундошларидир. Уларнинг муайян изчилликдаги такрори мазкур оҳангдорликнинг юзага чиқишидаги бош омил вазифасини адо этган. Радифдаги “қилди” сўзи эса кофия билан биргаликда мазкур оҳангдорликка янада таъсирлироқ қувват ато этиб турибди.

Ошиқ мумтоз адбиётимиздаги кўплаб ошиқларга жуда яқин. Унда ҳам шунча катта эътиборсизликдан норозилик умуман мавжуд эмас. Ҳатто биринчи байтда кўрганимиздай бу ҳолатни у қандайдир тасодиф, англашилмовчилик, деб баҳолайди. Шунинг учун унда шукроналик учун ҳам имкон мавжуд. Уларнинг биринчиси ўз кўзларининг маъшуқа қадамининг изларига яқинлигидир. Буни, эҳтимол, тавоф деб талқин қилсак ўринли бўлар. Ошиқ учун ёр изларини тавоф қилишдан ҳам ортиқ шукроналик бўлиши мумкинми?! Албатта, бу ерда “кичиккина” битта қистирма бор, холос. Бу ўз қаддининг ҳам бўлгани – эгилгани билан алоқадор. Аммо шунда ҳам бунинг айбдори, бош сабабчиси ёр эмас, балки гардундир:

Кўзум изига яқиндур мунга дағи юз шукр,
Агарчи йўлида гардун қадимни ҳам қилди.

Мазкур ғазалдаги байтларнинг бир-бирига муносабатларида анча эркинлик сезилади. Аммо бу бир-бирига алоқасиз бўлган байтларнинг тасодифий йиғиндиси эмас. Аксинча, бу ерда ҳам ошиқ изтиробларининг яхлит бир манзараси ўз ифодасини топ-

ган. Фақат бу ерда мазкур ҳолат ранг-баранг қирралардан туриб очиб берилади. Бунда ошиқнинг бир-бирини такрорламайдиган жиҳатларини кўпроқ кузатиш имкони пайдо бўлади.

Агар биринчи байт маъшуқанинг умумий тавсифига бағишланган бўлса, иккинчи байтда ошиқ ҳолати тилга олинади. Навбатдаги байтда эса бу ҳолатга бошқалар (улус)нинг муносабати эътиборда тутилади:

Насиҳат етса улус тезрак бўлур ишқим,
Бале, итикрак етар ўтни улки дам қилди.

Улус насиҳатининг мазмуни нимадан иборат? Буни, асосан, мазкур ишқни манъ этиш, ундан воз кечишга ундовчи панд-ўғитлар тарзида тасаввур этиш мумкин. Бироқ ошиқ учун бундай ўғитлар тескари таъсир қилади. Зеро, ишқ ўтдир, оловдир. Оловни пуфлаб туриб ўчириш мумкинми? Аксинча, пуфлангани сари олов ҳам гуркираб, ловуллаб, янада кучайиб ёнаверади.

Ишқ ва ошиқ, албатта, “фироқ” тушунчаси билан ёнма-ён туради. Улар мантиқан бир-бирини тақазо этади. Шунинг учун ҳам кейинги банд мазкур мавзунини давом еттирган:

Фироқ шарҳини ҳар кирпигим ёзар, гўё
Фалак мижамни тенгиз ичраги қалам қилди.

Байтнинг умумий мазмуни аёндай туюлади. Айниқса, биринчи мисранинг мантиқий бутунлиги эътироз уйғотмайди. Фироқнинг шарҳи узун ва туганмас. Уни тўла ёзиб битириш учун битта эмас, балки ҳар битта киприк машғул бўлиши керак. Аммо кейинги мисрада дабдурустдан тушунилиши қийинроқ бўлган тушунчалар ҳавола этилган.

“Фалак киприкларимни денгизнинг ичидаги қаламга айлантирди” деган маълумот қандай тушунилиши керак? Албатта, бу ерда гўзал бир муболаға ишга солинган. Фироқ азобларини ёзиш учун денгиздай кенг сиёҳ манбаи керак! Бунга эътироз йўқ. Лекин киприкнинг денгиз билан қандай алоқадор жиҳатлари бор?

Гап киприкнинг жойлашган “макон”и устида бормоқда. У кўз атофидан “ўрин олган”. Демак, “тенгиз ичраги қалам” кўз атрофидаги киприклардир.

Навбатдаги байтда матлада қўлланган метафоранинг яна бир бор истеъмолга киритилгани эътиборлидир. “Ул ой” биринчи марта ўз гўзаллиги билан оламни ҳайратга солган еди. Бу ерда эса мана шу “ойнинг” ошиққа келтирган “тухфаси” ҳақида гап боради. Бу ҳаракатлар-нинг натижаси лирик қаҳрамон томонидан “ёмон бормади”, “карам қилди” деб баҳоланади. Албатта, бундай ифодалар, одатда, бирор муносиб, энг муҳими, эзгу иш муносабати билан қўланади. Мазкур байтдаги “муносиб иш” эса ёрнинг “бало нақдини насиба етиши” билан боғлиқдир. Демак, ошиқ учун маъшуканинг шундай ҳаракатлари ҳам олқиш ва миннатдорчилик манбаи бўла олади. Бу фақат мумтоз адабиётга, мумтоз адабиёти-миздаги ошиққагина хос бўлган хислатдир:

Ул ой азимат етиб юз ғаму бало нақдин
Насибим етти, ёмон бормади, карам қилди.

Маъшуқага ажратилган ўрин навбати ўз вазифасини адо этди. Энди яна ошиқнинг ўзига навбат бериш лозим бўлади. Навоий талқинида энди ошиқнинг бошқа бир жиҳати намоён бўлади:

Сипеҳр ишқда Мажнунга ёзди кўп таъриф,
Муқобилида замона мени рақам қилди.

Ишқдаги озорлар миқдорининг ҳадду поёнсизлигига қарамай бу йўлдаги собитлигига кўра Мажнунга тенг келадиган қаҳрамон мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам “сипеҳр” унга “кўп таъриф” ёзган. Аммо бу тарихга тегишли. Лирик қаҳрамон мансуб бўлган замонда эса унинг ўрнига шу ошиқнинг ўзи бор. Унинг муқобилида ишқ шу ошиқни пайдо қилган: “замона мени рақам қилди”. Аммо бунда шикоят, зорланиш эмас, балки фаҳру ифтихор туйғулари жамулжам.

Албатта, ошиқликнинг мумтоз адабиётдаги “ўлчов бирлик-лари”дан бири чекилаётган азоб ва изтироблар салмоғи билан

белгиланади. Бу жиҳатдан кўз ёшларининг қонга айланиши эътиборли:

Кўзумки қон аро бўлди ниҳон ажаб ермас,
Ки “айн”ға чу дам ўлди қарин, адам қилди.

Кўздан оқаётган ёш қонга айланганидан кейин, табиийки бу кўзнинг кўриш қобилияти ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам у “қон аро (ичида) ниҳон” бўлади. Буни тушунтириш учун эса шоир битта ҳаётӣ ўхшатишни келтиради. Агар “дам” сўзига “айн” ҳарфи қўшилса, ундан янги сўз – “адам” пайдо бўлади. Бу ерда истихроҷ санъатидан фойдаланилган. Бу санъатринг моҳияти араб алифбосидаги ҳарфларнинг кўриниши, шаклий тузилишлари ва уларнинг бошқа ҳарф ёки сўзлар билан қўшилган ҳолда янги бир маънони аниқлашига асосланилади. Бу ерда ҳам худди шу ҳодиса содир бўлган. “Дам” сўзининг кўпгина маънолари бор. Луғатларда унинг “нафас”; “овоз, “ун”, “садо”; “куюк”, “ғам”, “андух”; “илҳом”; гармсел”; “шамол”, “ел”; “тез вақтда”, “яқин фурсатда”, “ҳозиргина”; “қизил рангли май” деган маънолар кўрсатилган. Юқоридаги луғатда биз унинг фақат битта маъносини, яъни мазкур матнда билдираётган маъносинигина қайд етиш билан чекланганмиз. Бунга кўра, у “қон” маъносини аниқлаб турибди. “Айн” эса араб алифбосидаги ҳарф номи бўлиб, у кўпинча, “а”, “и” унлиларини ифодалайди. Шунингдек, бу сўзнинг луғавий маънолари силсиласида “кўз”, “кўз қорачиғи”, “булоқ”, “чашма”; “белги”, “кўзгу”; “манба”, “сабаб”, моҳият, “жиҳат” сингари мазмун қамровлари мавжуд. Шоир сўз ўйини орқали “айн” ҳарфига “дам” сўзи “қарин ўлса” – яқинлашса (қўшилса), улардан “адам” сўзи ҳосил бўлади демоқчи. “Адам”нинг маъноси эса “йўқлик”дир. Ўз-ўзидан аёнлашадики, кўзга қон яқинлашгандан кейин, яъни кўз қон ичида қолганидан кейин, унинг бу қобилияти йўқ бўлди.

Кейинги байтда яна бир янги ҳодиса тилга олинади.

Шукуфа сийм чиқарғач бу гулшан ичра хазон,
Ҳавоға баргини сочмоқ била ситам қилди.

Гап табиат ва инсондаги табиий ўзгаришлар жараёни устида бормоқда. Вақт ўтмоқда – фасл алмашмоқда. Демакки, инсон умрининг ҳам турли лаҳзалари намоён бўлиб бораётир. Шунинг учун ҳам табиат бир гулзор бўлса, унинг гуллаб-яшнаб турган вақтлари (“шукуфа”) шу ҳолича гўзал ва такрорланмас. Аммо у бир жойда қотиб турмайди. Умр лаҳзаларини тўхтатиш мумкин эмас. Оқ гуллар хазон (ели) қўлида ҳавода сочилиб кетади. (Эҳтимолки, бунда инсоннинг катта ёши билан алоқадор бўлган табиий ташқи кўринишдаги ҳолат ва ҳодисалар: соч, соқол, киприк, қош рангининг оққа мойил бўлиб бориши ҳам эътиборга олинаётгандир. Агар шундай бўладиган бўлса, фақат табиий гулзор (“бу гулшан”)гина эмас, балки рамзий маънода ҳаёт, инсон умри қаламга олинаётган бўлади. Хазоннинг “оқ гуллар чечагини чиқариб, уларнинг баргини сочиш”и эса умр поёнидаги сочнинг оқариши ва уларнинг тўкила бошлаши, яъни қарилик қийинчиликларининг юз тута бошлагани тасвирини англатади. Ҳар ҳолда мазкур тасвирдаги “ситам килди” ифодаси шу маъноларни ҳам инкор этмайди, балки уни янада қўллаб-қувватлайди. Назаримизда, сўнгги байт – мақтадаги асосий манتيқ мазкур фикр оқимини давом эттиради ва шу маънода бизнинг мулоҳазаларимизни тўлалигича қўллаб-қувватлайди:

Навоий жисмин ўқунг захми этти доми бало,
Висол қушлари андин магарки рам қилди.

Навоий жисмига бало ўқлари ёғилиб турибди. Бу ўқлар туфайли жароҳат ҳосил бўлган. Уларни шоир “доми бало”, яъни балоларнинг тузоғи деб баҳолайди. Висол қушларининг эса бундай ваҳимали ва номуносиб кўринишдан чўчиб кетиши турган гап.

Истиора ва рамзлар билан музайян қилинган бу ғазалнинг яна бошқа маънолари ҳам мавжуд. Улар ҳам ўз ўрнида шарҳ ва изоҳларга жалб этилади.

Боқижон ТЎХЛИЕВ

“Қилдим ул ой оллида ошиқлиғим изҳорини...”

Қилдим ул ой оллида ошиқлиғим изҳорини,
Мен анга сиррим дедим билман анинг асрорини.

Кўз қаросин ҳал қилиб ул ойға ёзғум номае,
Боре бу тазвир ила кўргай кўзум рухсорини.

Кўзидин то жонға етман лаълидин бермас ҳаёт,
Ул Масих ўлдум деганда тиргизур беморини.

Хайфдурким, риштайи тасбиҳ қилғай аҳли зухд,
Куфр зулфи ичра ўлган халқнинг зуннорини.

Оразинг даврин чекарда гўйиё наққоши сунъ,
Меҳр даври бирла тенг очмиш эди паргорини.

Тўкма жоминким, бало сайли жаҳонни бузмасун,
Маст кўрсанг, зоҳидо, дайри фано хамморини.

Эй Навоий, шавқидин ўлсам иморат қилғасен,
Туфроғим бирла муҳаббат кўйининг деворини.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Асрор – сирлар

Ҳал – 1) Аралаштириш, қориштириш, қориш; 2) Эритиш, суюлтириш. 3) (бирор мушкул масалани) ечиш, ҳал қилиш

Тазвир – фириб, макр, ҳийла қилиш, алдаш

Ришта – 1) Ип; 2) Тор; 3) Томир; 4) Пилик; 5) Кишан

Сунъ – ясаш, яратиш; иш, хунар, маҳорат; Худо

Паргор – циркул

Хаммор – 1) Майхўр, ичкиликка берилган; 2) Ичкилик тайёрловчи, ичкилик сотувчи.

Иморат – 1) Ободонлаштириш, обод қилиш; 2) уй, бино

Насрий баён

Ул ой(дек гўзал) олдида ошиқлигимни айтиб, изҳор қилдим, унинг сирини – кўнглида нима борлигини билмай, дилимдаги бор дардим – сиру асрорларимни (бирма-бир) айтиб бердим.

Кўзим қорасини эритиб (сиёҳ қилиб), ўша ой(дек маҳбубам) га мактуб ёздим, бу ҳийла билан зора кўзим (унинг) рухсорини кўрса!

Кўздан то жонга (унинг дарди) етиб бормас экан, у лаълдек лабидан ҳаёт сувини, яъни бўса бермайди. Бу ҳолат эса Исо Масиҳнинг ўлаёган беморни тирилтиришига ўхшайди.

Маъшуқа сочларининг қора ва зулмати – куфри ичида ўлган халқ, яъни ошиқларнинг зунноридан тасбеҳ ипи ясаб олган зоҳидларнинг бу ҳаракати ҳайф, яъни ҳеч нарсага арзимайди.

Юзингнинг таърифини, ёки гўзаллигини яратиш жараёнида илоҳиёт наққоши циркулини куёшга тенг миқдорда очди.

Фано дайри майфурушини маст ҳолда кўрсанг, эй зоҳид, унинг жомини тўкмаки, яна бало сайли жаҳонни бузиб юбормасин.

Эй Навоий, ишқимнинг кучлилиги – шавқидан ўладиган бўлсам, тупроғим билан муҳаббат кўчасининг деворини тиклаб кўярсан.

Шарҳ ва изоҳлар

Биз таҳлил қилаётган навбатдаги ғазал анъанавий етти байтли бўлиб, мазмунан ошиқона, шаклан эса парокандадир. Ғазални ошиқ шоир маъшуқасига ишқ изҳори билан бошлайди:

Қилдим ул ой оллида ошиқлиғим изҳорини,
Мен анга сиррим дедим билман анинг асрорини.

Мумтоз адабиётда ошиқнинг хору забун ва маъшуканинг унга қарама-қарши равишда мағрур ва масрурлиги анъанавий ҳолат бўлиб, бу ҳолатга мурожаат этган шоир маъшуқа сирини муқаддас билган ва унга даҳл қилмаган ўз сирини – дарду ишқини бирма-бир баён қилганини, кўнгил розини изҳор этганини тасвирламоқда.

Байтда ул ой сўзи ёрдамида *истиора*, *сир* ва *асрор* сўзлари воситасида *иштиқоқ* санъатларига мурожаат этиган.

Кўз қаросин ҳал қилиб ул ойға ёзғум номае,
Боре бу тазвир ила кўргай кўзум рухсорини.

Ошиқ маъшукасига дил изҳорини айтганидан бери уни кўриши қийинлашиб қолди. Ҳижрондан тоқати тоқ бўлган ошиқ кўз қорачиғини сиёҳ ўрнида ишлатиб, ёрига мактуб ёзишга ҳам рози. Бу фидойиликни у ҳийла-тадбир деб атаб, зора шу йўл билан гўзалимнинг дийдорига эришсам, деб орзу қилади.

Байтда *муболаға*, ул ой сўзи орқали *истиора*, кўз сўзининг такрори орқали эса *такрир* санъатларидан фойдаланилмоқда.

Кўзидин то жонға етман лаълидин бермас ҳаёт,
Ул Масиҳ ўлдум деганда тиргизур беморини.

Кўзимни бахшида этишим токи жонга бориб етмас, яъни жонимни ҳам фидо қилмас эканман, у билан кўришиш, лаълдек қизил лабидан оби ҳаёт мисоли сўзларни эшитиш қийин, дейди шоир ўз маъшукаси ҳақида. Ва буни қуйидагича исботлайди: Ахир Исо Масиҳ ҳам инсон ўлганидан кейин унга жон бағишлайди-ку!

Байтда маъшукани Исога ўхшатиш орқали *тамсил*, Масиҳга мурожаат орқали *талмеҳ* ва ўз ҳолатининг тасвири орқали *муболаға* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Ҳайфдурким, риштайи тасбиҳ қилғай аҳли зуҳд,
Куфр зулфи ичра ўлган халқнинг зуннорини.

Навбатдаги байтда шоир лирик чекиниш қилиб, ирфоний фикрларга мурожаат этмоқда.

Зоҳид, яъни зуҳд аҳли Навоий ижодида ва умуман, мумтоз адабиётдаги каби иккиюзламачи сифатида келмоқда ва бу ўринда ҳам маломат қилинмоқда. Яъни уларнинг тасбеҳи, аслида ишқ куфри ичида ўртаниб, азобланган, жон берган кишилар, яъни ошиқларнинг зунноридан олинган кўчирма, дейилмоқда.

Байтнинг ботиний, демакки ҳақиқий маъносини аниқлаш учун куфр ва зуннор истелоҳларининг асл маъносини билишмиз талаб этилади. *Куфр* – Яратгандан бошқасини англамайдиганлар, кўрмайдиган ва билмайдиганлардир. Алишер Навоий қомусий луғатида ёзилишича, бундай куфр “фано мартабасига етган банданинг Ҳақдан ўзга нарсани тан олмаслигидан ҳосил бўлади”. *Зуннор* эса ишқ йўлида белни маҳкам боғлаш, ҳар қандай қийинчиликка чидаш маъноларини англатади.

Демак, байтнинг ботиний маъносини қуйидагича шарҳласак бўлади: ошиқлик йўлида Худодан бошқасини тан олмайдиган даражага етган фоний зотларнинг саъй-ҳаракатидан, қатъияти ва журъатига тақлид қилинган сохта улуғворлик билан фахрланиб юрадиган зоҳидларнинг сунъий буюклиги ҳеч нарсага арзимади.

Байтда *тасбеҳ* ва *зуҳд*, *куфр* ва *зуннор* сўзлари ёрдамида *таносиб*, *куфр* зулфи бирикмаси ёрдамида *истиора* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Оразинг даврин чекарда гўйиё наққоши сунъ,
Меҳр даври бирла тенг очмиш эди паргорини.

Навбатдаги байтда яна маъшуқа гўзаллиги таърифига қайтилаётир. Яъни, юзингнинг гўзаллиги, нурлилигини Яратган куёшга ўхшатган, нафақат ўхшатган, балки айнан куёш шаклида циркулини очган, яъни куёшдай яқиндан ўт пурковчи, узоқдан нур сочувчи қилиб яратган.

Байтда *муболағанинг* энг юқори – ғулув даражасига мурожаат этилган. Бундан ташқари *оразинг даври*, *меҳр даври*, *наққоши сунъ* бирикмалари ва *паргор* сўзи орқали *истиора*, *давр* сўзининг такроридан *такрир* ва *ташхис* санъатларидан фойдаланилган.

Тўкма жоминким, бало сайли жаҳонни бузмасун,
Маст кўрсанг, зоҳидо, дайри фано хамморини.

Яна Навоий орифона мавзуга ўтиб, зоҳидга мурожаат этмоқда. Яъни ўзлигини мутлақ илоҳиётга таслим қилган – фано майхона-сида маст ва нафақат маст, балки ўзи май тайёрловчи мақомига эришган ориф – комил зотларнинг фақат ўзи ва Яратган тушунган илоҳий дийдордан мастлигини кўргач, уларни ўзингнинг калта қаричингга сиғмайдиган ҳолатлари сабабли айбламаки, яна уларнинг ишқидан жаҳонга ўт тушиб, бутун олам мувозанати бузилмасин. (Масалан, Мансур Ҳаллоҷ қатлидан кейинги ҳолат каби).

Байтда жом, маст, хаммор сўзлари ёрдамида таносиб, бало сайли, дайри фано ва фано хаммори бирикмалари ёрдамида истиора, зоҳидо ундалмаси ёрдамида эса *илтифот* санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Эй Навоий, шавқидин ўлсам иморат қилгасен,
Туфроғим бирла муҳаббат кўйининг деворини.

Мақтаъда Навоий ғазалга ошиқона ва орифона фикрларни умумлаштириб, якунламоқда. Яъни: ишқнинг зўрлигидан ўладиган бўлсам, шундоқ ҳам хок бўлаёзган жасадим тез орада тупроққа айланади. Бу тупроқдан муҳаббат кўчасининг деворини тиклаб қўйки, ўшанда мен мақсадимга эришаман. Яъни маъшуқаси дийдорига етмаган ошиқ ҳеч бўлмаса вужуди муҳаббатнинг (балки маъшуқанинг) кўчаси деворига хизмат қилишини хоҳлаяпти. Ўшанда у дийдор нафасини ҳис этиб, мақсадига эришади.

Байтда *туфроғим* сўзи, *муҳаббат кўйи*, *муҳаббат кўйининг девори* бирикмалари ёрдамида *истиора*, *эй Навоий* ундалмаси ёрдамида эса *илтифот* ҳамда *муболаға* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Умуман олганда ғазал ишққа маърифатни оғушта қилган ориф ошиқ кўнгил изҳоридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

—~~~~~—

“Оҳким, ул ганж ёд этмас бизинг вайронани...”

—~~~~~—

Оҳким, ул ганж ёд этмас бизинг вайронани,
Ул қуёш бир зарра ёрутмас бузуғ кошонани.

Эгма қошин кўргузуб айлар манга манъи жунун,
Янги ой бирла керак соғ этса бу девонани.

Кўзума ул ваҳхдин дермен юзунг афсонасин,
Ким, севарлар уйқусизлар дойимо афсонани.

Ўзгалар хуснидин ўртанманки, гардун ҳар кеча
Ёрутур минг шамъу куйдурмас бири парвонани.

Чикти жоним бодайи лаълин кўруб, эй муғбача,
Ваҳ, тўла айлаб нетарсен қасдима паймонани.

Билмадиким, аввал айлар нафй ранжидин халос,
Нафй қилган шайх муғ кўйидаги майхонани.

Ашк йўлин тут, Навоий, хоки пойи бирлаким,
Ғусса бар берур қаёнким, сочсам ушбу донани.

— V — — V — — V — — V —
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Ганж – хазина

Кошона – кулба, кўшк, ошён, уй, иморат

Маън – таъқиқ, тўхтатиш, йўл бермаслик

Жунун – телбалик дарди, жиннилик, девоналик

Важҳ – 1) Сабаб, боис, восита. 2) обрў, иззат, ҳурмат, бойлик.

Гардун – 1) Осмон, фалак. 2) Дунё, олам, жаҳон; 3) Осмон, фалак, чарх. 4) Арава. 5) Юксак, баланд.

Нафй – рад этиш, икор этиш, йироқлатиш, кетказиш, бадарға қилиш

Ранж – 1) Машаққат, қийинчилик, меҳнат, заҳмат; 2) Азоб, алам, озор, дард, оғриқ.

Ашк – 1) Кўз ёши; 2) Нур қатралари; 3) Кўз.

Насрий баён

Ундай гўзал (гўё бир) ҳазина бўлиб, биздек ғарибнинг вай-рона (кулба)сини эсламайди, бу ҳолат эса қуёш бузуқ ошённи ёритмаслигига ўхшайди.

Ёрим эгма қошини, яъни жамолини кўрсатиб, менга телба-ворликни маън этмоқда. Бу ҳол янги ой кўрсатиб, девонадан соғломлик талаб қилиш билан баробардир.

Кўзимга юзингнинг афсонасини шунинг учун айтаман, яъни сени кўрмоққа шунинг учун интиламанки, уйқусизлар афсона эшитишни севадилар.

(Эй, кўнглим) бошқаларнинг ҳуснидан ўртанма, яъни уларга эътибор бермаки, осмони фалак ҳам минглаб шам (яъни юлдуз) ларини ёқиб қўядию, улар битта ҳам парвонани куйдирмайди.

Эй муғбача, (маъшуқамнинг) қизил бодадай лабини кўриб, жоним чиқишгача етди, энди қасдимга пиёлани тўлдиришингга нима бор?!

Эй Навоий, кўз ёшингни доим унинг хоки пойига сочки, ушбу донани ерга сочсанг, ғам-ғуссадан ҳосил беради.

Муғ кўчасидаги майхонани инкор этган шайх (бу майхонадагиларнинг) инкор азобидан (аллақачон) халос бўлганларини билмаяпти.

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал шаклан якпора, яъни маъшуқа мадҳига бағишланган бўлиб, мазмунан ошиқонадир. Матлаъ ошиқ маъшуқа ўртасидаги тазодга асосланган муносабат тасвири билан бошланади:

Оҳким, ул ганж ёд этмас бизинг вайронани,
Ул қуёш бир зарра ёрутмас бузуғ кошонани.

Яъни ошиқ ҳокисор ва ҳақир. У маъшуқасини тенгсиз хази-нага, ўзини вайронага, ёрини, қуёшга ўзини эса бузуғ кулбага ўхшатмоқда. Маъшуқам шу гўзаллигию улуғворлиги билан мендай ҳокисор ва ҳақир кимсага назар қилармикин, деб нола чекиб, оҳ тортмоқда.

Байтда *ганж ва вайрона, қуёш ва зарра* сўзлари орқали *тазод, ул ганж ва ул қуёш* бирикмалари орқали *истиора* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Эгма қошин кўргузуб айлар манга манъи жунун,
Янги ой бирла керак соғ этса бу девонани.

Байтда янги ой кўриш телбанинг дардини кучайтиради, деган халқдаги фикрга ишора қилган Навоий, маъшуқам менга жамолини кўрсатди. Бундан менинг ишқ дардим кучайиб, телбалигим ортди. Лекин ёримга соғлом ҳолда кераклигим учун у телбаликдан қайтарди. Бу ҳол худди янги ойни кўрсатиб, кейин телбадан соғломлик сўрашдай зиддиятга қурилган ҳолат бўлди, демоқда. Ҳа, ишқнинг ўзи парадокс! Шунинг учун маъшуқа ошиқдан доим мумкин бўлмаган нарсалар талаб қилади.

Байтда *тамсил* санъатига мурожаат этилмоқда.

Кўзума ул важҳдин дермен юзунг афсонасин,
Ким, севарлар уйқусизлар дойимо афсонани.

Ошиқ маъшуқа ҳижронида уйқуни унутган. Лекин барибир ёрининг висолига эришолмай ҳалак. Шунинг учун ошиқ шоир ўз

кўзларига маъшуқа гўзаллигидан афсона – аникроғи унинг таърифини айтиб бермоқда. Бунинг сабаби, мен уни ҳаддан ортиқ севишим эмас, балки уйқусизлар афсонани севишларидир, демоқда Навоий гўё ўз мухаббатини яшириб.

Байтда *афсона* сўзининг такроридан *тақрир*, *тамсил* ва кўзни жонлантириш орқали *ташхис* санъатлари яратилмоқда.

Ўзгалар ҳуснидин ўртанманки, гардун ҳар кеча
Ёрутур минг шамъу куйдурмас бири парвонани.

Навбатдаги байтда шоир ўз қалбига мурожаат этиб, синову жабрларидан безиб, “бошқасига қиё боқма” деган фикрни образли тарзда ифодалямоқда. Осмондан ибрат ол, демоқда у давом этиб, минглаб шамлар каби юлдузларини “ёқиб” қўядию, лекин ундан битта ҳам парвонанинг жонига ўт тушмайди.

Байтда *шам* ва *парвона* сўзлари орқали *таносиб* ва *тамсил* санъатларидан фойдаланилмоқда.

Чикти жоним бодайи лаълин кўруб, эй муғбача,
Вах, тўла айлаб нетарсен қасдима паймонани.

Навбатдаги байтда шоир ишқ ва ҳижрондан безор бўлиб майхонага киргани ҳақида сўз боради. У ердаги муғбача – май қуювчи боланинг ошиққа май тутгани заҳоти ошиқ ёрининг лаълдай қизил лабларини эслаб, яна туғёнга тушди. Майдек лабни кўриб, шу даражага етдим, яна қасдимга пиёлани тўлдирганинг нимаси демоқда у.

Ёки: ёримнинг лаълдек лабининг гўзаллиги эслаб, ҳали май ичмасданок жоним чиқишга етди, қасдимга бундай қилиб паймонамни тўлдиришингдан нима маъно?!

Байтда *бодаи лаъли* бирикмаси ёрдамида *истиора*, муғбачага мурожаат орқали *илтифот*, *паймона* сўзи ёрдамида эса *тазод* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Билмадиким, аввал айлар нафй ранжидин халос,
Нафй қилган шайх муғ кўйидаги майхонани.

Навбатдаги лирик чекиниш байтида Навоий илоҳий ишқни тушунмай инкор қилган сохта диндорларга нисбатан “сен инкор қилмоқчи бўлганлар инкору исбот, умуман вужуд эҳтиёжлари заҳматида аллақачон халос бўлганлар. Сен бечора эса уларни ўзингнинг калтагина қаричинг билан ўлчамоқчисан”, демоқда.

Байтда *нафй* сўзининг такроридан *такрир*, *муғ кўйи*, *нафй ран-жи* бирикмалари билан *истиора*, *муғ* ва *майхона* сўзлари ёрдамида *таносиб*, *шайх* ва *муғ* сўзлари воситасида эса *тазод* санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Ашк йўлини тут, Навоий, хоки пойи бирлаким,
Ғусса бар берур қаёнким, сочсам ушбу донани.

Мақтаъда Навоий маъшуқани улуғлаб, уни кўрмоқчи бўлсанг, хоки пойига кўз ёшларингни тўк, демоқда. Шунда ушбу дондай кўз ёшлар ғам-ғусса мевасини беради. Ғам-ғусса тортиш эса ошиқликнинг шарти, маъшуқани ўзига жалб этиш йўлидир.

Байтда *ашк йўли* бирикмаси ёрдамида *истиора*, *бар* ва *дона* сўзлари ёрдамида *таносиб* санъатлари яратилмоқда.

Умуман олиб қараганда, ғазал маъшуқани улуғлаган ошиқ кўнгилнинг самимий дил розларидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Ҳар тикан бу ғунчадек кўнглумда пайкон боғлади...”

Ҳар тикан бу ғунчадек кўнглумда пайкон боғлади,
Эй жигар парголasi, сенсиz ичим қон боғлади.

Сендин айрилмоқ кўнгулга мумкин эрмас то абад,
Чун сенинг бирла азалдин аҳду паймон боғлади.

Лабларингнинг шавқидин ҳар қатра қонким, тўкти кўз,
Совуғ оҳимдин ҳам ул дам лаълу маржон боғлади.

Деди ақлу фаҳм ани кўргач, шикебе кўзлали,
Ваҳки, тун боғин яна ул шўх часпон боғлади.

Қондин ўлди дард боғининг гули ҳар пахтаким,
Доғима сабр илги марҳам бирла ҳар ён боғлади.

Совуруб тифли хазон туфроғ ила тенг қилмаған
Қайси бир гулдаста бу боғ ичра деҳқон боғлади?

Иштиёқингдин Навоий ўлдию етмас санга,
Гўйиё бу навъ оёғин банди ҳижрон боғлади.

– V – – V – – V – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Пайкон – қамиш ўқнинг металлдан тайёрланган “уч”и

Паргола – 1) Парча–парча, бўлак. 2) изтироб, алам, қайғу

Шикеб – 1) Сабр, тоқат, чидам; 2) ором, тинчлик

Часпон – ёпишиб, ярашиб турадиган кийим

Марҳам – малҳам, даво


Тифл – 1) Бола, гўдак, чақалоқ; 2) Ёш; навжавон; бўй етган

Навъ – 1) Тур, нав, хил; 2) Кўриниш, йўл-йўриқ, йўсин

Насрий баён

Ҳар тикан менинг бу гунча каби кўнглимга пайкон бўлиб кирди, эй жигаримнинг бўлагига айланган ёрим сенсиз ичим, юрак-бағрим қон боғлаб кетди-ку!

Кўнглимга сендан айрилиш (то абад) мумкин эмаслигининг сабаби, у сен билан азалдаёқ аҳду паймон боғлаб бўлган.



Лабларингга интильмоқлик шавқидан кўзларим қон тўкди, оҳимнинг совуқлигидан ҳам лаъл ва маржон (яъни муз) боғлаб бўлди.

Ақл ва фаҳм уни кўриб, сабр-тоқат ва орому тинчликни кўзлаб қолди. У тун боғичини шўх гўзал боғлаганга ўхшади.

Қонли доғимга сабр қўли пахта қўйиб, малҳам боғлади ва натижада, ҳар бир дард боғининг гули қизил рангга кирди.

Бу боғ ичида деҳқон боғлаган қайси гулдастани ҳазон гўдаги созуриб, тупроққа тенг қилмаган бўлсин?

Иштиёқингдан Нвоий ўлишгача етди, лекин сенга эришолмади, гўё оёғини ҳижрон банди боғлаб олгандай.

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал ошиқнинг ҳижрондаги ҳолатини маъшуқасига айтётган тасвири баёнидир. Матлаъдаёқ бу ҳолат, яъни ҳижрон муболағавий тасвирлар билан баён қилинади:

Ҳар тикан бу ғунчадек кўнглумда пайкон боғлади,
Эй жигар парголаси, сенсиз ичим қон боғлади.

Ёки ҳар бир тикан – ёмон сўз, ишора, ҳатти-ҳаракати ғунчадек кўнглимга тикан каби кирди. У ерда ўқнинг металл учи – пайкон каби озору заҳмат берди. Эй жигаримнинг бир бўлаги бўлган ёрим, сенсиз ичим қонга тўлди.

Иккинчи мисрага эътибор қилсак, Навоийнинг табобат илмидан ҳам хабардор эканлигини биламиз. Яъни, жигар қондан бўлади ва унга зиён етса, қон бузилиши ҳодисаси ҳам юз беради. Улуғ шоир бу ўринда маъшуқасига мурожаат қилиб, эй ёрим, жигаримнинг бир бўлаги бўлганлигини учун ҳам, сенсиз ичим қонга тўлди, демоқда.

Байтда *тикан* ва *ғунча* ҳамда *жигар парголаси* ва *қон* сўзлари воситасида *таносиб*, аини пайтда *тикан* ва *ғунча* сўзлари воситасида *тазод*, эй *жигар парголаси* ундалмаси ёрдамида эса *илтифот* санъатилари ҳосил бўлмоқда.

Сендин айрилмоқ кўнгулга мумкин эрмас то абад,
Чун сенинг бирла азалдин аҳду паймон боғлади.

Ошиққа ишқ бугун, кеча ёки маъшукани кўрган кунидан пайдо бўлмагандай кўринади. Бу дард унга азалда – руҳ танга пайваст бўлмасдан олдин берилганга ўхшайди. “Фарҳод ва Ширин” достонида бу ҳақда Навоий:

Деди: Қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?

Деди: Руҳ эрмас эрди танга пайваст,

деб таъкидлайди. Яъни ишқ азалийдир ва маъшукани кўрмасдан олдин ниманидир излаган, нимагадир интиланган тарзда, бетоқат ҳолда кечади. Хусн соҳиби бўлган маъшукани кўргач эса, нимага интилаётганлигини билади, фақат унга эришиш имкони йўқлигидан азият чекади, ўртанади, изтиробга тушади. Азал ва абад оралиғида унга қараб девонавор, теблаваш ва беқарор бир ҳолатда интилади. Унга эриша олмада-да, айрилмоқликни тасаввур ҳам қила олмайди.

Байтда азал ва абад сўзлари орқали *тазод*, аҳду паймон сўзлари орқали эса *таносиб* санъатларига мурожаат этилган.

Лабларингнинг шавқидин ҳар қатра қонким, тўкти кўз,
Совуғ оҳимдин ҳам ул дам лаълу маржон боғлади.

Ошиқ маъшуканинг лабларини эслаб дам қон, дам кўз ёши тўқар экан. бир пайт у шундай совуқ “оҳ” тортибдики, кўз ёши ҳам, қон ҳам турган жойида муз бўлиб, лаълу маржонга айланиб қотиб қолибди.

Байтда кучли муболаға – ғулув ўз ўрнида қўлланилмоқда. Бундан ташқари *лабларингнинг шавқидан* бирикмаси ёрдамида *истиора*, *лаълу маржон* сўзлари ёрдамида эса *таносиб* санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Деди ақлу фаҳм ани кўргач, шикебе кўзлали,
Ваҳки, тун боғин яна ул шўх часпон боғлади.

Маъшуканинг гўзаллигини кўргач, ақлу заковат, фаҳму фаросат ҳам беорому беқарор бўла бошлади. Бу ҳолат кўйлаклари ўзига қўйиб қўйгандай ярашиб турган маъшуканинг ҳийла қилиб, “тун боғичларини боғлаши” яъни сеҳр-жоду қилиши туфайлими, деб шубҳага тушди.

Байтда ақлу фаҳмнинг сўзлаши орқали *интоқ* санъати яратилмоқда.

Кондин ўлди дард боғининг гули ҳар пахтаким,
Доғима сабр илги марҳам бирла ҳар ён боғлади.

Ошиқ ишқ дардидан юраги қон бўлиб, бу дард унинг зоҳирига ҳам таъсир ўтказди. Натижада бу доғларга сабр қўли пахта билан малҳам қўйиб, боғлади. Менинг бу ҳолатим дард боғида қизил гуллар очилишига сабаб бўлди, дейди ўз изтиробларини образли тарзда тасвирлаган шоир.

Байтда *дард боғи*, *сабр илги* бирикмалари ёрдамида *истиора*, *боғ ва гул* сўзлари воситасида *таносиб*, сабрни жонлантириш орқали *ташхис* санъатлари яратилган. Байтнинг умумий руҳи ҳам истиорага асосланган.

Совуруб тифли хазон туфроғ ила тенг қилмаган
Қайси бир гулдаста бу боғ ичра деҳқон боғлади?

Навбатдаги байтда Навоий мавзудан четлашмаган ҳолда маъ-виза байтга мурожаат этмоқда. Яъни, азал деҳқони бўлган Худо турфа гўзалликларни мужассамлаштириб, бир гулдастадай гўзал инсонни – маъшукани яратди. Бироқ бундай гулдастани ҳам нималигини фаҳмига етмай ўйнаган гўдак каби шафқатсиз тақдир пайхон қилди. Бу боғ ичида мана шу шафқатсиз “гўдак” дастидан пайхон бўлмай қолган бирорта гулдаста бормикин, дея улуғ шоир “бақо гулига сабот” йўқлигидан яна бир бор қайғурмоқда.

Байтда *тифли хазон бирикмаси*, *гулдаста*, *боғ ва деҳқон* сўзлари орқали *истиора*, айни пайтда *хазон*, *тупоғ*, *гулдаста*, *боғ ва деҳқон* сўзлари орқали эса *таносиб* санъатларига ҳам мурожаат этилмоқда.

Иштиёкингдин Навоий ўлдию етмас санга,
Гўйиё бу навъ оёгин банди ҳижрон боғлади.

Мақтаъда Навоий яна юқоридаги мавзуга қайтиб, уни якун-ламоқда. Яъни, нима қилса ҳам Навоий сенга етолмади, бу ҳолатдан жони чиқиш даражасига етди, лекин мақсадга эришмади, бу тақдирнинг ҳукмими, яъни унинг оёгини ҳижрон банди боғлаб олдимиди?

Байтда *муболаға* ва *банди ҳижон* бирикмаси орқали *истиора* ва *ташхис* санъатлари яратилмоқда.

Радиф бўлиб келаётган “боғлади” сўзи ғазалнинг бошидан охир келиши ғазалга гўзал бир уйғунлик бахш этмоқда. Умуман олганда, маъшуқа гўзаллиги, ҳижрон изтироблари, ишқ азоблари тасвири шу радиф воситасида бир-бирига боғланиб, ягона асарни дунёга келтирган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

——
“Эй кўнгул, келким, иков бўлуб нигоре кўзлалаи...”
——

Эй кўнгул, келким, иков бўлуб нигоре кўзлалаи,
Сарв қадде истабон сийминузоре кўзлалаи.

Ёрлиғ кўз тутқанимиз кўзлади чун ўзга ёр,
Бизда ҳам кўз бор, бориб бир ерда ёре кўзлалаи.

Чун ғубори маркабидин равшан айлар эл кўзин,
Термуруб турғунча бориб, шаҳсуворе кўзлалаи.

Сайри боғу дашт этарбиз ҳам яна бир ёр учун,
Боғ сари кўз солалаи, даштсоре кўзлалаи.

Гар анингдек шўхи шахрошуби офат топмасақ,
Бир факире меҳрибоне ғамгусоре кўзлалди.

Гарчи нопаддо эрур мақсуд, армон қолмасун
Хосу ом ичра қила олгунча боре кўзлалди.

Эй Навоий, бўлмагунг андин булар бирла халос,
Келки, ҳам васлин тилаб сабру қароре кўзлалди.

– V – – V – – V – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Сиймин – кумуш, оппоқ, кумуш ранг

Узор – 1) Юз, бет, чехра; 2) Жамол, кўрк; 3) Сатҳ, бет, саҳифа

Ғубор – 1) Чанг, тўзон, тупроқ; 2) Хиралик, ҳафалик; 3) Нотинч-лик, ғавғо; 4) Арзимаган нарсa

Маркаб – улов; от, туя, эшак кабиниладиган ҳайвон

Шаҳсувор – 1) От минишга маҳоратли, чавандоз; 2) Маҳбубу, севиқли

Хосу ом – 1) Махсус кишилар ва омма; 2) Омма; 3) Зодагонлар ва оддий халқ

Нопайдо – 1) Кўринмайдиган, йўқ, ғойиб; 2) Амалга ошмаган, рўёбга чиқмаган

Насрий баён

Эй кўнглим, кел икковимиз (биргаликда) бир маъшукани кўзлаймиз, бир сарв қадликни қидириб, оқ юзли гўзални излаймиз.

Ёр деб умид қилагнимиз бошқа ёрни қидириб турган бир пайтда, бизда ҳам кўз борлигини кўрсатиб, бирор ерда (бошқа бир ёрни) кўзлайлик – мўлжаллайлик.

(Ўша бевафо маъшуқанинг) тулпори туёғининг гардидан эл кўзи равшан бўлган бир пайтда (яъни у ҳамманинг эътиборига тушган бир вақтда) унга қараб термулиб туришдан фойда йўқ – бошқа чавандозни кўзлаш керак.

Ўша бевафо хаёли билан дашт кезиб, боғ сайр этишдан наф йўқ экан, демак, боғ ва даштга ўзгача кўз билан, яъни табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлган ҳолда назар ташлаш керак.

Агар унингдек бутун шаҳарга бало келтирувчи, шўх ва офатижонни бошқа учратмасак ҳам, (ўзимизга ўхшаган) бир фақир, меҳрибон ва ғамхўр ёр қидирайлик.

Агар мақсад кўздан ғойиб бўлган бир шароитда ҳам, дилда армон қолмаслиги учун имкон борида дўст ва бегоналар ичида бир ёр топишга ҳаракат қилайлик.

Эй Навоий, шунча ҳаракат қилсанг ҳам, ўша бевафо маъшуқанинг ишқидан халос бўла олмас экансан, энди унинг васлини истаб, сабру қарор кўзлайвер!

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий етти байтли ушбу ғазал шаклан якпора ва мазмунан ошиқона бўлиб, унда маъшуқадан аразлаган ошиқ кўнгил розлари ифодаланган. Биринчи байтда бу араз, хафагарчилик намоён бўлмайди, балки ғазалхон шоирни бир гўзал маъшуқа ишқида куйишни истаётганлигини тушуниши мумкин:

Эй кўнгул, келким, иков бўлуб нигоре кўзлали,
Сарв қадде истабон сийминузоре кўзлали.

Шоир ошиқ бўлишни мўлжаллаган гўзал унча-бунча эмас, балки гўзалликда танҳо – сарв қадли ва оппоқ юзли бўлиши керак. Буни юқоридаги таърифлардан ҳам билиб олиш мумкин.

Байтда эй кўнгул ундалмаси билан *илтифот* санъатига мурожаат этилмоқда. Бундан ташқари кўнгилга мурожаат этиш орқали у жонлантирилиб, *ташхис* санъатига ҳам мурожаат этилаётир. *Сарв қадде* ва *сийминузоре* бирикмалари орқали эса *истиора* санъатидан фойдаланилмоқда.

Ёрлиғ кўз тутқанимиз кўзлади чун ўзга ёр,
Бизда ҳам кўз бор, бориб бир ерда ёре кўзлали.

Иккинчи байтда эса бу излашу кўзлашнинг мақсади аён бўлмоқда. Шоирнинг маъшуқаси бошқага назар ташлаган. Бунга тоқат қилолмаган ошиқ ҳам ундан воз кечиб, бошқа маъшуқа изламоқчи. Шунинг учун ҳам у кўнглига мурожаат этиб, “бизда ҳам кўз бор” дея киноя қилмоқда.

Байтда *ёр ва ёрлиғ, кўз ва кўзлали* сўзлари орқали бир йўла икки ўринда *иштиқоқ, кўз сўзининг* такроридан тақрирнинг *радд ул-ҳашв илал ҳашв, ёр сўзининг* такроридан эса *радд ул-аруз илал ҳашв* турларига мурожаат этилмоқда.

Чун ғубори маркабидин равшан айлар эл кўзин,
Термуруб тургунча бориб, шаҳсуворе кўзлали.

Маъшуқа шунчалар гўзал ва бу гўзаллиги билан эл орасида шу қадар машҳурки, унинг тулпорининг гардини эл кўзларига суртиб, бу билан гўё кўзлари равшанлашгандай фахру ифтихорга тўлади. Бу ҳолатдан, албатта шоирнинг лирик қаҳрамони бўлган ошиқ рашк азобида қолади. Шунинг учун ҳам у бу ҳолатга термулиб турганча, бошқа бир чавандоз ёр кўзлаш керак, деган қарорга келади.

Байтнинг биринчи сатрида *муболаға, маркаб ва шаҳсувор* сўзлари орқали эса *таносиб* санъатлари яратилмоқда.

Сайри боғу дашт этарбиз ҳам яна бир ёр учун,
Боғ сари кўз солали, даштсоре кўзлали.

Навбатдаги байтда ошиқ боққа муаъшуқанинг висолидан умид қилиб, даштга эса унинг хижронидан зада бўлиб эмас, балки боғу даштнинг гўзаллигидан баҳра олиш учун, ёки уларда бошқа бир гулчехранинг жамолини кўриш умиди билан қарамоқчи. Шунинг учун кўнглига “боғ томон кўз солиб, дашт сари кўзлайлик” деб маслаҳат қилмоқда.

Байтда *боғу дашт* сўзлари ҳамда *кўз солали, кўзлали* бирикмалари ёрдамида *таносиб*, бу сўзларнинг ўзаро такроридан эса тақрирнинг *радд ул-ҳашв* тури ҳосил қилинган.

Гар анингдек шўхи шахрошуби офат топмасак,
Бир фақире меҳрибоне ғамгусоре кўзлали.

Навбатдаги байтда ошиқ маъшуқанинг шўх, шаҳарга бало со-
лувчи ва офат эканлигидан ёзғириб, гарчи бу қадар офатижон
тополмасак ҳам, ошиғига шафқат қилувчи меҳрибон, ғамхўр ва
камтарин ёр топиш умидида эканлигини баён қилмоқда.

Байтдаги киноявий эътирофга эътибор қилсак, ошиқ маъшуқа
сифатларини айтиб, шикоят қилаётгандай туюлса ҳам, аслида уни
қўмсаётганини, соғинаётганини сезамиз.

Байтда шўхи шахрошуби офат сўзларига фақире меҳрибоне
ғамгусоре сўзлари маънавий тазод бўлиб келмоқда.

Гарчи нопайдо эрур мақсуд, армон қолмасун
Хосу ом ичра қила олгунча боре кўзлали.

Инсон бир маррани мақсад қилар экан, уни қўл етиб бўлмас
эканлигини билса-да, унга қараб интилишни бас қилмаслиги ке-
рак. Бу ибратли ҳол даҳоларнинг ҳаёти ва фаолиятида яққол на-
моён бўлади. Навоий ушбу байтда ғазалдаги мавзунини давом этти-
раётгандай кўринса ҳам, аслида мавзудан анча баланд фикрлаёт-
ганлигининг гувоҳи бўламиз. Яъни, ҳар қандай ҳолда ҳам мақсад
бор экан, унга имкон қадар интилмоқ керак.

Байтда хосу ом сўзлари орқали *таносиб* санъати яратилмоқда.

Эй Навоий, бўлмагунг андин булар бирла халос,
Келки, ҳам васлин тилаб сабру қароре кўзлали.

Мақтаъда маълум бўлишича, ошиқ ҳар қанча ҳаракат қилса,
бошқа ёрни кўзлашга интилса, дашту боғ сайр этиб, ўшандан
маҳбубини изласа ҳам, маъшуқасининг танноз, офатижон, шўх
эканлигидан ёзғириб, унинг ўрнига ўзига ўхшаш камтар, меҳри-
бон, ғамхўр бир ёр қидирса ҳам, офатижон маъшуқанинг висоли
маҳолу олисдан олис эканлигини билса ҳам, уни унитолмади. Шу-
нинг учун ғазал якунида ўз-ўзига мурожаат этиб, булардан халос
бўлмас экансан, демак сабр қил ва висолини тила демоқда.

Байтда эй Навоий ундалмаси орқали *илтифот*, *сабру қарор* сўзлари воситасида эса *таносиб* санъатлари яратилмоқда.

Умуман олганда, ғазал муҳаббатга садоқат, маъшуқа жабру зулмига қарши сабру қарор қилиш ҳақиқий ошиқнинг сифатлари эканлигининг тасвиридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Ғунчадек қон боғланибдур кўнглум, эй гул хирмани...”



Ғунчадек қон боғланибдур кўнглум, эй гул хирмани,
Борғоли кўз жўйборидин жамолинг гулшани.

Кўз қорасидин ёзай дермен битиг, ҳайҳотким,
Куйдурур ғайратки, мен махруму ул кўргай сени.

Ақл қочти кўнглум ичра сокин ўлғач дарди ишқ,
Мўр манзилгоҳи эрмас аждаҳолар маскани.

Кўнглум уйида ғами торикмасун ҳар захмидин,
Марҳамин ташлангки, ҳар ёндин очилсун равзани.

Арғувоний ашк аро савсан масаллиг лолмен,
То тўнингдур арғувоний, кўнглакингдур савсаний.

Ҳар гул ушбу боғ аро кўрсанг тикан осибидин,
Ғарқайи хуноб ўлуб юз чок эрур пирохани.

Ашк қониди Навоийдур сўнғак жисми била
Ул муборизким, қизил жинс ичра бўлғай жавшани.

– V – – V – – V – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лугат

Жўйбор – 1) Ариқ, серсув жой, сой; 2) Ҳақиқат оқими; 3) Баҳ-
рамандлик

Битиг – мактуб (тақдир маъносида ҳам келади)

Мўр – чумоли, қумурсқа

Ториқмоқ – зерикмоқ, сиқилмоқ

Заҳм – 1) Яра, жароҳат; 2) Ошиқлик, севишлик; 3) Озор, ран-
жиш, кўнгил яраси; 4) Зарба, уриш кучи, қуввати; 5) Хафалик, ма-
ломат; 6) Бахтсизлик, омадсизлик; 7) Заҳматлар

Равзан – туйнук, дарча тешик

Аргувоний – қизил рангли

Ашк – 1) Кўз ёши; 2) Нур қатралари; 3) Кўз

Савсан – гулсапсар

Осиб – зиён, зарар, кулфат

Пироҳан – кўйлак

Мубориз – жангчи, баҳодир, паҳлавон

Жавшан – совут, зирҳга ўхшаш уруш кийими

Насрий баён

Кўзим ариғидан жамолинг гулшани кетаётган бир пайтда
(яъни сен кетиб борар экансан) кўнглим ишқингда қон боғлаб бир
ғунча шаклига кирибди.

Кўзим қорасини сиёҳ қилиб, нома ёзай десам, мени ғайрат,
яъни ғайрлик – бегоналик туйғуси шу қадар куйдирадики, кўзим
қораси (мактуб сифатида сенга етиб, дийдорингни) кўрадию, мен
шундан ҳам маҳрумман.

Кўнглим ичига ишқ дарди жойлашиб олгандан кейин ақлнинг
қочганлиги бежиз эмас, чунки аждаҳолар маскани чумолининг
манзилгоҳи бўла олмайди-да!

Кўнглим уйида (маъшуқамнинг) ғами торлик заҳмидан озорланмасин деб малҳамдан ҳам воз кечиб, кўнглимнинг ҳар томонидан унга атаб тирқиш-тешикчалар очиб қўйдим.

Нопармон рангдаги кўйлак кийиб, устидан қизил арғувон рангидаги тўн кийганингдан бери савсан гули устидаги арғувоний ашк каби лолман.

Бу гулшан аро ҳар бир гул юз тикан заҳмидан куйлаги тилка-пора бўлиб, қонга беланиб ётибди.

Кўз ёши қонида Навоий суяклари ва вужуди билан қизил либос ичида зирх ва қалқон таққан паҳлавон кабидир.

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу ғазал ҳам анъанавий етти байтли бўлиб, мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал ҳисобланади. Унда ҳижрон азобида қийналган ошиқ изтироблари қаламга олинган.

Матлаъ маъшуқанинг ошиқни тарк этиши ва бу ҳолатга ошиқнинг муносабати тасвири билан бошланади.

Ғунчадек қон боғланибдур кўнглум, эй гул хирмани,
Борғоли кўз жўйборидин жамолинг гулшани.

Ошиқ маъшуқага шу қадар муҳаббатлики, ундан бир лаҳза ҳам айрилишни истамайди. Маъшуқа ошиқ ҳузуридан кетиб борар экан, шу лаҳзадаёқ соғина бошлайди. Бу соғинч унинг ғунчадек кўнглининг қонга айланашига олиб келади.

Байтда ғунчадек сўзи орқали *ташбеҳ*, эй гул хирмани ундалмаси орқали *илтифот*, гул хирмани, кўз жўйбори ва жамолинг гулшани бирикмалари орқали *истиора* ҳамда байтнинг умумий мазмунидан *мубалаға* санъатларига мурожаат этилган.

Кўз қорасидин ёзай дермен битиг, хайҳотким,
Куйдурур ғайратки, мен маҳруму ул кўргай сени.

Маъшуқасини соғинган ошиқ унга кўз қорасини сиёҳ ўрнида ишлатиб, мактуб битмоқчи. Бироқ у шундай фидойилиқдан ҳам

норози. Сабаби, кўзлари мактуб ўқиётган маъшуқа дийдорини кўрадию, унинг ўзи бу саодатдан маҳрум бўлади. Мана шу туйғуни шоир ғайрат – бегоналик туйғуси деб номлаб, у жонимни куйдиради дея ёзғирмоқда.

Байтда *муболаға* санъатидан фойдаланилмоқда.

Ақл қочти кўнглум ичра сокин ўлғач дарди ишқ,
Мўр манзилгоҳи эрмас аждаҳолар маскани.

Ушбу байт бизга Мажнуннинг ҳолатини эслатади. У Лайлини кўрмасдан олдин ақлу заковатда беназир бола ва иқтидорли ўқувчи эди. Лайлини кўргач эса ҳамма ўқиганлари ёдидан фаромуш бўлиб, телбавор бир ҳолга тушди. Мана шу ҳолатга мурожаат этаётган улуғ шоир, ақлни чумолига, ишқ дардини эса аждаҳога қиёслаб, уни образли тарзда тасвирламоқда.

Байтда *тамсил*, *муболаға лаф ва нашр* санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Кўнглум уйида ғами торикмасун ҳар захмидин,
Марҳамин ташлангки, ҳар ёндин очилсун равзани.

Ошиқнинг қалби маъшуқа ҳасратидан шу қадар озорланганки, унда тешиқ-тирқишлар пайдо бўлган. Жонфидо ошиқ кўнглим ичидаги маъшуқа ғами торликдан қийналмасин, деб жароҳатларига малҳам қўйишга ҳам рози бўлмайди.

Байтда *муболаға*, *кўнглим уйи* бирикмаси ёрдамида *истиора*, ғамни жонлантириш орқали эса *ташхис* санъатлари яратилмоқда.

Арғувоний ашк аро савс ан масаллиғ лолмен,
То тўнингдур арғувоний, кўнглакингдур савсаний.

Маъшуқанинг ўзига ярашиб турган либоси – сапсар рангли кўйлак устидан қизил қабо қийиши ошқнинг бир ишқини юзга, мингга еткизмоқда. Бу ҳайратни у “гулсапсар устидаги қизил нур қатралари каби лолман”, демоқда.

Байтда *муболаға* санъатига мурожаат этилмоқда.

Ҳар гул ушбу боғ аро кўрсанг тикан осибидин,
Ғарқайи хуноб ўлуб юз чок эрур пирохани.

Одатдагидек, мактаъдан олдинги маъвиза байтида шоир мавзудан чекинган ҳолда, истиора санъатига мурожаат этиб, оламини боққа, ундаги гулни гўзал ёки қалби гул каби нозик инсонга, тиканни эса турли хил маънавий жароҳатга қиёсламоқда. Хулоса эса бир сатрга жо бўлар даражада оддий ва Навоийга хос ҳолда дохиёна мукаммал.

Яъни: бу оламда ҳар бир кўнгли нозик инсоннинг қалбини турли жароҳатлар гул этаги каби тилка-пора қилиб ётибди.

Байтда гул ва боғ сўзлари орқали *таносиб* ҳамда *истиора* санъатига мурожаат этилмоқда.

Ашк қонида Навоийдур сўнгат жисми била
Ул муборизким, қизил жинс ичра бўлғай жавшани.

Мақтаъ ғазални ва айни пайтда, юқоридаги байтнинг ҳам якуни ҳисобланади.

Яъни: бошқа тилка-пора бўлган гуллар каби Навоийнинг кўнгли ҳам (турли озорлардан) кўз ёши қонига шу қадар ботган ва (қаршилиқ кўрсатиш учун табиий равишда) вужуди қалқонга, суяклари зирҳга айланган. Бу ҳолат билан у қизил либос кийган ва зирҳланган паҳлавонга ўхшайди.

Ёки: ошиқлик дардида Навоий шу даражадаги заиф ва забун ҳолга келдики, жимси ва суяклари ҳам қонли кўз ёшига беланди. Бу ҳолатни кўрганлар қизил либос кийган паҳлавон зирҳ ва қалқон билан турибди, деб ўйлашади.

Байтда *ашк қони*, *сўнгат жисми* бирикмалари ёрдамида *истиора*, *лавф* ва *нашр* ҳамда *муболаға* санъатлари ҳосил этилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал ошиққа маъшуқа ва ишқ етказган озорларнинг ихчамгина бадиий ифодасидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

—❧—❧—❧—❧—❧—
“Ғариблиғ яна кўнглумни дарднок этти...”
—❧—❧—❧—❧—❧—

Ғариблиғ яна кўнглумни дарднок этти,
Шикасталиғ яна кўксумни чок-чок этти.

Бу барча бир сарию ёр ҳолатимни билиб,
Тағофул этмаги мен хастани ҳалок этти.

Дамингни асра, Масихоки, чикмағай гардим,
Бу дамки, кўйида жисмимни даҳр хок этти.

Юзунгга улки қуёш тоби берди юз минг шукр,
Қуёш кеби мени ҳам ишқинг ичра пок этти.

Хуш ул дамеки, дегайлар фано ўтиға фалон
Қадам қўярда не ваҳм айлади, не бок этти.

Не май, не жом, мен усрук ҳамеша, гўё ишқ
Таним ҳадиқасида рағларимни ток этти.

Навоийни тила андин бурунки, дегайлар
Адам йўлин тутуб ул зори бенаво этти.

V-V- VV-- V-V- --
мафоилун фаилотун мафоилун фаълун
мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ

Лугат

Дарднок – 1) Дардлик, дардга мубтало; ошиқ, севгига мубтало бўлган; 2) Оғриқли, хафа; 3) Ғамли

Шикаста – 1) Синган, жароҳатланган, мажруҳ; 2) Суст, заиф, ожиз

Чок-чок – парча-парча, тилим-тилим, тешик-тешик

Сари – сари, томон

Тағофул – 1) Бепарволик, тентаклик; 2) Ўзини билмасликка солиш, эътиборсиз бўлиш

Гард – 1) Чанг, ғубор; 2) Юрувчи, кезувчи; 3) Ғам ғубори; ғам, ҳасрат; 4) Асар, нишона, из; фойда, баҳра, наф; 5) Тапроқ заррачалари; 6) Юк, қолдик; 7) Парда, ҳижоб; амалдорлик либоси

Даҳр – 1) Замон, давр; дунё, олам; 2) Замона; 3) Ер юзи; 4) Ҳаёт

Хок – 1) Тупроқ, кул. 2) Паст тутилган, хор

Бок – 1) Қўрқинч, ҳавф, ваҳм; 2) Зарар; 3) Андиша, парво; 4) Ажаб

Усрук – маст, сархуш

Хадиқа – боғ

Рағ – томир, пай, қон томири

Адам – йўқлик

Насрий баён

Ғариблик, ғурбат, яъни ватансизлик кўнглимни яна дардга мубтало этди ва эзилганлик, синиқлик кўксимни пора-пора қилди.

Буларнинг барчаси бир томону, ёримнинг шу ҳолимни билиб, билмасликка олгани ўзи шундоқ ҳам хаста бўлган мен бечорани ҳалок этишгача борди.

Эй, кишиларни тирилтирувчи Исо Масих, нафасингни чиқармасдан асраки, бу лаҳзада дунё жисмимни маъшуқамнинг кўчасида тупроққа айлантирди. Мендан барибир бир гард – нишона ҳам чиқмайди.

Юзингга қуёш ҳароратини берганга юз минг шукурлар бўлсинки, мени ҳам шу қуёшдек ишқингда пок қилди.

Кимдир биров фано ўтига киришда ваҳм ҳам қилмади, шубҳа ҳам бормади, деган пайтлар қандай гўзал лаҳзалардир!

Май-у жом ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки ишқ менинг боғчасида томирларимни ток каби қилиб яратди. Шу сабабли мен ҳамиша маст ҳолдаман!

Йўқлик йўлини тутиб, у зору бенаво, йўқолди, демаслардан олдин Навоийни (сўрайдиганлар бўлса), сўраб қолинглар!

Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий етти байтли ушбу ғазал ишқ азоби, маъшуқа озори ва ҳижрон заҳматиға бағишланган бўлиб, мазмунан ошиқона ва шаклан парконададир.

Матлаъда ошиқ ўз ҳолини ғазалхониға тасвирламоқда:

Ғариблиғ яна кўнглумни дарднок этти,
Шикасталиғ яна кўкsumни чок-чок этти.

Ошиқ ватанидан узоқда ишқ кўйиға мубтало бўлган ёки ошиқлик кўчасининг ўзини ғурбат – ватансизлик деб атамоқда. Бу ҳолат уни дардға гирифтор қилган, ишқ натижасида келган синиқлик, эзгинлик, кайфиятсизлик эса кўксини пора-пора бўлишға маҳкум этган.

Байтда яна сўзининг такроридан *радд ул-ҳашв илал ҳашв* ва *тарсеъ* санъатлари яратилмоқда.

Бу барча бир сарию ёр ҳолатимни билиб,
Тағофул этмағи мен хастани ҳалок этти.

Бу дардлардан хаста бўлган ошиққа ёри раҳм қилиб, меҳрибонлик кўрсатганда, булки у кўрмагандай бўлиб кетарди. Лекин энг ёмон томони шундаки, маъшуқа ошиғининг бу дарду ҳасратларни кўриб, кўрмасликка олмоқда. Бу ҳолат ишқ дардиға гирифтор бўлган бечораға дард устиға чиққан чипқондай бўлиб, ҳалок этишгача олиб келмоқда.

Байтда *муболаға* санъатиға мурожаат этилмоқда.

Дамингни асра, Масиҳоки, чиқмағай гардим,
Бу дамки, кўйида жисмимни даҳр хок этти.

Афсонларда айтилишича, Исо Масиҳнинг дами – нафаси ўликни тирилтиришға қодир экан. Шу афсоналарни назарда тутган

шоир Исо Масихга мурожаат қилиб, “бекорга мени тирилтираман деб овора бўлма, дунё мени ишқ йўлида бир лаҳзадаёқ, нафақат ҳалок этди, балки тупроққа айлантириб, совуриб ҳам бўлди. Шундай экан, мендан ҳаёт асари тугул, гард ҳам чиқмайди”, демоқда.

Байтда Масихга мурожаат этиш орқали *илтифот* ва *талмех*, *дам* сўзининг икки хил маънода ишлатилишидан *тажнис* ва *муболаға* санъатлари яратилмоқда.

Юзунгга улки қуёш тоби берди юз минг шукр,
Қуёш кеби мени ҳам ишқинг ичра пок этти.

Хусн қанчалик гўзал бўлса, унинг натижасида пайдо бўлган ишқ шунчалик кучли бўлади. Шундай экан, юзи қуёш каби нурли гўзалнинг ишқи ҳам ошиқнинг қуёшдек эритиб, ҳар қандай гуноҳу нуқсонини куйдириб, пок қилишга қодир!

Байтда қуёш сўзининг такроридан тақрирнинг *радд ул ҳашив* *илал ибтидо* турига ва *муболаға* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Хуш ул дамеки, дегайлар фано ўтига фалон
Кадам қўярда не ваҳм айлади, не бок этти.

Ушбу байт лирик чекиниш бўлиб, бу ўринда Навоий фано – йўқлик ўтида тобланган орифларни мадҳ этмоқда. Луғавий маъноси “йўқлик” бўлган бу сўзнинг истелоҳий маъноси тасаввуфдаги энг юқори мартабани англатиб, унга эришган одам инсоний камчилик ва нуқсонлардан тамоман озод бўлиб, илоҳий сифатларни эгаллайди. Бироқ бунга журъат этиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Чунки бу мартабага эришиш учун одамзод дунёвий неъматлардан ўзини тия билиши, ўз ихтиёри билан фақрликни танлаб, ахлоқни камолотга етказиш учун жидду жаҳд қилиши керак. Шунинг учун ҳам Навоий фано ўтига киришда шубҳа қилмайдиган, ваҳимага тушмайдиганларни мадҳ этиб, “қандай улўф лаҳзада улар шу даражага эришдилар!” демоқда.

Не май, не жом, мен усрук ҳамеша, гўё ишқ
Таним ҳадиқасида рағларимни ток этти.

Бу байт ҳам маъвиза байт бўлиб, аини пайтда икки маънони ифодалаб келмоқда. Байтнинг ботиний маъносини англаш учун май ва жом сўзларининг истелоҳий маъноларини билиш талаб этилади. Май – илоҳий ишқ, ёки маърифат бўлиб, жом – кўнгил маъноларини ифодалайди.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак. “менинг кўнглимга илоҳий ишқни қуйишнинг кераги йўқ” демоқда улўғ шоир “мен ишққа шу даражада мубтало бўлганманки, гўё вужудим боғидаги қон томирларимда ток каби қон ўринига ишқ майи оқмоқда. Шунинг учун мен ҳамиша дунёни унутган ҳолда ишқ майидан маст бўлиб юраман.

Байтда *не* сўзининг такроридан *такрир*, *май*, *жом*, *усрук* ҳамда *тан* ва *рағ*, *ҳадиқа* ва *ток* сўзлари воситасида бир йўла уч ўринда *таносиб* санъатлари ҳосил этилган.

Навоийни тила андин бурунки, дегайлар
Адам йўлин тутуб ул зори бенаво этти.

Ғазал сўнгида Навоий ошиқона ва орифона фикрларни умумлаштириб, хулоса ясамоқда. Яъни, Навоий ишқдан, ҳижрон ва маъшуқа эътиборсизлигидан ҳалок бўлиш даражасига етди, фано ўтида куйиб, нафсоний хусусиятларни унутиб, илоҳий сифатларга этишди. Шундай экан, энди у адам, яъни фано, ундан кейин эса адабийлик – бақо сари йўлга тушди. Шундай экан, у бу йўлдан кетмасидан олдин, агар бирор ишинг бўлса, уни сўраб қол!

Байтда *адам* йўли бирикмаси ёрдамида *истиора*, *зор* ва *бенаво* сўзлари ёрдамида *таносиб*, *Навоий* ва *бенаво* сўзлари воситасида эса *тазод* санъатларига мурожаат этилган.

Байтда яна бир гўзал санъат бор. Яъни, этти сўзи мақтаъдан бошқа барча байтларда радиф бўлиб келмоқда. Мақтаъда эса у тажнис санъатига мурожаат этилган ҳолда бошқа эттиларга қофия бўлига келаяпти. Яъни бу ўринда этти – йитди – йўқолди маъносини ифодамоқда.

Умуман олиб қараганда, ғазал ишқ ва маърифат йўлини бирлаштирган ориф ошиқ кўнгил розларини ифодалаб келмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Лаълингга боғланди жоним ҳажр элиндин ол ани...”

Лаълингга боғланди жоним ҳажр элиндин ол ани,
Зулфунгга чирмашти кўнглум қилмағил помол ани.

Боғлади кўнглум манга ошиқлигининг тухматин,
Шарт қилдим кўргач-ўқ расво қилай филҳол ани.

Сендин айру хўблардин очилур кўнглум, вале
Ғунча янглиғким, очарлар куч била атфол ани.

Эй сабо, бағримга санчилган тиканким, англадинг,
Бўлсанг ул гул бирла ҳамдам қилғасен ирсол ани.

Ул алифким, нил ила чектинг узоринг ёнида,
Хусн ичинда бирга ўн қилмиш ёнида хол ани.

Бу чаман кайфийятин озодаеким қилди фаҳм,
Ўн тили савсандек ўлса ҳайрат айлар лол ани.

Эй Навоий, деб эдинг кўргач ани жон топшурай,
Бўлса бу давлат муяссар қилмағил эҳмол ани.

– V – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Эл – қўл

Помол – оёқ ости қилинган, эзилган

Филҳол – тўхтовсиз, дарҳол, шу онда

Атфол – 1) Болалар, гўдақлар, чақалоқлар; 2) Ёшлар; навжавонлар; бўй етганлар.

Ирсол – юбориш, етказиш

Нил – 1) Сурмачўп; 2) Кўк (бўёқ), осмон

Эҳмол – бепарволик, ҳушёқмаслик, сусткашлик

Насрий баён

Жоним лаъл(дек лаб)ингга боғланди, уни айрилиқнинг қўлдан ол, кўнглим сочингга ўралиб қолди,(энди) уни оёқ ости қилмагин.

Кўнглим менга (ўзининг) ошиқлигини тўхматини боғлаб қўйди, (бунинг аламидан) кўрган лаҳзамданоқ уни расво қилай деб ният қилдим.

Сендан бошқа гўзалларни кўрсам, кўнглим очилади, лекин бу ҳолат болалар ғунчани куч билан очишларга ўхшайди.

Эй тонгги шабада, кўнглимга санчилган тикан эканлигини (тўғри) англадинг, у гул, яъни маъшуқа билан бирга бўлганингда бу гапни етказишга ҳаракат қилгин.

“Алиф” ҳарфини юзингнинг ёнига кўк рангли бўёқ билан тилиб (татиуровка қилдинг), унинг ёнидаги (табiiй) ҳол эса гўзаллик ичида бирни ўнга етказди.

Бу чаман(дек дунё)нинг кайфият-ҳолатини (унинг бандидан) озода бўлган бир киши савсан гулидек ўнта тили бўлса ҳам ҳайрат уни лол қилишини фаҳм этди.

Эй Навоий (бир бор) кўрсам, жон беришга тайёрман, дегандинг, энди бундай давлат муяссар бўлганидан кейин (бу ниятнинг) сустлаштирмагин.

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги етти байтли ғазал мазмунан ошиқона, шаклан мусалсал бўлиб, унда ошиқ ва маъшуқа орасидаги муносабат, ошиқнинг ҳолати маъшуқа кайфияти, ташқи кўринишига боғлиқлиги тасвирланган.

Лаълингга боғланди жоним ҳажр элиндин ол ани,
Зулфунгга чирмашти кўнглум қилмағил помол ани.

Матлаъда ошиқ маъшуқасига илтижо қилиб, сенинг кайфия-
тинг, ишоранг, ҳатто ташқи кўринишинг менинг ҳаёт-момотим-
ни ҳал қилиши мумкин, шундай экан, менга шафқат қил, дея ил-
тижо қилмоқда.

Байтда *жон* ва *кўнгил* жонлантирилишидан *ташхис* ҳамда
байтнинг умумий мазмунидан *истиора* санъатлари яратилмоқда.

Боғлади кўнглум манга ошиқлигининг тухматин,
Шарт қилдим кўргач-ўқ расво қилай филҳол ани.

Навбатдаги байтда шоир кўнгилни жонлантириб, ўз ҳолати-
ни унга юкламоқда. Яъни, кўнгил соҳибининг сўзларига кирмай,
ишқ йўлини танлаган. Яна бунинг устига ўз дарди – ошиқликни
соҳибининг бўйнига қўймоқчи. Шунинг учун шоир “кўнглимни
кўргач, уни расво қиламан” деб ният қилмоқда.

Байтда *ташхис* санъатидан фойдаланилмоқда.

Сендин айру хўблардин очилур кўнглум, вале
Ғунча янглиғким, очарлар куч била атфол ани.

Навбатдаги байтда Навоий ғўзал ва оригинал қиёслашга муро-
жаат этмоқда. Яъни, “сендан бошқасига қарамайман, қарасам ҳам
кўнглим тўлмайди” деган фикрни образли тарзда ифодаламоқда.
Сендан бошқасига қарасам кўнглим очилмайди, очилса ҳамки,
бу зўрлик билан – болалар ғунчани қўли билан мажбурлаб очган
каби бўлади.

Байтда *тамсил* санъатининг ғўзал намунаси яратилмоқда.

Эй сабо, бағримға санчилған тиканким, англадинг,
Бўлсанг ул гул бирла ҳамдам қилғасен ирсол ани.

Навбатдаги байтда шоир ёр боғига эркин кира оладиган ва бу
борада ошиқдан анча бахтиёр бўлган сабо – тонгги шабадага му-
рожаат этмоқда. Яъни, маъшуқам билан бирга бўлиб, унинг боғла-
рида сайр қилган чоғингда бағримга усиз ҳижрон ва алам тикан-
лари санчилаётганлиги хабарини етказгин.

Байтда мурожаат этилган сабо образи мумтоз адабиётдаги анъанавий ошиқ мурожаат этадиган образ бўлиб, мумтоз достонлардаги дўст образи билан параллел қўлланилади.

Байтда сабога мурожаат орқали *илтифот*, уни жонлантириш орқали эса *ташхис*, гул сўзи орқали *истиора* санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Ул алифким, нил ила чектинг узоринг ёнида,
Ҳусн ичинда бирга ўн қилмиш ёнида хол ани.

Ошиқ бу ўринда маъшуканинг пардозини мақтаяпти, лекин ундаги табиий гўзалликни ўн баравар зиёда эканлигини ҳам таъкидламоқда.

Байтда *китобат* ва *ташхис* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Бу чаман кайфийятин озодаеким қилди фаҳм,
Ўн тили савсандек ўлса ҳайрат айлар лол ани.

Навоий юқорида гул дея маъшукани, сабо деб дўстни кўзда тутаётганди. Навбатдаги лирик чекиниш мавзусидаги байтда ҳам ғазал образларидан узоқлашмаган ҳолда чаман деб дунёни назарда тутмоқда. Яъни, бу дунёнинг ажойиботларини, бевафолигини, лаҳзада ўзгарувчи кайфиятини таърифлашга юзта гулсапсардай тилинг бўлса, уларни ҳам ҳайрат лол қилади. Дунёдан озод бўлган мард эса айнан шуни англаб, сукутни аъло билмоқда.

Байтда нозик бир ўхшатиш борки, уни айтиб ўтиб кетиш жоиз. Яъни, сасан – гулсапсар очилганда унинг япроқлари тилга ўхшаб туради. Мана шу ҳолатни ҳам кўздан қочирмаган улуғ шоир савсандек ўнлаб тилинг бўлса ҳам... дея тасвирламоқда.

Байтда чаман сўзи ва чаман кайфияти бирикмалари билан *истиора*, *савсандек* сўзи воситасида *ташбеҳ* ва *муболаға* санъатлари яратилмоқда.

Эй Навоий, деб эдинг кўргач ани жон топшурай,
Бўлса бу давлат муяссар қилмағил эҳмол ани.

Ғазал якунида муаллиф висол шукронаси ҳамда муҳаббатининг нечоғлик кучли ва оташин эканлигини муболағавий йўсинда тасвирламоқда.

Байтда муболағадан ташқари эй *Навоий* ундалмаси ёрдамида *илтифот*, *давлат* сўзи воситасида эса *истиора* санъатлари яратилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал Навоийнинг доҳиёна бадиий тафаккурининг намунаси – бир қирраси сифатида аҳамиятли ва қадрлидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Қани висолингга бир мендек орзуманде...”

Қани висолингга бир мендек орзуманде,
Висол умиди била меҳнатингга хурсанде.

Фано майин ичиб оворалиғ йўлин туттум,
Насиҳат аҳли манга эмди бермангиз панде.

Эрур танимдаги юз доғ бирла мунглуғ жон,
Гадоки, тўниға ҳар сари солса пайванде.

Сабаб бу эрди экин хилқатидин Одамнинг
Ки, бўлғай анга сенингдек хужаста фарзанде.

Қўнгулни шўхлар андоқ талаштилар кесишиб
Ки, қолмади мени бедил насиби парканде.

Чоғирни оқил эсанг лаъл деб қизитма димоғ
Ки, ўтни исламади гул дебон хирадманде.

Ажал, Навоийни қутқаз балойи хирмондин
Ки, ул заиф бу дард ичра асру эмганди.

V-V- VV- - V-V- --

мафоилун фаилотун мафоилун фаълун
мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ

Луғат

Меҳнат – 1) Мусибат, бало; 2) Ғам, дард; 3) Машаққат, кийинчилик

Мунглуғ – қайғули, ғамли

Пайванд – 1) Улаш, бириктириш, ёпиштириш, дарахт ва гул новдаларини бир-бирига улаш; 2) Алоқа, муносабат 3) Қариндошлик, яқинлик; 4) Меҳру муҳаббат; 5) Васл

Хужаста – қутлуғ, муборак, бахтиёр

Парканд – парча, бўлак

Эмганди – кийналди, машаққат чекди

Насрий баён

Висолингга мен каби орзуманду, унга эришиш умидида мусибату балога ҳам хурсанд бўлган (бошқа ошиқ) қани?

Йўқлик майини ичиб, оворлик йўлини тудим, эй насихат аҳли, энди менга панд бермай қўя қолинг.

Танимдаги юз доғ – жароҳат билан жоним ғамлидир. Бу ҳолат гадонинг тўнини ҳар ерига ямоқ солганига ўхшайди.

Одам (Ато)нинг яратилишига сабаб сендек бахтиёр фарзанди(нинг оламга келиши кераклиги) сабабли экан.

Кўнглимни шўх (гўзал)лар шундай талашиб, кесдиларки, мен бедилнинг ўзига бир бўлак ҳам насиб бўлмади.

Ақлли бўлсанг, майни лаъл деб мени қизиқтирма, (ахир) фаросатли киши гул деб оловни ҳидламайди-ку!

Эй ажал, Навоийни бало хирмонидан қутқарки, бу ожиз бечора у дард ичида кўп машаққат чекди.

Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли мазмунан ошиқона ва шаклан пароканда бу ғазал ошиқнинг ишқ йўлидаги изтироблари ва маъшуқага бўлган садоқати таърифига бағишланган. Матлаъда ошиқ ўзининг нақадар садоқатли эканлигини, маъшуқасига мурожаат этиб, таъкидлайди.

Қани висолингга бир мендек орзуманде,
Висол умиди била меҳнатингга хурсанде.

Байтда шоир ўзининг содиқ ошиқ эканлигини таъкидлар экан, “Мен каби бошқа ошиқ қани?” деган риторик савол билан, айти пайтда ўз қадрини ҳам билиб, маъшуқага таънаомуз таъкидламоқда.

Байтда *висол* ва *меҳнат* сўзлари ёрдамида *шаклий тазод*, *висол* сўзининг такроридан эса такрирнинг *радд ул-ҳашв илал ибтидо* тури ҳосил қилинмоқда.

Фано майин ичиб оворалиғ йўлин туттум,
Насиҳат аҳли манга эмди бермангиз панде.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қофия сўнгидаги “е” ҳарфи форсий қўшимча бўлиб, “бир” маъносини англатади. Демак, мен ишқ йўлида ўзимдан кечишгача бордим. Йўқлик майини ичиб, маъшуқа кўчасида овора-сарсонлик йўлини тутдим. Эй, насиҳатгўйлар, бу аҳволимни кўриб, насиҳат қилмангки, мен битта ҳам пандни эшитиб, қабул қиладиган даражада эмасман.

Байтда *фано майи*, *насиҳат аҳли*, *оворалиғ йўли* бирикмалари орқали бир йўла тўрт ўринда *истиора* санъатига мурожаат этилган.

Эрур танимдаги юз доғ бирла мунглуғ жон,
Гадоки, тўниға ҳар сари солса пайванде.

Навбатдаги байтда шоир яна ўзининг ишқдаги аҳволини тасвирламоқда. Бу тасвир билан шоир *тамсил* санъатига мурожаат этмоқда.

Сабаб бу эрди экин хилқатидин Одамнинг
Ки, бўлғай анга сенингдек хужаста фарзанде.

Навбатдаги байтда шоир маъшуқа таърифини келтирмоқда. Ғазалдаги маъшуқа таърифланган ушбу ягона байтга эътибор қилсак, шоир анъанадан четлашган ҳолда ёрини “ой” ёки “гул” деб таърифламаяпти. Унинг қошу кўзини зулфу лабини тасвирламаяпти. Фақат Одам Атонинг яратилишга сабаб сендай бахтиёр фарзанднинг дунёга келиши эди, демоқда. Лекин шугина таъриф билан ғазалхон кўз олдиға мукаммал гўзаллик ва камолот соҳиби келиши таъминламоқда.

Байтда *талмеҳ* ва *балоғат* санъатларидан фойдаланилмоқда.

Кўнгулни шўхлар андоқ талаштилар кесишиб
Ки, қолмади мени бедил насиби парканде.

Навбатдаги байтда шоир ўз кўнглининг ночор ва нотаваонлиги, айна вақтда бир нечта гўзалга мафтунлигини образли тарзда бадий тасвирламоқда.

Байтда *ташхис* санъатидан фойдаланилмоқда.

Чоғирни оқил эсанг лаъл деб қизитма димоғ
Ки, ўтни исламади гул дебон хирадманде.

Оқил киши ҳар нимани ўз номи билан атайди. Шундай экан, чоғирни қизил эканлиги учун “лаъл” деб аташ ҳамда бошқани унга қизиқтириш ҳам ақлли кишининг иши эмас. Ахир, фаросатли киши оловни рангига қараб, гул деб уни ҳидламайди-ку!

Ёки: шаробнинг рангига маҳлиё бўлиб, димоғингни қизитиб, ичаверма, яна гул деб ўтни ҳидлаган кишининг аҳволига тушиб қолмагин!

Ушбу лирик чекиниш байтида Навоий нарсa буюмларнинг ташқи кўринишигаю, бир-бирига ўхшашлигига эмас, асл табиатиға қараб иш тутиш оқилларнинг тадбири эканлигини уқтирмоқда ўз ғазалхонига.

Ажал, Навоийни қутқаз балойи ҳирмондин
Ки, ул заиф бу дард ичра асру эмганди.

Ғазал сўнигида Навоий ўзининг ошиқона мулоҳазаларига яқун ясамоқда. Яъни, маъшуқа висолига етолмай, ишқнинг захмати-га ҳам кўниб, хурсанд бўлиб, кимларгадир кўнгил бериб, барибир ўз мақсадига эришолмаган бенаво ошиқ охири ажалга мурожаат этиб, “мени бу бало хирмонидан қутқар, Навоийдек бечора, яъни мен бу бард ичида кўп машаққат чекдим-ку”, дея тавалло қилмоқда.

Байтда *балойи хирмон бирикмаси, заиф ва дард* сўзлари орқали *истиора* ҳамда *муболага* санъатига мурожаат этмоқда.

Умуман олиб қараганда, ушбу ғазал ишқ, ошиқ ва маъшуқ муносабатлари тўғрисидаги Навоий чизган ихчам санъат асаридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Ўтум худ этмади ул тошбағирға таъсире...”

-608-

Ўтум худ этмади ул тошбағирға таъсире,
Бу ёна ўтки, топилмас бу ишга тадбире.

Не турфа суврати бордурки, ҳеч суврат ила,
Қазо мусаввири қилмади буйла тасвире.

Шикоятим кўпу қолмас сени қачон кўрсам,
Танимга тобу тилимга мажולי тақрире.

Тушумда оби ҳаёт ичтим, оҳким, келмас
Кўнгулга лаълини ўпмакдин ўзга таъбире.

Мени муқайяд этар бўлсанг очма ҳалқайи зулф
Ки, пашша қайдиға йўқ эҳтиёжи занжире.

Гул ичра шабнам ила хурдадур сую дона,
Магарки, қайдиға булбулнунг этти тазвире.

Навоий ёрдин ар зулм эрурки, лутфича бор,
Сен этмасанг керак ўз куллуғунгда тақсире.

V-V- VV-- V-V- --
мафоилун фаилотун мафоилун фаълун
мужтасси мусаммани маҳбуни мактуъ

Луғат

Тақрир – муқаррар қилиш, тасдиқлаш, баён қилиш, сўзлаш

Муқайяд – боғланган, кишанланган, банд, гирифтор; вобаста, тааллуқли

Кайд – 1) Боғланиш 2) Тўсиқ, боғланишлик, монелик; 3) Маҳбус қилиш, ҳибсга олиш 4) Ёзиш, кiritиш

Хурда – 1) Майда, реза; олтин резалари; 2) Сир, яшириш сир; 3) Сабаб, боис

Тазвир – фириб, макр, ҳийла қилиш, алдаш

Насрий баён

(Юрагимда ёнаётган муҳаббат) ўтим у тошбағир (маҳбуба)га таъсир қилмади, бу қандай ўт эканки, бу ишга табдир топа олмас экан.

Унинг шундай суврати борки, Қазо Мусаввири бўлган Аллоҳ аввал ҳеч қайси суратда бундай тасвир ишлатмаган!

(Ҳижронингдан, эътиборсизлигингдан ва ҳоказолардан) шикоятим кўп, лекин сени кўрган пайтим танимда мадор ва тилимда сўзлашга бир мажол қолмаса нима қилай?!

Тушимда (афсонавий тирилтирувчи сув –) оби ҳаёт ичдим, (ўшандан бери) лаъл(дек лабидан) бўса оламан дейишдан бошқа таъбир келмайди кўнглимга.

Мени кишанламакчи, банди этмокчи бўлсанг, сочингни ёйиб ўтирма, чунки пашшани ҳибс қилиш учун занжирга эҳтиёж йўқ!

Гул ичида шабнам ва олтин зарралари сув ва дона кабидирлар.
Булбулни ўзига қаратиш учун гул шундай хийла ишлатибди-да!

Навоий ёрдан зулм кўрса, уни лутф ва марҳамат каби қабул қилади, сен эса ўз қуллигингда қусур – хато қилмасанг бўлди!

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги етти байтли ғазал ҳам мазмунан ошиқона ва шаклан пароканда бўлиб, ошиқнинг арзи ҳоли ва маъшуқа гўзаллиги тасвирига бағишланган.

Ўтум худ этмади ул тошбағирға таъсире,
Бу ёна ўтки, топилмас бу ишга тadbире.

Ошиқ шоир ғазал матлаъсида юрагидаги муҳаббат ўтининг маъшуқасига таъсир этмаганлигидан шикоят қилиб, оловнинг барча нарсани беаёв ёндириш хусусиятига эътибор қаратган ҳолда, бу қандай олов эканки, шу ишга қолганда тadbир қила олмади, деб ёзғирмоқда.

Байтда ўт сўзининг такроридан тақрирнинг *радд ус-садр ила ҳашв*, ўтум ва *тошбағир* сўзлари ёрдамида *истиора*, “*m*” товушининг такроридан *тавзиъ* санъатлари яратилмоқда.

Не турфа суврати бордурки, ҳеч суврат ила,
Қазо мусаввири қилмади буйла тасвире.

Маъшуқамнинг гўзаллиги ҳеч кимда йўқ, у ҳусну жамолда ҳеч кимга ўхшамайди, ҳеч кимни тақрорламайди, деган фикрнинг гўзал ва образли тасвири бу.

Байтда *қазо мусаввири* бирикмаси ва *суврати* сўзлари орқали *истиора*, *тасвир* ва *мусаввир* сўзлари воситасида эса *иштиқоқ*, *сурат* сўзининг такроридан *тақрир* санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Шикоятим кўпу қолмас сени қачон кўрсам,
Танимга тобу тилимга мажоли тақрире.

Ошиқ ишқ аро шунчалар хор ва шикастаки, маҳбубамни кўрсам, бу ҳолатимни айтиб, унга шикоят қиламан, деб ният қилади. Бироқ уни кўрганда ҳайрат шу даражада забун қиладики, танасида мадор ва тилида бир сўз айтишга мажол ҳам қолмайди.

Байтда *тавзиз* ва *муболаға* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Тушумда оби ҳаёт ичтим, оҳким, келмас
Кўнгулга лаълини ўпмақдин ўзга таъбире.

Ошиқ ишқда шу қадар садоқатлики, тушида ё ўнгида бирор нима кўрса, ё амалга оширса, дарҳол уни ишқдаги ғалабаси, маъшуқа эътибори билан боғлайди. Жумладан, тушида кўрган афсонавий тириклик сувини ичганлигини ҳам узок умр кўриш, боқийликка эришиш деб эмас, маъшуқа лабларидан бўса олишга йўйиб, таъбирламоқда.

Байтда *оби ҳаёт* ва *лаъл* сўзлари орқали *истиора*, *муболаға* санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Мени муқайяд этар бўлсанг очма ҳалқайи зулф
Ки, пашша қайдиға йўқ эҳтиёжи занжире.

Мумтоз адабиётда, хусусан Навоий ижодида маъшуқа сочлари ёки уларнинг толаси ошиқ қалбини ўраб оладиган, ишққа қаттиқроқ мубтало қиладиган объект сифатида тасвирланади. Масалан:

Чун Навоий кўнглини қилди гириҳ бир тори зулф,
Дўстлар, сарриштаи уммидни андин узунг.

Яъни: Навоий кўнглини ёрнинг бир тола сочи боғлаб олди, эй дўстлар энди умидни ундан узаверинглар.

Ушбу байтда эса муболағанинг кичрайтирувчи тури – булуғга мурожаат этган шоир ўзини пашшага, маъшуқа сочларини эса катталаштирувчи муболаға – гулувга мурожаат этган ҳолда, аждаҳога тенглаштирмоқда. Яъни, мен ўзи ишқингда пашшадек нимжон мажудотга айланганман, энди мени асир этиш учун аждаҳодай сочларингни ёйишингнинг ҳожати йўқ.

Гул ичра шабнам ила хурдадур сую дона,
Магарки, қайдиға булбулнунг этти тазвире.

Байтда маъшуқанинг гўзаллиги ошиқни ўзига қаратиши ва бу ҳолатни табиатнинг “ҳийла”си, инсониятнинг табиати деб ҳисоблаган Навоий гул ва булбул, шабнам ва хурда, гул ва дона образлари орқали ушбу ҳолатни тасвирлаган. Худди шу образлар орқали бир йўла уч ўринда *таносиб* санъатига мурожаат этилган.

Навоий ёрдин ар зулм эрурки, лутфича бор,
Сен этмасанг керак ўз қуллугунгда тақсире.

Ҳазал якунида Навоий маъшуқанинг зулму лутфини ўз ҳолида қабул қил, сен эса ишқда садоқатли бўл. Шундагина мақсадингга эришасан, демоқчи.

Байтда зулм ва лутф сўзлари орқали *тазод* ва ошиқ ҳолати тасвирида *муболаға* санъатлари яратилган.

Умуман олганда ушбу ҳазал маъшуқадан жабр кўрган, лекин ҳамон ўз ишқига садоқатли ошиқ кўнглининг розлари тасвиридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

——
“Жоним чиқадур, ҳажр ила жонон керак эрди...”
——

Жоним чиқадур, ҳажр ила жонон керак эрди,
Кўнглум куядур, дард ила дармон керак эрди.

Ғам шомида парвона сифатким, куядурмен,
Бошим уза ул шамъи шабистон керак эрди.

Кўз боғида юз гул очадур ишқ, валекин
Юзу хатидин лолаву райҳон керак эрди.

Хуш келди ҳазин кўнглум аро ғамзаларингким,
Оҳ ўқлариға бир неча пайкон керак эрди.

Қабримға хиром эттингу йўқ тухфае, ваҳким,
Бу хас кеби жон ичра бугун жон керак эрди.

Хуш зийнати кўп номадурур умр, валекин
Тавқийи вафодин анга унвон керак эрди.

Билмай сени ул гул қовар, эй зор Навоий,
Сендек анга бир булбули нолон керак эрди.

--V V--V V--V V--

мафъулу мафойилу мафойилу фаувлун
ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

Луғат

Тавқий – шоҳона буйруқ, фармонга қўйиладиган махсус бел-
ги, муҳр; имзо, имзо чекиш

Қовар – қувар, қувлар

Насрий баён

Ҳижронда жоним чиқиш даражасига етди, бунинг сабаби жо-
нон кераклиги, кўнглим (ишқ) дарди билан куймоқда – дардимга
дармон керак-да!

Ғам шомиди парвонадек куймоқдаман, бошимга қоронғу тун-
ни ёритувчи шам керак бўлмоқда!

Кўз боғида юз марталабдан ишқ юз очмоқда, лекин лола каби
юзу, райхон каби (маъшуқа) хатидан дарак йўқ!

Мунгли кўнглимга нозу ишваларинг хуш келдилар, ўзи “оҳ”им
ўқлариға қадалувчи пайкон керак бўлаётганди!

Қабрим сари бординг, лекин вақт ўтганди, сенга бахшида
этишга лойиқ тухфам йўқ. Бу хасдек жони ичида (сенга бахшида
этишга лойиқ совға -) жон керак эди!

Умр чиройли зийнатланган мактуб кабидир, бироқ унга вафо ва тақводан манзил керакдир.

Сени (кимлигингни билмасдан) у гул (даргоҳидан) ҳайдайдӣ, (аслида) унга сендек бир нола чекувчи бўлбул керак!

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги ғазал ҳам анъанавӣ етти байтли бўлиб, мазмунан ошиқона, шаклан мусалсалдир. Ғазал ўйноқи халқона оҳангда ёзилган бўлиб, унда илгари сурилган мавзу ҳам шунга монанд – ёрга интилиш, унга эҳтиёжмандлик изҳорини акс эттиради.

Жоним чиқадур, ҳажр ила жонон керак эрди,
Кўнглум куядур, дард ила дармон керак эрди.

Байтда ишқ ўтида ўртанган жоннинг жонон - маъшуқага муҳтожлиги дарднинг дармонга муҳтожлигига қиёсланмоқда.

Матлаъдаги сўзларнинг бир-бирига ипга тизилган маржондай мос тушиши *тарсеъ* санъатини юзига келтирмоқда. Яна жон ва жонон сўзлари орқали *иштиқоқ*, *дард* ва *дармон* сўзлари восита-сида эса *таносиб* санъатлари ҳам юзага келмоқда.

Ғам шомиди парвона сифатким, куядурмен,
Бошим уза ул шамъи шабистон керак эрди.

Навбатдаги байтда ошиқ ўзини қоронғу кечада шамнинг ви-солига етолмай, уни ёруғлигини орзу қилиб, куяётган парвонага, ёрини эса ғам шомини ёритувчи шамга қиёсламоқда.

Байтда *шам* ва *парвона* сўзлари билан *таносиб*, *ғам шом*, *шам*и *шабистон* сўзларидан *истиора*, *парвона сифатким* бирик-масидан эса *ташбеҳ* санъатлари ҳосил бўлаётир.

Кўз боғида юз гул очадур ишқ ва лекин
Юзу хатидин лолаву райҳон керак эрди.

Ошиқ ҳар томондан ёрининг дийдорини излаб, қидирмоқда. Бу излаш жараёнида кўзларидан юз боралаб ишқ-муҳаббат гул очиб, балки (кўз ёши ёмғирлари ҳам тўкилмоқда), лекин маъшуқа хуснининг гулзори – лоладай юзи, райҳон каби хатлари кўринмайди. Ошиқ зор бўлиб, уни “керак эрди!” деб изламоқда.

Байтда кўз боғи, ишқнинг гуллаши орқали *истиора*, юзу *хаттини* лолаю *райҳонга* қиёслаш орқали эса *лаф ва нашр* санъатларига мурожаат этилмоқда.

Хуш келди ҳазин кўнглум аро ғамзаларингким,
Оҳ ўқлариға бир неча пайкон керак эрди.

Ошиқ маъшуқанинг ноз билан қараши – ғамзаларини кўнглига худди қамиш ўқининг учидаги металл пайкон каби кирганини билдирмоқда. Лекин у бундай хурсандчилик билан муносабатда бўлмоқда. Сабаби, “ўзи чекаётган “оҳ”ларим пайконсиз ўқ ҳолида бўлганлиги учун фалакка етиб бормаётган эди, энди ғамзаларинг уларга пайкон бўлиб, манзилга етади!” демоқда.

Байтда ҳазин кўнглим, оҳ ўқи бирикмалари орқали *истиора*, ғамза ва *пайкон* сўзлари орқали *лаф* санъатларига мурожаат этилган.

Қабримға хиром эттингу йўқ тухфае, ваҳким,
Бу хас кеби жон ичра бутун жон керак эрди.

Ошиқ маъшуқанинг дардида куйиб, охири жон таслим қилди. Маъшуқа эса энди унга раҳм-шафқат қилиб, қабрини зиёрат қилиш учун борди. Шу ҳолда ҳам бечора ошиқ “сенга берадиган тухфам энди йўқ. Чунки бу ташрифингга муносиб совға фақат жон бўлиши мумкин!” демоқда.

Байтда жон сўзининг такроридан *такрир*, *тухфае* ва жон сўзлари орқали эса *лаф* санъатлари ҳосил бўлган.

Хуш зийнати кўп номадурур умр, валекин
Тавқийи вафодин анга унвон керак эрди.

Маъвиза байтда Навоий умр ўзи бир мактуб мисоли деб, ундаги яхшиликлар, савоб амаллар унга зийнат бўла олади, бироқ

унда тақво – Аллоҳга садоқат ва вафо – инсонга садоқат туйғулари бўлсагина кўзлаган мақсадга – абадиёт манзилига етиб боради, демоқда. Йўқса, эгасиз карвондай бу даҳри дунда сарсари кезиб юраверади. Бу фикрлар улуг мутафаккирнинг тақво ва вафони, умуман садоқатни қанчалик улуғлаганига бир мисолдир.

Байтда *тақвийи вафо* сўзлари орқали *таносиб, нома – умр, тақвийи вафо* – *унвон* сўзлари орқали *лафф ва нашр* санъатлари яратилмоқда.

Билмай сени ул гул қовар, эй зор Навоий,
Сендек анга бир булбули нолон керак эрди.

Ҳазал якунида ошиқ – Навоий ўз-ўзига мурожаат этиб, маъшуқа қадрингни билмай, сени даргохидан қувлаяпти, лекин унга аслида сендай садоқатли ошиқ – булбулдай хушовоз шоир керак, демоқда.

Байтда *гул* ва *булбул* сўзлари орқали *таносиб*, эй зор *Навоий* ундалмаси орқали эса *илтифот*, *гул* сўзи орқали эса *таносиб* санъатлари яратилмоқда.

Умуман олиб қараганда, ушбу кайфиятни кўтарувчи хуш оҳангли ғазалда ошиқнинг маъшуқага жонфидолиги, уни жон мисоли қадрлаши, муаллифнинг инсон умри ҳақидаги мулоҳазалари акс этган. Уни ихчам уйғунликдаги миниятура дейиш мумкин.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

——
“Бўлди ийд, ул турки чобук азми майдон қилғуси...”
——

Бўлди ийд, ул турки чобук азми майдон қилғуси,
Ваҳки, эл беҳудлуғи жонимни қурбон қилғуси.

Барқи офат бўлғуси ҳар шуълаеким айрилур,
Маркаби туйноғидин ул дамки жавлон қилғуси.

Ўқ ҳунилаб ўт ёлиндек ҳар тарафким қўйса юз,
Юз кўнгулни куйдуруб, юз жонни вайрон қилғуси.

Ошкоро жон олиб ҳар ён қилур машғул ўзин,
Элни билмас деб йигит ўзини нодон қилғуси.

Шамъ эмас кўз очтилар наззораға аҳли кубур
Ким, ул ой ийд оқшоми сайри хиёбон қилғуси.

Субҳ майдон азми қилғач, ваҳки, йўқ ёлғуз мени
Олам аҳлин ийди рухсориға ҳайрон қилғуси.

Ийдгоҳ аҳли ҳужуми бирла, эй шаҳ, қилма кибр
Ким, фалак бу жамъни ҳоли паришон қилғуси.

Эй Навоий, рашкдин ўлдумки, ул қотил бугун
Ҳар тараф бу шакл ила юзланса юз қон қилғуси.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Азм – 1) ният, мақсад, майл, қатъий қарор, жазм, ирода, қасд;
2) бориш, жўнаш, одатланиш

Чобук – 1) Тез, чаққон, илдам; 2) Шўҳ, ўйноқи, гўзал

Маркаб – улов; от, эшак каби миниладиган ҳайвон

Туйноғ – туёқ

Жавлон – 1) Кетма-кет ҳаракат, кезиш, айланиш; 2) Ҳамла,
юриш

Наззора – қараш, назар солиш, томоша қилиш

Кубур – қабрлар, гўрлар

Жамъ – 1) Гуруҳ, жамоат; 2) Йиғин, мажлис аҳли; 3) Йиғиш, тўплаш; 4) Тўпланган, йиғилган, йиғма; 5) Ҳамма, барча

Насрий баён

Ҳайит келди, у шўҳ турк ўғлони майдонга чиқади, бундан элнинг ўзидан кетиши мени (рашкдан) жонимни қурбон бўлиш даражасига етказади.

У майдонда кезиб, айланиб юрар экан, тулпори туёғидан чиққан ҳар бир шуъла (ишқ аҳли учун) бир офат бўлмоқда.

Ўқ отиб (машқ қилиш ниятида) ўқиға олов қўйиб, қайси томонга қараса, юз кўнгилни куйдириб, юз жонни вайрон қилади.

Ўзини машғул бўлгандек кўрсатиб, очиқ жон олиш ниятидаю, элни билмайди деб, бу йигит (бошқаларни эмас) ўзини нодон қилмоқда.

Агар қабристон (ёнидаги) ийдгоҳ хиёбонида кечкурун сайр қиладиган бўлса қабрларга ёқилган шамлар деб ўйламанг – қабр аҳли (бўлган марҳумлар ҳам) уни томоша қилиш учун чиқишади.

Тонгда майдонга чиқишга қарор қилгач, бир мени эмас, олам аҳлини юзининг ҳайити билан ҳайрон қилади.

Ийдгоҳдаги одамлар кўплиги билан эй шох, (менинг фуқароларим, амримдагилар шунча кўп деб) кибрланмаки, тақдир бу йиғилган жамоат ҳолини паришон қилишга (ёки бу одамларни сочиб юборишга) қодир!

Эй Навоий рашкдан ўлдим, бу қотил бугун ҳар томонга ўз гўзаллиги билан юзланиб, юзлаб дилларни қон қилмоқда.

Шарҳ ва изоҳлар

Ушбу саккиз байтли ғазал ҳам мазмунан ошиқона ва шаклан яқпорадир. Унда ҳайит куни сайилгоҳга чиққан маъшукнинг ташқи кўриниши, бу кўринишнинг ошиқ шоир руҳиятига таъсири қаламга олинган. Такрор бўлса ҳам, шунини эслатиб ўтиш керакки, мумтоз адабиётда шоирнинг йигит қишига ишқ изҳор этиши одатий ҳол ҳисобланади. Бунинг сабаби, илоҳийнинг зарраси кимла кўринса – у севилишга лойиқ, деган умумтасаввуфий фикрдир.

Албатта бу ишқдан ҳеч қандай ғараз – мақсад кўзланмайди. Фақат пок кўзни пок юзга солиб, илоҳий гўзалликдан баҳра олинади.

Бўлди ийд, ул турки чобук азми майдон қилғуси,
Ваҳки, эл беҳудлуғи жонимни қурбон қилғуси.

Ҳайит куни чавандоз маъшук от ўйнатиб, сайилгоҳга чиқди, унинг бу улғворлиги кўпчиликни ақлдан оздирди, шоирни эса ҳам гўзаллик ҳам ишқ биргалашиб изтиробга солди ва жони қурбон бўлишига оз қолди.

Байтда улуг шоир *жонимни қурбон қилғуси* бирикмаси ёрдамида нозик бир ишора қилиб, ҳайитнинг ийди қурбон эканлигини билдирмоқда.

Барки офат бўлғуси ҳар шуълаеким айрилур,
Маркаби туйноғидин ул дамки жавлон қилғуси.

Чавандоз маъшук сайилгоҳда от ўйнатиб, санъатини намоёйиш қилар экан, оти туёғидан шуъла ажралиб чиққандай бўлади. Оҳки, бу шуъла ўзи ишқ ўтида куйган ошиқ қалбига чақмоқ каби таъсир қилиб, унинг беҳудлигини оширмоқда.

Байтда барки офат бирикмаси ёрдамида истиора, барқ ва шуъла сўзлари воситасида эса таносиб ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Ўқ ҳунилаб ўт ёлиндек ҳар тарафким қўйса юз,
Юз кўнгулни куйдуруб, юз жонни вайрон қилғуси.

Кўркам йигитча – маъшук машғулот ўтказиш билан банд. У ўқига ўт ёқиб, ҳар томонга қараб, нишонни қидирар экан, ўзи билмаган ҳолда бу ҳаракати билан юзлаб кўнгилларни куйдириб, яна юзлаб жонларни нишон каби вайрон қилмоқда.

Байтда юз сўзининг икки маънода ишлатилишидан тажнис, юз сўзининг бир сатрдаги такроридан тақрир ва муболағанинг иғроқ даражаси яратилмоқда.

Ошкоро жон олиб ҳар ён қилур машғул ўзин,
Элни билмас деб йигит ўзини нодон қилғуси.

Маъшук ҳали ҳам сайилгоҳда от ўйнатиб, машғулоти давом эттирмоқда. Лекин бу хатти-ҳаракатини у атайлаб, ошиқларини жонини олиб, кўнглига ўт солиш учун амалга оширмоқда, дейди аламзада шоир. Бу қилмишимни одамлар билмайди деб ўйлаши эса кишиларни эмас, ўзини нодон қилишидир.

Байтда муболағанинг иғроқ ва балоғат санъатларига мурожаат этилмоқда.

Шамъ эмас кўз очтилар наззораға аҳли қубур
Ким, ул ой ийд оқшоми сайри хиёбон қилғуси.

Кечга яқин маъшук қабристон яқинидаги хиёбонга отини бурди. Ёки отини қўйиб, қабристон зиёратига борди. Энди, қарангки, қабрларнинг устида марҳумларнинг яқинлари ҳайит муносабати билан ёқиб кетган шамлар деб ўйламанг, ўша марҳумларнинг ўзи руҳ шаклида унинг гўзаллигини томошо қилиш учун қабрлардан чиқишди, демоқда улуг шоир.

Бундай оригинал қиёслаш Навоийнинг халқ одатларини яхши билиши ва дохиёна бадиий тафаккурининг нақадар юксаклигидан далолат беради.

Байтда ружуъ, ул ой бирикмаси ёрдамида истиора, қабр аҳлининг томошага чиқиши воситасида муболағанинг ғулув даражаси яратилмоқда.

Субҳ майдон азми қилғач, ваҳки, йўқ ёлғуз мени
Олам аҳлин ийди рухсориға ҳайрон қилғуси.

Тонгда маъшук яна майдонга от ўйнатиб чиққач, ҳаммани – олам аҳлини кўркам ҳусну жамоли билан ҳайратга солади.

Ушбу байтда ҳам ружуъ ва муболаға санъатлари ўз ўрнида қўлланилмоқда.

Ийдгоҳ аҳли ҳужуми бирла, эй шах, қилма кибр
Ким, фалак бу жамъни ҳоли паришон қилғуси.

Маъвиза байтда, Навоий одатдагидек, бир учи ғазал билан боғлиқ ҳолда фалсафий мушоҳада қилмоқда. Яъни, у менинг

амримдаги аҳоли, фуқароларим кўп дея сайилгоҳдаги оломонга боқиб, кибрланган шохга қараб “тақдир шамоли бу йиғилганларни тарқатиб юборишга қодир!” дея аччиққина насихат қилмоқда.

Байтда “эй шаҳ” ундалмаси ёрдамида илтифот санъати яратилган.

Эй Навоий, рашкдин ўлдумки, ул қотил бугун
Ҳар тараф бу шакл ила юзланса юз қон қилгуси.

Матлаъда Навоий ғазалдаги фикрни ихчамлаштириб, қайта баён қилмоқда: кеча кун бўйи кўрсатган “хунари” туфайли рашкдан ўлай дедим. Агар бугун, яъни ҳайитнинг иккинчи куни ҳам шу ҳолат билан ҳар тарафга юзланса, юзлаб кўнгилларни яна қон қилишга қодир. Ёки: юзларимни қонли кўз ёшларим билан ювдириши мумкин.

Байтда “эй Навоий” ундалмаси ёрдамида илтифот, қотил сўзи ёрдамида истиора ва муболаға санъатлари яратилган.

Умуман олганда, ушбу ғазал илоҳий ҳусну жамолнинг бир заррасини ўзида акс эттирган гўзал ва комил инсонга бўлган интилишнинг анъанавий – ошиқона бўёқлар билан тасвирланган суратидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Ёр ила бир хилват истарменки, ағёр ўлмағай...”

Ёр ила бир хилват истарменки, ағёр ўлмағай,
Балки ул хилватнинг атрофида дайёр ўлмағай.

Кўзга кўнглум дардидин йиғларға имкон қолмағай
Тилга дардим шарҳини айларға гуфтор ўлмағай.

Элдин андоқ ёшурун истармен ул хилватниким,
Кўнглум андин воқифу жоним хабардор ўлмағай.

Ёр буди ичра нобуд ўлғаменким, ўртада
Ўзгаликдин демаким, ўзлукдин осор ўлмағай.

Буки, дерлар бордурур девор кейнида қулоқ,
Ул фазо даврида кўз етгунча девор ўлмағай.

Махфий асроримға бўлғай ёр лафзидин адо,
Ёрдин айру валекин сохиби асрор ўлмағай.

Эй Навоий, қилма ҳар ёр оллида сиррингни фош,
Бормудур имкониким, ул ёрға ёр ўлмағай.

– V – – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзүф

Лугат

Хилват – 1) Холи жой, кимсасиз жой; 2) Махсус турар жой, хона; 3) Ёлғизлик, танҳолик; 4) Ибодат қилинадиган холи уй

Ағёр – бегоналар, ўзгалар, бошқалар; рақиблар, душманлар

Дайёр – 1) турувчи, истиқомат қилувчи; 2) Монах; 3) ҳамшаҳар, уй эгаси

Гуфтор – 1) Сўз, сўзлаш, гапириш; 2) Баён

Воқиф – хабардор, билувчи

Буд – 1) Борлик, мавжудлик, вужуд; 2) Вужудга келиш, пайдо бўлиш; 3) Баҳра, наф, фойда

Нобуд – йўқ бўлиш, бекор бўлиш, йўқолиш

Осор – 1) Асирлар; 2) Белгилар, нишонлар

Фазо – 1) Атмосфера, бўшлиқ; коинот бўшлиғи; 2) Очиқ ер, майдон, кенглик

Асрор – Сирлар, яширин нарсалар

Адо – 1) Баён, ифода. 2) Талаффуз, маъно; 3) Сўз, ибора

Насрий баён

Ёр билан шундай яқинлик – кимсасизлик хоҳлайманки, унда бегона киши, душманлар бўлмасин. Бу кимсасизликнинг атрофида ҳам истиқомат қилувчилар бўлмаслигини истайман.

(Ўша яқинликда) кўзга кўнглимнинг дардини (изҳор этиб) йиғлашга имкон ҳам, тилимга дардимни шарҳлаб сўзлашга ҳожат ҳам бўлмасин.

Элдан яширин бу хилват – кимсасизликнинг шундай бўлишини хоҳлайманки, ундан кўнглим ҳам, жоним ҳам хабардор бўлмасин.

Ёримнинг борлиғи ичида шундай йўқ бўлиб кетишни истайманки, унда бегоналикни қўй, ўзликдан ҳам бир нишона бўлмасин.

(Ҳар бир) девор орқасида қулоқ бор, дейдилар, мен истаган хилват шундай бир бўшлиқ бўлсинки, унда кўз билан илғар даражадаги олисликда девор (ва табиийки унинг ортидаги қулоқ ҳам) бўлмасин.

Махфий сирларимга ёр сирларидан огоҳлик бўлсину, лекин ундан бошқа бирор киши сирымнинг эгасига айланмасин!

Эй Навоий, ҳар бир дўстнинг олдида сириггни фош қилавермаки, ўша дўстнинг ҳам, албатта, (бошқа бирор) дўсти бўлади!

Шарҳ ва изохлар

Анъанавий етти байтли ушбу ғазал шаклан якпора ҳисобланади. Унда маъшуқа билан кимсасиз жойда бирга бўлишни истаган ошиқ арзи ҳоли тасвирланади. Демак, ғазални мазмунан ошиқона дейиш мумкин. Бироқ уни синчиклаб ўқиган ғазалхон ғазалнинг ҳар бир байти, ҳар бир сўзида зулмаънайнлик ҳодисаси акс этганини – ёр билан бирга бўлишдек соддагина истак заминида Яратган дийдорига интилган, унга сингиб кетишни хоҳлаган ориф илтижолари жо бўлганлигини кўриши мумкин. Фикримизни ғазал таҳлили билан исботлашга ҳаракат қиламиз.

Ёр ила бир хилват истарменки, ағёр ўлмағай,
Балки ул хилватнинг атрофида дайёр ўлмағай.

Бир қараганда оддийгина тилак. Ҳар қандай ошиқ ҳам маъшуқаи билан ёлғиз қолишни, бегоналар уларга ҳалақит бермаслигини хоҳлайди. Бироқ хилватнинг артофида ҳам бошқалар бўлмаслигини хоҳлаш – ҳаддан ошишдек кўринмаяптими? Чунки хилватнинг атрофи билан ошиқнинг нима иши бор? Лекин ирфон – илоҳий маърифат талабидаги ориф илоҳий маъшуқ билан ёлғизликдан ҳам ёлғизроқ бўлишни хоҳлайди. Сўфийлар муридларига бекорга хилватга кириб, чилла ўтиришни буюрмаганлар. Чунки ёлғизлик, кимсасизликда илоҳий сирлар жилва қилиб, мурид қалбида дийдор юз очиши эҳтимоли катта. Навоий айнан мана шундай кимсасизлик, ёлғизликка ишора қилиб, уни маъшуқа билан хилватда бирга бўлиш деб атамоқда.

Байтда хилват сўзининг такроридан такрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури яратилмоқда.

Кўзга кўнглум дардидин йиғларға имкон қолмағай
Тилга дардим шарҳини айларға гуфтор ўлмағай.

Ҳазалнинг иккинчи байтида хилватнинг шартлари аён бўлиб бормоқда. У шундай кимсасизлик бўлсинки, унда кўз ва тилнинг ҳам кераги бўлмасин. Бу қандай хилват бўлди? Ахир, инсон билан инсон ўртасидаги яқинликда энг керакли аъзолар кўз ва тил. Кўз – маъшуқанинг ойдай рухсорини кўриб роҳатланиш учун, тил эса ишқ изтироблари ва кўнгил изҳорини айтиш учун керак. Бу аъзолар керак бўлмаган хилват эса фақат руҳий ёлғизлик, ундаги висол ҳам руҳий яқинлик тарзида бўлиши мумкин. Шу ўринда улуг тасаввуф алломаси Боязид Бистомийнинг “Илоҳийнома” асаридаги қуйидаги мазмундаги фикрлар эсга тушади: “Мен Аллоҳ билан шундай яқин бўлдимки, менга кўзнинг ҳам, қулоқнинг ҳам кераги бўлмади. У менинг кўзим ва қулоғимга айланди. Мен унга: “Мен Сендурман, Сен эса сендурсан, Сендан бошқа илоҳ йўқ” дедим!

Байтда кўз ва тилни жонлантириш орқали ташхис санъатига мурожаат этилмоқда.

Элдин андоқ ёшурун истармен ул хилватниким,
Кўнглум андин воқифу жоним хабардор ўлмағай.

Юқоридаги байтда хилватда кўз ва тил каби моддий аъзоларнинг керак эмаслиги айтилганди. Бу байтда эса маъно янада чуқурлашиб бормоқда ва энди шоир руҳоний аъзолар ҳисобланмиш кўнгил ва жонни ҳам инкор этмоқда. Демак, ёр билан яқинликка нафақат бегоналар, балки ошиқнинг ўз тили ва кўзи, балки кўнгли ва жони ҳам ҳалал берар экан. Буни қандай тушунмоқ керак? Фикри ожизимизча, ғазалдаги тафаккур жараёни руҳий хилватдан руҳий висолга томон илгаримоқда. Илоҳий Маъшуқ билан яқинлик, илоҳий сирларни ҳис этиш иштиёқи энди шоир лирик қахрамонига кифоя қилмай қолди. У илоҳий Маъшуқ билан фақат яқинлашишини эмас, бирлашиб кетишни хоҳламоқда. Шундаги-на кўнгил билан жонга эҳтиёж қолмайди.

Байтда кўнгил ва жонни шахслантириш орқали яна таъхис санъати яратилмоқда.

Ёр буди ичра нобуд ўлғаменким, ўртада
Ўзгалиқдин демаким, ўзлукдин осор ўлмағай.

Юқоридаги байтда ишора билан айтилган ният бу байтда ошкора сўзланмоқда. Аллоҳнинг борлиғига сингиб кетиб, ўзгалиқнигина эмас, ҳатто ўзликни ҳам унутиш – тасаввуфнинг энг улуғ мартабаси фано ҳолати ва фонийлик мартабаси бўлиб, Навоий бу мартабага умри ва бутун ижоди давомида интилади. Лирикасидаги аксрарият ғазалларнинг маъвиза байтларида фонийликнинг у ёки бу кўриниши мадҳ этилади. Улуғ шоирнинг умри сўнгида ёзган “Лисон ут-тайр” достонида ҳам шу мақсад – фано ва фонийлик мартабасига эришиш куйланади.

Байтда буд ва нобуд, ўз ва ўзга сўзлари воситасида иштиқоқ санъатига мурожаат этилган.

Буки, дерлар бордурур девор кейнида қулоқ,
Ул фазо даврида кўз етгунча девор ўлмағай.

Маълумки, мумтоз астрономияда ер етти қават фалак билан ўралган. Ҳар бир қаватнинг ўз сайёраси бор. Масалан, ой – биринчи фалакнинг, аторуд – иккинчи фалакнинг “эга”си ва ҳоказо. Саккизинчи қаватда эса тургун юлдузлар жойлашган. Уларнинг

турғун дейилишига сабаб бизнинг кўзимизга муайян бир буржни акс эттириб кўринганлигидир. Бу юлдузлар ўн икки буржга бирлашганлар. Тўққизинчи осмондан эса ломакон бошланади. Унда замон ва макон деган тушунчалар амал қилмайди. Сўфийлар мана шу ерни – фано водийси деб атаб, Яратган билан бўладиган руҳий висолни шатрли равишда мана шу “жой”да бўлади, дейишган. Навоий ушбу байтда шу қадар олисликни кўзлаб, “ул фазо даврида кўз етгунча девор ўлмағай”, демоқда.

Байтда ирсоли масал ва девор сўзининг такроридан такрирининг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури ҳосил бўлмоқда.

Махфий асроримға бўлғай ёр лафзидин адо,
Ёрдин айру валекин соҳиби асрор ўлмағай.

Ошиқ бундай хилватда ёр билан сирлашашни хоҳламоқда. Фақат менинг сирларимни у билсин, ўзга билмасин. Мен ҳам унинг сирларини сақлайин.

Эмушки, Яратган Ўзига яқин бўлган ҳар бир хос бандасига ўзининг сирларидан ошкор қилар экан. баъзилар бу сирни пинҳон тутиб, мақсадга эришсалар, баъзи сўфийлар уни ошкор қилиб, эл-юрт маломатига қолар, ҳатто нафратига сазовор бўлар эмишлар. Мансур Ҳалложни ҳам сўфийлар “Аллоҳнинг сирини очди” дейишади. Навоий ўзини мана шундай мартабага тайёрламоқда. Зеро, Яратган вужудида фоний бўлган бандага Қодири Қудрат ўз сирларин ошкор қилиши, аини пайтда Ўзи ҳам бандаси сирларининг соҳиби бўлиши шубҳасиз.

Байтда ёр ва асрор сўзлари воситасида тақрир санъатининг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури яратилмоқда.

Эй Навоий, қилма ҳар ёр оллида сиррингни фош,
Бормудур имкониким, ул ёрға ёр ўлмағай.

Ғазал якунида Навоий юксак фалаклардан ерга тушиб, “ҳаммага ҳам сиринингни айтаверма”, деб ўз-ўзига мурожаат этмоқда. Ҳа, Аллоҳ сирига яқин маҳрам даражасига етганлар ҳаммиша сирни пинҳон тутганлар. Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд ҳақидаги “Рисола”да айтилишича, ҳазратни Бухоро яқинида етти

жойга тўйга айтишибди. Қарангки, ҳамма тўйлар бир кунда, бир вақтда белгиланган экан. Ҳазрат ҳаммаларига розилик берибдилар ва бир йўла ҳамма тўйга... борибдилар. Орадан вақт ўтгач, тўй қилганлар бир-бирлари билан гаплашиб қолиб, бир-бирларига тўйларига ҳазратнинг ташрифлари билан мақтанишибди. Ажабо! Бир вақтнинг ўзида етти жойга бориб бўладими?! У ишнинг тадбирини ҳазратнинг ўзларидан сўришса, у киши табассум билан “айтилган жойга бориш керак” деб жавоб берибдилар. Бу кароматни яшириш, илоҳий сирни сақлаш эди. Навоий ҳам ғазал давомида интилган улугъ мартабасини рамзий-ошиқона сўзлари билан тасвирлаганининг маъноси ҳам шу бўлса керак. Шунинг учун ҳам у ғазал сўнгида “ҳар кимга дўстим деб сиригини айтавермаки, дўстнинг ҳам дўсти бўлади” демоқда.

Байтда ёр сўзининг такрори орқали тақрир ва унинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури ҳосил бўлмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал мажозий ишқ ниқобида ҳақиқий ишқ, хилват ва висолга интилган улугъ шоирнинг кўнгил орзулари тажассумидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Яна бало чоқинин ишқ телба жонима урди...”

Яна бало чоқинин ишқ телба жонима урди,
Фано қуюни етибон кулумни кўкка совурди.

Магарки, мен кеби элдин қочарни айлади варзиш,
Кийиклар ичраки, Мажнун тамоми умр югурди.

Мен арчи кўйида ўлдум қовунгки, телбарар охир,
Чурук сўнгакни танимдин узуб, не итки, кўмурди.

Ғаминг қўюб туган узра туган бу макр ила кўрким,
Танимда ҳар туган ичра неча туганни ёшурди.

Кўнгулда гар ўқунг итмиш яна бир ўқ дағи отким,
Бу навъ топса бўлур ҳар кишики, бир ўқ итурди.

Дам урмаю кадаҳ ичкилки, телба бўлмаса воиз,
Недин эди урунуб, қичкирибки, оғзи кўпурди.

Фироқ доғига машғал фатиласи кетурунгким,
Навоий оғзини чун купка қўйди, пок сумурди.

--V- --V- --V- --V-

мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун
ражази мусаммани солим

Луғат

Варзиш – 1) Машқ, риёзат, одат, кўникма; 2) Иш, ҳаракат.

Туган – 1) Доғ, из, яра ва жароҳатларнинг доғи; 2) Тугамоқ, тамом бўлмоқ; битмоқ, ниҳоясига етмоқ, ёзилмоқ

Итмиш – йўқолмиш, йўқ бўлмиш.

Навъ – 1) Тур, нав, хил; 2) Кўриниш, йўл-йўрик, йўсин

Воиз – ваъз айтувчи, насиҳатгўй, панд-насиҳат қилувчи

Фатила – пилик, пилта

Насрий баён

Яна бало чақинини ишқ телба жонимга урди, фано қуюни келиб, (чақин тегиб) кул бўлган танимни кўкка совурди.

Агар Мажнун мен каби элдан қочишни машқ қиладиган бўлса, умрбод кийиклар ичида югуришига тўғри келади.

Мен-ку, унинг кўчасида ўлдим, энди танимдан суюгимни узиб камридиган итни ҳам қувинглар, (бундай қилмасин, яна менинг дардим унга ўтиб) телбаланиб қолмасин!

Ғаминг доғ устига доғ қўйиши ҳам бир макрдир. Гўё у бир доғ билан неча бир (эски) доғларни яширмоқда.

Кўнгилда ўқинг йўқолиб кетди, яна бир шундай ўқ отки, уни қидирган киши, албатта, топадиган бўлсин!

Нафас олмасдан қадаҳ кўтаравер, (чунки сени май ва ишқдан қайтараётган) воизнинг ўзи телба. Бўлмаса, (гапираётганда) оғзидан нега кўпик сачратиб, уриниб, қичқиради.

Фироқ оловига машъалининг пилигини келтирингки, Навоий оғзини май тўла кўзага қўйиб, уни охиригача сипқорди.

Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли яна бир ғазал мазмунан ошиқона бўлиб, шаклан яқпорадир. У ишқ балосига қайтадан дучор бўлган ошиқнинг нолла-ҳастарлари, оҳу фиғонларига бағишланган. Матлаъ ошиқлик хабари ва унинг илк натижаси билан бошланади:

Яна бало чоқинин ишқ телба жонима урди,
Фано қуюни етибон кулумни кўкка совурди.

Байтдаги “яна” сўзидан ошиқ аввал ҳам ишққа гирифтор бўлганлиги тушунилади. Демак, ишқ унга камида иккинчи марта хужум қилмоқда. Шу сабаблими, унинг бу сафарги хуружи кучли бўлиб, телбавор бу туйғу – ишқ жонга бало чақмоғини уриб, фано қуюни эса чақмоқ уриб, кул бўлган танани кўкка совурмоқда.

Ғазал фожеона руҳ, фожеона пафос билан бошланди. Байтда бало чоқини, телба жоним, фано қуюни каби бирикмалари бу пафосни кучайтириш учун хизмат қилмоқда. Бу бирикмалар воситасида истиора ва муболаға санъатининг гулув даражасига мурожаат этилмоқда.

Магарки, мен кеби элдин қочарни айлади варзиш,
Кийиклар ичраки, Мажнун тамоми умр югурди.

Иккинчи байтда ошиқ ишқ дарди кучлилигидан ёлғизликни ихтиёр этганлиги ва одамлардан шиддат билан қочганлигини ва

бу борада Мажнун ҳам унга тенглаша олмаслигини муболағали тарзда тасвирламоқда.

Байтда яна Мажнунга мурожаат орқали талмеҳ санъати яратилмоқда.

Мен арчи кўйида ўлдум қовунгки, телбарар охир,
Чурук сўнгахни танимдин узуб, не итки, кўмурди.

Навбатдаги байтда фожеавий пафос ақл бовар қилмас даражага кўратилмоқда. Ошиқ маъшуқа кўчасида ишқ азобидан жинни бўлиб, ўлди. Бу дард унинг жонидан ўтиб, суякларига ҳам шунчалик сингиб кетганки, чириган суякларини камирган ит ҳам ақлдан озиши муқаррар.

Байтда муболағанинг ўта кучли – ғулув даражаси ўз ўрнида қўлланилмоқда.

Ғаминг қўюб туган узра туган бу макр ила кўрким,
Танимда ҳар туган ичра неча туганни ёшурди.

Ишқ ўти таъсирида ошиқ жисмида ҳар лаҳза янги янги доғлар – куюклар пайдо бўлаяпти. Бу аслида бир макр, дейди ошиқ алам билан киноя қилар экан. Яъни янги доғлар эскиларини кўрсатмаслик учун пайдо бўлмоқда.

Байтда туган сўзининг такроридан бир йўла икки ўринда такрир ҳамда яна шундай икки ўринда радд ул-ҳашв илал ҳашв тури яратилмоқда.

Кўнгулда гар ўкунг итмиш яна бир ўқ дағи отким,
Бу навъ топса бўлур ҳар кишики, бир ўқ итурди.

Маълумки, мумтоз адабиётда маъшуқа нигоҳи унинг киприклари воситасида ўққа ўхшатилади. Яъни, қош чимириб, ошиғига қиё боққан маъшуқа киприкларини қошлари камонига ўқлаб, унинг телбавор кўксига, балки кўнглига жойлар экан. Мана шу анъанавий тасвирга мурожаат этган шоир, маъшуқасига, менга бир марта қараган эдинг, ҳатто ўша нигоҳингнинг изи ўчиб кетди, бироқ мен ҳалиям унинг заҳмидан хастаман. Яна бир марта қиё

боқки, энди бу нигоҳингни, қанча қахрли бўлмасин, эслаб қолай, деган фикрни образли тарзда баён этмоқда.

Байтда итмиш ва итурди сўзлари орқали иштиқоқ, ўқ сўзининг такроридан эса тақрир ва унинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури ҳосил бўлмоқда.

Дам урмаю қадаҳ ичкилки, телба бўлмаса воиз,
Недин эди урунуб, қичқирибки, оғзи кўпурди.

Одатдагидек, матлаъдан олдинги байтда Навоий, баъзан мавзуга боғлаган, баъзан эса ундан чекинган ҳолда фалсафий мушоҳидага мурожаат этади. Бу сафар мавзудан чекинмаган ҳолда фикрлаётган шоир ишқ дардига даво топиш учун тинмай май ич, яъни қалбингни маърифат билан тўлдирки, сени ичкиликдан, ёки илму маърифатдан қайтарган воиз – ваъз ўқувчи насиҳатгўйнинг ўзи телба. Бўлмаса, у ўзидан кетиб, қичқирганда оғзи кўпириб шарманда бўлармиди, демоқда.

Фироқ доғига машъал фатиласи кетурунгим,
Навоий оғзини чун купка қўйди, пок сумурди.

Шам ёки машъаланинг пилиги оловга тегар-тегмай, ўт олади. Дўстларидан айрилиқ ўтига машъал пилигини яқинлаштиришни сўраган Навоий, оғзимни май жомига эмас, хумга қўйиб, охиригача симирдим, демоқда. Демак, энди унга ҳеч қандай фироқ ўти ҳам, унинг алангасию, қалбидаги олов ҳам таъсир қилмайди. Чунки унинг юрагидан маърафат шароби жой олган. Илоҳий маърифатни эгаллаган ошиқнинг қалбига маъшуқ жойлашган бўлиб, энди унга висол билан фироқнинг фарқи йўқ.

Байтда фироқ доғи бирикмаси орқали истиора санъати яратилмоқда.

Умуман олиб қараганда, ушбу ғазал илоҳий ишқ синовларига қайта-қайта дучор бўлган ва уларни маърифат бодаси билан шифо топган ориф ошиқнинг кўнгил изҳоридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Лабинг такаллум этиб, сўзда лол қилди мени...”

Лабинг такаллум этиб, сўзда лол қилди мени,
Очилди зулфунгу ошуфтаҳол қилди мени.

Юзи кўрунди, очинг эмди зулфи силсиласин
Ки, ул парий яна мажнунмисол қилди мени.

Оёгин ўпкали бошим йўлига еткурдум,
Фиғонки, зулфи кеби поймол қилди мени.

Қоши хаёлида пайваста баски, чектим ранж,
Фалак бу ғамда нечукким, хилол қилди мени.

Бели ғамида хаёл ўлдум оҳу афғондин,
Бу мўя мўй этиб, ул нола нол қилди мени.

Куп оғзима қую қўй адл жомин, эй муғким,
Қазо бу шевада безътидол қилди мени.

Навоий, англаки, журмумча юз умидим бор,
Фақирини зоҳид ўзидек хаёл қилди мени.

V-V- VV-- V-V- VV-
мафоилун файлотун мафоилун файлун
мужтасси муссаммани маҳбуни маҳзуф

Лугат

Такаллум – 1) Сўз, нутқ; 2) Очилмок, ёрилмок
Лол – 1) Тилсиз; тилсизлик; тил тутилиши; 2) Хайрон, музтар
Ошуфтаҳол – паришонҳол, кайфияти бузук, ғам босган
Силсила – 1) Занжир; 2) Сулола

Поймол – оёғости, эзилган, босилган

Пайваста – боғланган, уланган, туташган

Ранж – 1) Қийинчилик, машаққат, меҳнат, заҳмат; 2) Азоб, алам, озор; дард, оғриқ

Нол – Қамиш қалам ичидаги ингичка томир

Шева – 1) Одат, равиш, йўсин; 2) Хунар; 3) Ноз, ишва

Безътидол – 1) Ўрта даража, ўртачилик, муътадиллик 2) Келишганлик, ярашиқлик 3) Тик, тўғри

Журм – Гуноҳ, айб

Насрий баён

Лабларинг сўзи билан мени лол қилди, сочларинг (шабадада) очилиб, мафтун қилди.

Юзини кўрдим, энди сочлари занжирини очинг, сабаби у пари мени жиннисифат қил(иб бўл)ди.

Оёғини ўтиш учун бошимни йўлига қўйгандим (шуни ҳам раво кўрмай) сочлари каби оёқ ости қилди.

Қошлари хаёли билан бир-бирига боғлиқ қийинчиликларни қанча чексам, (ҳам фойдаси йўқ, шекилли) фалак бу ғамда мени ҳилол каби (қаддимни эгди).

Белининг ғамидан оҳ ва фиғон чекиб, хаёлпарришон бўлдим. Бу “оҳ”ларим қил мисоли, фиғонларим эса қамиш ичидаги ингичка томир – нолдай (аҳволга солиб қўймасайди) мен (бечора)ни.

Хумнинг ўзидан оғзимга адолат майини қўй, эй соқий, тақдир бу йўсинда мен билан келиша олмади.

Навоий, гуноҳларим қанча бўлса, шунча умидим бор, бечора зоҳид эса мени ўзидек хаёл қил(иб, дўзахдан қўрқитмоқчи бўл)ди.

Шарҳ ва изохлар

Мазмунан ошиқона ва шаклан пароканда бўлган етти байтли ушбу ғазалда маъшуқа гўзаллигининг ошиқ руҳиятига кўрсатган таъсири таърифланади.

Лабинг такаллум этиб, сўзда лол қилди мени,
Очилди зулфунгу ошуфтаҳол қилди мени.

Бу тасвирлар орқали маъшуқа портрети чизилмоқда, унинг ташқи кўриниши кўз олдимизга намоён бўлмоқда.

Байтда ташхис ва муболаға санъатининг биринчи даражаси – таблиғга мурожаат этилмоқда.

Юзи кўрунди, очинг эмди зулфи силсиласин
Ки, ул парий яна мажнунмисол қилди мени.

Маъшуқа юзини кўриб, унга ошиқ бўлган шоир энди унинг сочларини кўрмоқчи. Бу билан у тамоман мафтунлик ҳолатига етмоқчи. Маъшуқа зулфи – сочлари мумтоз адабиётда занжирга қиёсланади. Мана шу қиёсловга мурожаат этган Навоий сочларини очинг ва мени кишанбанд этинг, чунки телбага занжир ярашади, демоқчи. Маъшуқани “ул пари” деб мурожаат этишининг сабаби эса халқ орасида париларни кўрган одам телба бўлади, деган тасаввурнинг юришидир. Шу тасаввурга мурожаат этган улуғ шоир “ўзи минг тадбир билан зўрға ишқдан кутаётгандим, бир бор юзини кўрсатиб, бу парисифат гўзалим мени яна телба қилди” демоқда. Баски, энди менга кишан муносиб. Кишан бўлганда ҳам ишқида телба бўлганим у гўзалнинг ёйиқ сочлари бўлсин!

Байтда юз, зулф, силсила сўзлари орқали таносиб санъати яратилмоқда.

Оёгин ўпкали бошим йўлиға еткурдум,
Фигонки, зулфи кеби поймол қилди мени.

Маъшуқа ўзига бош эгган ошиққа эътибор қилмаслиги, уни сочлари каби поймол қилиши воситасида ёрнинг сочларининг узун эканлиги таърифланмоқда.

Байтда оёқ ва бош сўзлари орқали тазод, зулфи кеби бирикмаси ёрдамида эса ташбеҳ санъатлари яратилмоқда.

Қоши хаёлида пайваста баски, чектим ранж,
Фалак бу ғамда нечукким, ҳилол қилди мени.

Энди ошиқ маъшуқанинг пайваста қошларига боқиб, ёки уларни хаёлида ўйлаб, ранж – машаққат ва алам чекмоқда. Бу ранжу

машаққатлар бир бўлиб, унинг қаддини ёрнинг қаро ва пайваста қошлари монанд ҳилол каби эгди.

Байтда ранж ва ғам сўзлари билан таносиб, фалакни жонлантириш орқали эса ташхис санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Бели ғамида хаёл ўлдум оху афгондин,
Бу мўя мўй этиб, ул нола нол қилди мени.

Байтда ёрнинг қилдай белини ўйлаб, тинмай “ох” тортиб, фиғон чеккандан сўнг бу қилдай ва қамиш ичидаги нолдай бел ва тинмай тортилган оху фиғонлар ошиқни ўзи каби аҳволга – қилтириқ ҳолига солади.

Байтда мўй ва нол сўзларининг такроридан тақрир, оху афгоннинг мўй ва нолга қиёсланишидан лафф ва наш ҳамда муболағанинг ғулув санъатларига мурожаат этилмоқда.

Куп оғзима қую қўй адл жомин, эй муғким,
Қазо бу шевада безътидол қилди мени.

Тақдир менга (ҳамиша ҳам) адолат қилмади, дейди Навоий маъвиза байтда, шундай экан, эй соқий, сен адолат қилиб, май тўла хумдан оғзимга май қуй!

Байтда куп ва жом сўзлари орқали таносиб, эй муғким ундالمаси орқали илтифот, адл жоми бирикмаси орқали истиора, қазони жонлантириш орқали эса ташхис санъатлари яратилмоқда.

Навоий, англаки, журмумча юз умидим бор,
Факири зоҳид ўзидек хаёл қилди мени.

Мақтаъда Навоий иккиюзламачи зоҳидларни мазаммат қилиб, мени-ку (ошиқлик орқасидан қилган) гуноҳларим қанча бўлса, шунча, балки ундан юз барабар кўп умидим бор, лекин зоҳид худди ўзидай хаёл қилиб, мени фақат гуноҳлардан иборат деб ўйлади, демоқда.

Байтда журм ва умид сўзлари орқали шартли тазод санъатига мурожаат этилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал маъшуқа гўзаллигидан ҳайратланиш орқали унга параллел равишда чизилган ошиқнинг ички кечинмаларининг уйғун тасвиридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Хароб айладинг, эй ишқ, хонумонимни...”

Хароб айладинг, эй ишқ, хонумонимни,
Тасаввур айлаки, ўлдум, бағишла жонимни.

Магарки, ишқ маломат ўтин ёрутмоқ учун
Қурутти уйлаки хас жисми нотавонимни.

Бу турфа кўрки, фузун бўлди лаългун ашким,
Агарчи шуълайи ишқинг қурутти қонимни.

Фиғонки, ўлдуму кўйида халқ ғавғоси
Анинг қулоғига еткурмади фиғонимни.

Бугун танимға нишон ул ҳаётдин келибон
Ки, тонгла топмағасен истабон нишонимни.

Чу ишқ оятида савту ҳарф йўл топмас,
Камоли ишқ итурмиш магар баёнимни.

V-V- VV-- V-V- --
мафоилун фаилотун мафоилун фаълун
мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ

Луғат

Маломат – таъна, дашном

Уйлаки – бўйлаки, қиёслаки, гўёки

Нотавон – 1) Заиф, қувватсиз, қудратсиз, ожиз; 2) Бетоқат, нотинч

Фузун – зиёда, кўп, ортик

Савт – овоз, товуш; куй, оҳанг

Итурмиш – йўқолмиш, йўқ бўлмиш

Баён – 1) Сўз, ифода, тасвир, таъриф, изҳор; 2) Маълумот, далил, хужжат. 3) Мазмун, мақсад; 4) Фикр, нозик маъноли сўз

Насрий баён

Эй ишқ хонумонимни, ҳаётимни хароб қилдинг, мени ўлган деб тасаввур қил-да, жонимни қайтар (яъни севгилимни менга рўпара қил).

Ишқ гўё маломат – таъна, дашном оловини ёқиш учун бечора жисмимни хасдек қуритди.

Бу турфалик - ажойиботни кўрки, ишқинг шуъласи қонимни қуритгани билан, лаълдек кўз ёшларим ортиб борарди.

Кўчасида ўлар ҳолга етган бўлсам-да, халқнинг ғавғо-тўпалони фиғонимни қулоғига етишига тўсқинлик қилди.

Бугун менга ҳаётдай бўлган (ғўзал)дан нишон келтир, агар бу ишни эртага қўйсанг, ҳаётдан нишонимни (яъни тириклигимни) тополмайсан.

Ишқ оятига товуш ва ҳарф йўл топмас экан, ишқ камоли нозик маъноли сўз ва фикрларимни йўқотди.

Шарҳ ва изоҳлар

Навоий ижодида ноёб ҳодиса бўлган олти байтли бу ғазал шаклан пароканда, мазмунан ошиқонадир. Унда ишқ дарди хастаю мажруҳ қилган ошиқнинг ишққа ўз аҳволини айтиб, мурожаат этганлиги, ундар раҳму шафқат сўраганлиги қаламга олинади.

Бу ҳолат матлаъдаёқ бошланади:
Хароб айладинг, эй ишқ, хонумонимни,
Тасаввур айлаки, ўлдум, бағишла жонимни.

Байтда ишққа мурожаат қилган ошиқнинг “бағишла жоним-ни!” дея қилган илтижоси, аслида жононимга етказ деганидир. Чунки ишқ дардидан хароб бўлган ошиқнинг муддаоси битта – ёрининг висоли бўлади.

Байтда ишққа мурожаат этиш орқали илтифот санъати яратилмоқда.

Магарки, ишқ маломат ўтин ёрутмоқ учун
Қурутти уйлаки хас жисми нотавонимни.

Иккинчи байтда ишқдан ёзғириш янада кучлироқ пафосда давом этади. Фақат энди ошиқ унга иккинчи шахсда “сен” деб эмас, балки “у” деб мурожаат этмоқда.

Байтда маломат ўти, жисми нотавоним бирикмалари орқали истиора, уйлаки хас бирикмаси орқали эса ташбеҳ, ишқни жонлантириш орқали эса ташхис санъатларига мурожаат этилган.

Бу турфа кўрки, фузун бўлди лаългун ашким,
Агарчи шуълайи ишқинг қурутти қонимни.

Учинчи байтда шоир маъшуқага мурожаат этмоқда: Ишқинг ёлқин – шуълага айланиб, танимни ёндириш даражасига етди. У томиримда оқаётган қонимни қуритиб, оқизмай қўйди. Лекин бу ажойиботни кўрки – бундан қонли кўз ёшларим қуримади, балки янада кучайди.

Байтда лаългун ашким, шуълаи ишқинг бирикмалари орқали истиора санъати яратилган.

Фиғонки, ўлдуму кўйида халқ ғавғоси
Анинг қулоғига еткурмади фиғонимни.

Навбатдаги байтда шоир ҳеч кимга мурожаат этмайди. Балки, фиғонки, дея ўз ҳолатидан ёзғиради. Кўчасида сарсон-саргардонликдан ўлар ҳолга келдим. Бундан тинмай фиғон тортардим. Лекин

у ерда мендан бошқа ошиқлар ҳам кўп эди. Уларнинг ғавғо-тўпалони, оху фиғони шу даражада эди-ку, бу шовқин-сурондан менинг ожизгина наламни ёрим эшита олмади.

Байтда ўлдим сўзи орқали балоғат, фиғон сўзининг такроридан эса тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ажуз тури ҳосил қилинган.

Бугун танимға нишон ул ҳаётдин келибон
Ки, тонгла топмағасен истабон нишонимни.

Навбатдаги байтда ошиқ қандайдир номаълум дўстига мурожаат этмоқда. У бугун менга маъшуқамдан хабар келтирсанг, келтир, йўқса, эртага ишқ дардидан муттасил азоб кўрган жоним чиқиб кетади. Унда мендан нишон ҳам тополмайсан, демоқда. Ғазалдаги тушкун кайфият чуқурлашиб бормоқда.

Байтда тақрир санъатининг радд ул-ҳашв илал ажуз турига мурожаат этилган.

Чу ишқ оятида савту ҳарф йўл топмас,
Камоли ишқ итурмиш магар баёнимни.

Шоир ишқ қўлига тушганидан кейин нозик лутфу баёни билан ғўзалларнинг кўнглини олишдек қобилятини йўқотди. Энди маъшуқасини зор-зор соғиниб, бир кўрганида ҳам, унга бир оғиз сўз айтолмай қолди. Бунга афсусланганча, ишқ бир оят бўлса-да, унга ҳарфу товуш нима қилсин, шундай экан у менинг руҳиятимда камолотга етгандан сўнг сўзамоллигимни йўқотиб, ҳайратдан гунгу лолга айлантирди, демоқда.

Байтда камоли ишқ ва ишқ ояти бирикмалари орқали истисора, савту ҳарф ва баён сўзлари орқали эса таносиб санъатлари яратилган. Бундан ташқари ғазалнинг бошидан охиригача муболаға санъатининг турли даражалари ўз ўринда қўлланилмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Дедимки, кўзга чекай гарди раҳнавардингни...”

Дедимки, кўзга чекай гарди раҳнавардингни,
Фиғонки, топмади кўз тўтиёга гардингни.

Магар замона кўзи сурма истар эркандур
Ки, гард қолмади сурганда раҳнавардингни.

Фироқу орзуву шавқ ҳар бири бир дард,
Десамки, дардинг этай шарҳ қайси дардингни.

Сафарда ёмғуру ел бўлмасун музоҳим анга,
Кўз, асра ашқу, кўнгул, чекма оҳи сардингни.

Тўшаб самандиға фарш, эй замона, ўткардинг
Сипехру ахтаридин сабза бирла вардингни.

Кўк аблақин эгариб, эй қуёш, синон тортиб,
Магар бу зарраға қилдинг аён набардингни.

Навоий, эмди нишот авжи тутки, гардиши чарх
Кетурди моҳи фалаксайри тезгардингни.

V-V- VV-- V-V- --
мафоилун фаилотун мафоилун фаълун
мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ

Лугат

Гард – 1) Чанг, ғубор; 2) Юрувчи, кезувчи; 3) Ғам ғубори; ғам, ҳасрат; 4) Асар, нишона, из; фойда, баҳра, наф; 5) Тупроқ заррачалари; 6) Юк, қолдиқ; 7) Парда, ҳижоб; амалдорлик либоси

Раҳнавард – тез юрувчи, кезувчи

Музоҳим – танглик келтирувчи, машаққат яратувчи

Сард – совук

Фарш – тўшак, гилам, палос, ерга тўшаладиган нарса

Сипеҳр – осмон; даҳр, замон; тақдир

Ахтар – 1) Юлдуз. 2) Тақдир, қисмат, бахт; 3) Байроқ, туғ;

4) Манзил, макон, шуъла

Вард – атиргул, қизил гул

Аблақ – 1) Икки рангли, ола-була; оқ-қора; 2) Ола-була от;

Эғариб – айланиб, ўргилиб

Синон – найза, найза учи; маҳбубанинг киприклари

Набард – уруш, жанг

Нишот – шодлик, хурсандчилик, хуррамлик

Тезгард – тез юрувчи, чопқи

Насрий баён

Учиб юрувчи гардинингни кўзга суртмоқчи эдим, кўзимга тўтиё қилишга ҳам уни тополмадим.

Агар замон кўзига сурма истаяптимикиан, тўтиёликка оёғинг гарди қолмади.

Айрилиқ, орзу, шавқ, яъни муҳаббатнинг кучли даражаси – буларнинг бари бир дарддир, дардингни айтмоқчи бўлсам, буларнинг қайси бирини изҳор қиламан?

Сафар чоғи ёмғир ва шамол унга машаққат келтирмаслиги учун, эй кўз, ёшларингни асра, эй кўнгил ўтли оҳлар чекмай тур!

Унинг оти туёқларига пояндоз тўшаб, эй замон, осмон ва юлдуздан гул ва гиёҳларингни ўтказиб олдинг.

Осмоннинг арғумоқ отини эгарлаб, найза тортиб, эй қуёш, бу зарра (яъни мен)га урушингни кўрсатдингми?

Эй Навоий, энди хурсандчилик, хуррамлик авжини тутки, чарх гардиши, яъни тақдири азал фалакни шитоб билан сайр этувчи ойингни келтирди.

Шарҳ ва ихзоҳлар

Етти байтли радифсиз бу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан яқпорадир. Ғазалда ошиқ ўзининг ишқ дарди, ҳижрон заҳматидаги ҳолатини таъриф у тавсиф қилади.

Дедимки, кўзга чекай гарди раҳнавардингни,
Фигонки, топмади кўз тўтиёга гардингни.

Матлаъда ошиқ маъшукани анчадан бери кўрмаганлигини муболағавий тарзда таърифламоқда. Ўзи тугул ҳатто қадамнинг гардини ҳам топа олмаганини, кўз уни тўтиё қилишга беҳуда излаганини тасвирламоқда.

Байтда гард сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ажуз, кўз сўзининг такроридан радд ул ҳашв илал ҳашв, кўз-ни жонлантириш орқали ташхис санъатлари ва муболағанинг таъбиг турри яратилмоқда.

Магар замона кўзи сурма истар эркандур
Ки, гард қолмади сурганда раҳнавардингни.

Иккинчи байтда матлаъдаги фикр кучайтирилмоқда. Яъни, бир мен эмас, замон (ва замон аҳли) ҳам қадамнинг гардини сурмадек кўзга суришни хоҳладилар, шунинг учун менга тез юрувчи қадамнинг гарди ҳам етишмади.

Байтда сурма ва сурганда сўзлари орқали иштиқоқ ва муболағанинг игроқ турига мурожаат этилмоқда.

Фироқу орзуву шавқ ҳар бири бир дард,
Десамки, дардинг этай шарҳ, қайси дардингни?!

Ошиқ маъшукани кўришни, у билан бирга бўлишни орзу қилади, бироқ нуқул унинг ҳижронига дучор бўлади. Бу ҳижрон орасида муҳаббатнинг кучли даражаси – шавқ уни қамраб олиб, маъшуқа томон етаклайверади. Бу уч дард орасида қийналган ошиқ маъшукасига мурожаат қилиб, буларнинг қайси бирини

шарҳлаю, қай бирини изҳор этай, деб қисматининг қаролигидан ёзғирмоқда.

Байтда фироқу орзуву шавқ сўзлари билан таъдид, дард сўзининг такроридан эса тақрир санъатлари яратилмоқда.

Сафарда ёмғуру ел бўлмасун музоҳим анга,
Кўз, асра ашқу, кўнгул, чекма охи сардингни.

Маъшуқа сафарга чиққанида, яъни ундан узоқлашганида ошиқнинг ўз кўз ёшлари ёмғир бўлиб, тортган охи эса кучли шамолга айланади. Бироқ ошиқ кўз ёшу охлари билан ёрига ҳалал беришидан кўркмоқда. Шунинг учун у кўз ёшларини тийиб, охи-ни асраб ўтишни кўзи ва кўнглидан илтимос қилапти.

Байтда шоир муболағанинг кучли даражаси – гулувга мурожаат этмоқда. Бундан ташқари кўз ва кўнгулни жонлантириш орқали ташхис, ёмғир ва ел (шамол)ни кўз ёши ва оҳга қиёслаш орқали эса лафф ва нашр санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Тўшаб самандиға фарш, эй замона, ўткардинг
Сипехру ахтаридин сабза бирла вардингни.

Навбатдаги байтда улуғ шоир замонга мурожаат этиб, нафақат гул ва гиёҳларингни, балки осмон ва юлдузларингни ҳам чавандоз маъшуқамнинг отининг туёқлари остига пояндоз қилдинг, демоқда.

Байтда, одатдагидек, муболағининг гулув даражаси, эй замона ундалмаси орқали илтифот, осмон ва юлдузларнинг ўтлоқ ва гулларга қиёсланишидан лафф ва нашр санъатлари пайдо бўлмоқда.

Кўк аблақин эгариб, эй қуёш, синон тортиб,
Магар бу зарраға қилдинг аён набардингни.

Навбатдаги байтда шоир фалак ва юлдузларни оти туёқлари остида ўтлоқ ва гуллар каби кўрган маъшуқасига мурожаат этмоқда. Яъни, мана шундай улугвор дабдаба билан кўкнинг чо-

погон отини эгарлаб олганча, эй куёшсифат маъшукам, бир зарра каби беҳол ва бемажол мен бечорага найза урмоқчисан-а?!

Байтда кўк аблақи бирикмаси, синон, набард ва зарра сўzlари орқали истиора, “эй куёш” бирикмаси орқали илтифот, куёш ва зарра сўzlари орқали эса таносиб ва айна пайтда, шартли тазод санъатлари яратилмоқда.

Навоий, эмди нишот авжи тутки, гардиши чарх
Кетурди моҳи фалаксайри тезгардингни.

Мақтада Навоий шунча азобу изтиробларинг бефойда кетмади. Тақдир маъшуқангни сенга тказмоқда, шундай экан, қанча хурсандчилик қилсанг, арзийди, демоқда.

Байтда чарх, моҳ, фалак сўzlари орқали таносиб, моҳи *фалаксайри тезгард* бирикмаси орқали истиора санъатларига мурожаат этилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал маъшуқага интилган, унинг учун ҳар қандай қийинчилигу азобларга тайёр бўлган ва охир-оқибат унинг висолига эришиш қувончини туйган ошиқнинг кўнғил розлари изҳоридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

—~~~~~
“Кўзғади оҳим сўнғак бирла тани ғамнокни...”
~~~~~

Кўзғади оҳим сўнғак бирла тани ғамнокни,  
Ел совурди бир овуч туфроғ ила хошокни.

Демагил сихҳат сўзинким, кўксум узра тийғи ишқ  
Айлар икки чок, тикмасдин бурун бир чокни.

Буки оламға хаводис тушти, гўё қўзғамиш  
Ул қуёш ҳажрида оҳим анжуму афлокни.

Мен худ эттим азми масжид, эй мусулмонлар, валеқ  
Бок эмас гар кўрмасам ул кофири бебокни.

Қилди чун ҳижрон мени нобуд, тутма жоми васл,  
Заҳр чун ўлтурди, зойиъ қилмағил тарёкни.

Қаддидин оғзимда ҳайрат бармоғидур, зоҳидо,  
Ўтқа сол эмди асо, бошингга ур мисвокни.

Ғайри лоф эрмас, Навоий, покравлиқдин ҳадис,  
Топмайин бир ғайр нақшидин замири покни.

– V – – – V – – – V – – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Луғат

**Ҳаводис** – ходисалар, воқеалар

**Анжум** – 1) Юлдузлар; 2) Дурлар.

**Афлок** – фалаклар, осмонлар, осмон қаватлари

**Бок** – 1) Кўрқинч, ҳавф, ваҳм; 2) Зарар; 3) Андеша, парво;  
4) Ажаб

**Бебок** – 1) Ботир, кўрқмас, ҳайқмас; 2) Золим, тошбағир,  
шафқатсиз; маҳбуба, гўзал, ёр; 3) Ҳаёсиз, мулоҳазасиз, андишасиз

**Тарёк** – Гиёҳванд модда қўшилган тинчлантирувчи дори

**Покрав** – Ўзини тўғри олиб юрувчи, одобли, ахлоқли

**Замир** – 1) Дил, кўнгил, юрак, қалб; 2) Яширин ўй, фикр, хаёл,  
мазмун; кўнгил; 3) Мия, хотира

## Насрий баён

(Ишқда шу даржадаги аҳволга тушдимки,) оҳим суяк билан ғамнок танимни қўзғатди, бу ҳол худди шабада бир ҳовуч тупроқ билан ҳашакни совурганига ўхшайди.

“Саломатлик” сўзини тилингга олмагинки, ишқ тиғи кўксимда бир чок битмасидан бурун икки чокни пайдо қилиб улгуради.

Оламга шундай қизиқ ҳодисалар тушдики, гўё оҳим у кушё(-дек гўзал ёрим) ҳижронида юлдузлриу фалакларни қўзғагандай бўлди.

Мен масжидга бордим, лекин эй мусулмонлар, у ерда у шафқатсиз кофирни кўрмаслигим ажабланарли эмас.

Мени ҳижрон нобуд қилди – ўлдирди, энди висол жомини тутганингдан нима фойда, яъни заҳар мени ўлдирди, энди дорини исроф қилиб нима қиласан.

Қаддининг ҳайратидан оғзимда ҳайрат бармоғи, шундай экан, эй зоҳид, ҳассангни ёқиб, мисвокингни бошингга ур!

Бегоналик нақшидан фикри ва кўнгли покизани топмасдан туриб, одобли, ахлоқлиликдан сўз очиш лофдан бошқа нарса эмас.

## Шарҳ ва изоҳлар

Радифсиз етти байли бу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан яқпорадир. Унда ошиқ ўз арзи ҳолини баён этиб, ҳижрондаги ҳолатини, ишқдаги изтиробларини муболаға тарзда таърифлайди.

Қўзғади оҳим сўнғак бирла тани ғамнокни,  
Ел совурди бир овуч туфроғ ила хошокни.

Ошиқ ишқ дарди ва ҳижрон заҳматида шу ҳолга келганки, вужуди бир боғлам ҳашакка, суяклари эса тупроққа айланган. У ҳар “оҳ” урганида иссиқ изғирин туриб, шу тупроқ ва ҳашакни қўзғатмоқда.

Байтда тани ғамнок бирикмаси ёрдамида истиора, сўнғак билан тани ғамнокнинг бир овуч тупроқ ва хошокка ўхшателиши

воситасида лафф ва нашр, шунингдек, муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Демагил сихҳат сўзинким, кўксум узра тийғи ишқ  
Айлар икки чок, тикмасдин бурун бир чокни.

Иккинчи байтда ошиқ “саломатлигинг яхшими?” деб сўраган дўстларига ёки маъшуқасига мурожаат этиб, сихҳат сўзини тилинганга олма, демоқда. Сабаби, табиб ошиқ танидаги бир ярани тикиб улгурмасдан, ишқ икки ярани пайдо қилмоқда.

Байтда муболағанинг кучли даражаси – ғулув ўз ўрнида. Бундан ташқари, тиғи ишқ бирикмаси орқали истиора, ишқ тиғини жонлантириш орқали ташхис ҳамда чок сўзининг такроридан такрир санъатлари яратилмоқда.

Буки оламга ҳаводис тушти, гўё қўзғамиш  
Ул қуёш ҳажрида оҳим анжуму афлокни.

Яъни: об-ҳавода шундай қизиқ ўзгаришлар пайдо бўлди: балки қуёш кулиб, ёмғир ёғди, балки бўрон қутириб, жала қуйди. Бу нима учун, дема, демоқда шоир ғазалхонига мурожаат этиб, у қуёшдай маъшуқамнинг ҳижронида тортган оҳим юлдузлару фалакка ҳам таъсир ўтказди.

Байтда “ул қуёш” сўзи орқали истиора, қуёш, анжум, афлок сўзлари орқали таносиб ва муболағанинг ғулув тури яратилмоқда.

Мен худ эттим азми масжид, эй мусулмонлар, валек  
Бок эмас гар кўрмасам ул кофири бебокни.

Ишқ дарди таъсирида беҳол ошиққа насихатгўйлар “ибодат қил, жамоага қўшил – намоз ўқиш учун масжидга чиқ” деб насихат қилишмоқда шекилли, шоир уларга қарата юқоридаги сўзларни айтмоқда. Яъни: мен-ку масжидга чиқарман, лекин у ерда дину имон, инсофу шафқат нималигини билмайдиган маъшуқимни кўришнинг имкони йўқ. Менинг мақсадим эса фақат у! Шундай экан, масжидга чиқшимдан нима наф?!

Байтда эй мусулмонлар ундалмаси орқали илтифот, бок ва бебок сўзлари орқали иштиқок, мусулмонлар ва кофир сўзлари орқали эса тазод санъатларига мурожаат этилмоқда.

Қилди чун ҳижрон мени нобуд тутма жоми васл,  
Захр чун ўлтурди зойиъ қилмағил тарёкни.

Навбатдаги байтда шоир дўстларига мурожаат этиб, мени айрилиқ ва соғинч ўлдирди, энди маъшуқамни қошимга келтирганингдан ҳам фойда йўқ, демоқда. Яъни, заҳар вужудимга таъсир қилиб бўлди, энди тарёку малҳамдан ҳеч бир наф йўқ! Шундай экан, уни исроф қилиб нима қиласан?!

Байтда ҳижронни жонлантириш орқали ташхис, ҳижрон ва висол ҳамда захр ва тарёк сўзлари орқали тазод, жоми васл бирикмаси орқали истиора санъатлари ва муболағанинг гулув тури ҳосил бўлмоқда.

Қаддидин оғзимда ҳайрат бармоғидур, зоҳидо,  
Ўтқа сол эмди асо, бошинга ур мисвокни.

Навбатдаги маъвиза байтда Навоий сохта тақводор – зоҳидларга мурожаат этиб, ҳасса таяниб, мисвоку таҳорат тўғрисида кўп ҳам гап сотмаки, инсон гўзаллиги ва ундан ҳайратланган ҳолда Яратганни эслаш сенинг юзаки ибодатларингдан афзалдир, демоқда.

Байтда маъшуқа қаддига асони, ўз бармоғига эса мисвокни қиёслаш орқали лафф ва нашр, зоҳидо ундалмаси орқали илтифот санъатлари юзага келмоқда.

Ғайри лоф эрмас, Навоий, покравлиқдин ҳадис,  
Топмаин бир ғайр нақшидин замири покни.

Мақтаъда Навоий орифона мулоҳаза юритиб, ғайр нақши – бегоналик, яъни дунёвийлик, Яратгандан узоқлашиш ҳолатидан бир аслияти пок бандани топмасдан, покизалиқдан сўз юритиш лоф уришдан бошқа нарса эмас, демоқда.

Байтда ғайр сўзининг такроридан тақрирнинг радд ус садри лал ҳашв, покрав ва пок сўзлари орқали иштиқоқ санъатлари яратилмоқда.

Матлаъдаги фикр бир қарашда ғазалга умуман алоқаси йўқдай туюлади. Аслида шоир ишқида қуяётган, унинг ҳажрида суяқлари тупроғу, тани ҳашакка айланган, уни қуёшу ўзига заррага тенглаган, ишқида ўлиб бўлдим, энди висолдан нима умид, дея ёзғирган, унинг қаддига тикилиб, ҳайрат бармоғини тишлашни сохта ибодатдан устун қўйган ўша маъшук – аслиятида Яратганнын зоти намоён бўлган комил инсон эди. Навоий унга ҳурмати нима мумтоз Шарқ поэзияси анъаналаридан чекинмаган ҳолда ишқий йўсинда изҳор этмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



---

“Ишқинг ичра кўксума онча жунун тошин урай...”

---



Ишқинг ичра кўксума онча жунун тошин урай  
Ким, хираднинг шавкатин, тақво шуқуҳин синдурай.

Қилса тавсанлиғ кўнгул тортиб жунун занжирига,  
Ҳажр зиндонида ишқинг шаҳнасиға топшурай.

Ул парий кўздин чу махфийдур ҳамеша, ваҳ, неча  
Истаб ани топмаса, мажнун кўнгулни ёзғурай.

Ғам туни анжум кўзи янглиғ юмулмас кўз била,  
Ваҳ, неча гоҳе юрай, гоҳе турай, гоҳ ўлтуруай.

Чун не тақдир ўлса тағйир ўлмас эрмиш саъй ила,  
Қайғу қисмим бўлди деб ортуқси невчун қайғурай.

Ул қуёшқа заррае таъсир учун йўқтур, не суд  
Гар тўқуз афlockни оҳим ўтидин куйдурай.

Эй Навоий, истасам ўлмак не ғам эл таънидин,  
Боре мен ҳар навъ этиб, жононға жонни еткурай.

-- V --    - V --    - V --    - V --

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Луғат

**Шукуҳ** – 1) Улуғворлик, фахрланиш; 2) Шон-шавкат, азамат, савлат; 3) Кўркамлик, ҳайбатлилик

**Тақво** – парҳезкор, покиза

**Тавсан** – 1) Аргумоқ от, ўйноқи от; 2) Саркаш, асов, шўх

**Шаҳна** – Посбон, қоровул бошлиғи

**Ёзгур** – Айбламоқ, гуноҳкор қилмоқ; оздирмоқ

**Тағйир** – Ўзгартиш, ўзгари

### Насрий баён

Ишқинг ичида (ўзим билмаган ҳолда) телбалик тошини кўк-симга шунчалик урайки, (натижада) ақлу-ҳушнинг шуҳратию, тақводорликнинг улуғворлигини синдирай!

Кўнглим саркашлик қилса, (уни) телбаворлик занжирига тортиб, ҳижрон зиндонида ишқинг зиндонбонига топширай!

У пари(сифат маҳбубам) ҳамиша кўздан яширин, шундай экан, уни қидириб тополмаган мажнун кўнглимни айблай!

Ғам тури юлдузлар каби юмилмайдиган кўз билан неча марта юрай, турай, ўтирай (яъни ҳаловат топмай)!

Ҳар нима тақдирдан бўладиган бўлса, уни ҳаракат билан ўзгартириб бўлмайди, (шундай экан) менинг тегишим қайғу бўлди деб, қайғуриб нима қилдим?!

Тўққиз фалакни оҳим ўтидан куйдирсам ҳам, у қуёшга зарра таъсири бўмаганидан кейин (бу ҳаракатимдан) нима фойда?!

Эй Навоий, ўлсам, эл таънасидан не ғамки, мен ҳар нима қилиб бўлса ҳам жононга жонни топшириш ниятидаман.

### Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги етти байтли радифсиз ғазал шаклан мусалсал бўлиб, унда орифона фикрлар ошиқона сўзлар, тасвирлар восита-сида сингдирилган.

Матлаъда ошиқнинг ишқ йўлига кириб, бошқа йўлни инкор қилганлиги қаламга олинади:

Ишқинг ичра кўксума онча жунун тошин урай  
Ким, хираднинг шавкати, тақво шукуҳин синдурай.

Инсон шундай хилқатки, у ўзининг ақлу ҳуши, илму ирфо-ни, тақвою художўйлиги билан мақтанишни, фахрланишни, алал-оқибат шухрату шараф қозонишни яхши кўради. Ошиқ жунун – телбаворлик тошини кўксима урай де ва у ерда, яъни кўнгилдаги ақлу ҳушнинг шавкатию, тақво, парҳезкорлик улуғворли-гини синдирай демоқда! Нега? Чунки ошиқлик даъво қиладиган одамнинг кўксидан ишқдан бошқа ҳеч нарса бўлмаслиги керак.

Байтда жунун *тоши*, *хираднинг шавкати*, *тақво шукуҳи* бирик-малари ёрдамида истиора санъати яратилмоқда.

Қилса тавсанлиғ кўнгул тортиб жунун занжирига,  
Ҳажр зиндонида ишқинг шаҳнасиға топшурай.

Иккинчи байтда матлаъдаги фикр давом эттирмоқда. Яъни кўнглим хираднинг шавкати, тақво шукуҳини синдирмай сар-кашлик қилса, уни жунун – телбалик занжири билан боғлаш ке-рак. Жазо бериш учун эса айрилиқ зиндонига ташлаб, ишқ зин-донбонига тайинлаш керак. Демак, шоир нолаю фиғон қилиб, безор бўлгани айрилиқ аслида инсон қалбини тоблаб жилоланти-риш учун керак бўладиган восита экан.

Байтда кўнгулни жонлантириш орқали ташхис, *жунун занжири, ҳажр зиндони, ишқ шаҳнасиға* каби бирикмалар орқали истиора санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Ул парий кўздин чу махфийдур ҳамеша, ваҳ, неча  
Истаб ани топмаса, мажнун кўнгулни ёзғурай.

Навбатдаги байтда шоир бошқа фикрга ўтади. Яъни, у маъшукани изламоқда. Маъшуқа эса париларга ўхшаб инсон кўзига кўринмайди – яшириниб олган. Бунинг учун ошиқ мажнун – телба кўнглини айбдор қилмоқда. Нима учун? Чунки ҳақиқий ошиқ кўнгил маъшукасини ўзига жойлаб олиш керак. Ўшанда унинг учун масофаю замон аҳамиятсиз бўлади, висолу ҳижроннинг фарқи қолмайди.

Байтда пари сўзи ва мажнун кўнгил бирикмаси ёрдамида истиора, ташхис ҳамда муболаға санъатлари яратилмоқда.

Ғам туни анжум кўзи янглиғ юмулмас кўз била,  
Ваҳ, неча гоҳе юрай, гоҳе турай, гоҳ ўлтурай.

Маъшукани тополмай изтиробга тушган, бунинг учун кўнглини айблаган ошиқ энди уни изламоқда. Топса, кўнглига жойлаб олиши аниқ. Бироқ бунинг учун ўша гўзални топиш керак. Тополмагач эса, айрилиқ ва соғинчда тонг қадар гоҳ юриб, гоҳ туриб, гоҳ ўтириб изтироб чикиш керак бўлади.

Байтда ғам туни, анжум кўзи бирикмалари ёрдамида истиора, кўз ва гоҳ сўзларининг такроридан бир йўла икки ўринда тақрир, ташхис, юрай, турай, ўлтурай сўзлари воситасида таъдид санъатлари ва муболағанинг табиғ даражасига мурожаат этилган.

Чун не тақдир ўлса тағйир ўлмас эрмиш саъй ила,  
Қайғу қисмим бўлди деб ортуқси невчун қайғурай.

Тақдирга ризолик энг гўзал таслимиятдир! Шунда тақдирнинг ўзи йўл очиб беради. Шунинг учун ушбу ғазал қаҳрамони бўлган ошиқ тақдирни ҳаракат билан ўзгартираман дея тиришмасдан,

насабам қайғу экан, дея қайғу чекиб, бир қайғуни иккига етказ-майман, демокда.

Байтда ўлса ўлмас ва қайғу, қайғурай сўзлари орқали иштиқоқ санъатлари яратилмоқда.

Ул қуёшқа заррае таъсир учун йўқтур, не суд  
Гар тўқуз афлони оҳим ўтидин куйдурай.

Тўғри, оху фиғон чекиб, тўққиз фалакни куйдирсангиз ҳам қуёшга заррача таъсири йўқ – у ўз йўлида нуруни сочиб юраверади.

Ёки: ғазал қахрамони ишқида ёнаётган илоҳий маъшуқа шунчалар эҳтиёжсиз ва эътиборсизки, унинг ишқида тўққиз фалакни оҳ уриб куйдирсангиз ҳам, нафақат сиз, балки ўша тўққиз фалакнинг ўзи куйиб кетса ҳам, унга ҳеч бир зиён етмайди.

Байтда илоҳий маъшуқнинг мутлақ камол эгаси ва ҳеч бир нарсага эҳтиёжсиз эканлиги мадҳ этилмоқда.

Байтда ул қуёш сўзи ёрдамида истиора, қуёш ва фалак сўзлари воситасида эса таносиб, муболағанинг ғулув даражаси юзага келмоқда.

Эй Навоий, истасам ўлмак не ғам эл таънидин,  
Боре мен ҳар навъ этиб, жононға жонни еткурай.

Ишқ таъсирида ўлибди, деб маломат қилишса ҳам менга барибир, деб якунлайди ғазални ва айни пайтда қуюндек худудсиз фикрларини бир қисмини Навоий, менинг ниятим қандай бўлса ҳам жононға жонни етказиш-ку, ахир!

Айна пайтда ўлимга бошқача назар билан қараш, унга томон интилиш. Бу ҳаётсевар, гуманист ижодкорнинг ҳаётни ҳам, ўлимни ҳам Яратганнинг бир инъоми, инсон учун бир имконият деб қабул қилишининг белгисидир.

Байтда жонон ва жон сўзлари ёрдамида иштиқоқ ва одатдагидек, муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал Яратганга ҳар лаҳза интилган, Унинг заррасини ҳар қандай гўзалликда кўриб, ҳис этган улуғ

санъаткорнинг дунёвий муҳаббат йўлида ёзган ишқ ва дил изҳоридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

——  
**“Эй кўнгул, бир навъ ўлубмен аҳли даврондин малул...”**  
——

Эй кўнгул, бир навъ ўлубмен аҳли даврондин малул  
Ким, эрурмен кимки андин яхши йўқ, андин малул.

Хажр агар будур, нетай мен жонни, жон нетсун мени  
Ким, эрур ҳар лаҳза мендин жону мен жондин малул.

Тенгри халқ этмиш мени гўё малолат чеккали  
Ким, даме йўқким, эмасмен халқи нодондин малул.

Неча диним узра титрай дилраблар кўйида,  
Эй мусулмонлар, бўлубмен кофиристондин малул.

Истасанг мақсад, қадам қўй, таън тошидин не бок,  
Каъба топти бўлмагон хори муғилондин малул.

Эй кўнгул, фикрингни қилким, дўсту душманлар юзун  
Кўрмас эрди, бўлмаса сен зори ҳайрондин малул.

Эй муғанний, тут “Ироқ” оҳангию кўргуз “Ҳижоз”  
Ким, Навоий хотири бўлмиш “Хуросон”дин малул.

— V — — V — — V — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

Машхур мутасаввиф шоир Юнус Эмронинг шеърларига шарҳлар битган алломалардан бири шундай дейди: “Бу фақиру ҳақир, дўстлар илтимосига кўра Юнус Эмро ҳазратларининг тўққиз шеърларини шарҳу баён этишга киришиб саккиз ой мобайнида қоғозга кўмилиб паришон яшадим. Лекин “Қилинган иш дўстлар талабига мувофиқ бўлдим ёки йўқми?” - деган бир иштибоҳ бор эди менда. Бир кеча Юнус Эмро ҳазратларини туш кўрдим. Бу фақирга илтифот кўрсатиб дедилар: “Менинг ул сўзларимга ёзган шарҳ ва айтган маънийи латифни фуқаро ва толиблардан дариг тутмағилки, бир манфаат кўрсинлар”.

Албатта, заҳмат чекиб, узоқ изланиш ва билим билан ёзилган шарҳ ёки талкин бефойда бўлмайди. Лекин мумтоз шеърятимиз намуналарини, хусусан, ирфоний моҳиятдаги шеърларни шарҳлаш барибир жуда қийин. Чунки уларда фикр ва оҳанг ҳам, тимсол ва тасвир ҳам руҳ, ҳол ва кайфиятга бўйсундирилгандир.

Шорих ёки талқинчи шеър мазмунини энг аввало ҳол ва кайфият тили билан ўқиб, руҳан машоҳада эта олмаса, ўқувчини ишонтириб ҳам, эргаштириб ҳам билмайди. Эҳтимол, эргашишнинг кераги йўқдир. Аммо қизиқиш зарур. Ана шу қизиқишдан шеърга янгича бир қараш, муносабат, у ё бу жиҳатни чуқурлаштириш майли туғилиши мумкин.

Яқинда бир талаба менга “Домла, ўтмиш шоирларимиз йиғи ҳақида нега бунча кўп ёзишган? Қайси шоирнинг шеърини ўқиманг, албатта, у ё “йиғладим” ё “йиғларман” дейди. Йиғида ҳам бир меъёр бўлиши керакми, йўқми?”, деб савол берди. Бу — кулги ва шодликка ўчликдан эмас, моҳиятни англаш истагидан туғилган савол бўлганлиги учун мен масалани тарихан, яъни дин ва тасаввуф билан боғлиқликда изоҳлашга ҳаракат қилдим.

Кулгидан-кулгининг, шодликдан-шодликнинг фарқи бўлганидек, аламдан-аламни, йиғидан-йиғининг ҳам фарқи бор. Биз, албатта, буни фарқлашимиз ва фарқларини пухта англашимиз лозим. Бурсали Иброҳим Ҳаққий ёзади: “Кўз ёшининг мақбул ва манзури ишқ туфайли сел бўлиб оққанидир. Дунёвий ва нафсоний ниятлар учун тўкилган кўз ёшининг Аллоҳ олдида ҳеч қандай қиймати йўқдир... Авом ила хавоснинг йиғиси орасида кўп фарқ бордир. Зеро, ҳар кимнинг йиғлаши илм ва тушунчасига кўра... Хуллас, йиғлашни айблаб ва йиғлаганни рад қилган жаҳолатга

таслим бўлиб, хавоснинг ҳолини авомга ўхшатган бўлур”. Дарвоқе, мумтоз шеъриятимиз марказида турган инсон, у ошиқ ёки ориф бўладими, дарвеш ёки ринд бўладими, бундан қатъи назар, ҳеч қачон моддий ва нафсоний истак, орзу-умид ва ғаразлар учун маҳзунлашмаган, ғусса чекмаган, кўз ёш тўкишни тасаввур ҳам қилмаган хос кишилар вакилидир. Биз истаймизми, истамаймизми, Навоий шеърятини ўқиганда масаланинг худди шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратишимиз, улуг шоир тасвирларидаги ниҳоятда олий ва самовий ҳолат ёки туйғуларни ерга қориштиришдан сақланмоғимиз зарур. Бу дунёда кимда малул бўлмайди дейсиз? Ким қайғу тортмайди. Ким ғамгин ва хафа бўлмайди? Бироқ Навоийдаги мана бу малуллик тамоман ўзгадирки, шоир уни дард, ҳасрат ва сир ўлароқ кўнгилга изҳор айлаган:

Эй кўнгул, бир навъ ўлубмен аҳли даврондин малул  
Ким, эрурмен кимки андин яхши йўк, андин малул.

Бу байтда малул — қайғу ва ҳасратда ёнишнинг сабаби, унинг сифат ва даражаси (“бир навъ”) ва чегараси (яхшиларнинг энг яхшисидан ҳам малол етиш) аниқ ифодаланган. Аммо ўша “бир навъ”нинг мазмун-моҳияти нимадан иборат, у қандай изтироб ва қийноқларга ишорат қилади? Буни тўғридан-тўғри тавсифлаш қийин. Зеро, у аҳли даврон феъл-атвори ва аҳли давронга холис муносабатдан қайноғланган надомат эрур. Донишмандлар демишларки, дунё дунё бўлганлиги учун эмас, мол-мулки, лаззат ва шодликлари билан одамларни ўзига тобе қилиш учун яралгандир. Шу боис ишққа, завқ ва маърифатга доир бўлмаган сўзларни тасаввуф аҳли “дунё каломи”, деб билганлар ва бундай сўзларни гапирмаслик, имкон қадар тингламасликка ҳаракат қилганлар. Шу маънода улуг шоир, мутасаввиф ёки алломаларнинг дилига ранж етказишда аҳли дунё билан аҳли даврон деярли тенгдир.

Маълумки, руҳ-жоннинг асли нурдир. Ҳақ қудрати бўлмиш ушбу қудсий қудрат Аллоҳнинг амри билан вужудга кирган. Лекин жон танда боқий қолмайди. У маълум бир муддатдаги саёҳатдан сўнг асл манзилига қайтади. Энг буюк ҳижрон ана шу ораликдаги айрилиқдир. Ҳақиқий ошиқлар ишқни — жон, жонни — ишқ деб

билганликлари боис ўлимни фақат вужудга алоқадор ҳисоблаганлар. Бу ҳақда Юнус Эмро:

Тан фонийдир жон ўлмас, чун кетса ортга қайтмас,  
Ўлса агар тан ўлур, жонлар ўлгувчи эмас,-

дейди. Навоий “ҳажр агар будур” дея жон ва “мен”, “мен” ва жон орасидаги озурдалиқ “можаро”сидан хабар берганда, ҳажр калимасининг диний-тасаввуфий мазмунига урғу берган:

Ҳажр агар будур, нетай мен жонни, жон нетсун мени  
Ким, эрур ҳар лаҳза мендин жону мен жондин малул.

Бугунги ўқувчида “Жон билан талашиб, жондан безиб шундай аҳволда яшашнинг нимаси ибратли?” - деган савол туғилиши мумкин. Агар ошиқ халқи жонини Азроилга эмас, Аллоҳга таслим этур, худди кўнгил сингари жон ҳам маъшук хайронидур, ҳақиқий ишқ — бу жон завқи ва фидойилиги, деган қараш ҳисобга олинса, шоир кўзда тутган ички мақсад ўз-ўзидан бир қадар равшанлашади. Кейинги байтдаги “халқи нодон” биринчи мисрадаги “аҳли даврон”га гўё изоҳдир:

Тенгри халқ этмиш мени гўё малолат чеккали  
Ким, даме йўқким, эмасмен халқи нодондин малул.

Инсондаги ҳар қандай норозилиқ ва саркашликнинг ҳам интиҳоси бор. Шундай интиҳо “даргоҳ”ларидан бири сабр бўлса, иккинчиси кўникиш. Кўникишнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари ва ёмон жиҳатлари бўлса-да, кишини алданиш, субутсизлик ва ялтоқланишдан муҳофаза этади. Инсон ўз аҳволига, зоҳирдан етадиган бало ва офатларга сокин нигоҳ ила боқадиган бўлади. Ҳеч шубҳа йўқки, Навоий “Тенгри мени малолат чекмоқ учун одам қилиб яратди”, - деган қарорга келгунча авомлик билан ҳам, нодонлик билан ҳам, жаҳолат ва золимлик билан ҳам кўп юзма-юз келган. Ва бирор бир дам осудалиқ топмагач, ғайриихтиёрий равишда “Тенгри халқ этмиш мени...”, деган хулосага тўхталган.

Дунё бир синов майдони. Бунда ҳамма нарса синалади ва синовдан ўтказилади. Жумладан, ишқ ва эътиқод ҳам. Маълумки, мутасаввифлар севгини расмий ва умумий диндан фарқланувчи бир дин — дин ул-хуб деб билганлар. Юнус Эмро:

Ғайридир бу миллатдан бу бизнинг миллатимиз,  
Ҳеч динда топилмади дину диёнатимиз, -

деганда мазкур тушунчага асосланган. Алишер Навоий ҳам бир қанча шеърларида дин сўзини шу маънода татбиқ қилган. Ошиқнинг “дилраболар кўйида” дин узра титраши, аслида ишқ узра титрашини ифодалайди. Мусулмонларга мурожаат эса дин ул-хуб — севги динининг сир-асрорлари билан ҳисоблашмайдиган зоҳирбинларга қаратилган:

Неча диним узра титрай дилраболар кўйида,  
Эй мусулмонлар, бўлубмен кофиристондин малул.

Бу фикр навбатдаги байтда янада чуқурлаштирилган. Чунончи: Кўзланган олий мақсадга етмоқ истасанг, таъна тошларига аҳамият берма. “Хори муғилон”дан малул бўлмаган Каъбани топпоққа ҳам қодирдир, дейилади унда:

Истасанг мақсад, қадам қўй, таън тошидин не бок,  
Каъба топти – бўлмагон хори муғилондин малул.

“Муғилон” — муғлар маскани. Муғ — оташпараст демак. Тасаввуфда содиқ мурид, ошиқ мазмунини акс эттиради. Демак, илоҳий ишқ йўлида дину мазҳаб деган гап — нисбий гап, демоқчи шоир.

Нақл қилинишича, Аллоҳ таоло ақлни яратгач ундан “Мен кимман?” - деб сўрабди. Ақл жим қотганича, ҳеч нарса дея олмабди. Сўнгра Тангри ақлнинг кўзини ваҳдоният нури билан ёритибди. Ақл кўзини очибди ва “Сен Аллоҳсан, Сендан ўзга илоҳ йўқ”, дебди.

Хуллас, ақлга Аллоҳни Аллоҳ ила танишдан ўзга йўл бўлмаган экан. Кўнгул эса ишқ ила Ҳақ висолига етишур. Шу учун илоҳий

ишқда ҳам, мажозий ишқда ҳам кўнгулнинг имкони ва мавқеи юқоридир. Навоийнинг яна бир қарра кўнгилга мурожаат этиб:

Эй кўнгул, фикрингни қилким, дўсту душманлар юзун,  
Кўрмас эрди, бўлмаса сен зори ҳайрондин малул,-

дейиши ҳам бежиз эмас.

Навоийнинг илоҳий ишқ ҳақида битилган байтларига хос бир фазилят бор: уларни ўқиркансиз, ҳеч қачон ҳақни халқдан, халқни ҳақдан айру тасаввур эта олмайсиз. Инсон ва муҳит, инсон қамоли ва абадиёт сирлари ҳақида янги-янги мушоҳадаларга имкон топасиз. Ҳазал мақтаъсида ҳам шоир гўё “Ироқ” ва “Ҳижоз” куйларини тинглаб, кўнгилга тасалли топиш истагини билдирса-да, охириги мисрани ўқиб унинг Хуросон муҳитига муносабатини осон англаб оласиз:

Эй муғанний, тут “Ироқ” оҳангию кўргуз “Ҳижоз”  
Ким, Навоий хоотири бўлмиш “Хуросон”дин малул.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

——  
**“Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ғам тутай...”**  
——

Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ғам тутай  
Ўз қатиқ ҳолимға ўлмастин бурун мотам тутай.

Йиғлабон бошимға оҳим дудидин чирмаб қора,  
Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзум бу дам тутай.

Олам аҳлига неча қилдим вафо, кўрдум жафо,  
Эй кўнгул, кел-келки, тарки жумлайи олам тутай.

Эмдиким, ишрат сурудидин очилманг, эй кўнгул,  
Навха оҳангин тузуб, бир дам сени хуррам тутай.

Мастлиғдин ўзга йўқ дардим иложи, соқие,  
Май кетурким, ҳам ичай, бир лаҳза ани ҳам тутай.

Кўйғил, эй носихки, муғ дайрида ўз аҳволима,  
Маст лояъқил ёқам йиртиб, суруди ғам тутай.

Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлига йўқ эрмиш вафо,  
Эй Навоий, мен фано сарриштасин муҳкам тутай.

– V – – V – – V – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Лугат

**Суруд** – 1) Кўшиқ, ашула; 2) Оҳанг; вазн

**Навха** – Йиғи-сиғи, нола, мунгли йиғи

**Носих** – Насихат қилувчи, насихатгўй

**Лояъқил** – Ақлсиз, эссиз, беҳуш, ҳушсиз

**Сарришта** – 1) Калаванинг учи, ипнинг учи; ишнинг асоси;  
2) Киришиш йўли, илҳом келиши

### Насрий баён

Эй кўнгил, кел, бало базмида ғам жомини ичиб, ўзимни қаттиқ  
ҳолимга ўлмасдан олдин мотам тутай!

Йиғлаб, бошимга “оҳ”им тутунидан қора чирмаб, мотамимни  
эл тутишидан аввал, ўзим ҳозир тутиб қўя қолай!

Олам аҳлига неча марта вафо қилсам, шунча жафо кўрдим,  
(шундай экан), эй кўнгил кел, энди жумали оламни тарк этай!

Хурсандчилик куй-қўшиғидан очилмайдиган бўлсанг, эй кўнг-  
лим, йиғи оҳангни тузиб, сени хуррам қилай!

Мастликдан бошқа дардимнинг иложи бўлмагандан кейин, эй соқий, май келтир, уни ҳам бир лаҳза ушлаб туриб, кейин ичай!

Эй насихатгўй муғ дайри, яъни майхонада ўз аҳволимга қўй, (яъни ортиқча панд-насихатларингни бошламаки), ҳушсиз ва маст бўлиб, ёқамни йиртганча, ҳам навосини тузай!

### Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги етти байтли “тутай” радифли ғазал ижтимоий мазмунли бўлиб, шаклан мусалсалдир. Ғазалда замон ва замондошлардан ёруғлик кўрмаган инсон қалби изтироблари тасвирланади.

Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ҳам тутай  
Ўз қатиқ ҳолимга ўлмастин бурун мотам тутай.

Ғазалнинг лирик қаҳрамони шу даражада изтиробга тушганки, бошига пайдар-пай тушаётган балоларни бир базм билиб, унда шароб ўрнига ҳам жомини тутмоқчи. Ўзининг бундай алам-ли ҳаётига ҳозир – тириклигидаёқ мотам тутишга тайёр.

Матлаъдаёқ тушкун кайфият, фожеавий пафос билан бошланмоқда ғазал. Бироқ бу тушкунлик, фожеанинг сабаби ғазалхонга ҳали номаълум.

Байтда эй кўнгул ундалмаси воситасида илтифот, бало базми, жоми ҳам бирикмаларидан эса истиора санъатлари яратилмоқда.

Йиғлабон бошимга оҳим дудидин чирмаб қора,  
Мотамим эл сўнгра тутқунча, ўзум бу дам тутай.

Тортаётган “оҳ”имнинг қора тутинида мотам либоси сифатида салла боғлай-да, одамлар ўлганимдан кейин тутадиган мотамимни ўзим ҳозирдан тутиб қўя қолай.

Ғазалдаги фожеавий пафос кучайиб бормоқда. Лекин ҳамон унинг сабаби номаълумлигича қолаяпти.

Байтда оҳим дуди бирикмаси орқали истиора, тутқунча, тутай сўзлари орқали иштиқоқ ва муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Олам аҳлига неча қилдим вафо, кўрдум жафо,  
Эй кўнгул, кел-келки, тарки жумлайи олам тутай.

Ниҳоят учинчи байтда ғазалдаги тушкун кайфиятнинг сабаби ойдинлашмоқда. Шоир олам аҳлига – замондошларига, дўсту биродарларига қўлидан келганча яхшилик – вафо қилган, лекин бунинг эвазига унинг акси бўлган ёмонлик – жафо кўрган. Шунинг учун унинг кайфияти тушкун, кўзига ўлим чиройли кўринмоқда, жумлаи оламни тарк этиб, зоҳидлик йўлига кирмоқчи.

Байтда вафо ва жафо сўзлари орқали тазод, эй кўнгул ундалмаси орқали илтифот, кел-кел сўзлари орқали мукаррар, олам сўзининг такроридан такрирнинг радд ус-садр илал ҳашв тури ва муболаганинг биринчи даражаси – таблиққа мурожаат этилмоқда.

Эмдиким, ишрат сурудидин очилманг, эй кўнгул,  
Навҳа оҳангин тузуб, бир дам сени хуррам тутай.

Навбатдаги байтдан маълум бўлишича, олам аҳлидан бевафолик кўрган кўнгил хурсандчилик базмида очилмади, йиғлагиси, оламдан воз кечгиси келди. Шундай экан, энди у хурсандчиликларни қўяй-да, йиғи оҳангини тузай, зора, шунда қувонсанг, дейди улуғ шоир ўз кўнглига қарата. Тўғри, дўстларнинг озоридан зада бўлган кўнгил йиғлашни, тўйиб йиғлаб олишни хоҳлайди. Ўшандагина дарди енгиллашгандай бўлиб, очилади. Баъзи пайтлари инсон қалби мана шундай парадоксал ҳолатни қўмсайди!

Байтда кўнгулга мурожаат орқали илтифот, уни жонлантириш орқали ташхис, ишрат суруди, навҳа оҳанги бирикмалари орқали истора санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Мастлиғдин ўзга йўқ дардим иложи, соқий,  
Май кетурким, ҳам ичай, бир лаҳза ани ҳам тутай.

Дўстларнинг бевафолигини, улардан келган озорларни маст бўлмай унутиб бўлмайди! Шундай экан, эй соқий, май келтир! Уни ичиб, ўзимни овутай ва ундан олдин бир лаҳза кўзим олдида тутай – гўё дардларимни аритадигандай ушлаб турай!

Байтда мастлиғ, соқий ва май сўзлари орқали таносиб, соқийга мурожаат этиш орқали илтифот, ҳам сўзининг такроридан тақрир санъатлари юзага келмоқда.

Кўйғил, эй носихки, муғ дайрида ўз аҳволима,  
Маст лояъқил ёқам йиртиб, суруди ғам тутай.

Шоир майхонага бориб, май ичиш учун уни тутиб турганда насихатгўй – зоҳид уни кўриб қолади ва майнинг исломда ҳаром қилинганлиги, мусулмон киши уни ичмаслиги, не келса сабр қилиш лозимлиги ва ҳоказолар тўғрисида насихат қилади. Шоир эса унга ўз аҳволимга кўй, зора май ичиб, ҳушсиз бўлсам, ғам ноласини куйласам, дардим бир оз енгиллашар, демоқда.

Байтда эй носих ундалмаси орқали илтифот, муғ дайри бирикмаси орқали истиора, *маст лояъқил ёқам йиртиб, суруди ғам тутай* бирикмалари орқали таъдид ва муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлиға йўқ эрмиш вафо,  
Эй Навоий, мен фано сарриштасин муҳкам тутай.

Ниҳоят мақтаёда Навоий ғазал бўйи излагани бевафо олам ва олам аҳлидан қочиш, қутилиш, аламзада кўнгилга даво қилиш йўлини топади. Бу фано сарриштасини маҳкам тутиш! Яъни тасаввуфнинг энг юқорида даражаси фано мартабаси ва фонийлик даражасига етишиш! Ўзлигини маҳв этиб, Аллоҳ борлиғига сингиб кетиш. Мана шундагина кўнгилнинг ҳар дарди шифо топади!

Байтда жаҳон сўзининг такроридан тақрир, эй Навоий ундалмаси орқали илтифот, фано сарриштаси бирикмасидан истиора санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Умуман олганда, аҳли замондан шикаста кўнгил дардига даво топмаган инсоннинг ноласи ва ниҳоят фонийликдан – илоҳиёт бағридан нажот топиши тасвиридир бу ғазал.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

—•—•—•—•—•—•—

**“Олса жонимни лабинг даврон тўкуб қон ёшини...”**

—•—•—•—•—•—•—

Олса жонимни лабинг даврон тўкуб қон ёшини,  
Тонг эмас ул ёш ила лаъл этса қабрим тошини.

Фитна таълим этмаса қошинг санга бедод учун,  
Хам бўлуб невчун қулоғингга кетурмиш бошини.

Кўз тутар эрдим қалам кирпичларимдин боғла деб,  
Гар азалда кўрсам эрди сувратинг наққошини.

Майл этар кўнглум қуши жон пардасин қилғай қанот,  
Кўргали ҳар кеча маҳрам кўйининг хуффошини.

Ошиқ ўлдум, чунки май бердинг, магар эй муғбача  
Ишқ ўти бирла пишурмишлар пиёланг дошини.

Шайху аҳли хонақаҳ, тенгри тутта берсун манга  
Ҳақ йўлин кўргузгали дайри фано авбошини.

Жон қуши қасдиға соғинғай гуруҳа бирла ёй,  
Эй Навоий, кимки кўрса холи бирла қошини.

— V — — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

**Луғат**

**Фитна** – 1) Ғавғо, тўпалон, жанжал, иғво; 2) Мафтункорлик,  
ўзига ром қилиш

**Невчун** – нима учун, нега, нима сабабдан

**Хуффош** – кўршапалак

**Дош** – хумдон, оҳак, сопол идишлар пишириладиган ўтхона

**Авбош** – бадкор, безори, йўлтўсар, бебош

**Гуруҳа** – камонга солиб отиладиган юмалоқ ўқ, соққа

### **Насрий баён**

Лабинг жонимни олди, даврон кўзимнинг қонли кўз ёшларини тўқди, бу қон қабрим тошини лаълга айлантирди.

Қошинг сенга ғавғо, тўпалон ва ўзига мафтун қилишдан таълим бермаса, нима учун қулоғингга бошини келтириб терибди.

Азалда суратинг наққошини кўрсам, киприкларимдан қалам яса деб кўзимни тутар эдим.

Ҳар кеча кўчасининг маҳрами бўлган кўршапалакни кўрган кўнглим қуши унга томон интилиб, жон пардасини қанот қилади.

Май берганинг заҳоти ошиқ бўлдим, эй муғбача, пиёлангни ишқ ўти билан пиширишганмиди дейман?!

Шайхлар ва хонақоҳ аҳли(ни нари қилиб), Тангри Ҳақ йўлини кўргизишга қодир фано майхонасининг бебошини бери қилсин.

Эй Навоий, кимки унинг холи билан қошини кўрса, жони қуши қасдига отилиш учун ёй билан юмалоқ ўқ – соққами деб ўйлайди.

### **Шарҳ ва изоҳлар**

Етти байтли бу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан пароканададир. Унда матлаъ маъшуқа гўзаллигининг ошиқ аҳволига таъсири таърифланади:

Олса жонимни лабинг даврон тўқуб қон ёшини,  
Тонг эмас ул ёш ила лаъл этса қабрим тошини.

Ёки: лабинг давроннинг қонли ёшини тўкиб, жонимни олса ва бу кўз ёшлари лаълга айланиб, қабримга тош бўлиб қўйилса, ажабланарли эмас.

Матлаъда айтилишича, ошиқ ишқдан аламзада. Айрилиқ ва соғинч маъшуқанинг лаълдай лабларини унинг эсига солиб, жонига қасд қилиш даражасига борган. Мени ишқингда ҳалок қилган дунёнинг ўзи қабримга кўз ёши тўкади, демоқда аламзада ошиқ.

Байтда даврон (замон)ни шахслантириш орқали ташхис ҳамда муболаға санъатлари яратилмоқда.

Фитна таълим этмаса қошинг санга бедод учун,  
Ҳам бўлуб невчун қулоғингга кетурмиш бошини.

Иккинчи байтда маъшуқанинг қошлари жонлантирилмоқда. Улар сенга ошиққа зулм қилиб, ғавғо-тўпалон кўратишдан ёки қилич каби бўлиб, уни ҳалок этишдан таълим бермаса, нима учун ёнбошлаб, бошини қулоғингга қўймоқда?! – демоқда ошиқ маъшуқа гўзаллигидан ҳайратга тушганини образли тарзда ифода-лаб.

Байтда муболаға ва қулоқ, қош сўзлари орқали таносиб санъатларига муурожаат этилмоқда.

Кўз тутар эрдим қалам кирпикларимдин боғла деб,  
Ҳар азалда кўрсам эрди сувратинг наққошини.

Навбатдаги байтда маъшуқа гўзаллигидан ҳайратланган ошиқ унинг Азалдаги мусаввир – наққоши санъатига – Аллоҳнинг қудратига “Агар Азалда сенинг шундай гўзаллигини чизаётган, яратаётган Мусаввирни кўрганимда, кирпикларимни қўйқалам қилиб ишлат, дея тутардим”, деб ўз ҳайрати ва фидойилигини изҳор этмоқда. Бу билан шоир бениҳоя теран бадиий тафаккурга эга эканлигини ҳам кўрсатмоқда.

Байтда муболаға, кўз ва кирпик ҳамда суврат ва наққош сўзлари воситасида бир йўла икки ўринда таносиб, суратинг наққоши бирикмаси воситасила истиора санъатлари ҳосил қилинмоқда.

Майл этар кўнглум қуши жон пардасин қилғай қанот,  
Кўргали ҳар кеча маҳрам кўйининг хуффошини.

Ошиқ маъшуқага шунчалар интилмоқдаки, ҳатто унинг кўча-сида тунда учиб юрадиган кўршапалакни кўрса, бутун қалби билан унга талпинади. Шунчалар талпинадики, кўнгил қуши жоннинг пардасини қанот қилиб, унинг ёнига учиб бормоқчи. Зора, у орқали маъшуқадан бирор хабар ёки унинг қандайдир белгисини кўрса, билиб олса. Қалбидаги ишқ ўти зора бир оз таскин топармиди?!

Байтда кўнғлум қуши, жон пардаси бирикмалари воситасида истиора, жон ва кўнгил шахслантирилиши орқали ташхис ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Ошиқ ўлдум, чунки май бердинг, магар эй муғбача  
Ишқ ўти бирла пишурмишлар пиёланг дошини.

Шоир ошиқ бўлмасидан олдин майхонага кирган. У ерда май ташувчи бола – муғбача унга бир пиёла май берган. Шу заҳотиёқ шоир ишқ ўтига гирифтор бўлган. Бундан хайратга тушган ҳолда у “пиёлангни ишқ ўти билан тоблаб, пиширганларми?” дея хайратланмоқда. Бу байтнинг зоҳирий маъноси.

Барча маъвиза байтларда бўлгани каби ушбу байтнинг ботиний маъноси ҳам бор. Унга кўра май – илоҳий ишқни, муғбача эса пири комил вакили маъноларини англатади. Демак, пирнинг биргина пайғоми билан мени илоҳий ишққа гирифтор қилдинг, эй пири комил вакили. Сенинг бу ўтли каломинг, даъватинг илоҳий маърифат хумдонида тобланганмиди?!

Байтда май, пиёла, муғбача сўзлари воситасида таносиб, эй муғбача ундалмаси билан илтифот, ишқ ўти бирикмаси орқали истиора санъатлари яратилган.

Шайху аҳли хонақаҳ, тенгри тутта берсун манга  
Ҳақ йўлин кўргузгали дайри фано авбошини.

Маъвиза мавзу ушбу байтда ҳам давом этмоқда. Яъни, хонақоҳ аҳли, шайх каби зоҳирбин, юзаки диндорлар йўлимдан нари бўлсинлар. Аксинча, фано майхонасидаги бебошларни Худо менга яқин қилсинки, ана ўшалар менга ҳақ йўлни – ишқи илоҳий ва алалоқибат, фано мартабасини эгаллашдан таълим берадилар.

Байтда аҳли хонқаҳ ва дайри фано авбоши бирикмалари орасида шартли тазод, *шайху аҳли хонақаҳ* сўз ва бирикмалари воситасида таъдид, ҳақ йўли ва дайри фано авбоши бирикмалари орқали эса истиора санъатлари яратилмоқда.

Жон қуши қасдиға соғинғай гуруҳа бирла ёй,  
Эй Навоий, кимки кўрса холи бирла қошини.

Мақтаъда Навоий ғазалдаги асосий фикрга қайтиб, уни якунламоқда. Яъни, маъшуқамнинг қоши ва холини кўрган одам жон қушига қарши камон ва учи ясси ўқ отаётгандай бўлади. Яъни, жони чиқмаса ҳам бир қалқиб тушади. Байтда яна бир нозик ишора бор. Яъни, маъшуқанинг қора холи унинг қоши орасида шундай жойлашган эканки, у қошларини кериб қараганида, хол камондаги ўқни эслатар экан.

Байтда жон қуши бирикмаси воситасида истиора, гуруҳа бирла ёй ва хол ва қош сўзлари воситасида таносиб, эй Навоий ундалмаси ёрдамида илтифот, гуруҳа ва ёй ҳамда хол ва қошни бир-бирига қиёслаш орқали лафф ва нашр ҳамда муболаға санъатлари яратилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал маъшуқа гўзаллигининг ошиқ руҳиятига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсири, ҳижрон ва соғинч туйғулари тасвири ҳамда орифона мушоҳидалар инъикосидан иборат ихчам, яхлит бир асардир.

Шайху аҳли хонақаҳ, тенгри тутта берсун манга  
Ҳақ йўлин кўргузгали дайри фано авбошини.

Ошиқ маъшуқага шунчалар интилмоқдаки, ҳатто унинг кўчасида тунда учиб юрадиган кўршапалакни кўрса, бутун қалби билан унга талпинади. Шунчалар талпинадики, кўнгил қуши жоннинг пардасини қанот қилиб, унинг ёнига учиб бормоқчи. Зора, у орқали маъшуқадан бирор хабар ёки унинг қандайдир белгисини кўрса, билиб олса. Қалбидаги ишқ ўти зора бир оз таскин трпармиди?!

Зухра МАМАДАЛИЕВА

  
**“Эй кўнгул, кўйғилки, мундин сўнг гадолиғ фан қилай...”**  


Эй кўнгул, кўйғилки, мундин сўнг гадолиғ фан қилай,  
Кўйида бу фан била бир йўл бошин маскан қилай.

Ғаҳ бу ишратдинки, ул кўй ичрадурмен шод ўлай,  
Ғаҳ бу меҳнатдинки, андин айру мен шеван қилай.

Айламақдин танға андуху бало тошин ҳисор,  
Жонима ҳайру саломат хайлини душман қилай.

Ул юзу қомат керак, ваҳ, ўзни куч бирла неча,  
Мойили гул айлайн ё волиҳи савсан қилай.

Ёшурун ғам солди равзанлар кўнгулга, эй рафиқ,  
Кўйки, мен ҳам оҳ ила гардунни юз равзан қилай.

Соқиё, кўз бирла кўнглумни қора қилмиш хумор,  
Келки, бу уйларни май хуршидидин равшан қилай.

Ғар Навоий маст агар махмур ўтар бу дайрдин,  
Бодаполодин кафан, муғ дайридин мадфан қилай.

– V – – – V – – – V – – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

**Луғат**

**Фан** – 1) Илм, ҳунар, санъат; 2) Ҳийла, найранг; 3) Мақсад;

**Шеван** – нола, зори

**Андуҳ** – ғам, алам, қайғу, дард, ранж

**Ҳисор** – 1) Қалъа, қўрғон, истехком. 2) Кўк, осмон.

**Хайл** – 1) Тўда, гуруҳ, тоифа; 2) Эл, жамоа; 3) Оила, бола-чақа, аҳли аёл

**Волиҳ** – шайдо, асир, гирифтор, мубтало

**Равзан** – туйнук, дариҷа, тешик

**Гардун** – 1) Осмон, фалак; 2) Дунё, олам, жаҳон; 3) Арава; 4) Юксак, баланд

**Махмур** – 1) Маст, кайфи ошган; 2) Хумор, май бош оғриғи, ширакайф

**Бодаполо** – майни сузишда ишлатиладиган мато, дока.

**Мадфан** – 1) Гўр, қабр; 2) Қабристон

### Насрий баён

Эй кўнглим, бундан кейин гадоликни ўзимга одат қилиб олай, бу хунар, санъатим билан унинг кўчасида бир йўл бошини макон қилай

Гоҳи унинг кўчасидаги хурсандчиликдан шодлансам, гоҳи машаққатдан қутулиш учун нола-фигон қилай

Ғам ва андуҳ тошларидан танимга тоғ қилиб, жонимга яхшилик ва саломатлик жамоасини душман деб билай

Қанча ўзимни куч билан гулга мойиб, савсанга шайдо қилмоқчи бўлсам-да, ўша юз билан қомат керак (менга аслида)

(Ишқдан ҳосил бўлган) яширин ғам кўнглимда тешик-туйнуклар очди, (эй дўстим, энди) мен (бунинг қасдига) бир ох тортиб, осмони фалакни юз илма-тешик қилиб юборай!

Эй соқий, кўзим ва кўнглимни хуморлик – ташналик изтироби қорайтириб юборди. Келки, бу “уйлар”ни мен май қуёши билан чароғон қилай

Агар Навоий маст ёки майга ташна ҳолда ўтса бу дунёдан, майсузгичдан кафан, майхонадан қабр қилай

### Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтдан иборат “қилай” радифли бу ғазал мазмунан ошиқона бўлиб, шаклан парокандадир. У ошиқнинг ишқда ҳоки-

сор ва садоқатли бўлиш учун ўз-ўзига берган ваъдаси билан бошланади.

Эй кўнгул, қўйғилки, мундин сўнг гадолиғ фан қилай,  
Кўйида бу фан била бир йўл бошин маскан қилай.

Матлаъда кўнглига мурожаат қилаётган муаллиф бундан кейин гадолик – ҳокисорликни ҳунар, санъат даражасига етказишни ўйлайди. Ва бу санъат билан ишқда бир мартабага етишни – бир йўл бошини маскан қилишни кўзлайди. Зеро, муҳаббатда кибр, улуғвор билан эмас, ҳокисорлик, забунлик билангина мақсадга етиш мумкин.

Байтда эй кўнгул ундалмаси ёрдамида илтифот, фан сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури яратилмоқда.

Ғах бу ишратдинки, ул кўй ичрадурмен шод ўлай,  
Ғах бу меҳнатдинки, андин айру мен шеван қилай.

Иккинчи байтда матлаъдаги фикр давом эттирилмоқда. Яъни, гоҳида гадоликни хурсандчилик деб билиб, ундан шодлансам, гоҳида эса уни меҳнат-машаққат деб ҳисоблаб, маъшуқадан жудоликдан нолаю зор қилай!

Байтда гоҳ сўзидан тақрирнинг радд ус-садр илал ибтидо бу сўзининг такроридан радд ул ҳашв илал ҳашв, шод ўлмоқ ва шеван қилмоқ феъллари ёрдамида тазод санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Айламақдин танға андуҳу бало тошин ҳисор,  
Жонима ҳайру саломат хайлини душман қилай.

Ишқ асли машаққат, азоб, нола ва фиғондир. Ошиқ мана шу қийинчиликларни мардонавор қабул қилса, ундан қўрқиб воз кечмасагина, бу йўлда мақсадига эриша олади. Шунинг учун навбатдаги байтда муаллиф андуҳу бало тошлари танам келиб тегса, уларни йиғиб, тоғ қилай, демоқда. Ишқдан айри саломатлик ва яхшилик эли бўлса, улар менга бегона – ҳатто душман деб билай, деб фикрини тўлдирмоқда жонфидо ошиқ.

Байтда андуху бало ва ҳайру саломат бирикмалари ёрдамида тазод, бир йўла икки ўринда таъдид ва таносиб санъатларига мурожаат этилмоқда.

Ул юзу қомат керак, ваҳ, ўзни куч бирла неча,  
Мойили гул айлайин ё волиҳи савсан қилай.

Менга ёримдан айриликдаги гулу гулзор сайли керак эмас, дейди шоир навбатдаги байтда. Ўзимни куч билан гулга мойил, савсанга шайдо қилиб кўрсатмоқчи бўлсам ҳам, маъшуқамнинг савсандай қадди ва гулдай юзи эсимга келаверади. Шунинг учун ҳам менга гулу савсандан кўра унинг юзу қомати керак!

Байтда юзу қомат сўзлари ёрдамида таъдид, гул ва савсан сўзлари ёрдамида таносиб, юз ва қомат гул ва савсанга қиёсланиши натижасида лафф ва нашр санъатлари яратилмоқда.

Ёшурун ғам солди равзанлар кўнгулга, эй рафиқ,  
Қўйки, мен ҳам оҳ ила гардунни юз равзан қилай.

Навбатдаги байтда ошиқ ишқнинг зўрлиги натижасида кўнгил илма-тешик бўлиб кетганидан нолимоқда. Ва бунинг қасдига бир кучли “оҳ” тортиб, фалакни ҳам юз марта илма-тешик қилиб юборишни кўзламоқда.

Байтда равзан сўзининг такроридан тақрирнинг радд лу-ҳашв илал ҳашв тури, эй рафиқ ундалмаси ёрдамида илтифот ва муобалағанинг кучли даражаси – гулувга мурожаат этилмоқда.

Соқийе, кўз бирла кўнглумни қора қилмиш хумор,  
Келки, бу уйларни май хуршидидин равшан қилай.

Навбатдаги байтда шоир соқийга мурожаат этиб, хуморлик – майга бўлган ташналик жонидан тўйдириб юборганлигини изҳор этмоқда. Бу изҳорни у кўзим билан кўнглимни хуморлик қорайтирди, дея образли тарзла тасвирлапти. Ва майни қуёш дея таърифламоқда. Ниҳоят бу қуёш билан қоронғу бўлган кўз ва кўнгил уйини равшан қилмоқчи.

Байтнинг ботиний маъносига назар солсак, илоҳий маърифатга ташна кўзи ва кўнглини қорайиб – ғамга мубтало бўлиб, ёки

дунё ташвишларига ўралашиб қолганидан хафа. У илоҳий маърифат билан кўзи ва кўнглини ёруғ қилиш ниятида.

Байтда соқие ундалмаси ёрдамида илтифот, кўз билан кўнглум сўзлари ёрдамида таъдид, бу уйларни ва май хуршиди бирикмалари ёрдамида истиора санъатлари яратилмоқда.

Гар Навоий маст агар махмур ўтар бу дайрдин,  
Бодаполодин кафан, муғ дайридин мадфан қилай.

Мақтаъда Навоий маъвиза байтдаги фикрини давом эттирмоқда.

Агар Навоий бу дунёдан масту мустағрақ ёки хумор, яъни ташна ҳолда ўтадиган бўлса-да, ҳар икки ҳолатда ҳам қиёматгача кайфи тарқамаслиги ёки хумори қониши учун майсузгичдан кафан қилиб, майхона ҳовлисига кўмай.

Байтда маст ва махмур сўзлари ёрдами тазод, дайр сўзи ёрдамида тақрирнинг радд ул аруз илал ибтидо тури, маст, махмур, бодаполо, муғ ҳамда кафан ва мадфан сўзлари ёрдамида бир йўла икки ўринда таносиб санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал ишқда камолотга етиш ва илоҳий маърифат бодасидан баҳраманд бўлиш туйғуларини рамзий маънода акс эттирган ихчам миниятурадир.

*Зухра МАМАДАЛИЕВА*

——  
**“Кўнглумга шўр солди биравнинг малоҳати...”**  
——

Кўнглумга шўр солди биравнинг малоҳати,  
Ваҳким, ажаб туз ўлди яна захмим офати.

Тер қатрасин юзида кўруб ишқим ўлди тез,  
Афзун бу судин ўлди ўтумнинг ҳарорати.

Ўйнатти қошу оҳким, ул дос нўтидин  
Бағримнинг ўлди тоза ўнгалган жароҳати.

Секритти рахшу куйди кўнгулнинг ул ўт била  
Жон мазраида хирмани орому тоқати.

Кўнглум сўрарға келди, вале олди жонни ҳам,  
Мундоқ бўлурму дилшудаларнинг иёдати.

Шарбати висол ё май эмиш қайси хастанинг  
Ким, ишқ андуҳидин ўлуптур малолати.

Майға Навоий этти кўнгул шишасини зарф,  
Бу бўлди риндлик аро анинг зарофати.

--V -V-V V--V -V-

мафъувлу фоилоту мафойилу фоилун  
музориёи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф

### Луғат

**Захм** – 1) Яра, жароҳа; 2) Ошиқлик, Севишлик; 3) Озор, ранжиш, кўнгил яраси; 4) Зарба, уриш кучи, қуввати; 5) Хафалик, маломат; 6) Бахтсизлик, омадсизлик; 7) Заҳматлар

**Тез** – 1) Тез, суръатли; 2) Ўткир, кучли, шиддатли; 3) Кучайтирмак, бўрттирмак

**Афзун** – 1) Ортиқ, зиёда, кўп; 2) Афзал, юқори, устун, кўпроқ

**Дос** – Ўроқ

**Нўти** – Бирор нарсанинг учи, ўткир жойи

**Марза** – Замин, чегара, атроф

**Дилшуда** – Дилни, кўнгилни бой берган, ошиқ

**Иёдат** – Қувватлаш, ёрдам бериш; ҳол-аҳвол сўраш

**Малолат** – Малоллик, андух, ғам-ғусса, азият

**Зарф** – Суюқлик солиб қўйиладиган идиш, коса

**Ринд** – Эркин табиатли, майпараст

**Зарофат** – Зарифлик, покиза; нозик фаҳмлилик; ғаройиблик; гўзаллик

### **Насрий баён**

Бировнинг гўзаллиги кўнглимга шўр солди, ваҳки, яна ярамга туз тушди.

Юзидаги тер қатрасини кўриб, ишқим тезоблашди, яъни кучайди, қарангки, бу сувдан ўтимнинг ҳароратни кўтарилди.

Қошини ўйнатган эди, бу ўроқнинг учидан бағримнинг битаётган жароҳати янгиланди.

Тулпорини сакратган эди, кўнгилдаги ўша ўт билан жон атрофидаги ором ва тоқат хирмони куйди.

Кўнглимни сўрагани келиб, бир йўла жонимни ҳам олиб қўя қолди, ошиқлардан ҳол сўраш шундай бўладими, ахир?!

Ишқ андуҳидан қайси хастанинг ғам-андуҳи (зиёда бўлса) висол шарбати ёки май унга даво бўлади.

Майга Навоий кўнгил шишасини коса қилди, бу майхўрлик аро унинг зарифлиги, нозик табиатлигидан далолатдир.

### **Шарҳ ва изоҳлар**

Ушбу радифсиз ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан якпора бўлиб, унда маъшуқа гўзаллиги, унинг ошиқ руҳиятига таъсири гўзал ва ўзига хос чизгиларда тасвирланган.

Кўнглумга шўр солди биравнинг малоҳати,  
Ваҳким, ажаб туз ўлди яна захмим офати.

Матлаъда маъшуқанинг гўзаллиги биргина “малоҳати” сўзи билан таърифланмоқда ва у ошиқ кўнглига шўр солгани айтилмоқда. Натижада унинг ишқ оқибатида пайдо бўлган кўнглидаги яраларга туз сепгандай бўлди.

Байтда малоҳати сўзи билан балоға ва муболаға, шўр ва туз сўзлари ёрдамида эса таносиб санъатлари яратилмоқда.

Тер қатрасин юзида кўруб ишқим ўлди тез,  
Афзун бу судин ўлди ўтумнинг ҳарорати.

Иккинчи байтда бошлаб маъшуқанинг малоҳати таърифи бошланади: маъшуқанинг шитоб билан қилган ҳаракати натижасида пайдо бўлган гулдай юзлари устидаги шабнам каби тер томчиларини кўрган ошиқнинг ишқи тезлашди ва кучайди, бунга у таажжубда: ажабо, сув, одатда, ўтни ўчирарди, лекин бу сув қалбимдаги муҳаббат ўтини баттар алангалатди.

Байтда су ва ўт сўзлари орқали тазод ва муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Ўйнатти қошу оҳким, ул дос нўгидин  
Бағримнинг ўлди тоза ўнгалган жароҳати.

Навбатдаги байтда ҳам маъшуқа гўзаллиги, шўхлиги таърифи билан уйғун равишда давом этади. Маъшуқам менга қараб, қошини қоққанди, унинг ўроққа мойил қошларининг учи, гўё, юрагимга кирди ва ўзи энди битаётган жароҳатимни янгилади.

Байтда қош ва дос сўзлари ёрдамида лафф ҳамда муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Секритти рахшу куйди кўнгулнинг ул ўт била  
Жон мазраида хирмани орому тоқати.

Маъшуқа йигитлардек чапдастлик билан тулпорини сакратди. Шунда ошиқнинг жонига ўт тушгандай бўлди. Унинг бир хирмон каби орому тоқатига ўт кетиб, улар тамом ёниб кетди.

Байтда кўнгил ва жон ҳамда ором ва тоқат сўзлари ёрдамида таносиб, жон марзаи, хирмани, орому тоқати бирикмалари воситасида истиора ва муболаға санъатлари яратилди.

Кўнглум сўрарға келди, вале олди жонни ҳам,  
Мундоқ бўлурму дилшудаларнинг иёдати.

Навбатдаги байтда маъшуқанинг лутфу марҳамати тўғрисида сўз бормоқда. Ажабки, унинг лутфу карами ҳам жабру зулмидан кўпроқ таъсир қилди ошиқ бечорага. Яъни, маъшуқа ошиқнинг дарди оғирлигини билди ва кўнгил сўрашга келди. Келдию гўё

бир йўла жонни ҳам олгандай бўлди. Ё тавба, дейди ошиқ ҳайратда қолиб, ошиқлардан ҳол-аҳвол сўраш шундай бўладими, ахир?!

Байтда кўнгил ва жон сўзлари ёрдамида таносиб ва муболага санъатлари юзага келмоқда.

Шарбати висол ё май эмиш қайси хастанинг  
Ким, ишқ андуҳидин ўлуптур малолати.

Навбатдаги байтда ошиқ шоир ўз дардига даво излаб, уни, одатдагидай, майхонадан топмоқда. Ва ишқ дардига висол шарбати даво. У ҳам бўлмаса, май шифо бўлар экан, деб хулоса чиқармоқда.

Байтда шарбати висол, ишқ андуҳи бирикмалари ёрдамида истиора, шарбат ва май сўзлари воситасида таносиб санъатларига мурожаат этилмоқда.

Майға Навоий этти кўнгул шишасини зарф,  
Бу бўлди риндлик аро анинг зарофати.

Мақтаёда Навоий маъвиза байтдаги фикрини давом эттириб, у майнинг қандай шароб эканлигини бизга англатмоқда. Яъни, кўнгил шишаси коса бўладиган май, албатта руҳоний май – илоҳий ишқ ёки маърифатдир. Нозик кўнгилни шишага қиёслаган Навоий ўша майни кўнглига сингдириши, бу унинг майхўрлар, яъни ориф инсонлар орасида ҳам нозик табиатлилигини, нодир қалб эгаси бўлган инсон эканлигини билдиради, демоқда.

Байтда май, шиша, зарф ва ринд сўзлари воситасида таносиб, кўнгул шишаси бирикмаси ёрдамида истиора санъатлари, зарф ва зарофат сўзлари воситасида эса нозик сўз ўйини яратилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал маъшуқа ғўзаллиги, шўхлиги, ошиқ садоқати, илоҳий ишқ ва маърифат таърифини мужассамлаган ихчам уйғунлик намунасидир.

**Зухра МАМАДАЛИЕВА**

—~~~~~—

**“Қилса кул жисмимни ўртаб оташин ораз гули....”**

—~~~~~—

622

Қилса кул жисмимни ўртаб оташин ораз гули,  
Ҳар овуч кул даҳр бўстонида бўлғай булбуле.

Хатту рухсорин тилаб ғам шом чексам ўтлуқ оҳ,  
Ҳар шарардин кўк шабистонида очилғай гуле.

Зулфи савдосида ўлсам тортқай қабримда бош  
Ҳар гияҳдин хўшае, ҳар хўша бўлғай сунбуле.

Тушта айшим субҳиға кирди бало шом магар,  
Қасдима шўхе узори узра очмиш кокуле.

Лаъли руҳафзосини кўрсун биравким, кўрмамиш,  
Рухошом айлабон сармаст бўлғудек муле.

Май ниҳон ичсам керак оғзим қўюб куп оғзига.  
Ким, тугатсам чиқмағай андин садойи қулқули.

Эй Навоий, истасанг бўлмоқ замиринг лавҳи пок,  
Май суйин келтурким, ани ғайр нақшидин юли.

— V — — — V — — — V — — — V —

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзүф

**Лугат**

**Хўша** – 1) Бошок, бўғдой боши, сунбула; 2) Бош, узум боши; 3)  
Сунбула буржи

**Рухафзо** – Рухлантирувчи, жонлантирувчи, тирилтирувчи

**Рухошом** – Рух озиғи

Мул – Май, шароб  
Юли – Юлмоқ, узмоқ

### Насрий баён

Оловли чехранинг гули жисмимни ўртаб, кул қилса, ҳар ҳовуч кул дунё бўстонида бир булбул бўлади.

Хатти ва рухсорини соғиниб, ғам шомида ўтли оҳ чекадиган бўлсам, унинг ҳар бир шуъласидан кўк қоронғузорида бир гул очилгандай (яъни бир юлдуз чақнагандай) бўлади.

Сочининг телбалигидан ўладиган бўлсам, қабримда ҳар гиёҳдан бир бошоқ чиқиб, ҳар бир бошоқ сунбулга айланади.

Айни туш пайти хурсандчилигим тонгига бало шоми кириб келди, қасдимга у шўҳ юзини сочи билан пана қилдими дейман?!

Жон бағишловчи лаъл(дек лабини) кўрган одам руҳ озиғи бўлган май ичгандай сармаст бўлади.

Оғзимни хумнинг “оғзи”га қўйиб, майни пинҳона чисам керак, шундай қилсам, уни тугутсам ҳам “кул-кул” овози чиқмайди.

Эй Навоий агар аслинг лавҳаси пок бўлишини хоҳласанг, май суви билан ундан бегоналик нақшини юв(иб ташлаш керак).

### Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий етти байтли радифсиз бу ғазал мазмунан ошиқона бўлиб, шаклан якпорадир. Унда маъшуқа гўзаллиги ва ошиқ чеккан изтироблар параллел равишда тасвирланган. Бу тасвир матлаъдаёқ намоён бўлади:

Қилса кул жисмимни ўртаб оташин ораз гули,  
Ҳар овуч кул даҳр бўстонида бўлғай булбуле.

Ошиқ ишққа шунчалар сингиб, у билан бирлашиб кетганки, агар у ёрининг нур сочувчи юзи таъсирида куйиб кул бўладиган бўлса, ҳар ҳовуч кулдан биттадан ўзи каби оташқалб ошиқ қуш – булбул яралади.

Байтда муболаганинг ақл бовар қилмайдиган тури – ғулувга мурожаат этилмоқда. Бундан ташқари оташин ораз, ораз гули ва даҳр бўстони бирикмалари ёрдамида истиора, кул сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, гул ва булбул сўзлари воситасида эса таносиб санъатлари яратилмоқда.

Хатту рухсорин тилаб ғам шоми чексам ўтлук оҳ,  
Ҳар шарардин кўк шабистонида очилғай гуле.

Маъшуқанинг ойдай юзи ва лаблари устидаги хаттини соғиниб, ўтли оҳ чеккан шоир оҳимдан чиқадиган учқундан қоронғу кечада бир гул очилгандай ёки бир юлдуз чакнагандай бўлади, демоқда.

Байтда маъшуқанинг хатти кўк – осмонга, юзи эса чароғон юлдузга ишора орқали қиёсланмоқда.

Зулфи савдосида ўлсам тортқай қабримда бош  
Ҳар ғияҳдин хўшае, ҳар хўша бўлғай сунбуле.

Маъшуқанинг сунбул сочларини соғиниб, уларни кўролмай ўладиган бўлсам, дейди шоир, қабримдан унган гар бир ўт-ўлан бошоқ чиқариб, ҳар бир бошоқ сунбулга айланади.

Байтда зулфи савдоси бирикмаси ёрдамида истиора ва ҳар сўзининг тақроридан тақрир ва муболага санъатлари яратилган.

Тушта айшим субҳиға кирди бало шоми магар,  
Қасдима шўхе узори узра очмиш кокуле.

Навбатдаги байтда яна маъшуқанинг юзлари ва сунбул сочлари таърифланмоқда. Бироқ бу таъриф ишора орқали амалга оширилмоқда. Яъни, хурсандчилигим тонгига айни туш пайти бало шоми кириб келди, десам, яъни, нега энди шодланаётгандим, бирдан кайфиятим бузилди десам, висол ҳижрон билан алмашдим, яъники шўх маъшуқам юзи устига кокилини тушириб олдимиз?!

Байтда айшим субҳи, бало шоми, шўхе узоре бирикмалари орқали истиора, субҳ, туш ва шом, узор ва кокул сўзлари воситасида бир йўла икки ўринда таносиб санъатларига мурожаат этилган.

Лаъли руҳафзосини кўрсун биравким, кўрмамиш,  
Руҳошом айлабон сармаст бўлгудек муле.

Навбатдаги байтда маъшуканинг ол лаблари мадҳ этилмоқда. Яъни, уларни кўрган одам жон бағишловчи май ичгандек бўлади. Нима учун? Биринчидан, маъшуканинг лаблари худди майнинг рангидек қизил. Иккинчидан, ундан чиқадиган сўзлари шунчалар ширин каломларки, киши беихтиёр май ичгандек маст бўлади. Ва ниҳоят бу каломларда Исо нафаси каби жон бағишлаш – кайфият-ни кўтариш оҳанги бор. Шунинг учун маъшуқа билан сўзлашган киши жон бағишловчи май тотигандек бўлади, демоқда шоир.

Байтда лаби руҳафзо бирикмаси ва руҳошом сўзи ёрдамида истиора ва муболаға санъатлари юзага келмоқда.

Май ниҳон ичсам керак оғзим қўюб куп оғзига.

Ким, тугатсам чиқмағай андин садойи қулқули.

Навбатдаги байтда зоҳирбин зоҳидларга билдириб, маломатларга қолмаслик учун қалбидаги илоҳий маърифатни пинҳон тутиш рамзий сўз ва ишоралар ёрдамида англатилмоқда. Яъни, мен қалбимдаги илоҳий маърифатни яшарай, токи зоҳирбин зоҳидлар мени ҳам Мансур Ҳаллож ёки Боязид Бистомий каби маломат қилмасинлар.

Байтда май ва куп сўзлари ёрдамида таносиб санъатига мурोजаат этилмоқда.

Эй Навоий, истасанг бўлмоқ замиринг лавҳи пок,

Май суйин келтурким, ани ғайр нақшидин юли.

Мақтаъда Навоий маъвиза байтдаги фикрини давом эттириб, яқунламоқда. Яъни, қалбинг пок бўлиши хоҳласанг, ундаги бегоналик нақши ёки зангини ўша овози чиқмасин деб, хумнинг оғзидан ичганинг май билан ювиб ташла.

Яъни: агар Илоҳиёт билан бирлашиб кетиб, фано ва бақо мартабаларига етишни хоҳласанг, Яратгanning хаёлидан бошқасини – дунёвий хоҳишлар, нафсоний истаклар ва ҳоказоларни илоҳий маърифат ёрдамида қалбингдан чиқар! Ана ўшандагина сен куй-

лаган мажозий ишқ илоҳий ишққа айланади. Ана ўшандагина ошиқ кўнгил учун висол билан ҳижроннинг фарқи қолмайди. Кўнгил асл ниятига эришади.

Байтда эй Навоий ундалмаси ёрдамида илтифот, замиринг лавҳи, май суйи, ғайр нақши бирикмалари ёрдамида истиора санъатлари яратилмоқда.

Хулоса қилиб айтадаган бўлсак, мажозий ишқ ва маъшуқа тарафлари билан бошланган ушбу ғазал илоҳий ишқ ва маърифат мадҳи билан якунланди.

**Зухра МАМАДАЛИЕВА**



---

**“Оразинг зар ҳуққалардин, эй малоҳат машъали...”**

---



Оразинг зар ҳуққалардин, эй малоҳат машъали,  
Мусҳафедур ложуварду олтун анинг жадвали.

Турфа оедур узоринг, кўк анга мовий либос,  
Анжум анинг танга-танга басма қилган зарҳали.

Ҳар нафас ортар жамолингнинг сафоси кўзгудин,  
Кўзгунинг андоқки кулдин бўлғай афзун сайқали.

Бир парийдур лолазор ичра сариғ гуллар аро  
Ё ул ой эғнидадур зарбафт гулгун маҳмали.

Ҳусни атрофида, эй машшота, ҳар ён қўйма хол  
Ким, Ҳўтан мулкида ҳиндуларнинг ўлмас мадҳали.

Нав аруси даҳр ақдин истама, кўпким арус  
Охири ифрит ўлур, гарчи парийдур аввали.

Эй Навоий, вусма бирла кесмадин топқан фиреб,  
Гар малакдурким, бўлур шайтонсифатлар маҳзали.

– V – – V – – V – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Луғат

**Хуққа** – 1) Кутича, қимматбаҳо тошлар солинадиган думалок кутича; 2) Маъшуқанинг оғзи

**Мусҳаф** – 1) Куръони карим; 2) Йўл-йўриқ

**Жадвал** – 1) Китобдаги хат чизиги, жадвал; 2) Тўсик, девор, ариқ;

3) Ришта, тор, умид риштаси; тўғри йўл, белгиланган аниқ режа

**Узор** – 1) Юз, бет, чехра; 2) Жамол, кўрк; 3) Сатҳ, бет, саҳифа

**Турфа** – Қизик, ажабланарли, алқ лол қоладиган; нодир, кам учрайдиган

**Анжум** – 1) Юлдузлар; 2) Дурлар

**Басма** – Матога босилган гул

**Зарҳал** – Зар безакли, зар билан зийнатлаш

**Сайқал** – Пардоз, жило; пардозлаш, ялтиратиш, жилолаш

**Зарбафт** – Зардан тўқилган мато, зарбоф, кимхоб

**Махмал** – Бахмал, барқут

**Машшота** – Тароқгар, зийнатгар, пардозчи

**Мадҳал** – 1) Кириш, кириш жойи; 2) Борадиган жой

**Нав** – Янги

**Ақд** – 1) Банд, боғлаш, тугун; никоҳ; 2) Боғлаш, ихтиёр этиш

**Ифрит** – Дев, шайтон, аҳраман

**Фиреб** – Макр, хийла, найранг, алдаш

**Маҳзал** – Ҳазил, мазҳара

### Насрий баён

Юзинг зар солинган қутичалардан иборат, эй малоҳат машъ-  
аласи, гўё ложувард саҳифа бўлиб, унинг атрофидаги чизиқлари  
олтиндан бўлгани каби.

Юзинг шундай ўзгача бир ойки, кўк унга мовий либос, юлдузлар эса танга-танга босилган зарҳал (матодир).

Хар сафар жамолинг софлиги кўзгуда ортиқроқ бўлиб кўринади, бу худди кўзгунинг кулдан сайқалланганига ўхшайди.

Бир пари лозордаги сариқ гуллар ичида юрибдими ёки у ой(дек гўзалим) эгнига сариқ зарбофт гулли қизил бахмал либос кийганми?!

Эй пардозчи, хусни атрофига хол қўймаки, Хўтан мулкига хиндуларнинг кирар жойи бўлмайди!

Дунёнинг янги келинчаги никоҳини орзу қилмаки, бу келинларнинг кўпи авлига пари бўлиб, кейин арҳаманга айланади.

Эй Навоий, ўсма билан бошқа пардоздан офат у бало топган фарашта бўлса ҳам, шайтонсифатларга мазҳара бўлади.

### Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги радифсиз ғазал ҳам анъанавий етти байтли бўлиб, мазмунан ошиқона, шаклан якпора ҳисобланади. Унда маъшуқа гўзаллаги муболағавий тарзда, юқори пардаларга куйланади, тараннум этилади.

Оразинг зар ҳуққалардин, эй малоҳат машъали,  
Мусҳафедур ложуварду олтун анинг жадвали.

Маъшуқанинг юзи яшил ва майин туклар билан қоплангани учун яшил қимматбаҳо тош – ложуварддан ясалган саҳифага ўхшайи. Унинг атрофидан эса зардай ёрқин нур таралмоқда.

Байтда ошиқ маъшуқани малоҳат машъали деб мурожаат этмоқда. Унда муболағадан ташқари эй малоҳат машъали ундалмаси орқали илтифот, ложувард, олтун ва зар ҳамда мусҳаф ва жадвал сўзлари воситасида таносиб санъатлари яратилмоқда.

Турфа ойдур узоринг, кўк анга мовий либос,  
Анжум анинг танга-танга басма қилган зарҳали.

Навбатдаги байтда маъшуқа гўзаллигини муболағавий улуғлаш тасвири давом этади. Яъни, мовий либос орасида юзинг худ-

ди кўм-кўк осмондаги ойни эслатади, зарҳал босилган бахмал қўйлагинг эса юлдузларга ўхшайди.

Байтда ой, кўк ва анжум ҳамда либос, басма, зарҳал сўзлари воситасида бир йўла икки ўринда таносиб, истиора, танга-танга сўзлари орқали эса мукаррар ҳамда муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Ҳар нафас ортар жамолингнинг сафоси кўзгудин,  
Кўзгунинг андоқки кулдин бўлғай афзун сайқали.

XII-XIV асрда кўзгу мис ва шунга ўхшаш силлиқ металдан тайёрланган бўлиб, уни жилолантириш учун, одатда кулдан фойдаланишган. Мана шу одатга ишора қилган Навоий, маъшуқа гўзаллиги таърифини давом эттирмоқда: юзинг шу қадар жозибали ва гўзалки, унинг софлиги, тоза ва гўзаллигидан ҳар сафар қараганингда ойнанинг жилоси ҳам ортиб боради. Бу худди кўзгунинг кулдан сайқал топиши, тозаришига ўхшайди.

Байтда ортар ва афсуз сўзлари ёрдамида таносиб, кўзгудин сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ажуз илал ибтидо тури ҳамда муболаға санъатлари юзага келмоқда.

Бир парийдур лолазор ичра сариғ гуллар аро  
Ё ул ой эғнидадур зарбофт гулгун махмали.

Навбатдаги байтда гўзалнинг зар босилган қизил бахмал либос кийган пайтидаги кўриниши тасвирланмоқда. Киёслаш жуда гўзал: маъшуқа юзи парига, эғнидаги зарбофт қизил либос сариқ гуллар аралашган лолазорга ўхшатишмоқда.

Байтда ой сўзи орқали истиора, лолазор, гуллар ҳамда зарбофт, махмал сўзлари воситасида бир йўла икки ўринда таносиб, шунингдек лафу ва нашр санъатлари яратилмоқда.

Ҳусни атрофида, эй машшота, ҳар ён қўйма хол  
Ким, Хўтан мулкида ҳиндуларнинг ўлмас мадҳали.

Байтда маъшуқа юзи оппоқлиги учун Хўтан мулкига, унга пардозчи томонидан қўйиладиган қора холлар эса ҳиндуларга

ўхшатишмоқда. Эй пардозчи, ёримнинг оппоқ юзига қора холлар қўйишнинг кераги йўқ, унинг ўзи шундоқ ҳам гўзал. Ахир, Хўтан мулкига ҳиндуларни киришга ҳадди борми?!

Байтда эй машшота ундалмаси орқали илтифот, лафу ва нашр, муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Нав аруси даҳр ақдин истама, кўпким арус  
Охири ифрит ўлур, гарчи парийдур аввали.

Навбатдаги маъвиза байтида Навоий аввалги байтларда мадҳ этиб, улуглаган гўзални гўёки рад этмоқда. Дунё гўзалларининг бари шундай: аввал пари бўлиб, кейин иблисга айланади, демоқда у. Шундай экан, дунё келинларини никоҳини орзу қилма!

Байтни бир ўқиганда шундай фикр пайдо бўлиши аниқ. Бироқ аруси даҳр бирикмасига урғу берсак, шоирнинг асл мақсади бошқа эканлиги аён бўлади. Яъни, дунё образи мумтоз адабиётда анъавий ҳисобланиб, аёл киши қиёфасида тасаввур қилинган. У қари кампир бўйлишга қарамай, юзини пардоз билан гўзаллаштириб, қоматини бир амаллаб роз тутиб, ошиқлар қошига боради. Уларни сохта гўзаллиги билан алдаб-авраб хону монидан, дину диёнатидан айиради. Гуноҳлар ботқоғига ботириб, ўзлигидан жудо қилади. Шунда ҳам унга вафо қилмай, яна ва яна бошқа қурбонларни излайди. Навоий мана шу образни даҳр келини деб атамоқда ва унинг никоҳини орзу қилмаки, у бошида сени паридай мафтун этса-да, охири иблисга айланади, демоқда.

Байтда аруси даҳр бирикмаси орқали истиора, арус сўзининг такроридан тақрир, пари ва ифтир сўзлари орқали тазод санъатлари яратилмоқда.

Эй Навоий, вусма бирла кесмадин топқан фиреб,  
Гар малакдурким, бўлур шайтонсифатлар маҳзали.

Мақтаъда Навоий ғазалдаги умумий фикрга хулоса ясамоқда: ташқи кўринишига ишонган гўзал, гарчи фаришта бўлса ҳам, шайтонсифатларга мазах бўлади. Бу фикр ҳам бир қараганда ғазалдаги ғояни инкор қилади. Лекин аслида Навоий мен юқорида мадҳ этган маъшуқам, гарчи ташқи гўзаллиги билан ҳаммани лол

қилса ҳам, аслида ботинан пок ва комил инсондир, йўқса менинг таъриф тавсифимга арзимасди, демоқда.

Байтда эй Навоий ундалмаси орқали илтифот, вусма, кесма сўзлари орқали таносиб, малак ва шайтонсифат сўзлари орқали эса тазод санъатлари яратилмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



---

“Каманд учига еткурмас ғаму андеша айёри”

---



Каманд учига еткурмас ғаму андеша айёри,  
Вийик чокмиш магар майхона томин сунъ меъмори.

Хуморим заъфида қаҳгил иси то етти маст ўлдум,  
Сувалмишдур магар май лойидин майхоиа девори.

Тўла куб оғзи май, хуршидедур, гўё тенг очилмиш  
Чекарди бу ики хуршид даврин сунъ паргори.

Май ичмиш хонақаҳ шайхи, харобот аҳли айш айланг,  
Ки, чиқмиш баҳя ургон хирқасидин маблағи кори.

Кўринган мосиво буди эмас, балки намудидур,  
Май устида ҳубобу мавж шаклининг намудори.

Ҳубобу мавж май таҳрикидин зоҳирдурур, лекин  
Сукун тоғон вужуди, майдин ўзга қайдадур бори?

Қуёш аксимудур ҳайвон суйида ё кўрунмишдур  
Равоносо май ичра соқин гулчеҳра рухсори.

Фано дайрин кўнгул истарки, бир-бир пири дайр элга  
Тутарда бода, шояд, журъае сунгай бизинг сори.

Навосидин фано чун ҳосил ўлди, қилгасен эй ишк,  
Навоий риштаи жонин муганний удининг тори.

V — — — V — — — V — — — V — — —

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
хазажи мусаммани солим

### Луғат

**Каманд** – арқон, сиртмоқ, тузок

**Каҳгил** – сомонли лой

**Ҳубоб** – кўпик, пуфак

**Хуршид** – қуёш

**Паргор** – доира чизадиган асбоб - (циркуль); йўл-йўрик, чора-табдир

**Ҳирқа** – дарвешлар кийими

### Шарҳ ва изоҳлар

Шарҳ халқлари тафаккури тарихида чуқур илдиз отган та-саввуф таълимотини яхши билмай туриб, Алишер Навоий дунё-қараши ва адабий меросини барча мураккабликлари, фалсафий теранлиги билан тўлиқ ҳолда тўғри, ҳаққоний ёритиб бериш мушкул. Ўттизинчи йиллардаёқ Ойбек бунга эътиборини қаратган эди. Аммо, назаримда, бу масала ҳамон ҳал бўлмасдан долзарблигини сақлаб қолмоқда. Чунки ҳозир ҳам улуғ шоир асарларини “керакли” ва “кераксиз” қисмларга ажратиш, орифона мазмундаги шеърларини нашрлардан соқит қилиб, эл кўзидан яшириш, “пайқамасдан” тадқиқотларга киритмасликка мойиллик давом этмоқда. Баъзан эса, сўфиёна маъноларни англаб етмаганимиз сабабли, Навоийнинг рамзий ибора- истиораларини ҳаминқадар талқин этиб, ўқувчиларни чалғитиб келмоқдамиз. Бу ҳол Навоий даҳосини, оламининг бепоёнлиги ва улуғворлигини муаззам салоҳияти ҳам кўркемлиги билан идрок этишга халақит беради.

Ваҳоланки, Навоий мероси — яхлит бир адабий борлиқ, бебаҳо маънавий хазина. Ва яна муҳими шундаки, шоирнинг ўлмас гуманизм билан қўқарган ҳаётбахш ғоялари “дунёвий” асарларида қандай порлаб турса, биз бир чеккага олиб қўймоқчи бўлган “илоҳий” асарларида ҳам шундай куч билан нур таратиб туради. Зотан, улар зоҳирий жиҳатдан шундай, аслида эса, ботиний маънолари моҳиятига кўра бир хил фалсафий-тасаввуфий қарашлар силсиласига бориб тақаладиган ўзаро узвий алоқадор асарлар бўлиб, бирини иккинчисисиз тушуниш қийин. Бас, шундай экан, шоир асарларида учрайдиган ишқ, май, майхона, харобот, соқий, соғар, қадах, хум, кўнгил, маҳбуб сингари кўпдан кўп киноя-тимсоллар рамзий маъноли сўзлар ва улар заминида ётган яширин маънолар асрори ҳамда унинг ижоди яхлит бир бутунликда олиб текширилиб, олам ва одам ҳақидаги мушоҳада- мулоҳазалари ичида шарҳлансагина, мазмуни керакли даражада очиқ ойдинлашиши мумкин.

Ўз-ўзидан аёнки, Навоий зикр этган май биз тасаввур қилган ёхуд билган ичимлик эмас. Шоир сира ҳам буни назарда тутмаган. Билъакс, ўта тақводор ва покдомон бўлган Навоий замонасининг ишратпараст, майхўр кишиларини қахру ғазаб билан танқид остига олиб, шаробни “уммул ҳабоис”, яъни барча ёмонликлар, фалокатлар онаси деб эълон қилган. “Ҳайрат-ул аброр” достонида бўлса, бадмастларнинг масхарали ҳажвий қиёфасини яратиб, уларни элга шарманда этган. Ушбу ғазалда шоир майни илоҳий ишқ — маърифат, дониш иштиёқининг авжи қиёми, Ёр жамоли мушоҳадасидан ошиқ дилида пайдо бўлган кучли завқ — илҳомнинг, беҳад хурсандлик, сурурнинг рамзий ифодачиси сифатида қўллаган. Хумор бўлиш, майпарастлик ҳам бу ерда шунга мувофиқ.

Бу буюк нур чашмасидан ҳузурланиш, висол беҳудлиги, ҳаёт табиат зеболиги ҳамда ақл ва тафаккур етмайдиган, аммо кўнгил билан ҳис этиладиган Мутлақ руҳ мўъжизоти жилвасидан баҳрамандлик ва шунга талпиниш сархушлигидир. Чунки Навоий эътиқод қўйган фалсафий таълимотга биноан, олам азалий ва абдий ягона руҳнинг ўз-ўзини севиб, ўз жамолини томоша қилиш истагидан пайдо бўлган кўзгудир. Бирламчи қудрат порлашидан таралган нур бу кўзгуда акс этади, яъни моддий дунёдаги жамики мавжудот ва маҳлуқот — заррадан қуёшгача, еру кўк, собуту

сайёра шу нур билан ёритилади, шу нур туфайли ҳаракатланади, муайян уйғунлик ичра ривожланиб туради. Бу илоҳий тажаллини шоирлар май тимсолида қабул қилганлар. Моддий дунё эса, шу тасаввур бўйича, жом ёки қадаҳдир. Дунёнинг ранго-ранг товланишлари, ўзгариш, янгиланишлар, табиатнинг турфа сиру асрори, ҳодиса-ашёлари, баҳорий уйғониш, чунончи, дарахтларнинг кўкариб, гуллаб мева боғлаши, дашту даранинг ўт-ўлан билан қопланиши, қушларнинг маст бўлиб сайраши, боринги, ҳаётнинг барча нашъу намози, гуркираб кўринган нафосат тўфони шу май уммонининг мавжланиши, кўпириши деб тушунтирилган.

Инсон ҳам мазкур кўзгунинг бир бўлаги, лекин руҳи мутлақ энг кўп акс этган ҳилқат. Чунки у холиқиятнинг сарвари ва ганжи гавҳари, яъни “икки олам истеъдодининг жамулжами” (Бедил). Инсон руҳи шу боис тинимсиз равишда ўз манбаига қараб интилади. Бу интилиш дунёнинг ўзини идрок этиш ва ўз-ўзини англаб етиш орқали содир бўлгани сабабли инсон олам ҳодисалари гўзаллигини мушоҳада этиб, чексиз ҳайратланади. Ҳайрат эса ашё-ҳодисаларни билиб олиш қизиқишини кучайтиради. Шу тариқа, киши моҳият-ҳақиқатни билиш иштиёқи билан ёниб, борган сари кўпроқ ташвиш-тараддудда бўлади. Инсоннинг бутун ҳаётий фаолияти, ижод ва яратувчилик қобилияти, кашфу каромати ва файзу фазилатлари шу ишқнинг қудрати деб талқин этилган.

Аммо инсон табиати икки асос — руҳий ва моддий олам унсурларидан таркиб топгани учун улар орасида кураш боради. Агар моддий асос бўлмиш жисм талаблари кучайса, у хирс ва шаҳват, ҳайвоний нафс домига гирифтор бўлиб, борган сари тубанлашади. Бу хавфнинг олдини олиш учун киши доимий равишда руҳий-маънавий эҳтиёжларини қондириб бориши, шу жиҳатни тарбиялашга бел боғламоғи даркор. Бу ишда унга ўзидан кўра комилроқ инсон — пир раҳнамолик қилади. Пир ёки ориф деб тасаввуф аҳли донишда етук, маърифат нури билан қалби лиммо-лим, пок ният, покиза ахлоқли, закий одамни назарда тутганлар. Навоий назарида Жомий ана шундай шахс бўлган. Бундай шахслар ҳаммавақт эзгуликни ўйлаб, ўзига эргашган одамларни қалб саховати билан тарбиялаганлар, уларнинг иродасини чиниктириб, кўнгил чашмасининг кўзини очиб, оламни янгича тушунишга, ҳақ йўлни ҳимоя қилишга ўргатганлар.

Юқорида келтирганимиз ғазалда шу маънолар ифодаланган. Буни муайян изоҳлар билан шарҳлаб, тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Ғазалнинг биринчи байтидаги ғаму андеша айёри, сунъ меъ-мори, каманд, майхона каби сўз ва бирикмалар изоҳга муҳтож. Каманд шеъриятда аксар ёр сочи ўрнида истиора сифатида қўлланилади. Бироқ бу ўринда Навоий унинг асл луғавий маъноси — арқонни назарда тутган. Ғаму андеша айёри — ақл тадбиркорлиги, ақлу ташвиш тадбири деган маънони беради. Майхона эса “шавқу завқ ва илоҳий маърифат тўлиб-тошган комил инсон — орифнинг ботиний дунёси ва руҳи мутлақ манбаидир”. (Саййид Жаъфар Сажжодий. Мусталиҳоти урафо. 392-6.)

Сунъ меъмори — худо. Энди байтнинг мазмунига келсак. Алишер Навоий баланд иморатлар, сарой ва қалъаларнинг кунгурасига арқон ташлаб, тирмашиб том устига чиқиш одатига ишора қилиб, дейди: “Азал меъмори — худо майхона томини шунчалик улуг ва баланд қилиб қурган эканки, фикру ташвиш тадбирининг арқони унинг кунгурасининг учига етмайди”. Шоирнинг таъкидича, ақл ва тадбир билан майхона қалъасини забт этиш мумкин эмас. Нега? Чунки ориф қалбининг маърифати ва у орқали илоҳий руҳ манбаининг бекиёс гўзаллигини идрок этишга (шуни айтиш керакки, Навоий ибора-тимсолларида ҳар доим икки маъно — ориф қалби ва руҳи мутлақ биргаликда кўзда тутилади, зеро ориф қалби олий зотга олиб борадиган бир восита, кўприк деб қаралган) фақат қалб ва руҳ қодирдир; ақлий мушоҳада, мантиқий-тафаккурий билиш усули бунга қобил эмас.

Маълум бўладики, Алишер Навоий ғазалнинг матлайданоқ тасаввуф тариқатининг асосий талабларидан бирини баён этган. Бу талаб тариқат йўлига қадам қўйган одам учун биринчи жиддий мушкулот ҳам эди, чунки ақлу ҳуш қудрати етмайдиган нарсага кўнгил майли билан эришиш — руҳий иродани қайтадан қуриш, ўзини ўз виждони, эътиқоди олдида жавобгар ҳисоблаб, қаттиқ назорат остига олиш, жуда кўп дунёвий ҳавас-хоҳишлардан воз кечиш демакдир. Майхона қасрининг буюклиги олам сиру асрори, ажойиботлари, ҳодиса-воқеаларининг беҳад кўплиги, уни билиш, моҳиятига етиш қийинчилигидир, айни вақтда саркаш нафс қутқуларини енгил, юксак ахлоқли одам бўлиш машаққатларини ҳам англатади.

Иккинчи байт биринчи байтдаги фикрни давом эттиради: го-  
либ (ёки ошик) ақлу тадбир билан комил инсон мартабасига кўта-  
рилишига — майхонани забт этишга кўзи етмагандан кейин, бу  
бинонинг деворларини ҳидлаш билан қаноатланади. Яъни пир-  
нинг муҳитига яқинлашиб, унга қўл бериб, дастлабки насихатла-  
рини эшитишдан баҳра олади. Майхона девори шундай қилиб,  
пири комилнинг муҳити, ташқи, зоҳирий дунёсидир. Иккинчи  
тарафдан, бу — бизни ўраб олган моддий дунё ҳам. Чунки қалъа  
ичидаги руҳ манбаини идрок этиш, аввало қалъа деворлари —  
дунё ашёларини ўрганиш, ҳаёл, сезгилар орқали унинг моҳиятига  
етиб бориш билан амалга ошади. Заъфи хумор — кайфнинг тарқа-  
ла бошлаши, ишқнинг вақтинча сусайиши, ҳақиқатга шубҳа би-  
лан қараш, шубҳаланиш лаҳзасини билдиради. Каҳгил-сомонли  
лой. Май лойи — шароб куйкуми, дунё мулки, хирсий иштиёқлар-  
дан ҳали покланмаган руҳ тимсоли.

Алҳосил, байтнинг мазмуни қуйидагича: “Майхона деворини  
май лойи билан шуваганлар шекилли, хуморим тарқалганда ди-  
моғимгасомонли лой ҳиди уриб, яна маст бўлдим”. Ёки: “Муҳаб-  
батим вақтинча сусайганда (кўнгилда шубҳа туғилганда), пирга  
яқинлашганим сабабли шубҳаларим тарқалиб, қалбимда ишқ яна  
аввалгидай алангаланди”. Пирнинг ички олами унинг нутқи, ҳа-  
ракатлари, кароматида зухур этганидай руҳи мутлақ ҳам дунё гў-  
заллигида жилваланиб, кишини мафтун этади. Орифнинг завқи  
салиқаси, нозикфаҳм заковати дақиқ маънолар мағзини осон  
чақиб, мушкул масалаларни ички бир фаросат билан ҳал қилиб  
бера олади. Бу худди қадахдан томган май томчилари каби ошик  
дилига ҳикмат нури бўлиб қўйилади. Шу маънода тасаввуф аҳли  
хум, хумхона, соғар, жом, майкада деганда ҳам орифнинг пур-  
файз жозиб юрагини тушунганлар.

Учинчи байтда биз тушунмайдиган учта сўз бор. Булар: куб,  
хуршид, паргор. Куб — шароб сақланадиган хум, мажозий маъ-  
нода, боя айтганимиздай, орифнинг кўнгли ва руҳи мутлақ. Хур-  
шид — қуёш. Паргор — доира чизадиган асбоб — (циркуль); баъ-  
зан йўл-йўрик, чора-тадбир маъносида ҳам қўлланилади. Шунга  
кўра, учинчи байтнинг маъносини ҳозирги тилимизда қуйидаги-  
ча изохласа бўлади: “Оғзигача май тўлғазилган хум худди қуёшга  
ўхшайди, гўё оллоҳнинг доира чизгичи бу икки қуёшнинг (яъни

фалак қуёши ва май хумининг) гардишини чизганда бир пайтда барабар очилгандай”. Ёхуд: “Май хуми билан қуёшнинг тарҳи бир хил, улар бирга бир вақтда яратилган ўхшаш нарсалардир”. Шоир айтмоқчи, қуёш ҳам май хуми, яъни бирламчи манбаъдан нишона. Шунинг учун улар бир-бирининг мавжудлигини исботлайдилар — қуёшнинг далили қуёш. Май хумини қуёшга ўхшатиш билан Навоий ориф қалбининг саховати, карамининг бепоёнлигини таъкидламоқчи, зеро қуёш ўз ҳарорати, зиёси билан оламни мунаввар этгандай, ориф қалби ҳам ошиқларни фаровон баҳравор эта олади.

Бундан ташқари, бу ерда толибнинг зохирий мушоҳададан (майхона деворини ҳидлаш) аста-секин ботиний маъноларни англаш сари бораётгани, бундан ҳайратланаётгани ҳам ўз ифодасини топган.

Тўртинчи байт шарҳи. Хонақоҳ — сўфийлар йиғилиб, вайи самов билан шуғулланадиган жой. Харобат сўзининг луғавий маъноси вайрона, шаробхона бўлсада, аммо тасаввуф аҳли истилоҳида инсон жисмининг хароб бўлиши — қаноат, фақр йўлига кириб, ҳайвоний нафслар, кераксиз, ёмон хулқ-одамлардан қутулиб, ўзни хоксорлик, камтаринлик рутбасига солишдир. Хароботийлар, яъни риндлар “майхона тараддудидан беҳонумонлиғи ва паймона тааллуқидан бесарусомонлиғи” (“Маҳбуб-ул қулуб”) билан машҳур. Улар учун “тожу тахт туфроғ билан тенг”, ҳамма нарсадан фориғ, ёлғиз ёр ишқида сармаст. Ҳирқа-сўфийлар киядиган йиртиқ, жанда кийим. Бундан ташқари, инсоннинг бадани, сурати ва ашёлар олами ҳам. Баҳя — ямоқ, жияк. Маблағи кори — ишининг натижаси, аҳволи, бор- буди демак. Хуллас, байтнинг мазмуни бундай: “Хонақоҳ шайхи май ичибди, яъни унинг кўнглида илоҳий нур порлаб, бу ҳузурдан сархуш бўлибди. Эй ошиқ хароботийлар, сиз ҳам бу хабардан хурсанд бўлиб, важд-ҳолга тушинг. Кўрмайсизми, шайхнинг аҳволи унинг жанда тўнининг йиртиқларидан маълум бўлди, яъни ботиний олами юзага чиқди, маърифат нури шуълаланди”. Байтнинг иккинчи сатрида сўфийларнинг ўз жамоалари мажлисида жазава хуружида рақсу самовга тушиб, кийимларининг чок-чокидан сўкилиб кетишига ишора бор.

Бешинчи ва олтинчи байтларда шоирона ифода-тимсоллар орқали қадимги ва ҳозирги фалсафанинг учта муҳим категорияси тушунтирилган. Булар моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл, жузъ ва кулл (яккалик ва умумийлик) категорияларидир. Бироқ фалсафий категориялар ҳақида гапиришдан олдин нотаниш сўзларнинг маъносини билиб олишимиз керак.

Масалан, мосиво — ғайр, ўзга, ундан бошқа деган маъноларни ифодалаб келади. Мазкур фалсафий-тасаввуфий истилоҳнинг моадо деган иккинчи атамаси ҳам бор. Навоий девонининг биринчи ғазалида шу сўз ишлатилган. Шарҳланаётган ғазалимизда эса, шоир мосиво деб моддий борлик, яъни дунёни назарда тутган. Чунки дунё мутлақ руҳ билан инсон орасида, яъни қалб билан “у” орасида ғайр, бегона бир тўсиқ, ўзгалиқдир. Шу каби ошиқ билан маъшук орасида парда бўлиб турган жисм, бадан ва унинг эҳтиёжлари ҳам ўзгадир. Шарқ шоирлари асарларида учрайдиган Рақиб — севишганларни ажратиб турувчи шахс шу хусусиятларни ўзида жамлаган образ бўлиб гавдаланади. Бешинчи байтдаги буд — асос, ҳақиқий мавжудликни, намуд — кўриниш, шаклий белгиларни англатса, хубоб — сув ва бошқа суюқликлар юзасида пайдо бўладиган пуфакча. Бу сўз мавж билан биргаликда ҳаракат, моҳиятнинг зуҳуротини билдиради. Энди бешинчи байт мазмунини қайд этиш мумкин: “Кўзга ташланган нарсалар (ўзгаликлар) зоти азалийнинг ҳақиқий моҳиятини англатмайди, шу сингари пуфакча ва тўлқин майнинг ўзи эмас, балки шаклий ифодасидир”; Ёки бошқача қилиб айтсак: “Май устидаги пуфак ва мавж майнинг моҳиятини акс эттирмаганидай, “у”дан бошқа кўринган ашёлар “у”нинг борлигини — мавжудлигини белгиламайди, улар ташқи белгилардир, холос”.

Шундай қилиб, ташқи дунё ва ундаги нарсалар моҳият эмас, балки ҳодисадир. Моҳият — руҳи мутлақ ёки ориф кўнглидаги маърифат. Айни вақтда, моддий дунё — шакл, руҳ эса — мазмун. Инсон ҳодиса ва шаклларга маҳлиё бўлмаслиги керак, унинг мақсади ва вазифаси моҳият-мазмунни билишга қараб бориш.

Демак, тасаввуфда дунё Мутлақ руҳ билан инсон орасида тўсиқ деб ҳисоблансада бироқ, барибир, дунёни билиш шарт қилиб қўйилган, дунёни билмасдан туриб, моҳиятни (ҳақни) идрок этиш мумкин эмаслиги тан олинган. Шу тариқа, ҳодиса моҳиятни

билиш йўлида имтиҳон, чунки у ранг-баранг ва хилма-хил. Шарқ файласуфлари бу миқдорий кўпликни асмо (исмлар), ашё (нарсалар), сифот (сифатлар), имтиёз (фарқлар), афъол (ҳаракат-фаолият), ваҳх (юз, жиҳат) ва бошқа истилоҳлар воситасида тавсиф этиб келганлар. Миқдорий хилма-хиллик, мантикий равишда, жуъзият ва куллият, яъни тур ва жинс тушунчаларини келтириб чиқаради. Жуъзият (тасаввуфчилар буни касрат ҳам деганлар) куллиятга, яъни ваҳдатга зиддир. Шундай бўлгач, уларнинг хусусиятида ҳам қарама-қаршилик мавжуд: ваҳдат — бирламчи қудрат, турғун, ҳаракатсиз жавҳар (субстанция) бўлса, касрат — тафсилийлик, доимий ҳаракат, ривожланиш қонуниятига тобеъ.

Демак, майнинг мавж ва пуфакчаларини томоша қилиш, мушоҳада этиш билан чегараланмасдан, худди ҳодисадан моҳиятга қараб борилгандай, касратдан ваҳдатга қараб бориш ва шу асосда бирламчи қудрат нафосатини идрок этиб, ҳузурланиш мумкин. Ҳазалнинг олтинчи байтида бу фикр очиқроқ ифодааланган (бунда таҳрик — ҳаракат, сукут — турғунлик, тиниш): “Пуфак билан тўлқин майнинг ҳаракати, тажаллусидир. Бу ҳаракат тингач, тиниқ майнинг тоза вужудидан бошқа нима қолади?”

Бу вужудни идрок этган киши Ёр ҳузурига мушарраф бўлиб, фано мартабасига яқинлашдиким, ҳазалнинг еттинчи байти шу хусусдадир. Ҳайвон сўйи деб гўё одамзод ичганда абадий умр топадиган афсонавий ер ости мамлакатнинг чашмасини атаганлар. Тасаввуфда у ишқ-муҳаббат булоғи, ҳақиқат нурининг манбаини англатади. Байтнинг мазмуни эса бундай:

“Ишқ чашмасида ёки ҳақиқий нур манбаида кўринган қуёш аксими ё жонга ўхшаш май ичида азал соқийсининг гулдай зебо юзи намоён бўлганми?” Соқий сўзи ҳам бу ерда рамзий маънога эга, яъни мутлақ файзиёт, маърифат булоғи демак. Майда ёр жамолини кўриш, май идишини қуёшга ўхшатиш Навоийнинг севган образларидан. “Ашриқат мин акси шамсул қаъси анворул худо, ёр аксин майда кўр деб жомдин чикди садо” — чиқаётган қуёш косасининг аксидан ҳидоят нурлари порлаб кўринди, жомдан ёр жамолини майда кўр, деган садо чикди. “Хазойин-ул маоний” девони мана шу байт билан бошланади. Шоир назарида ловуллаган олов кўраси — муаззам офтоб ҳам ўша буюк илоҳий қудратнинг инъикоси, мавжудотни ҳаракатга келтирувчи май “тўлғазилган

жом, унинг порлаши эса — ёр жамоли”. Ёр жамолини кўрган ошиқ мақсадга эришиб, фано водийсига кириб боради. Ғазалнинг охирги икки байти шу маънони ифодалашга хизмат қилади.

Саккизинчи байтдаги дайр аслида насронийлар ва оташпарастлар ибодатхонасининг номи, мажозан эса майхона, дунёдир. Дайри фано – ҳайвоний нафсдан қутулган, руҳан тирик, маънавий жиҳатдан етук кишилар мажлиси, уларнинг ботиний олами, Навоий бу байтда маънавий ҳақиқатларни кашф этган одамлар хузурини қўмсаш, улар хизматидан баҳра олиш туйғусини ифодалаган. Шунинг учун у пири дайр деганда ҳам эзгулик ва қарам дарёсининг тимсоли комил инсонни кўзда тутган. Алҳосил, байтнинг мазмуни: “Юрак майхона истайди, чунки унда пири комил кишиларга сабоқ бермоқда, шояд менга ҳам шу май шуъласидан бир насиб этса”. Ёки: “Кўнгил жисм, вужуд йўқоладиган, фано бўладиган макон истайди. Чунки унда камолот ва етуклик тимсоли маънавий шайх ҳақиқат файзидан элга бир-бир бода тутмоқда. Зора, у бу ҳикмат ва дониш шаробидан менга ҳам бир қултум узатса”.

Тўққизинчи байтга келсак, бунда иккита сўз ўзак маъно ташийди. Биринчиси — наво. Навонинг маънолари кўп. У мусиқа, куй, оҳанг, шу билан бирга мунтазамлик, тартиб-интизом, симметрия, низомия, нафосат тушунчаларини қамраб олади. Агар бу маъноларнинг ҳаммаси бир жойга йиғсак, наво умумбашарий, умумжаҳоний оламнинг яхлит уйғунлигидан иборат олий гўзалликни ифодалаган бўлади. Модомики шундай экан, ягона руҳий қудратнинг мунтазам ҳаракати, созкорлиги қайдида қалбнинг шукру шуқуҳи, ором ва осойишталиги ҳам наводир.

Алишер Навоий, шубҳасиз, охирги байтда қалб ороми, ички руҳий қониқиш нашидасини тасвирлаган. Бу нашида шоир юрагида бир муаззам куй бўлиб янграган ва муғанний (иккинчи ўзак сўз) тушунчаси билан боғланиб кетган. Муғанний — чолғучи дегани. Бу ўринда эса у узлуксиз ёғиб турувчи нурфайзнинг навосини етказувчи, шу неъматдан огоҳ этувчининг тимсолидир. Куй каби оқиб келадиган ушбу нур қалбни роҳат-фароғатга ғарқ этади.

Байтнинг насрий таржимасини келтирсак, фикримиз янада ойдинлашиши мумкин: “Эй ишқ, буюк жаҳоний уйғунлик нури навосидан, сафо нашидасидан қониқиш муяссар бўлди, энди На-

войи жонининг ипини шу нурни ёғдирувчи чолғувчи асбобига тор қилгин, яъни ўша буюк нур риштасига улаб юборгин”. Ёки: “Эй ишқ, маҳбуб жамолини кўриб, ўзликдан батамом хориж бўлдим — мақсадга етдим, висол куйи вужудимни оғушига олди. Энди Навоийнинг жонини жонон нурининг тарамларига боғла”. Бу ерда шоир таҳаллуси билан байт мазмуни ўзаро уйғунлашиб, ажойиб сўз ўйини ҳосил бўлганини кўрамиз. Шу нуқтада шоирнинг ҳар икки таҳаллуси (Навоий ва Фоний) маъно жиҳатидан бир-бирига яқин эканлиги ҳам маълум бўлади.

Улуғ шоирнинг фалсафий мушоҳадаси мана шундай чуқур ва қамровли. Коинот ва инсон унинг назарида яхлит бир бутунликни ташкил этади, бир қонуният билан бошқарилади. Инсон бу қонуният сирларини руҳ кучи, алоҳида ҳиссий тасаввурлар теранлиги билан билиб олиши даркор.

Хуллас, мазкур ғазалда мажозий тимсоллар ёрдамида тасаввуф фалсафасининг билиш назарияси ифодаб берилган: аввал оламни билиш мушкуллигидан кўриб саросимага тушиш, ҳайратланиш, кейин ташқи дунё нарса-ҳодисаларини мушоҳада эта бошлаш, зоҳирий мушоҳададан аста-секин моҳиятни идрок қилишга ўтиш. Моҳиятнинг улуғворлигини ҳис этиб, руҳий-тафаккурий қониқиш туйиш. Бу жараён уч босқичга ажратилиб, илмул яқин, айнул яқин, ҳаққул яқин деган махсус терминлар билан белгиланган. Яқин — исбот талаб қилинмайдиган шак-шубҳасиз ҳақиқат. Айн — чашма, кўз, ҳар нарсанинг асли, зот. Тасаввуф назариётчиларидан Абдураззоқ Кошоний бундай дейди: “филжумла, сўфийлар ақидасига мувофиқ маънавиятни билиш уч хилдир: илмул яқин, айнул яқин ва ҳаққул яқин. Аввалги ҳолатда одам маълумни ақлий далил, ҳужжат келтириш билан дарк этади ва иккинчи ҳолатда билиб олинган, исботланган маълумни мушоҳада этади ва учинчи ҳолатда ҳақиқатни дарк этишга етади”. (Абдураззоқ Кошоний. Масобих-ул ҳидоя, 52-бет). Бу бамисоли қуёш шуъласи ва ҳароратини далил келтириш билан исботлаш (илмул яқин), қуёш жисмини кузатиш билан аниқлаш (айнул яқин) ва қуёш вужудининг мусаффо нурдан иборат эканини қалбан идрок этишдай (ҳаққул яқин) гап. Қаширий деган олим назарида эса “илмул яқин — ақл аҳли учун, айнул яқин — илм арбоблари учун,

ҳаққул яқин — орифлар учундир”. (Қаширий. Кашф-ул маҳжуб, 497-бет).

Демак, бу фалсафий қарашга мувофиқ, ҳақиқат тажрибадан олдин мавжуддир, мантиқ кучи билан эмас, балки ҳис — руҳ воситаси билан, яъни интуиция ёрдамида билиб олинади. Чунки ҳақиқат инсоннинг ўзининг қалбида, кўнгил кўзгусида. Фаҳмлаган бўлсангиз, дунёни билишнинг бу усули немис олими И. Кант (XVIII аср)нинг “нарсa ўзида” ва “априор” (тажрибадан аввал мавжудлик) тушунчалари остида ривожлантирган фалсафий таълимотга ўхшаб кетади. Биз ҳам худди шуни таъкидламоқчи эдик, яъни тасаввуф баъзи тадқиқотчилар айтмоқчи бир дин ўрнига келган янги, мураккаблаштирилган ва мистик туйғуларни қондиришга хизмат қилувчи иккинчи дин эмас, балки оламни билишга йўл очган, шу сабабли ҳам фикрий-ҳиссий мушоҳадакорлик, ҳур фикрлилики ёқлаб, инсонни тадқиқ этишга диққат қилган катта фалсафий оқимдир. Ана шу жиҳати билан у динга нисбатан олға ташланган муҳим қадам бўлди ва башарий тафаккур тараққиётига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатди.

Алишер Навоийга ўхшаш гуманист мутафаккирлар учун эса у инсон табиати ва тийнати ҳақида, жамият, ҳаёт воқеа-ҳодисалари моҳияти тўғрисида ўйлашга имкон берадиган қидириш-изланиш, таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилган. Улуғ шоир буни биринчи девонига киритган:

Харобот аро кирдим ошғуфта ҳол, Май истарга илгимда синғон сафол, — деб якунловчи таржеъбандида равшан баён этган. Таржеъбандни ўқир эканмиз, муаллифнинг рози дилидан огоҳ бўламиз, чунки у ёшлигидан бошлаб ҳар хил илмларни ўргангани. ҳар хил “саргузашт”ни бошидан кечириб, дунё ва унинг одамлари ҳақида кўп мулоҳаза юритганини ёзади.

Шоҳу султонлар дабдабаси, шайхул ислому уламо-умаролар, ман-ман деган донишмандлар суҳбати уни қониқтирмаган, уларнинг бирортаси ҳам инсон қаршисида пайдо бўладиган минглаб саволларга жавоб беришга қодир эмас эди. “Назар айла бу коргоҳ вазъига, ки ортар тамошосида ҳайратим”, дейди шоир. Олам моҳияти нимадан иборат, инсон нега дунёга келади ва яна нега кетади? Нега инсон зоти бир хил эмас? Фирибгарлик, қонхўрлик, риё, ёлғон қаердан келиб чиққан? Бу ва бунга ўхшаш саволлар Навоийни ҳа-

миша қийнаб келган. На ўзимнинг “Саъи ила фикратим”, “на касби улум этти ҳал мушқулим”, деб ёзади у. Юрагида ҳар хил андешалар, шубҳалар кезгани, лекин замона тафаккури доирасидан батамом чиқиб кетишга журъат қилолмаганини эслатади. Ва оқибатда:

Менинг бошима бас қотиғ тушди иш,

Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим, — дея ўзини тасаввуф билан овутади. Яъни “май билан улфат” тутинади. Шундай қилиб, тасаввуф Навоийга жаҳолатдан қутулиш, дунёни билишга чанқоқ юракни маълум даражада тинчитишга кўмак берган. Бунинг икита сабаби бор:

Биринчиси шуки, Навоий яшаган замоннинг ақлий тараққиёт даражаси, фан ривожини реал дунё воқеаларини илмий асосда тушунтиришга ожизлик қиларди.

Иккинчиси эса, бу яна муҳимроқ, инсоннинг ақлий имкониётлари, донолиги билан ахлоқи, аъмол-ниятини орасида мавжуд бўлиб келаётган номувофиқликдур. Навоий ақлу заковати ҳайратланарли қилни қирқ ёрувчи кишилар ичида нафс домига тушган, зулм ва бадкирдорлиги билан машҳур бўлганларни кўп кўрган эди. Шунинг учун улут инсонпарвар шоир ахлоқий фазилатлар тарбиясини биринчи ўринга қўядиким, бу ҳам тасаввуфона мурожаат этишга олиб келарди.

Зеро, тасаввуф бутун эътиборни айнан инсон ахлоқини поклашга қаратиб, шу мақсадда турли йўл-йўриқлар, амалий тадбирлар ишлаб чиққан эди. Тасаввуф одамни виждони билан юзма-юз қўйиб, ўзи ҳақида ўйлашга мажбур этар, ҳақиқат ва эътиқод поклиги руҳида тарбияларди. Фалсафий таълимот сифатида оламни ягона деб эътироф этиш билан тасаввуф жаннат-дўзах тўғрисидаги диний афсоналарни мантиқан инкор қилар, натижада соҳид, мухтасиб, аълам каби шариат намояндалари ҳақиқатни билмайдиган нодон кишилар бўлиб чиқарди. Навоий уларни муқаллидлар, яъни юзаки нарсалар, қуруқ ақидаларга кўр-кўрона тақлид қилувчи, мустақил фикрлашдан маҳрум одамлар деб атайдди. Тасаввуф, шу тариқа, фалсафий дунёқараш сифатида диний ақида, мутаассибликка зид эди ва Алишер Навоий ундан куч-қувват олиб, комил журъат билан:

Соҳид, сенга ҳуру менга жонона керак,  
Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак.

Майхона аро сокию паймона керак,  
Паймона неча бўлса тўла, ёна керак, —

дея олар эди. Тасаввуф, айниқса, Жомий ва Навоий мансуб бўлган нақшбандия таълимоти қаноат ва тийинишни талаб этса-да, бироқ дунё гўзаллигидан ҳузурланишни инкор этмаган. Негаки, модомики реал дунё Мутлақ руҳ инъикоси экан, демак уни севиш ва ундан баҳра олиш мумкин. Шу асосда инсоннинг инсонга муҳаббати, яъни мажозий ишқ орқали илоҳий ишққа қараб бориш ҳам табиий ва зарурий деб топишган. Навоий ўзини ана шу “ишқи мажозий” куйчилари сирасига киритади. Дарҳақиқат, биз таҳлил этган ғазалга ўхшаган соф тасаввуфий маъноли ва “ишқи ҳақиқий”ни васф этувчи асарлар Навоий ижодида асосий ўринни эгалламайди. Аммо шуниси борки, ибораларнинг тимсолийлиги, рамзий йўналиши “дунёвий ғазаллар”да ҳам сақланган.

Ойбек айтганидай, бу ерда конкрет бирор шахс муҳаббати назарда тутилмайди, балки умуман яхши инсонни севиш мадҳ этилади. Ишқ Навоий наздида покбозликдир, яъни: “Пок кўзни пок назар билан пок солмоқдир ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин кўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ” (Маҳбуб-ул кулуб, 42-бет).

Шунинг учун, масалан, дейлик, “Келмади” радифли ғазални муножот куйи оғушида берилиб тингларканмиз, “Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнгил уйин, не учунким бода кирган уйга қайғу келмади”, деган мактаъни эшитганда, шоирнинг лирик қаҳрамони ёрини кутавериб қийналганидан, уйига кириб аламдан роса ичиб олибди-да, деб ўйласак, ўта калтафаҳмлик қилган бўлардик. Бундай ғазалларда ҳам бода, шароб, май сўзлари ўша мажозий маънода — муҳаббат шавқини билдириб келишини эсдан чиқармаслик керак. Бундан ташқари, Навоий бодани “кўнгул уйини хуррам этувчи” нарса деганда, ёрни кўнглида сақлаш, унинг ёди билан яшашни таъкидлаган. Негаки, нақшбандия сулукида ёд, хотира, эсга олиш тушунчалари муҳим ўрин эгаллайди. Абдулҳаким Табибийнинг ёзишича, нақшбандияда туз йўлга кирган одам қалбида “этиқод нури, тавҳид нури, маърифат нури, ҳидоят нури, аждодлар ёди нурининг бодаси” жўшиб туриши лозим. (Абдулҳаким Табибий. Афғонистонда тасаввуф ривожи, 10-бет).

Бунда эсга олиш, ҳофиза қуввати ҳақида ҳам гап борадики, бу ватан, эл-улус ғами каби кенг маъноли тушунчалар билан боғланиб кетади. Шундай қилиб, тасаввуф инсонни улуғлаш, ҳаётнинг қадрига етиш, умрни оқилона ўтказиш ғояларини тарғиб қилишга назарий замин ҳозирлаб, инсонпарвар шоирларнинг илҳомига илҳом қўшган. Бу таълимотнинг негизи савқи табиий, руҳий қўзғалиш, ваҳийлик ҳам шоирона тафаккур кайфиятига мос тушарди. Ва, умуман, биз шайхлар, орифлар тасаввуфидан ижодкорлар тасаввуфини фарқ қилишимиз керак. Сўфийлар учун тариқат зикру самоъ, важду ҳол, касбу каромат эди. Аттот, Румий, Жомий, Навоий сингари буюк шоирлар учун эса у шуурий мушоҳада усули, инсон зотини маънавий баркамол ҳолда кўриш орзуси, сирли-хаёлий оламни тасаввурда яратиб, идеал бир гўзаллик ишқида ёниш бўлган. Одамнинг асрлар давомида абадий ҳаёт, руҳнинг ўлмаслиги ҳақида ўйлаб келган армонлари, ривоят-асотирлар бу беҳудуд романтик олам уфқини кенгайтирган.

Шу боис, умрида тасаввуфнинг бирор расмий қондасини бажармаган, яъни расман сўфий бўлмаган Алишер Навоий мазкур таълимотни маслак, мафкуравий эътиқод сифатида қабул қилиб, ўзининг инсоншунослик, ҳақпарастлик ва адолатпарастлик ғояларига бўйсундирган эди. Шоҳ ва шахзодаларни инсофга чақириш, риёкор шайхлар, бетавфиқ сўфийларни фош қилишда ундан фойдаланди. Шоирнинг ижоди ана шундай мураккаб ва кўп қиррали, ибора-образлари кўп маъноли, теран. Унинг ҳар бир асари устида тўхталганда, бу хусусиятни албатта эътиборга олиш лозим.

Нажмиддин КОМИЛОВ

—~~~~~—  
“Эмас боғ ичра сариғ лола занбақ билки, ҳар сори...”  
—~~~~~—

-625-

Эмас боғ ичра сариғ лола занбақ билки, ҳар сори  
Янги доғ ўртаб ул гуд ишқидин сарғарди руҳсори.

Бу хумрат бирла эрмас оташин гул, оқ гул эрдиким,  
Юзунг барқидин ўт тушти ангаким, бўлди гулнорий.

Қадинг оллида бўлган жилвагар оқ савсан англаким,  
Кўк этти барча аъзосин сабо кожининг озори.

Шажар яфроғлари ўқдек қадингнинг ҳажрида бордур  
Бошоғларким, чаман ашки наmidин бўлди зангори.

Дема кундуз, қаронгу тун эди, чун пардадин чиқтинг,  
Жаҳонни қилди кундуздек юзунг меҳрининг анвори.

Десамким, Ҳақдур-ур мавжуду ашё ҳар недур нобуд,  
Хубобу мавжи баҳр узра эрур анинг намудори.

Навоийнинг ақиқ ашки ол эрдик, тутмиш ранг,  
Суҳайли оразинг гўёки қилмиш ламъа изҳори.

V — — — V — — — V — — — V — — —

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
хазажи мусаммани солим

### Луғат

**Ақиқ** – қимматбаҳо қизил тош

**Анвор** – нурлар

**Ашк** – кўз ёши

**Барқ** – чақмоқ, яшин; ўт, олов

**Баҳр** – катта дарё; баҳра, ҳисса

**Занбақ** – пиёзгүл; танаси ва барги узун, тагида пиёзга ўхшаган  
туби бор хушбўй гул

**Кож** – шапалоқ, шаппати

**Ламъа** – ёлқин, шуъла, порлоқлик

**Меҳр** – қуёш, офтоб; севги, ишқ

**Намудор** – кўринишли, кўриниб турган, кўринарли

**Савсан** – гулсапсар, гулсавсар; қўғагул

**Сухайли ораз** – ёруғ юз, оппоқ юз

**Шажар** – дарахт

**Хубоб** – кўпик

**Хумрат** – қизиллик

## **Насрий баён**

Чаманда очилиб турган гул лола эмас, балки у ишқдан ўртаниб, сариқ рангга кирган.

Бу оловранг гул, аслида, оқ гул эди, юзинг барқи – чақмоғидан унга ўт тушгани боис қизил рангга кирди.

Оқ савсан сенинг қаддинг олдида жилва қилиб ўзини гўзал суратда намоиш этишга интилгани учун, фалак унинг ҳар бир узвини (аъзосини) шамол шаппатиси билан уриб кўқартирди.

Дарахтнинг япроқлари ўкдек (тик) қаддинг ҳажрида йиғлаган чаманнинг кўзёшлари наmidан зангор тусга кирган бошоқлар кабидир.

Кундуз дема (дастлаб кундуз йўқ эди), ҳаммаёқ қоронғу тун эди, сен пардадин чиққан маҳал юзинг қуёшининг нурлари жаҳонни кундуздек ёритди.

Ёлғиз Ҳақ мавжуд, бошқа ҳар қандай нарса йўқ – мавжуд эмас, десам, ҳайрон бўлма, аслида, денгиз мавжи устидаги кўпиклар ҳам Унинг намоён бўлишидир.

Навоийнинг қонли ёши қизилдир, гўё оппоқ юзингдан сачраган ёлқиндан ранг олган!

## **Шарҳ ва изоҳлар**

Ошиқона ғазаллар таркибида зоҳиран маъшуқа – дунёвий мазмундаги ёр, ботинда эса Ҳақнинг гўзаллиги тавсиф этилган ғазаллар ҳам учрайди. Оламни Ҳақ гўзаллигининг намоиши сифатида талқин этган бу ғазалда шоир анъанавий ва айна пайтда, ўзига хос манзаралар ифодаси билан боғлиқ тимсол ва тушунчаларга кенг ўрин беради. Бу туркум ғазаллар “мазмуни, энг аввало, инсон тавҳидига интилган Мутлақият руҳоний кучининг тажаллийси (жилваси) бўлиб, бунинг эвазига инсоннинг

зеҳни, фаҳм-идроки очилади. Шакл эса Мутлақ борлиқнинг моддий олам предметлари кўринишидаги тажаллийларидир”<sup>1</sup>, – деб ёзади тасаввуфни эстетик нуқтаи назардан ўрганган олим А.Курбонмамедов.

Бир қарашда маъшуқа тавсифига бағишлангандек кўринган мазкур ғазалда ёр – Ҳақ, яратувчи эканлигини фаҳмлаш у қадар қийин эмас.

Эмас боғ ичра сариғ лола занбақ билки, хар сори  
Янги доғ ўртаб ул гул ишқидан сорғорди руҳсори.

Шоир байтда тафрий санъатини қўллайди, яъни мавжуд нарсанинг асл табиатини инкор этиб, уни ўз ижодий ниятига мувофиқ тасаввур эта олади. Ғазалда ушбу санъатни изчил қўллаган Навоий бадиий мақсади – касрат ва ваҳдат оламлари (ҳодиса ва моҳият) муносабати ифодаси учун жуда тўғри ва чиройли йўл танлаган. Байтда таъкидланишича, чаманда очилиб турган гул лола эмас, балки у ишқингдан азоб чекиб, сариғ рангга кирган.

Ғазалнинг мазмунини чуқурроқ англаш учун бадиий санъат ва тасвир воситаларини назардан четда қолдириш мумкин эмас. Жумладан, мазкур ғазалда ҳам тафрий санъатининг устунлигини сезиш мумкин. Манзара ифодасига уйғун ғазалларда кўпроқ ана шу санъатга мурожаат этилганлигини кузатамиз.

Кейинги байт:

Бу ҳумрат бирла эрмас оташин гул оқ гул эрдиким,  
Юзунг барқидин ўт тушти ангаким, бўлди гулнорий.

Гулнинг қизил рангини ёр юзининг олови таъсири билан боғлаган шоир фикрини “юз”нинг сўфиёна маъноси билан боғлаб, ойдинлаштириш мумкин. Юз – илоҳиёт манбаини ифодалашига эътибор берсак, гулнинг қандай рангда бўлиши ҳам фақат ёр – Илоҳга боғлиқ эканлигини тушуниш мумкин.

Кейинги байтда шоир энди тафрий санъатини эмас, балки ташбеҳни қўллаб дарахт баргларига назар ташлайди:

Шажар яфроғлари ўқдек қадингнинг ҳажрида бордур  
Бошоқларким, чаман ашки намидин чиқти зангори.

Байт учун “очқич” бўлоладиган қад тушунчаси тасаввуф луғатларида ваҳдат оламига юзланиш барқарорлиги, деб тушунтирилади. Байтдаги чаман ашки эса ёмғирдан кейинги чаманнинг нам ҳолатини тасаввур этишга имкон беради. Бу намлик ёмғир билан боғлиқ бўлгани учун ёмғир мафҳумининг орифона мазмунига эътиборни қаратсак. У шундай изоҳланади: “Ҳақ таолонинг ғайб оламидан имкон оламига тушадиган қамровли раҳмати ва файзи бўлиб, мумкинот борлиқлар қобилиятлари даражасида ундан насибаланадилар”<sup>1</sup>. Байтнинг ботиний мазмуни: Ваҳдат оламига юзланиб барқарорликка эришган бу дарахт барглари ҳажрингда сенинг раҳматингдан ва файзингдан ўз имкони даражасида насиба олган бошоқларга ўхшайди. Шоир ёмғирдан кейин зангор рангга кирган бугдойзорни рассом даражасида тасвирга кўчирар экан, бошоқ тимсолини ҳосил сифатида, аниқроғи, мумкинот оламининг ғайб оламидан баҳрамандлиги ҳосили сифатида эътироф этади.

“Тасаввуфнинг эстетик назариясида табиат гўзаллигини англаш табиат ҳодисаларини бадий-поэтик жиҳатдан англаб етишга олиб келди ва ҳаётга чорлади, сўфийлик адабиётида бебаҳо намуналар ҳисобланган бадий дурдоналарни вужудга келтирди”<sup>2</sup>.

Ҳақиқий (илоҳий) гўзалликдан ҳеч нарса ҳеч қачон устун бўлмаслигини шоир яна бошқа қиёслар мисолида шундай талқин қилади:

Қадинг оллида бўлгон жилвагар оқ савсан англаким,  
Кўк этти барча аъзосин сабо кожининг озори.

Табиат фонида Ҳақнинг сифатларини ифодалар экан, шоир кейинги байтда ўз фикрларини янада очиқроқ баён этади:

Дема, кундуз, қоронғу тун эди, пардадин чиқтинг,  
Жаҳонни қилди кундуздек юзунг меҳрининг анвори.

Байтда дунёнинг яралиши масаласига мурожаат қилган шоир сўфийлик назариясидаги нур – ёруғликнинг олам асосида тутган ўрнига эътиборни тортади. Кўпгина сўфийлар дунёнинг яралиши нур – ёруғликнинг яралиши билан бошланганлигига

алоҳида аҳамият берганлар. Айни байтда ҳазрат Навоий ҳам ана шу фикрни диққат марказида тутди. Тафриъ санъати ёрдамида кундузнинг бошланишини илоҳий моҳият нурлари ёйилиши билан боғлаган шоир байтини ўқиётган китобхон юз, анвор каби тушунчаларнинг сўфиёна моҳиятини билишга эҳтиёж сезади.

Байтдан-байтга ўтиб ёрнинг чиндан ҳам Ҳақ тимсоли эканлиги ойдинлашади:

Десамким, ҳақдур-ур мавжуду ашё ҳар недур нобуд,  
Хубобу мавжи баҳр узра эрур анинг намудори.

Баҳр – денгиз тимсолида Ҳақнинг чексиз сифат ва зот мақоми эканлиги, бутун ашё ва борлиқлар бу сўнгсиз уммоннинг тўлқинлари (мавжлари)дан иборатлиги назарда тутилган.

Демак, дунёда фонийликка рўбарў келадиган барча мавжуд нарсалар шу денгиз мавжларининг намоишидир. Оллоҳ ва олам (ваҳдат ва қасрат) муносабатларини жуда чиройли ифодалаган ушбу байт ғазалнинг маъно-мазмунини англашда муҳим очкич бўлиб хизмат қилади. Умуман, бундай ғазаллар шоирнинг тажаллий назарияси ҳақидаги фикрларини ўрганишда алоҳида ўрин тутди.

**Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА**

——  
**“Донайи холи узра кўр сабзайи хат нишонаси...”**  
——

Донайи холи узра кўр сабзайи хат нишонаси,  
Донайи хол эмас эрур меҳр гиёҳ донаси.

Ўртанурумни ишқида билмаган, эт наззораким,  
Тилдур анинг баёнига кўнглум ўти забонаси.

Қатлима бас баҳонаким, қилди баҳона қолмамиш,  
Эмди баҳона узрини қўлмоқ эрур баҳонаси.

Тийра фироқ тунлари шарҳини айт демаким,  
Минг кеча деб туганмагай бир кечанинг фасонаси.

Истама ишқ баҳрининг соҳилин, эйки ғарқасен  
Бир-бирига етишти чун тўш-тўшидин каронаси.

Тавсан эди кўнгул майи ишқини тортқан замон,  
Кўрки, не ром этибдурур эмди ани замонаси.

Бошиму дайр пирининг дарғаҳи чун тушуптурур  
Ваҳм, тааққул айламас вазъ ила корхонаси.

Фикри бу корхонани қилгай эди ҳалок, агар  
Бўлмаса ақл зойили жоми майи муғонаси.

Баски, Навоий айлади дард сурудида наво,  
Аҳли тарабни йиғлатур мажлисининг таронаси.

--V- --V- --V- --V-

мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун  
ражази мусаммани солим

### Луғат

**Сабза** – 1) Яшиллик, кўкат, кўкалам, майса; 2) ёрнинг қоши, маъшуқа зулфи

**Хат** – 1) Чизиқ, йўл, из; 2) хат, мактуб, битик; 3) соч, зулф;  
4) янги чиққан мўйлаб; 5) қилич дами; 6) ҳукм, фармон

**Меҳр** – 1) Ишқ, муҳаббат; 2) жамол; 3) ёруғлик, порлоқлик;  
4) қуёш

**Наззора** – қараш, назар солиш, томоша қилиш

**Карона** – қуйи, чет, чегара, ташқари

**Тийра** – 1) Қора, қоронғу; 2) ғам-ғуссали, қайғули; 3) хира, нурсиз

**Ғарқа** – ботиб кетган, чўкиб кетган

**Корхона** – 1) Ишхона; 2) дунё

**Тавсан** – 1) Арғумоқ от, ўйноқи от; 2) саркаш, асов, шўх

**Таакқул** – фаҳм, идрок, фикр юргизиш, ақлга келтириш

**Зойил** – йўқ бўлувчи, йўқолувчи, фоний, сўнувчи

**Муғона** – муғларча, муғлардек, мажусийларга ўхшаб

**Суруд** – 1) Қўшиқ, ашула; 2) оҳанг; вазн

**Тараб** – хурсандчилик, шодлик, айшу ишрат

### Шарҳ ва изоҳлар

Тўққиз байтли радифсиз бу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан парокандадир. У маъшуқа таърифи, ошиқнинг хижрондаги ҳолати тасвирига бағишланган.

Донайи холи узра кўр сабзайи хат нишонаси,  
Донайи хол эмас эрур меҳр гиёҳ донаси.

*Холи донасининг устадаги хат майсасининг нишонасими у, ёки хол эмас, меҳригиёҳ донасими?!*

Гўзал маъшукнинг холи устига хат – мўйлаб сабза уриб, холни беркитиб қўйибди. Ўша холни соғинган ошиқ ўзи у холмиди ё меҳригиёҳ донасимиди, дея иккиланмоқда.

Байтда сабзаи хат бирикмаси ёрдамида истиора, донai хол бирикмасининг такроридан эса тақрирнинг радд ул-садр илал ибтидо тури ҳамда ружу санъатлари яратилмоқда.

Ўртанурумни ишқида билмаган, эт наззораким,  
Тилдур анинг баёниға қўнглум ўти забонаси.

*(Эй,) ишқида қуйишимни билмаган, бир қараб қўй, унинг баёниға қўнглим ўтининг забони тил каби бўлмоқда.*

Иккинчи байтда шоир ишқни тушунмаган, англамаган бедардларга (ёки бедард маъшуқига) мурожаат қилмоқда. Эй ишқи-

да ёнишимни билмаган, тасаввур қилолмаган одам! Кўнглимнинг оловли “тил”ини кўрсанг, зора қандай ёнишимни бир қадар тасаввур қилсанг!

Байтда тилдур сўзи, кўнглум ўти ва кўнглум ўти забонаси бирикмалари ёрдамида истиора ва шу бирикмалар орқали ташхис санъатлари яратилган.

Қатлима бас баҳонаким, қилди баҳона қолмамиш,  
Эмди баҳона узрини қўлмоқ эрур баҳонаси.

*Қатлим учун баҳона қилишга арзигулик баҳона қолмагандан кейин, энди узрни баҳона қилиш баҳона бўлиб қолди.*

Маъшуқа ошиқнинг “ё висолинг билан хуррам эт, ёки мени ўлдир!” деган талабига ўлдирақолай, деган мужмал ва кинояли гап билан жавоб берди. Бироқ шуни ҳам пайсалга солди. Кейин эса “нима учун ўлдирай, баҳона йўқ?!” дея баҳона қилди. Энди шу баҳона йўқлигини баҳона қилиб, ошиқ жонини олмаслик, демакки унинг ёнига келмаслик маъшуққа баҳона бўлиб қолди.

Байтда баҳона сўзи ёрдамида сўз ўйини ва тақрир санъатининг бир йўла тўрт усули тўрт уч яратилмоқда. Булар тақрир, унинг радд ул-ҳашв илал ҳашв ва радд ул-ҳашв илал ажуз турларидир.

Тийра фироқ тунлари шарҳини айт демаким,  
Минг кеча деб туганмагай бир кечанинг фасонаси.

*Қоронғу айрилиқ тунларининг шарҳини айт дема, (унинг) бир кечасининг афсонаси минг кеча (айтилса ҳам) тугамайди.*

Минг бир кеча эртаклари, афсоналарига мурожаат этган Навоий ишқни тушунмайдиган бедардларга ёки бедард маъшуққа қатара ишқ ва ҳижроннинг бир кечаси ҳам минг кечага тенг машаққатли, демоқда. Уни бир кечасини таъриф қилиш учун ҳам минг кеча афсона сўзлаш керак.

Байтда фироқ тунлари ва кечанинг фасонаси бирикмалари ёрдамида истиора, кеча сўзининг тақроридан тақрир, кеча ва тун сўзлари ёрдамида эсатаносиб санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Истама ишқ баҳрининг соҳилин, эйки ғарқасен  
Бир-бирига етишти чун тўш-тўшидин каронаси.

*Эй, чўкаётган одам, ишқ денгизининг соҳилини орзу қилма, чунки уларнинг чегараси, ҳудуди бир-бирига етишиб, уланиб кетган.*

Ишқ денгизига чўқдингми, қачонлардир қирғоққа чиқаман, сузишга кучим бўлмаса-да, оқимнинг ўзи мени қуруқликка элтади, деб ўйлама демоқда навбатдаги байтда шоир ҳамдарди бўлган ошиқ инсонга мурожаат этаркан. Бу денгизнинг соҳили йўқ, бўлса ҳам бир-бири билан қўшилиб, бирлашиб кетган.

Байтда ишқ баҳри бирикмаси, баҳр, соҳил, ғарқа, карона сўзлари орқали таносиб, бир-бири ва тўш-тўшидин сўзлари орқали мукаррар санътлари яратилмоқда.

Тавсан эди кўнгул майи ишқини тортқан замон,  
Кўрки, не ром этибдурур эмди ани замонаси.

*Кўнгил ишқи майини ичган пайти асов, саркаш эди, энди уни замонаси қандай ром этганини кўриб қўй!*

Навбатдаги байтда шоир аввалги кунларни – ишқ майини ичган пайтларини эслади. Ўшанда кўнгли қандай ўжар ва саркаш эди. Бироқ ўша замон – лаҳзадаёқ ишқ ўз кучини кўрсатди ва уни ром этиб, қўлга ўргатгандай қилиб қўйди.

Байтда кўнгилни жонлантириш орқали ташхис, замон ва замона сўзлари орқали тақрирнинг радд ул-аруз илал ажуз турига мурожаат этилмоқда.

Бошиму дайр пирининг дарғаҳи чун тушуптурур  
Ваҳм, тааққул айламас вазъ ила корхонаси.

*Бошимга майхона пирининг топшириғи тушганидан бери вазъу насиҳат ва дунё (ишини) ақлим қабул ҳам ваҳима ҳам қилмай қўйди!*

Навбатдаги маъвиза байтда Навоий дайр пири – кекса майхоначи образига мурожаат этади. Бу образ тасаввуф адабиётида пири комил маъносини англатиб, ошиқларнинг қалбига илоҳий жамол, камол ва маърифатни шароб каби қўяди. Унинг даргоҳи, топшириғи ҳам, албатта, орифона бўлади. Шунинг учун унинг даргоҳига эришган одам дунёнинг корхонасию, насиҳатгўйлар-

нинг ваъзини қабул қилмайди, ундаги дўзаху қиёмат кўрқинчларидан ваҳимага ҳам тушмайди.

Байтда дайр пири бирикмаси ёрдамида истиора санъати яратилмоқда.

Фикри бу корхонани қилғай эди ҳалок, агар  
Бўлмаса ақл зойили жоми майи муғонаси.

*Агар ақлни йўқотувчи муғ дайри майи бўлмаганида эди, (ошиқ) фикри бу дунёни ҳалок қилиши аниқ эди.*

Ошиқнинг кўнглига ишқ ўти тушишидан олдин ақли ва зеҳни баркамол эди. Шунинг учун у ўз фикри билан дунёни ҳалок қилишга ҳам кучи ва иқтидори ктарди. Лекин унинг ақлини муғона май жоми зое қилди ва ишқ кучи ўзини кўрсатди.

Байтда фикрни жонлантириш орқали ташхис, жоми майи муғонаси бирикмаси орқали истиора санъатлари яратилган.

Баски, Навоий айлади дард сурудиди наво,  
Аҳли тарабни йиғлатур мажлисининг таронаси.

*Баски Навоий дард оҳангида наво қилганидан хурсандчилик мажлисини унинг таронаси йиғлатади(ган бўлди).*

Мақтаъда Навоий, анъанага мувофиқ, ғазалдаги ошиқона фикрга қайтиб, уни хулосаламоқда. Яъни, Навоий ўз ишқини, бемехр маъшуқининг дарду ҳасратларини, бир кечаси минг бир кеча ривоят бўладиган ҳижронининг изтиробларини дард куйига солиб, наво қиладиган – куйлайдиган бўлса, бу тарона хурсандчилик мажлиси аҳлини ҳам йиғлатишга қодир бўлади.

Байтда Навоий ва наво сўзлари орқали иштиқок, суруд ва наво сўзлари орқали таносиб, аҳли тараб ва дард сурурди бирикмаси орқали истиора санъатлари яратилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал ишқ дарди, ошиқ изтироблари ва маъшуқ бемехрлигининг ихчам, ўзига хос ва гўзал тасвиридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

  
**“Ишқ аҳли ғўристонида қабрим чу зоҳир бўлғуси...”**  


Ишқ аҳли ғўристонида қабрим чу зоҳир бўлғуси,  
Фарҳод анинг тошин йўнуб, Мажнун мужовир бўлғуси.

Дерсен, юзум сори кўзунг кўп боқмасун гар юз будур,  
Ул меҳри тобидин эриб, оққунча нозир бўлғуси.

Ғамзангдин ўлтурмак ишин таълим ола келмиш ажал,  
Бу навъ устод ўлса, ул юз чоғда моҳир бўлғуси.

Хатти ғуборин демаким, бўлғуси ул юз мониъи,  
Тун пардаси ой нуриға не навъ сотир бўлғуси.

Ул ғамза куфридин кўнгул навъи келур исломға  
Ким, тарки ислом айлабон ғўеки кофир бўлғуси.

Бўлғуси мутлоқ шуълалар ичра самандар сайридек,  
Сенсиз кўнгул гулзор аро ул дамки, сойир бўлғуси.

Кўнглумдаги ҳар нишдин гар бўлса бир тил, ҳар бири  
Юз тил била ўз ҳолининг шарҳида қосир бўлғуси.

Хотирни жамъ истар эсанг, аввал хавотир дафъин эт,  
Кимда хавотир бўлмаса, осуда хотир бўлғуси.

Қилди Навоий қаддингга сарви сихий ташбеҳини,  
Бу таъби номавзун била бечора шоир бўлғуси.

--V- --V- --V- --V-

мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун  
ражази мусаммани солим

## Луғат

**Зоҳир бўлмоқ** – Кўринмоқ

**Мужовир бўлмоқ** – Доим бир жойда яшаб турмоқ (мусофирнинг зиди); маккада ёки бирор мазорда турғун бўлмоқ

**Меҳри тоб** – Ҳароратли қуёш

**Нозир бўлмоқ** – Қаровчи бўлмоқ

**Ғамза** – Кўз ишораси, кўз билан ишора қилиш; ноз ва дилбарона. ишва билан киприк сузиб боқиш

**Ўлтурмак** – Ўлдириш

**Хатти ғубор** – Чиройли ёзув санъатининг бир тури. Бу ғазалда маъшуканинг лаб устидаги чиройли майин тукларига ишора саналади

**Моний** – Манъ этувчи, тўсиқ бўлувчи, тўсиқ, ғов

**Сотир бўлмоқ** – Беркитувчи бўлмоқ.

**Ғамза куфри** – Киприкларнинг – нозли боқишларнинг кофирлиги, исломни танимаслиги

**Куфр дафъ этмоқ**

**Навъ** – Тур, жинс

**Кофир бўлмоқ** – Исломни инкор этувчи бўлмоқ

**Самандар** – Афсонага кўра, ўтда пайдо бўлиб, ўтда яшайдиган қуш

**Сойир бўлмоқ** – Сайр этувчи, кезувчи бўлмоқ

**Қосир бўлмоқ** – Камчиликли бўлмоқ; кучсиз, ожиз бўлмоқ

**Сарви сихий** – Бўйи тик, ниҳоятда келишган, қишин-ёзин ям-яшил турадиган, ҳиди ёқимли, хушқомат бир дарахт

**Табъи номавзун** – Шеър айтишга лаёқатсиз талант

## Насрий баён

Қабрим вақти келиб ишқ аҳли ғўристонида кўриниб қолади, Фарҳод унинг тошини йўниб, Мажнун ўша ерни тарк этмай – мужовир бўлиб қолади.

“Юзум томон кўзинг кўп боқмасин”, – дейсан. Агар юз шундай бўладиган бўлса, кўзим унинг қуёшдек ҳароратидан эриб оққунга қадар унга нозир – қаровчи бўлиб қолаверади.

Ажал ўлдирмоқ ишини киприкларингдан – ишва билан нозли қарашларингдан таълим олиб келган эмиш, унга шу тарзда устозлик қилинса, у оз фурсатда моҳир бўлиб қолади.

Лаб устидаги чиройли майин тукларини унинг шуълавор юзига тўсиқ бўлади, дея ўйламаким, тун пардаси ой нурини қандай қилиб беркитувчи бўла олади?

У киприкларнинг – нозли қарашларнинг исломни танимаслигидан кўнгил жинси исломни танийдиким, бу гўёки исломни тарк этганнинг кофир бўлганига ўхшайди.

Самандар сайрида шуълаларнинг мутлоқ мавжуд бўлгани сингари кўнгил ўша дамда гулзораро – ҳароратланиб турган бағирда сенсиз сайр қилгувчи бўлади.

Кўнглимдаги нишларнинг ҳар бири тилга айланса-ю, боз устига, ҳар бири юзлаб тил билан ўз ҳолининг шарҳини баён қилса, бу шарҳлар барибир қусурли – камчиликли шарҳлар бўлиб қолаверди.

Кўнгилни тинч бўлишини истасанг, аввало, хавотирни даф эт. Кимда хавотир бўлмаса, унда осуда кўнгил бўлади.

Навоий маъшуқа қаддига сарви сихий – бўйи тик, ниҳоятда келишган, қишин-ёзин ям-яшил турадиган, ҳиди ёқимли, хушқомат бир дарахтни ўхшатибдики, бу табъи номавзун, яъни шеър айтишга лаёқатсиз таланти билан бечора шоир бўлмоқчи бўлади.

### Шарҳ ва изоҳлар

Алишер Навоийнинг матласиданоқ ўқувчига беқиёс эҳтирос бахш этиб, маъшуқа ситамини ҳам хуш кўрувчи ошиқнинг аянчли аҳволини санъаткорона бадий ифода этган, шу ҳолида ҳам шукроналик туйғуси ишққа лиммо-лим қалбига жозиба бахш этган ошиқнинг гўзал маънавий оламини ибрат намунаси сифатида намоён қилувчи ғазалиёти ҳам девонларини безаб туради. Улуғ шоирнинг “Ишқ аҳли гўристониди қабрим чу зоҳир бўлғуси” (Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том. Тошкент: “Фан”, 1988, 478-479-бетлар) сатри билан бошланувчи ғазали ана шундай назм намуналари сирасига мансуб.

Тўққиз байтдан таркиб топган ушбу ғазалга шоирнинг “Бадойиъ ул-бидоя” девонидан ҳам ўрин берилганлиги (МАТ, 1-том, 568-569-бетлар) унинг “Хамса”дан анча илгари ижод этилганини далиллайди. Улуғ шоир ғазалнинг матласиданок буюк салафлари қаламида сайқал топган Фарҳод, Мажнун каби бадиий тимсолларга мурожаат этиб, ўқувчини ҳайрат денгизининг нозли тўлқинлари ичига олиб киргандек бўлади:

Ишқ аҳли ғўристонида қабрим чу зоҳир бўлғуси,  
Фарҳод анинг тошин йўнуб, Мажнун мужовир бўлғуси.

Бошланма байтда ошиқнинг қабри вақти келиб ишқ аҳли ғўристонида кўриниб қолса, Фарҳод унинг тошини йўниб, Мажнун ўша ерни тарк этмай – мужовир бўлиб қолиши ҳақида сўз боради. Гарчи байтда ўлим хусусида фикр юритилаётган эса-да, ошиқ учун ҳаётнинг бундай якун топиши улуғ саодат эканлиги унинг мақсадидан хабардор бўлган чинакам шеърхонга сезилиб туради. Фарҳоду Мажнунларнинг ишқ оташида ўртаниб, маънавий камолот пиллапояларидан одимлаганликларини билган ўқувчи уларнинг бири ошиқнинг қабртоши учун тош йўниб тургани-ю, иккинчисининг лирик қаҳрамон қабрини тарк этолмай, ўша ерда муқим яшаб қолишининг сабаблари билан қизиқиб қолади. Ғазалнинг иккинчи – тўртинчи байтларидаги маъшуканинг беназир гўзаллигию ошиққа ўтказган ситамларининг бадиий тасвиридан Фарҳоду Мажнун сингари пок ишқ асирларининг матлада тасвирланганидек, лирик қаҳрамонга садоқати зимнида ҳақиқат яшиниб турганлиги аёнлашиб қолади:

Дерсен, юзум сори кўзунг кўп боқмасун гар юз будур,  
Ул меҳри тобидин эриб, оққунча нозир бўлғуси.

Ғамзангдин ўлтурмак ишин таълим ола келмиш ажал,  
Бу навъ устод ўлса, ул юз чоғда моҳир бўлғуси.

Хатти ғуборинг демаким, бўлғуси ул юз мониъи,  
Тун пардаси ой нурига не навъ сотир бўлғуси.

Севикли маъшуқа ошиққа қарата: “Юзум томон кўзинг кўп боқмасин”, - деркан, бунга жавобан шоир ошиқ тилидан: “Агар юз шундай бўладиган бўлса, кўзим унинг қуёшдек ҳароратидан эриб оққунга қадар унга нозир – қаровчи бўлиб қолаверади”, - дея унинг садоқатини бадиий ифодалайди. Юзнинг ирфоний маънода иймон-эътиқод, дийдор, васл рамзи эканлигидан масалага ёндашадиган бўлсак, байтда ошиқнинг ёридан ҳам, имонидан ҳам кўзлари эриб оқса-да айрилмаслиги ниҳоятда эҳтиросли тасвирланганига ишонч ҳосил қиламиз. Ишқда бу қадар собитликнинг санъаткорона бадиий тасвиридан Фарҳоду Мажнунларнинг севгилилари сингари ғазалда васл этилаётган ёр ҳам илоҳий жамолни сиймосида жилвалантирган маҳзарга (кўринишга) айланганлиги шеърхонга маълум бўла бошлайди. Энди у ошиғидан “Маҳбуб ул-қулуб”да тасвирланганидек, *“ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқ”*ни ва *“пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ”*ни талаб этади. Кейинги байтда ажал маъшуқанинг киприкларидан ўз иши учун таълим олиб келгани, унга шу тарзда устозлик қилинса, ажал оз фурсатда моҳир бўлиб қолиши бадиий тасвирланади. Бу билан шоир маъшуқа нигоҳининг ўткирлигини, у жон олиш қудратига эғалигини ўқувчига образли етказди. Маъшуқанинг юзидаги порлоқлигу кўзидаги нигоҳнинг ўткирлиги ошиққа қанчалик ситам ўтказмасин, бундай гўзаллик воситасида чинакам ошиқ *“маҳбуби ҳақиқий жамолидан баҳра ола”* бошлагани боис у бу сингари ситамларни хуш қабул қилади. Айни ҳолат Фарҳоду Мажнунлар қисматида ҳам намоён бўлган эди. Бироқ лирик қаҳрамоннинг тақдири уларникидан-да, аянчлироқ. Йўқса, бу икки пок ишқ асирлари, матлада башорат қилинганидек, ошиқ қабри олдидан бу қадар садоқат кўрсатармиди? Тўртинчи байтда тасвирланган “хатти ғубор” чиройли ёзув санъатининг бир тури саналади. Навоий даврида бундай ёзувлар асосан қора сиёҳда амалга оширилган. Шу боис “хатти ғубор” бирикмаси истиора бадиий санъати воситасида маъшуқанинг лаб устидаги чиройли майин тукларига ишорадир. Улуғ шоир маъшуқанинг “хатти ғуборини” унинг шуълавор юзига тўсиқ бўлади дея ўйламасликка даъват этаркан, табиатдан ниҳоятда гўзал тамсил келтириб, ўқувчини ҳаяжонга солади. Юзнинг шуълаворлигию “хатти ғубор”нинг тим қоралиги бир-бирини инкор қилаётгандек таассурот уйғотади. Шоир “Тун пардаси

ой нурига қандай сотир, яъни ой нурларини беркитувчи бўла олади?” – дея севиклининг юзу “хатти ғубори” бир-бирига ниҳоятда уйғунлигини эҳтиросли тасвирлайди. Айни чоқда бу тасвирлар зимнида маъшуқанинг лутфи ҳам, қаҳри ҳам чинакам ошиққа хуш келиши керак, деган ирфоний ғоя байт бағрига сингдирилади. Ҳазалнинг кейинги бешинчи – еттинчи байтларида худди шундай ёрнинг қаҳри сифатида намоён бўлувчи жиҳатлар аслида унинг лутфи эканлиги-ю, ошиққа етказиладиган озорларнинг мислсизу қиёссизлигига шеърхон диққати тортилади:

Ул ғамза куфридин кўнгул навъи келур исломға,  
Ким тарки ислом айлабон гўёки кофир бўлғуси.

Бўлғуси мутлоқ шуълалар ичра самандар сайридек,  
Сенсиз кўнгул гулзор аро ул дамки, сойир бўлғуси.

Кўнглумдаги ҳар нишдин гар бўлса бир тил, ҳар бири  
Юз тил била ўз ҳолининг шарҳида қосир бўлғуси.

Бешинчи байтдаги “ғамза куфри” истиоравий бирикмаси киприкларнинг кофирлиги, исломни танимаслиги сингари маъноларни ўзида мужассам этган, бу билан шоир киприклар орасидан ўқдек отилаётган нигоҳ кўнгилни ҳалок қилишига ишора қилади. Киприкларнинг кофирлиги кўнгилни ҳалок қилиши аъмолида намоён бўлади. Чунки чинакам мўъмин бировни ўлдиришга азм этмайди. Бироқ бу “кофирликлик”дан кўнгил жинси исломни қабул қилмоқда. Бу ҳол исломни тарк айлаган кишининг кофир бўлишини хотирга келтиради. Муқояса қилинадиган бадий манзаралар бир-бирини инкор қилади. Шоир “ғамза куфри”дан исломга келган кўнгил тасвирида ундаги нокисликларнинг пок ишқ таъсирида йўқола бориши, бундай қалб соҳиби маънавий камолотнинг юксак рутбасига ноил бўла бошлаганига ишора қилади. Кейинги байтда айни ғоя бадий тадрижий ривожлантирилади. Маъшуқа нигоҳидан ошиқ кўксига шуълалар пайдо бўлади. Кўнгил эса ўша дамда ўтда куймас самандар куши янглиғ севикли ёр бўлмаган гулзорда, яъни шуълалар таъсирида ҳароратланиб турган бағирда сайр қила бошлайди. Бу ҳол Фарҳод ва Мажнуннинг хижрон изтиробларида қийналиб, маърифат мартабаларидан

одимлашишини эсга солади. Еттинчи байтда тасвирланган “кўнгилдаги нишлар” – ёрнинг ўтли нигоҳидан пайдо бўлган жароҳатлар бўлиб, ушбу қўшмисрада уларнинг ниҳоятда кўплиги муболағавий ифодаланган. Ундан аён бўлишича, агар ўша нишларнинг ҳар бири тилга айланса-ю, боз устига, ҳар бири юзлаб тил билан ўз ҳолининг шарҳини баён қилса, бу шарҳлар барибир қусурли – камчиликли шарҳлар бўлиб қолаверади. Аёнлашадики, пок ишқ таъсиридаги изтиробларни аҳли дилгина англаши мумкин.

Ҳазалнинг мақтадан олдинги байтида айни изтиробли ҳолдан келиб чиқиб, инсонни бу йўлда сабрли бўлишга ундовчи, ирфоний моҳият касб этувчи ғояларга бадиий либос кийдирилади:

Хотирни жамъ истар эсанг, аввал хавотир дафъин эт,  
Кимда хавотир бўлмаса, осуда хотир бўлғуси.

Байтда қўлланган “хотир” ўй, фикр, хаёл; кўнгил сингари маъноларни англатади. “Хотири жамъ”лик эса кўнгилни йиғиш, ўй-хаёлларни бир ерда тўплаш, осудаликни ифодалайди. Ота-боболаримиз дуосида кузатилган “хотири жамъ”ликни Аллоҳдан тилашда ҳам айни маъно ўз ифодасини топган бўлиб, инсон ҳаёти учун бу энг олий неъматлардан бири саналади. Инсондаги ҳар қандай изтиробли онларнинг ҳузур-ҳаловат нишони бўлган “хотири жамъ”лик ҳолатига келиш учун, аввало, кўнгилдан хавотирни йўқотиши лозим. Чунки кўнгилда хавотири бўлмаган инсон осуда хотир – кўнгил тинч, ташвишсиз, хотиржам бўлади. Ишқнинг ўтли изтиробларига бардош бериш учун бундай сифат чинакам ошиқда ҳар он асқотади. Улуғ шоир шеърхонни ана шундай юксак инсоний фазилат эгаси бўлишга даъват этиб, ҳазални ўзига хос бир мутойиба билан ниҳоялайди:

Қилди Навоий қаддингга сарви сихий ташбеҳини,  
Бу таъби номавзун била бечора шоир бўлғуси.

Хотимада тасвирланишича, Навоий маъшуқа қаддига сарви сихий – бўйи тик, ниҳоятда келишган, қишин-ёзин ям-яшил турадиган, ҳиди ёқимли, хушқомат бир дарахтни ўхшатибдики, бу таъби номавзун, яъни шеър айтишга лаёқатсиз таланти билан бечора шоир бўлмоқчи бўлади. Ўзига хос маломатийлик руҳида битилган бу байт юксак санъаткорлик намунаси саналган ҳазал-

га хотима сифатида келтирилгани шеърхон кўнглига ажиб илиқлик бахш этиб, лабига майин табассум ҳада этади. Бу ҳам Навоий даҳосининг беҳад буюклигидан далолат бериб, унинг нурли сиймосини кўз олдимизга гавдалантиради.

Ҳазалдаги муболағавий бадиий тасвирлар шеърхонга эстетик завқ бағишлабгина қолмай, шоирнинг нуктадонлик билан яратган бадиий кашфиётлари ўқувчини мушоҳада қилишга ундайди. Ундаги ошиқнинг пок ишқида беҳад садоқатлилиги, шу боис у Фарҳоду Мажнунларни ҳам ўзига ошуфта қилганининг ибрат намунаси сифатида келтирилиши ўқувчида ҳам эзгуликка иштиёқ уйғотади. Айни чоқда “хотирни жамъ” қилиш билан боғлиқ бадиий ўғитлар руҳимизни сергаклантиради.

Хусниддин ЭШОНҚУЛОВ



**“Бутмади гулшан тавофи бирла бағрим ёраси...”**



Бутмади гулшан тавофи бирла бағрим ёраси,  
Бермади ўтумға таскин сарву гул наззораси,

Бир замоне сарву бир дам гулга кўп қилдим назар,  
Бўлмади ул сарви гулрух фурқатининг чораси.

Гул била сарв истабон гулшан сари майл айламас  
Даштдин ул сарви гулрухсоранинг овораси.

Қадди ҳажрида ҳар оҳим дуди сарведур баланд,  
Юзидин айру гуледур кўкрагим ҳар пораси.

Сарву гул мафтуни бўлмаким, нигору зеб учун,  
Синдуруб ҳар дам за рани фалак маккораси.

Сарв ўқдур, гул тикан, боғ ичра то кўз оллидин  
Борғали ул сарви гулрухнинг қаду рухсораси.

Эй Навоий, сарву гулдин кечки, қадду юзидин  
Бор эмиш юз йилчилиғ йўл сарв ила гул ораси.

– V – – V – – V – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Лутат

**Тавоф** – бирор нарсанинг артофини айланиш, кезиш, зиёрат

**Фурқат** – айрилиқ, жудолик

**Гулрух** – 1) Гул юзли, гўзал юзли; 2) маҳбуба, маъшуқа

### Шарҳ ва изоҳлар

Анъанавий етти байтли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан якпорадир. Унда ошиқ юракнинг ёрисиз гулу сарв ҳам ҳеч эканлиги тасвирланади. Хар икки образ – гул ва сарв, унга бўлган ошиқ қарашли байтлар аро кучайиб, ривожланиб боради.

Матлаъда ошиқ ёрсиз гулзор сайрига борганлиги тасвирланади.

Бутмади гулшан тавофи бирла бағрим ёраси,  
Бермади ўтумга таскин сарву гул наззораси.

*Гулбоғ сайри билан бағрим яраси битмади, сарв ва гул томошаси ўтумга таскин беролмади.*

Ҳижронда зора юрагим тинчиса, бағрим ярасига шифо бўлса деган ният билан ошиқ гулзор сайрига борди. Бироқ гулзор сайри унга даво бўлолмади, сарв ва гул томошаси қалбидаги ўтга таскин бера олмади.

Байтда бағрим ёраси бирикмаси ва ўтум сўзи ёрдамида истиора санъати яратилган.

Бир замоне сарву бир дам гулга кўп қилдим назар,  
Бўлмади ул сарви гулрух фуқратининг чораси.

*Бир лаҳза сарвга, сўнг эса гулга узоқ тикилиб қолдим, бироқ у сарвдай қадду, гулдай юзнинг айрилиғини чораси бўлолмади (бу томошаларим).*

Бироқ умид узмаган ошиқ гул юзли, сарв қадли маҳбубамга ўхшармикан деган умидда сарв ва гул сайрини давом эттираяпти. Лекин маъшуқа ҳижронининг чораси ҳамон топилгани йўқ.

Байтда бир сўзининг такроридан такрир, замон ва дам сўзлари воситасида таносиб, сарв сўзининг такроридан такрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, гул ва лугрух сўзлари воситасида иштиқоқ санъатлари пайдо бўлмоқда.

Гул била сарв истабон гулшан сари майл айламас,  
Даштдин ул сарви гулрухсоранинг овораси.

*Савр бўйли, гул юзли гўзалимнинг овораси бўлган киши даштдан сарв билан гулни излаб, гулшан томонга келмайди.*

Нима учун? Сабаби, даштда эркинлик бор. Унда озоддан озод тўрт томон бор. Гулбоғда эса гарчи гулу сарвлар бўй чўзиб ётган эсада, эркин-озод ҳаволар йўқ. Шундоқ ҳам ишқ ўти азоб бераётган қалбга эса ҳамма нарсадан кўра тоза ҳаво ва эркинлик керак.

Байтда гул, гулшан, гулрухсора сўзлари ёрдамида иштиқоқ, сарв сўзининг такроридан эса такрирнинг рад ул-ҳашв илал ҳашв тури яратилмоқда.

Қадди ҳажрида ҳар оҳим дуди сарведур баланд,  
Юзидин айру гуледур кўкрагим ҳар пораси.

*Қаддининг ҳижрониди ҳар оҳимнинг дуди сарв каби баланд, юзидан айру ҳолда кўринган (ҳар бир) гул кўкрагимнинг порасидир.*

Ёрининг мислю тимсолини гулу сарвдан излаб тополмаган ошиқ энди ҳижронда чеккан оҳларини сарвга, айрилиқда бағри порасини гул япроқларига қиёсламоқда.

Байтда қадди ҳажри, оҳим дуди бирикмалари ва сарве ҳамда гуле сўзлари воситасида бир йўла тўрт ўринда истиора ҳамда му-болаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Сарву гул мафтуни бўлмаким, нигору зеб учун,  
Синдуруб ҳар дам за рани фалак маккораси.

*Зийнат ва пардоз учун сарв ва гулнинг мафтуни бўлмадим, чун-ки, маккора тақдир уларни ҳар лаҳзада синдириб, узиб ташлайди.*

Навбатдаги байт маъвиза мазмунидаги байт бўлиб, унда дунё-нинг фонийлиги, ундаги ҳар бир неъматнинг бевафолиги, улар-нинг тақдирни маккор кампири худди сарвни синдирган ва гулни узган каби йўқ қилади – нест-нобуд этади.

Байтда сарву гул ва нигору зеб сўзлари орқали таъдид, фалак маккораси бирикмаси орқали истиора, фалакни жонлантириш орқали эса ташхис санъатлари яратилган.

Сарв ўқдур, гул тикан, боғ ичра то кўз оллидин  
Борғали ул сарви гулрухнинг қаду рухсораси.

*Боғ ичида кўз олдидан сарв қадли гулрухсор кетиб борар экан, сарв ўқ ва гул тикандай кўринаверади.*

Навбатдаги байтда шоир ғазалдаги мавзуга қайтади ва маъ-шукам кетар экан, кўзимга сарв ўқдай, гул тикандай кўринмоқда, дейди.

Байтда сарв сўзининг такроридан радд ус-садр илал ҳашв тури гул ва гулрух сўзлари орқали иштиқоқ, сарв, ўқ ва қад ҳамда гул, тикан ва рухсор сўзлари ёрдамида лафф ва нашр санъатларига мурожаат этилмоқда.

Эй Навоий, сарву гулдин кечки, қадду юзидин  
Бор эмиш юз йилчилиғ йўл сарв ила гул ораси.

*Эй Навоий, унинг юзи ва қадди билан гулу сарв орасида юз йилдек фарқ бор экан. Шунинг учун сарв ва гулдан воз кечавер!*

Мақтаъда Навоий ғазалдаги фикрларига хулоса ясайди: маъ-шукамни юзини гулга ўхшатдим, қаддини сарвга менгзадим.

Уларнинг ҳижронидан қутилиш учун гул ва сарвга термулиб, тинчланолмадим. Оҳим сарвдай баланд бўлди, бағрим гул баргидек пора-пора бўлди. Унинг ҳижронида сарв кўзимга ўқдай ботди, гул эса тикондай қадалди. Ниҳоят билдим: сарв билан маъшуқамнинг қадди, гул билан унинг юзи ораси юз йилдек масофа экан.

Байтда эй Навоий ундалмаси ёрдамида илтифот, сарву гул ва қадду юз сўзлари орқали таъдид, сарву гул сўзларининг такроридан такрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури пайдо бўлган.

Умуман олганда, ушбу ғазал маъшуқа – инсоннинг ҳамма гўзалликдан аъло эканлиги таърифига бағишланган.

**Зухра МАМАДАЛИЕВА**



**“Ғам чекар жисму кўнгулни кулбайи аҳзон сари...”**



Ғам чекар жисму кўнгулни кулбайи аҳзон сари,  
Хасқа ўт солиб гадо элтур кеби вайрон сари.

Ҳирз қолқони, дуо диръи недур, эй порсо,  
Чун бало тоши ёғар мен телбайи урён сари.

Ёр истар ҳажру айни васл эрурким, кўнглума  
Бўлди майл анинг ризосин истабон ҳижрон сари.

Сабза ништар, барг пайкон, гул ўт эрди жонима  
Ҳар қачонким, сенсизин азм айладим бўстон сари.

Не футур ислом аро тушкайки, ул кофир яна  
Маст ўлуб, кўнглакча чиқти секритиб майдон сари.

Ғар харобот ичра мумкиндур сумурмак бир қадах,  
Хизр агар ўлтурса борман чашмаи ҳайвон сари.

Соқие, тезгиндурур ҳар лаҳза бошимни хумор,  
Давр эвурсанг журъае сунғил бу саргардон сари.

Юз Хизр умридин ортуғроқдурур минг жон бериб  
Бир қадам қўймоқ, муяссар гар бўлур, жонон сари.

Эй Навоий, гар десангким фитна кўрмай, солмағил,  
Бир назар ҳар турфат-ул-айн ул кўзи фаттон сари.

– V – – V – – – V – – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Лугат

**Кулбаи аҳзон** – ғам уйи

**Диръ** – зирх, совут

**Сабза** – 1) Яшиллик, кўкат, кўкалам, майса; 2) ёрнинг қоши, маъшуқа зулфи

**Футур** – 1) Ҳалокат, шикаст, зарар; 2) жароҳатлилик, алам-задалик; 3) нопоклик, ифлослик

**Журъа** – қултум (ичимлик)

**Тезгиндур** – айлантирмоқ

**Турфат ул-айн** – лаҳза, дақиқа, энг қисқа муддат

**Фаттон** – фитна солувчи, вайрон қилувчи, жозибали

### Шарҳ ва изоҳлар

Сари радифли тўққиз байтли бу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан парокандадир. Унда ошиқнинг ишқ дардида чеккан заҳматлари тасвири, арзи ҳоли тасвирланади.

Ғам чекар жисму кўнгулни кулбайи аҳзон сари,  
Хасқа ўт солиб гадо элтур кеби вайрон сари.

*Ғам уйида жисмим ва кўнглим ғам чекмоқда, бу ҳолат гадонинг хасга ўт солиб, вайрона олиб келишига ўхшайди.*

Матлаъда ғам жисм ва кўнгилни кулбаи аҳзон – ғам уйи томон элтаётганлиги тасвирланди. Кулбаи аҳзон “ғам уйи” деган маънони англатади. Ривоят қилишларича, ҳазрат Яъқуб алайҳиссалом севиқли ўғли Юсуф фироқида бир хужра куради. Хужра Юсуфнинг дарагини келтирган одам уни қийналмай топиши учун йўл бошида қурилган бўлиб, Яъқуб пайғамбар бу хужрага кириб, тинмай кўз ёши тўқарди. Ривоятдаги мана шу кулба мумтоз адабиётга образ бўлиб кирди. У ошиқларнинг маъшуқани соғиниб кўз ёш тўкадиган ғарибона уйига қиёс қилинади.

Байтда ғамнинг жонлантирилиши орқали ташхис, жисму кўнгул сўзлари орқали таъдид ва талмеҳ санъатларига мурожаат этилган.

Ҳирз қолқони, дуо диръи недур, эй порсо,  
Чун бало тоши ёғар мен телбайи урён сари.

*Ҳизр қалқонию, дуо зирҳи нима бўлади, эй порсо, мен сарпочанг телбанинг бошида бало тоши (тинимсиз) ёғилиб турибди-ку!*

Иккинчи байтда матлаъдаги фикр давом эттирилиб, кучайтирилмоқда. Яъни, эй тақводор зот, менга Ҳизр қалқони ҳам, дуо зирҳи ҳам ҳеч нима бўлмай қолди. Мен гўёки яланғоч телбадек бўлиб турибману, атрофимда тош каби балолар ёғилмоқда.

Байтда Ҳизр сўзи орқали талмеҳ, эй порсо ундалмаси орқали илтифот, Ҳизр қолқони, дуо диръи бирикмаларининг санаш оҳанги билан келиши орқали таъдид, Ҳизр қолқони, дуо диръи ҳамда бало тоши бирикмалари орқали истиора санъатлари юзага келган.

Ёр истар ҳажру айни васл эрурким, кўнглума  
Бўлди майл анинг ризосин истабон ҳижрон сари.

*Ёрим айрилиқни хоҳлайдиган бўлса, бу мен учун висол кабидир. Кўнглим унинг розилигини истаб, ҳижрон томон мойил бўлди.*

Ёр ошиқдан тамом эҳтиёжсиз ва унга нисбатан меҳрсиз. Шунинг учун ўзини олиб қочиб юради, унинг учун ошиғи билан учра-

шувдан айрилиқ афзал. Ўзини тамом унутган ошиқ эса маъшуқам нимани хоҳласа, мен шунга рози, дейди.

Байтда ҳажр ва васл сўзлари орқали тазод, ҳажр ва ҳижрон сўзлари воситасида иштиқоқ, кўнгилни жонлантириш орқали эса ташхис санъатлари яратилган.

Сабза ништар, барг пайкон, гул ўт эрди жонима  
Ҳар қачонким, сенсизин азм айладим бўстон сари.

*Сенсиз гулзорга борар бўлсам, майса наштар, барг – пайкон, гул эса жонимга олов каби таъсир қилади.*

Навбатдаги байтда тасвирланишича, ҳижрондан безган ошиқ жонимга бир оз роҳат топарман, деб гулзорга сайр этиш учун боради. Бироқ у ердаги энди ниш ураётган яшил майсалар ништар, барглар пайкон ва гуллар олов каби бўлиб, ошиқ юрак-бағрини баттар алангалатади.

Байтда сабза, барг, гул ва бўстон сўзлари орқали таносиб, сабза ништар, барг пайкон, гул ўт бирикмалари орқали лафф ва нашр ҳамда муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Не футур ислом аро тушкайки, ул кофир яна  
Маст ўлуб, кўнглакча чиқти секритиб майдон сари.

*Исломга қандай қилиб шикаст етмасинки, у кофир (маъшуқим) (тулпорини) сакратиб, кўйлакчанг майдонга чиқиб келди.*

Навбатдаги байтда ғазал лирик қаҳрамонининг диний аҳкомларни назарга илмайдиган севиклиси – майхонадан маст бўлиб, от ўйнатганча, кўйлакчан чиқиб келди. Унинг бу табиий жозибасини, шавқу зеболигини кўрган ошиқларнинг нафақат тану жонига, балки дину имонига ҳам ўт тушди – уларнинг қалбидаги исломга шикаст етди. Ушбу байтда, жисму жондан, кўнгил мулкидан ҳам дину имон баланд мартабада турганлиги учун маъшуқа гўзаллиги, шавқу-завқи, шўхлигини ҳатто инсоннинг туб замиридаги дину имонини ҳам ғорат қилишга қодир, деган муболағали фикр синдирилган. Бундай ишга журъат қилиш учун эса маъшуқ, албатта, ўзи диндан кечган – кофир бўлиши керак.

Байтда муболаға санъатига мурожаат этилмоқда.

Гар харобот ичра мумкиндур сумурмак бир қадах,  
Хизр агар ўлтурса борман чашмаи ҳайвон сари.

*Харобот аро бир қадах май симириш имкони бўладиган бўлса,  
Хизр ҳаёт суви томон чақирса ҳам бормайман.*

Навбатдаги маъвиза байтида бир қадах тимсолида илоҳий маърифат, харобот истелоҳи мисолида эса орифлар суҳбатгоҳи назарда тутилмоқда. Бундай хароботу, май учун, гарчи у қадах бўлса ҳам, шоир Хизр тириклик суви учун чақирса ҳам, ҳатто ўлдириб юборса ҳам бормаслигини айтмоқда.

Байтда харобот ва қадах ҳамда Хизр ва чашмаи ҳайвон сўз ва бирикмалари воситасида таносиб, Хизрни эслаш орқали талмех, харобот ва Хизр, қадах ва чашмаи ҳайвон сўз ва бирикмалари мисолида эса шартли тазод санъатлари яратилмоқда.

Соқийё, тезгиндурур ҳар лаҳза бошимни хумор,  
Давр эвурсанг журъае сунғил бу саргардон сари.

*Эй соқий, ҳар лаҳза бошимни хумор - майга ташналик айлан-  
тирмоқда. Давра айлантирадиган бўлса, мен саргардонга ҳам бир  
қултумгина қуйиб, узатгин.*

Маъвиза байтдаги фикр давом эттирилмоқда. Бошимни хумор – дунё ишига берилганлик, илоҳий маърифатга ташналик ҳисси айлантирмоқда. Эй, пири комил, агар маърифат шаробини биз каби дилташналарга қуйиб, узатмоқчи бўлсанг, мен боши айланган бечорага ҳам бир қултум – озгина маърифат улаш!

Байтда соқийё ундалмаси орқали илтифот, соқий, хумор ва давр сўзлари воситасида таносиб санъатлари юзага келмоқда.

Юз Хизр умридин ортуғроқдурур минг жон бериб  
Бир қадам қўймоқ, муяссар гар бўлур, жонон сари.

*Минг жонни бериб, жонон сари бир қадам қўйиш (имкони қўлга  
киритилса), юз Хизр умиридан ортиғ бўлади.*

Навбатдаги байтда Навоий яна Хизрга мурожаат этмоқда. Маълумки, Хизр афсоналарга кўра, тириклик суви – оби ҳаёт (оби ҳайвон ҳам дейилади)ни топиб, ичган ва боқий умр соҳиби бўлган

ҳисобланади. Навоий эса юз Хизр умри – яъни юз марта боқий яшаш имкониятидан ҳам кўра минг жонинг бўлса, ҳаммасини фидо қилиб, жонон сари бир қадам қўйиш ортиқроқдир, демоқда. Албатта, бу ўринда жонон истелоҳ сифатида қўлланилган бўлиб, гап илоҳий Маъшуқ – жонларнинг соҳиби тўғрисида кетмоқда.

Байтда бир, юз, минг сонлари воситасида таносиб, Хизрга мурожаат этиш орқали талмех, жон ва жонон сўзларидан эса иштиқоқ санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Эй Навоий, гар десангким фитна кўрмай, солмагил,  
Бир назар ҳар турфат-ул-айн ул кўзи фаттон сари.

*Эй Навоий, фитна кўрмай десанг, ҳар лаҳза у кўзи жодугарга бир  
бор назар солмай тур!*

Ғазал сўнгида Навоий фикрларини хулосалаб, ўз-ўзига мурожаат этмоқда. Эй, Навоий ишқнинг азоб-уқубатларини, маъшуқнинг жабру ситамларини кўрмай десанг, ўзингни тут: у кўзлари фитна солувчи гўзалга ҳадеб қарайверма!

Байтда эй Навоий ундалмаси ёрдамида илтифот, фитна ва фаттон сўзлари орқали иштиқоқ санъатларига мурожаат этилмоқда.

Умуман, ушбу ғазал гўзалликка шайдолик орқали илоҳий ишқ ва маърифатга эришиш ҳақида сўз юритади.

**Зухра МАМАДАЛИЕВА**

  
“Гарди яздий миъжар остида қошинг, эй кўркабой...”  


Гарди яздий миъжар остида қошинг, эй кўркабой,  
Зор анингдекким кўрунгай гард ичинда янги ой.

Вусмадур ул қош уза ёхуд зарофатдин кўзунг,  
Олди бу қурбон кўнгул қасдиға мийноранг ёй.

Гар ниҳон сочинг тарар машшота келсунким, эрур  
Кирпигимдин шона, ашкимдин су, кўз хилватсарой.

Дилраболар ичра ҳар дам кўзгуга боқмоқ недур,  
Ваҳки, билман, эй парий, худбинмусен ё худнамой.

Оташин гул баргидин кўнглак кийибдурсен, валеқ,  
Десанг ўт солмай жаҳонға чикмағил кўнглакча, вой.

Гаҳ тутулса, гаҳ очилса кўнглум эрмас айбким,  
Сунбулунг дилбанд, хандон ғунчанг ўлмиш дилкушой.

Эй Навоий, даҳр шўҳи ошиқи бўлдунг, валеқ  
Билки, кобин нақди жондур гар бўлурсен кадхудой.

– V – – V – – – V – – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Луғат

**Яздий** – яздлик, Язд ўлкасидан

**Кўркабой** – чиройли, ҳуснли, гўзал

**Гард** – 1) Чанг, губор; 2) юрувчи, кезувчи; 3) ғам ғубори; ғам, ҳасрат; 4) асар, нишона, из; фойда, баҳра, наф; 5) тапроқ заррачалари; 6) юк, колдик; 7) парда, ҳижоб; амалдорлик либоси

**Ниҳон** – пинҳон, махфий

**Машшота** – тароқгар, зийнатгар, пардозчи

**Зарофат** – зарифлик, покиза; нозик фаҳмлилиқ; ғаройиблик; гўзаллик

**Мийноранг** – мовийранг, осмон ранг

**Хилватсарой** – хилватхона

**Худбин** – 1) ўзинигина кўрувчи; ўзидан бошқасини назар-пизанд қилмовчи; мутакаббир

**Худнамой** – шуҳратпараст; ўзини кўрсатишга интилувчи

**Дилбанд** – 1) Бировга кўнгил боғлаган, кўнгил берган; кўнгил боғловчи; ошиқ; 2) азиз, жигарбанд

**Дилкушой** – кўнгил очувчи, кўнгилни шод этувчи

**Даҳр** – 1) Замон, давр; дунё, олам; 2) ер юзи; 3) ҳаёт

**Кобин** – маҳр, никоҳ олдидан куёв томондан келинга бериладиган мол, маблағ

**Кадхудой** – 1) Уй-рўзгорли эркак, оила бошлиғи; 2) ҳукмрон, шоҳ

## Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли, радифсиз ушбу ғазал мазмунан ошиқона бўлиб, шаклан мусалсалдир. Унда маъшуқа гўзаллиги турли бадиий тасвирий воситалар орқали тасвирланади.

Гарди яздий миъжар остида қошинг, эй кўркабой,  
Зор анингдекким кўрунгай гард ичинда янги ой.

*Яздий ниқоб остидаги қошинг, эй гўзалим, гўёки, зор кишилар учун чанг-гард орасидаги янги ой кабидир.*

Маъшуқанинг юзида нозик ҳарир парда тутилган. Унинг ортидан кўриниб турган ҳилолдек қошлари эса ошиқлар учун гўё ғубор ичидаги янги ойга ўхшайди.

Байтда эй кўркабой ундалмаси ёрдамида илтифот ва тамсил санъатларига мурожаат этилган.

Вусмадур ул қош уза ёхуд зарофатдин кўзунг,  
Олди бу қурбон кўнгул қасдига мийноранг ёй.

*Қошингдаги ўсмами ёки кўзинг нозир фаҳмлилик билан қурбон бўлган кўнгил қасдига яшил ёй олибдими?!*

Иккинчи байт ҳам маъшуқанинг ўсма қўйилган қошларига бағишланган. Улар, гўё айёр кўзлар устидаги ёйга ўхшатишган. Ўсма сурилганлиги учун улар яшил ёй дейилган.

Байтда тамсил ва ружу санъатлари яратилган.

Гар ниҳон сочинг тарар машшота келсунким, эрур  
Кирпигимдин шона, ашкимдин су, кўз хилватсарой.

*Агар пардозчи сочингга пинҳона пардоз берадиган бўлса, кипригимдан тароқ, кўз ёшларимдан сув, кўзимдан эса хилват сарой тайёрласин!*

Сочларга тараб. Бир текис ўриш учун сув ҳам керак бўлади. Шунинг учун фидойи ошиқ киприкларини тароқ ва кўз ёшларини сув ўрнида ишлатиш учун бермоқчи. Бу пардоз-андозлар ошиқнинг кўзи ичида амалга оширилиши керак. Чунки, у ер бегоналар назаридан нари жой – хилват сарой. Демак, ошиқ бу байт воситасида мен бегона одамларга назар солмайман, деган фикрни ҳам ишоралар ёрдамида айтмоқда.

Байтда машшота, шона ҳамда киприк, ашк ва кўз сўзлари орқали таносиб, лафф ва нашр ҳамда муболаға санъатларига муурожаат этилган.

Дилраболар ичра ҳар дам кўзгуга боқмоқ недур,  
Ваҳки, билман, эй парий, худбинмусен ё худнамой.

*Гўзаллар орасида (ўзига бино қўйиб, ҳадеб) кўзгуга қараш нима англатади, эй паридек гўзалим, билолмадим, такаббурмисан ёки шуҳратпараст?*

Рухшуносларнинг исбот қилишича, дарҳақиқат худбин, такаббур кишилар кўпроқ кўзгуга боқиб, ўзларига маҳлиё бўлишар экан. Навоий бу фикрни айти тахмин қилиб, нима учун гўзаллар бунча кўп кўзгуга қарайди? Эй гўзалим худбинмисан ё шуҳратпараст, деб савол бермоқда.

Байтда эй парий ундалмаси ёрдамида илтифот, худбин ва худнамой сўзлари воситасида иштиқоқ ҳамда ружу санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Оташин гул баргидин кўнглак кийибдурсен, валеқ,  
Десанг ўт солмай жаҳонға чиқмағил кўнглакча, вой.

*Оташин гул баргидан (қип-қизил) кўйлак кийибсан, (энди) жаҳонға ўт солмай десанг, кўйлакчанг (кўчага) чиқмагин!*

Навбатдаги байтда ошиқ юрагига ўт солган маъшуқанинг лоларанг либоси мадҳ этилади. гул рангидан кўйлак кийиб, менинг-ку жонимга ўт солиб бўлдинг, дейди шоир саркаш ва шўх маҳбубасига қарата, энди зинҳор гўзал қадду қоматингга қуйиб қўйгандай ярашган бу либос билан кўчага чиқма. Йўқса, фақат жонларга эмас, бутун жаҳонга ўт қўйиб юборасан!

Байтда кўнглак ва кўнглакча сўзлари воситасида иштиқоқ ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Гаҳ тутулса, гаҳ очилса кўнглум эрмас айбким,  
Сунбулунг дилбанд, хандон ғунчанг ўлмиш дилкушой.

*Кўнглим гоҳ тутилиб, гоҳ очилса айб эмаски, сунбул (дек сочлар) инг дилни боғловчи бўлса, ғунча(дек лаблари)нг дилни очувчи, кўнглини шод этувчидир.*

Навбатдаги байтда ошиқнинг аҳволи маъшуқа ташқи кўринишига боғлиқлиги айтилган. Яъни, гоҳи хурсанд. Гоҳи хафалигимнинг сабабини ўзим ҳам билмасдим. Кўнглимдаги бу ўзгаришларнинг ҳам сабаби, энди билсам, сен экансан. Дилни банд қилувчи сочларингга боқсам – кўнглим боғланар, лабларингга эса кўнглим очиклигига сабаб бўлар экан.

Байтда гаҳ сўзининг такроридан тақрир, сунбулинг ва ғунчанг сўзлари орқали истиора дилбанд ва дилкушой сўзлари орқали эса иштиқоқ ҳамда муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Эй Навоий, даҳр шўхи ошиқи бўлдунг, валеқ  
Билки, кобин нақди жондур гар бўлурсен қадхудой.

*Эй Навоий дунёнинг шўх гўзалига ошиқ бўлдинг, бироқ агар уйланмоқчи бўлсанг, унинг маҳри жон нақдидир!*

Ҳазал мактаъсида Навоий бундай гўзалларга ошиқ бўлдинг, лекин шуни унутмаки, уларнинг маҳри – қалини нақд жонингни олишдир, демоқда.

Байтда эй Навоий ундалмаси орқали илтифот, нақди жон бирикмаси ёрдамида истиора санъатларига мурожаат этилмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

  
**“Бода бу мақбуллуқ зотимда мавжуд айлади...”**  


Бода бу мақбуллуқ зотимда мавжуд айлади  
Ким, мени зухду риё аҳлиға мардуд айлади.

Май ўтининг ламъаси ўртаб вужудим хирманин,  
Кулларин най нағмаси бир дамда нобуд айлади.

Бодадин хушнуд ўлубмен то мени жоми фано  
Давр элининг софию дурдиға хушнуд айлади.

Майға раҳн этгил риё сажжодасин, эй шайхким,  
Ҳар киши бу навъ савдо айлади, суд айлади.

Майға ашким лаълидин олудалиғ гар истамас,  
Не учун соқий лаби лаълин майолуд айлади.

Одамийлиғ кўргузуб қилдинг паривашларни қул,  
Одам улдурким, малойик ани масжуд айлади.

Эл тилар муғ кўйину истар Навоий муғбача,  
Азми мақсад айлаб эл, ул қасди мақсуд айлади.

– V – – V – – V – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

**Лугат**

**Мақбул** – қабул қилинган

**Зот** – 1) Асл, ўзлик, моҳият; 2) Аллоҳ; 3) Жисм, гавда; 4) шахс, улуғ зот; 5) инсон табиати, шахсияти; 6) келиб чиқиш, насл-насаб

**Мавжуд** – 1) Бор, мавжуд; тайёр; 2) муяссар; 3) яратилган, тирик

**Зухд** – дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш, тақводорлик

**Риё** – мунофиқ, иккиюзламачи

**Мардуд** – рад қилинган, ҳайдалган; номақбул

**Ламъа** – шуъла, нур

**Соф** – 1) Тоза, покиза; 2) тоза табиатли, соф виждонли; 3) ёруғ, равшан

**Дурд** – ҳар нарсанинг қуйқаси, қолдиғи, сифатсизи

**Раҳн** – гаров

**Сажжода** – жойнамоз

**Навъ** – 1) Тур, нав, хил; 2) кўриниш, йўл-йўриқ, йўсин

**Олуда** – аралашган, қўшилган, беланган

**Майолуд** – май қўшилган

**Масжуд** – сажда қилинадиган, Тангри

**Мақсуд** – 1) Ният қилинган нарса, қасд қилинган нарса; 2) мақсад, истак, мурод, орзу

## Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли радифсиз ушбу ғазал мазмунан риндона ва шаклан мусалсалдир. Унда майнинг ғазал лирик қахрамони кўнглига кўрсатган таъсири куйланади.

Бода бу мақбуллуқ зотимда мавжуд айлади  
Ким, мени зухду риё аҳлига мардуд айлади.

*Бода, яъни май аслиятимда мақбуллик (қабул қилинганлик руҳини) ато этди ҳамда риёкор тақводорлар олдида мени рад бўлганлар қаторига қўйди.*

Зот сўзи бу ўринда аслият, инсон моҳияти маъносини ифодаламақда. Бода сўзи эса истелоҳ сифатида қўлланилган бўлиб, илоҳий ишқ, илоҳий маърифат маъноларини англатаётир.

Демак, байтнинг ботиний маъноси қуйидагича бўлади, бизнингча: *илоҳий маърифат аслиятимда илоҳиётга яқинлик, мослик унсиятини пайдо қилди ва сохта тақводорлардан узоқлаштирди.*

Матлаъдан маълум бўлишича, ғазал орифона маънони англа-тиб, келмоқда. Дарҳақиқат, риндона ғазал мазмун жиҳатидан яна икки турга бўлинади.

1. Орифона мазмундаги риндона ғазаллар бўлиб, улар тасаввуфий таълимот ақидаларини ўзида акс эттиради. Уларда соқий, май (бода), майхона каби образлар истелоҳ сифатида қўлланилиб, пири комил, илоҳий маърифат (ёки ишқ) каби маъноларни ифодалайди.

2. Риндона ғазалларнинг иккинчи қисми соқийга хурсандчи-лик улашувчи сифатида мурожаат этиш, май (бода) ва майхона образларига эса хурсандчилик, шодумонлик келтирувчи ҳаёт-бахш манба сифатида қараш устун бўлган ижод намуналари кира-ди. Бундай ғазаллар улуғ форс шоирлари Ҳофиз Шерозий, Хусрав Деҳлавий ва умуман, романтик адабиёт таъсири сифатида Наво-ий ижодида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Биз таҳлил қилаётган ғазал орифона мазмундаги риндона ға-заллар сафига кириб, ундаги май ва майхонага оид сўзлари исте-лоҳ сифатида ишлатилган.

Байтда бодани жонлантириш орқали ташхис санъатига муро-жаат этилган.

Май ўтининг ламъаси ўртаб вужудим хирманин,  
Кулларин най нағмаси бир дамда нобуд айлади.

*Май оловининг шуъласи вужудим хирмонини куйдирди ва най на-воси эса унинг кулларини ҳам нобуд қилди (тўзитиб юборди).*

Маълумки, нафсоний хоҳишларимизнинг ҳаммаси вужуд, жисм билан боғлиқ. Жисмимиз очиққани учун таом еймиз, чанқа-ганида сув ичамиз. Совқонтгани учун кийим киямиз ва ҳоказо. Бу эҳтиёжларнинг амалда чегараси йўқ. Улардан қутулмоқ учун мана шу жисм – вужуднинг ўзидан қутилиш керак. Қандай қилиб? Бунинг учун май оловининг шуъласи, яъни илоҳий маърифат са-боғи керак бўлади! Байтдаги най нағмаси ҳам пири комил сабоғи сифатида маъно ифодаламоқда. Яъни: илоҳий маърифатнинг са-

боғи жисмоний истакларимни йўқ қилди. Қалбимга келиб ўрнашган илоҳий илҳом эса унинг қулини кўкка совурадиган даражаси йўқликка – фано фил ҳаққа етиштирди.

Байтда май ўти, вужудим хирманин бирикмалари воситасида истиора, ташхис ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Бодадин хушнуд ўлубмен то мени жоми фано  
Давр элининг софию дурдига хушнуд айлади.

*Майдан хурсанд бўл(иб, кўнглим тўлганидан сўнг) фано жоми замондошларнинг яхшию ёмонига мени (бирдай) маъқул қилди.*

Навбатдаги байтда илоҳий маърифатнинг навбатдаги хусусияти мадҳ этилмоқда. Яъни, қалбимга илоҳий маърифат сабоқларини қабул қилганимдан бери – ҳаммага, яхшию ёмонга, каттаю кичикка, дўсту душманга бирдай маъқул бўладиган бўлибман. Байтда жоми фано истелоҳига ҳам алоҳида аҳамият бериш керак. Яъни, фано – йўқлик жоми инсон нафсониятидаги қусурларни нафақат пок қилади, балки бутунлай йўқ қилади. Йўқликка эришган одам эса ҳаммага манзун бўлиши шубҳасиз.

Байтда жоми фанони жонлантириш орқали ташхис, давр эли истиораси, софию дурди сўзлари орқали истиора ва тазод санъатларига мурожаат этилган.

Майға раҳн этгил риё сажжодасин, эй шайхким,  
Ҳар киши бу навъ савдо айлади, суд айлади.

*Эй шайх, (бундай) майға риёкорлик жойнамозини гаров қилиб (яъни алмаштириб) қўявер, чунки ким бундай савдо қилган бўлса (уларнинг ҳаммаси) фойда қилди.*

Навбатдаги байтда яна сохта диндорликка соф ишқ, маърифат қарши қўйилаяпти. Яъни: риёкорлик жойнамозини илоҳий маърифатга, сохталикини самимиятга алмаштирки, ким бундай савдо қилса, у аниқ фойда топибди.

Байтда риё сажжодаси бирикмаси орқали истиора, эй шайхким ундалмаси орқали илтифот, садо ва суд сўзлари орқали тано-сиб санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Майға ашким лаълидин олудалиғ гар истамас,  
Не учун соқий лаби лаълин майолуд айлади.

*Майға кўз ёшим қўшилиб, қизиллик ҳосил бўлишини истамаса, нима учун соқий лабларини майға оғушта қилди (яъни қизарттирди)?*

Навбатдаги байтда соқий гўзаллиги мадҳ этилмоқда. Яъни, пири комил қалбини ўша маърифатга ошно қилган ҳолда намоён бўлди. Бу ҳол маърифатга ташна солиқни ўзига махлиё қилди, жалб этди.

Байтда май, соқий сўзлари ёрдамида таносиб, лаъл сўзининг такроридан радд ул-ҳашв илал ҳашв, ашким лаъли, лаби лаъли бирикмалари ёрдамида истиора, олудалиғ ва майолуд сўзлари ёрдамида эса иштиқоқ, лаъл, олуда, лаби, лаълин, майолуд сўзлари воситасида эса тавзиъ санъатлари яратилган.

Одабийлиғ кўргузуб қилдинг паривашларни қул,  
Одам улдурким, малойик ани масжуд айлади.

*Одабийлик намоёниш этиб, парисифатларни ҳам (муомила билан) қул қилдинг, асли ҳам Одамга фаришталар сажда қилган-да, ахир!*

Навбатдаги байтда Навоий илоҳий маъшуқага мазҳар бўлган, яъни унинг гўзаллигини ўзида акс эттирган ёрни мадҳ этмоқда. Бу борада Навоий Азал айёмига фаришталарнинг Аллоҳ таоло буйруғи билан Одам Атога сажда қилганларига эътибор қаратмоқда. шу билан биргаликда одамзотнинг мартабаси нақадар улуғлигини таъкидламоқда.

Байтда Одабийлиғ ва Одам сўзлари ёрдамида иштиқоқ, Одам Атога мурожаат орқали талмеҳ, Одам, малойик сўзлари ёрдамида таносиб санъатлари яратилмоқда.

Эл тилар муғ кўйину истар Навоий муғбача,  
Азми мақсад айлаб эл, ул қасди мақсуд айлади.

*Эл (яъни ишқ эли) майхоначи кўчасини, Навоий эса муғбачани изламоқда, (бу ўринда) ошиқлар мақсадни азм этсалар, Навоий мақсуд қасдида юрибди.*

Мақтаъда Навоий эл образи билан илоҳий гўзаллик ошиқларни ва ўзини бир хил ниятда эканлигини образли тарзда баён этмокда.

Байтда муғ ва муғбача ҳамда мақсад ва мақсуд сўзлари орқали бир йўла икки ўринда иштиқоқ, азм ва қасд ҳамда тилар ва истар сўзлари ёрдамида икки ўринда таносиб санъатлари яратилган.

Умуман олганда, ушбу ғазал орифона туйғуларнинг рамзий ифодаланиши акс этган ижод намунасидир.

**Зухра МАМАДАЛИЕВА**



**“Оҳима ёр оғзи бир дам кулмагин кам қилмади...”**



Оҳима ёр оғзи бир дам кулмагин кам қилмади,  
Чун сабодин гунча очилди, яна ёпилмади.

Ништари оҳим, ажаб йўқ, кўнглунгга кор этмаса,  
Тезликдан игна ҳаргиз хораға санчилмади.

Қатрае томизма бизга тутқан асфар бодадин,  
Шамъ ўтидин, сокиё, ҳаргиз шарор айрилмади.

Ишқким, ҳар бир ишида ёзди юз минг турфа халқ,  
Турфароқ будурки, юз мингдин бири ёзилмади.

Кўйида оҳим эли рафъ этти ул юз бурқаъин,  
Ҳеч гулшанда сабодин бўйла гул очилмади.

Қайси жоҳилға надомат бўлғай ул олимчаким,  
Ҳар не билди, қилмади, ҳар неки қилди, билмади.

Эй Навоий, ёр васлин истабон ул топтиким  
Аҳли ҳижрон зумрасида истабон топилмади (ҒС, 632).

– V – – V – – V – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

Бу ғазал ҳижрондаги ошиқ ҳолати тасвирига бағишланган. Айни жиҳатдан, у шоирнинг ошиқона ғазаллари жумласига киради. Анъанавий мавзуда. Асосий ғояси муҳаббат машаққатларию айрилиқ азобларидан шикоят қилиш орқали маъшуқа васлига даъват этиш, унга етиш йўллари кўрсатиш.

Оҳима ёр оғзи бир дам кулмагин кам қилмади,  
Чун сабодин ғунча очилди, яна ёпилмади.

Оддий баён – Навоий ижодига хос эмас. Шоир энг содда фикр-ни ҳам энг ғўзал ташбеҳ орқали айтади. Аслида образли тилда сўзлаш – шоирликнинг моҳияти ҳисобланади. Чунончи, Навоий айрилиқдаги аҳволи тўғрисида шундай дейди: “Сабо, яъни тонг елидан ғунча очилгани каби оҳим ўти ёрнинг оғиз очиб, устимдан кулишига сабаб бўлди. Очилган ғунча қайтиб ёпилмагани каби ёр ҳам менинг устимдан кулишини бас қилмади”.

Ҳақиқий ишқ дил тубида пинҳон бўлади. Ошиқ ҳар қанча қийналмасин, маъшуқасидан нолимайди, оху фарёд уриб, ишқини ошкор қилмайди. Бунга қурби етмаган киши – ошиқ эмас. Умар Хайём таъбири билан айтганда, қийналиш у ёқда турсин, бошингга ўлим келса-да, нолимаслик – чин ишқ ҳисобланади. Демак, Навоий айтмоқдаки, мен ошиқлик удумини буздим – оху фарёд айладим. Буни эшитиб, ёр менинг ишқу ошиқлик ҳақидаги даъволарим пуч эканини кўриб кулди. Очилган гул қайтиб ғунчага айланмагани каби энди маъшуқанинг фақир тўғрисидаги фикри ҳам ўзгармайди.

Ўзи бошқа бир байтида айтгани каби:

*Навоий, ишқдин не келса дам урмаки, ошиққа  
Керактур ишқи пинҳонию доғи ишқ пинҳони (ФК, 632).*

Яъни: “Эй Навоий, ишқдан бошингга нимаки келмасин, оҳ-воҳ қилмаки, ошиқнинг ишқи ҳам, бу ишқ туфайли кўнглидаги доғи ҳам яширин бўлиши керак”.

Ништари оҳим, ажаб йўқ, кўнглунгга кор этмаса,  
Тезликдин игна ҳаргиз хораға санчилмади.

“Оҳим наштарга айланса-ю, шунда ҳам сенинг қалбингга таъсир кўрсатмаса, сира ажабланмайман, зеро, игна ҳар қанча ўткир бўлмасин, барибир, тошга санчилмайди”.

Тасаввуф шеъриятида маъшуқа қалбини тошга ўхшатиш кенг тарқалган. Чунки илоҳий маҳбуба азалдан ҳозирга қадар ҳали ҳеч кимнинг додига етган эмас ва абадгача шундай бўлиб қолади. Унга етишни истаган ошиқи содиқ қиёматга қадар сабр қилишига тўғри келади, чунки Аллоҳ ўзининг хос бандалари билан учрашувни – висолни қиёматга белгилаган. Ошиқ буни билса-да, барибир, оху нолалари маъшуқа қулоғига етишини истайверади; чекаётган ранжу машаққатлари ўзига меъёридан ошгандай кўринаверади; маъшуканинг ўзига, ҳеч бўлмаса, бир қиё боқишини, бир оғиз сўз қотишини, таскин беришини хоҳлайди.

Аллоҳ ошиғининг доимий қўрқув ва умид орасида яшаши, ўз хатти-ҳаракатларидан кўнгли тўлмаслиги, ўзига ишонмаслигининг сабаби шундаки, Худованди қаримнинг ўзи хоҳламаса, илоҳий ишқда бирор мартабага эришиб бўлмайди. Кимни ўзига муносиб ошиқ ҳисоблаб, уни васлига етказишию, кимни бу саодатдан маҳрум этишини ҳам илоҳий маҳбубанинг ўзи ҳал қилади. Ошиқ ўз хатти-ҳаракатлари билан бу бахтга сазовор бўлиши мумкин эмас, у фақат умид қилиши мумкин. Ўз ишқининг ниҳояси нима бўлишини билмагани учун ҳам сўфий-ошиқнинг оху нолалари чегарани билмайди.

Қатрае томизма бизга тутқан асфар бодадин,  
Шамъ ўтидин, соқиеъ, ҳаргиз шарор айрилмади.

“Эй соқий, менга тутган сариқ майнинг бир томчисини ҳам ерга тўкма, чунки учқун сира шамъ ўтидин айрилмайди”.

Ҳазал айрилиқдаги ошиқ кечинмаларига бағишланганлиги учун ҳам бу ерда сариқ май тилга олинапти. Чунки сариқ ранг – айрилиқ ранги.

Бу дунёнинг бор ғаму кулфати айрилиқ туфайли. Шунинг учун шоир ҳеч бир нарсанинг ўз манбаидан ажралмаслиги тарафдори. Чунончи, томчи – майдан, учқун – ўтдан, қатра – уммондан, зарра – қуёшдан... айрилмасин. Шу тариқа, бу қиёс давом эта-эта асл мақсадга келади: инсон ўз Парвардигоридан айрилмасин! Байтдаги фикрдан асл мақсад аслида шу!

Маълумки, тасаввуф фалсафасига кўра азалда инсон ўз Яратувчиси билан бир бутун бўлган. Кейин Худода ўз жамолини томоша қилиш ва ўз қудратини англаш истаги пайдо бўлган ҳамда ўз хуснига кўзгу қилиб оламни, мени англасин деб одамни яратган. Шу тариқа, банда ўз Яратувчисидан айру тушган ва у энди бир умр яна Парвардигори васлига етиш, у билан бирга бўлишга интилади. Бу ерда шоир шунга ишора қиляпти.

Ишқким, ҳар бир ишида ёзди юз минг турфа халқ,  
Турфароқ будурки, юз мингдин бири ёзилмади.

Маълумки, ҳар бир қалб муҳаббатни янгилайди. Бировнинг андозаси бошқага тўғри келмайди. Шундай экан, юз минг киши юз минг йил давомида ишқнинг юз минг сифатини ёзган бўлса-да, унинг юз мингдан бир сифати ҳам қаламга олинган эмас. Чунки ҳар бир киши ишқнинг ўз тақдиридаги кўринишини битиб қолдирган. Ҳеч ким бу борада ҳаммабон қўлланма яратмаган.

Айни фикрни шоир бошқа ғазалларида ҳам давом эттиради ва ривожлантиради. Чунончи:

Эй мударрис, ишқ сирри дафтари бир нуктадур,  
Гарчи мингдин бир ёзилмайдур ёзиб юз минг шуруҳ (НШ, 106).

“Эй мударрис, аслида ишқ сирининг дафтари биргина чуқур маъноли ҳикматдан иборат. Ҳолбуки, юз минг шарҳнавис шарҳлагани билан ҳалигача унинг мингдан бир жиҳати ҳам очилган эмас”.

Шоир бошқа бир байтида аниқлик киритиб кетганидек, ўша биргина сўз балки ҳақиқатдир:

Таайюнот ичида ишқ бир ҳақиқат эрур,  
Гар ўлса булбулу парвонадин ва гар мендин (ФК, 468).

“Булбулданми, парвонаданми ё менданми, кимдан содир бўлишидан қатъи назар, ишқ муайянлик ичра бир ҳақиқатдир”.

Яна ким билади дейсиз!

Таайюн арабча сўз бўлиб, муайян бўлиш, аён бўлиш; нарсалар ичидан ажралиб ва билиниб туриш; аниқлик, маълумлик; аниқ ва равшан кўрсатиш маъноларини билдиради. Орифлар ва завқ аҳли назарида улуғликка етиш, имтиёзга эга бўлишидан иборат. Уларга кўра илк таайюн – ваҳдат мартабаси, иккинчи таайюн – воҳидият мартабаси. Мутасаввифлар тасаввурида Ҳақда ҳамма нарса мавжуд бўлиб, улар бизга номаълумдир. Нарсаларнинг Ҳақдан тажаллий кўринишида ажралиб чиқишлари таайюн шаклида намоён бўлади. Шунга кўра, аён нарсалар, дунё ғоялари таайюнот дейилади.

Кўйида оҳим ели рафъ этти ул юз бурқаъин,  
Ҳеч гулшанда сабодин бўйла гул очилмади.

“Кўйида чеккан оҳимнинг ели ул гулнинг юзидаги пардани кўтарди, ҳеч бир гулшанда сабо туфайли бу каби гул очилган эмас эди”.

Сабо – Шарқ томондан эсадиган тонгги ёқимли ва салқин шамол. Тасаввуфда у Аллоҳ таолонинг раҳмоний нафасига нисбат берилиб, хайрга боис бўлиши айтилади. Сабо ошиқнинг оҳу нола-сини Аллоҳга, ўз навбатида, Аллоҳнинг хабарини ошиққа етказди. Хусусан, сабо билан ошиқларнинг тонг чоғида чеккан оҳлари ўртасида боғлиқлик мавжуд: тасаввуф аҳли тонг чоғида урилган оҳ Аллоҳ таолога етиб боради, деб ҳисоблайдилар. Бу ҳақда Шайх Абу Бакр Каттоний шундай дейди: “Аллоҳ таолонинг бир ели бор – тонг чоғида эсгай. У ел ошиқларнинг оҳу нолишини эшитгай, Аршга олиб чиққай, ундан Ҳазрати Парвардигорга етказгай”<sup>8</sup>.

Шундай қилиб, сабо ошиқнинг нола-сини Аллоҳга етказгани каби ошиқ чеккан оҳ уни маъшуқи азалга етказди. Бу ерда жон

чикиш олдидаги инсон чекадиган сўнгги оҳ кўзда тутилмокда. Бу оҳ туфайли ошиқ руҳи унинг жисмини тарк этиб, Арши аълога парвоз этади ва илоҳий маҳбуба ҳузурига етади. Гарчи жоннинг чиқишига сабаб бўлса-да, ошиқнинг ўз маъшуғига етказиши жихатидан бу оҳ унинг ноласини Аллоҳга етказган сабодан афзал. Кўриниб турибдики, оҳ ва сабо дастлаб бир-бирига ўхшатилаяпти, кейин оҳ сабодан устун қўйилаяпти. Чунки сабо маъшуқага ошиқнинг сўзини етказса, у чеккан оҳ ўзини етказади!

Қайси жоҳилга надомат бўлғай ул олимчаким,  
Ҳар не билди – қилмади, ҳар неки қилди – билмади.

Бу байтда қиёмат кунида билганини қилмаган, қилганини билмаган олимнинг азоби ҳар қандай жоҳилдан кўра кўп бўлиши ҳақидаги ҳадис ўз аксини топган.

Эй Навоий, ёр васлин истабон ул топтиким,  
Аҳли ҳижрон зумрасида истабон топилмади.

“Эй Навоий, излаганинг билан ҳижрон аҳли орасидан топилмаган киши ёр васлин излаб топган хисобланади”.

Тасаввуф фалсафасига кўра, бу дунё – ҳижрон олами. Чунки инсон ўз Яратувчисидан – висол олаmidан айри тушган. Шунинг учун у энди бир умр яна висолга – Парвардигорига интилади. Лекин унга жисм эмас, балки риёзат чекиш натижасида покланган ва тариқатни босиб ўтиш давомида камолга етган руҳ етишади. Бинобарин, ҳижрон аҳли сафини тарк этган – Арши аълога етган комил руҳгина бу саодатга муяссар бўлади.

Шоир бу байтида илоҳий ишққа муносиб, Ҳақ ризосига эришган ориф инсонлар хусусида сўз юритади. Шубҳасиз, Навоийнинг ўзи ҳам Аллоҳ таолонинг ана шундай хос бандалари сирасига мансуб эди.

**Эргаш ОЧИЛОВ**

—•—•—•—•—•—•—

**“Оҳима ёр оғзи бир дам кулмагин кам қилмади...”**

—•—•—•—•—•—•—

Оҳима ёр оғзи бир дам кулмагин кам қилмади,  
Чун сабодин ғунча очилди яна ёпилмади.

Ништари оҳим ажаб йўқ кўнглунгга кор этмаса,  
Тезликдин игна ҳаргиз хораға санчилмади.

Қатрае томизма бизга тутқан асфар бодадин,  
Шамъ ўтидин, сокиё, ҳаргиз шарор айрилмади.

Ишқким, ҳар бир ишида ёзди юз минг турфа халқ  
Турфароқ будурки, юз мингдин бири ёзилмади.

Кўйида оҳим ели рафъ этти ул юз бурқайин,  
Ҳеч гулшанда сабодин буйла гул очилмади.

Қайси жоҳилға надомат бўлғай ул олимчаким,  
Ҳар не билди, қилмади, ҳар неки қилди, билмади.

Эй Навоий, ёр васлин истабон ул топтиким,  
Аҳли ҳижрон зумрасида истабон топилмади.

— V — — V — — V — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

***Луғат***

**Сабо** – 1) Ёқимли шамол, тонг шабадаси; 2) эрта тонг, саҳар

**Хора** – тош; қаттиқ тош; гранит

**Асфар** – сариқ, сап-сариқ

**Шарор** – учкун, аланга

**Турфа** – қизик, ажабланарли, олам аҳли ҳайрон қоладиган;  
нодир, кам учрайдиган

**Рафъ** – юксалиш; баланд

**Бурқа** – парда, ниқоб, ҳижоб

**Зумра** – 1) Бўлак, қисм; тўда, жамоат, гуруҳ; 2) хил, жинс

### Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан парокандадир. Унда маъшуқа гўзаллиги тасвири ва унинг ошиқ руҳиятига бўлган акс таъсири таърифланади.

Оҳима ёр оғзи бир дам кулмагин кам қилмади,  
Чун сабодин гунча очилди яна ёпилмади.

*Ҳар сафар “оҳ” урсам, ёрнинг оғзи кулишдан тинмади, гўё тонг шабадасидан гунча очилса, ёпилмайди.*

Ошиқ муҳаббатга садоқатли, бироқ маъшукани кўролмай, тинмай “оҳ” уради. Бир чеккада яшириниб олган маъшуқа эса унга шу даражада эҳтиёжсизки, ошиғининг оху зорларига кулгу ва табассум билан жавоб беради. Бу ҳолатни билган ошиқ гунча очилишини ёрининг табассумига қиёслаб, гўзал сўз ўйини яратмоқда.

Байтда тамсил санъатига мурожаат этилмоқда.

Ништари оҳим ажаб йўқ кўнглунгга кор этмаса,  
Тезликдин игна ҳаргиз хораға санчилмади.

*Оҳимнинг наштари кўнглига кор қилмаса, ҳеч ажабланарли эмас, ахир игна ҳам ҳар қанча ўткир бўлмасин, тошга санчилмайди-ку!*

Иккинчи байт матлаънинг мантикий давоми бўлиб, ундаги фикр ривожлантирилмоқда. Яъни, “оҳ”ларимга кулгиси келган маъшуқамнинг тошдек кўнглига таъсир қилмаганига ажабланмайман. Ахир ўткир игна ҳам тошга таъсир қилмайди – санчилмайди-ку!

Байтда ништари оҳим бирикмаси ёрдамида истиора ҳамда тамсил санъатлари яратилмоқда.

Қатрае томизма бизга тутқан асфар бодадин,  
Шамъ ўтидин, сокиё, ҳаргиз шарор айрилмади.

*Бизга тутган сариқ рангли бодадан бир қатра ҳам томизма, эй соқий, ахир шам ўтидан унинг шуъласи бир лаҳза ҳам айрилмади.*

Навбатдаги байтда ғазал мавзуси ўзгарди. Энди шоир соқийга мурожаат этиб, шамга ўхшаш сариқ рангли майни тўкмай-томизмай узат, зеро шамдан нур айрилмаганидек, боданинг қартаси ва унинг кайфи биздан узоқлашмасин, демоқда.

Агар ушбу байтнинг орифона маъносига назар соладиган бўлсак, шундай манзара намоён бўлади:

Эй, шамнинг нури каби илоҳий маърифат улашувчи комил инсон! Бу нурни қалбимизга шундай бус-бутан ҳолда қуйки, унинг бирор заррасидан бабахра қолмайлик!

Байтда қатра ва бода, шам ва шарор сўзлари орқали таносиб, соқийга мурожаат этиш орқали илтифот санъатлари пайдо бўлмоқда.

Ишққим, ҳар бир ишида ёзди юз минг турфа халқ  
Турфароқ будурки, юз мингдин бири ёзилмади.

*Ишқнинг бир иши ҳақида халқ юз минг турфаликларни ёзди, бироқ янада қизиқарлироғи шундаки, ҳали унинг юздан бири (ҳам) ёзилмади.*

Муҳаббат ўзи эскинарсан, лекин ҳар бир юрак уни янгортар, деган эди улуғ маърифатпарварлардан бири. Дарҳақиқат, ҳар бир қалб, ҳар бир характер муҳаббатни ўзича қабул қилади, унинг ўтида ўзича куяди, ўзича таърифлайди, куйлайди: ёзғиради, улуғлайди. Улуғ Навоий ҳам ишқнинг мана шу томонига эътибор бериб, унинг ҳар бир иши – вимоли, ҳижрони, соғинчи, изтироби ҳақида қанчалар ёзишсан ҳам, ҳали юзмингдан бири маълум бўлмади, демоқда.

Байтда турфа ва турфароқ ҳамда юз минг сўзларининг так-  
роридан тақрир, ишқни жонлантириш орқали ташхис, юз минг ва  
бир сўзлари орқали таносиб санъатлари яратилади.

Кўйида оҳим ели рафъ этти ул юз бурқайн,  
Ҳеч гулшанда сабодин буйла гул очилмади.

*Оҳим шабадаси юзидаги ниқобни кўтариб юборди, (қаранг-ки)  
ҳеч гулшанда тонгги шабададан бундай гул очилмади-я!*

Навбатдаги байтда улуғ ошиқ маъшуқасини анча вақтли ҳиж-  
рондан сўнг, ниҳоят кўрди. Бироқ маъшуқанинг юзи ҳарир пар-  
да билан беркитилган эди. Бундан қайғуга тушган ошиқ ўтли  
бир “оҳ” тортди. Бу “оҳ” маъшуқанинг юзидаги пардани кўтариб  
юборди ва... гўё гулзорда мислсиз гул очилди. Байтда маъшуқа  
юзи гулга, ўз оҳини эса сабога қиёслаб, талмех санъатига мурожа-  
ат этилмоқда.

Қайси жоҳилға надомат бўлғай ул олимчаким,  
Ҳар не билди, қилмади, ҳар неки қилди, билмади.

*Бир савоб амални қилгану, лекин унинг (ажру савобини) билма-  
ган жоҳилға, бундай амалларни билгану, лекин қилмаган олимчалик  
надомат бўлади (бир куни).*

Навбатдаги маъвиза байтда Навоий ўз фикрини мураккаб ўз  
ўйинлари ёрдамида баён этган. Яъни, ўз қилган ишининг яхши-ё-  
монлигини билган жоҳилға ҳам, уни билиб туриб, амал қилмаган  
олимға ҳам надомат бўлади. Бир куни. Балки қиёмат кунидир.  
Балки жон чиқатёган лаҳзадир бу. Ёки ҳар лаҳзада уйғонадиган  
виждон азобидир.

Байтда сўз ўйини ҳам мураккаб ва гўзал тузилган. Жоҳил ва  
олим сўзлари орқали тазод, билди, қилмади сўзлари орқали тарду  
акс, ҳар не бирикмасининг такроридан тақрир санъатлари юзага  
келмоқда.

Эй Навоий, ёр васлин истабон ул топтиким,  
Аҳли ҳижрон зумрасида истабон топилмади.

*Эй Навоий ёр висолини изладию топти у, лекин ҳижрон аҳли дав-  
рисиди истаганлар тополмади.*

Яъни, нияти висол бўлганлар унга етди, ҳижрон аҳлига ҳамроҳ бўлганлар эса тополмади. Ният ҳамиша инсонга ёр бўлади ўзи, шунинг учун ниятни тўғри қилиш керак, демоқчидир балки улуғ шоир.

Байтда Эй Навоий ундалмаси орқали илтифот, аҳли ҳижрон бирикмаси орқали истиора, истабон ва топти сўзлари тақроридан икки ўринда тақрир санъатлари яратилган.

Умаман олиб қараганда, ушбу ғазал маъшуқа гўзаллиги, ошиқ сидку садоқати, маърифат ташнаси бўлган ориф арзи ҳоли, муҳаббатнинг турфалиги мадҳи, ижтимоий фикр ва ниҳоят, эзгу орзу билан тугаллаган гўзал композициядир.

**Зухра МАМАДАЛИЕВА**

  
“Кўнглум оҳидин табассум лаълингга фан бўлмади...”  


Кўнглум оҳидин табассум лаълингга фан бўлмади  
Уйлаким, лаъл ахгари ел бирла равшан бўлмади.

Истади жисм уйи бир равзан ўқунгдин, войким,  
Қолмади равзан ериким, неча равзан бўлмади.

Деди, бир душном учун жонингни олғумдур баҳо  
Ўлтурур савдоки, миоди муайян бўлмади.

Эл чаманда ул парий бирла кезиб мен телбага  
Ваҳки, ишрат жилвагоҳи ғайри гулхан бўлмади.

Оҳ ўтидин хирқани пок ўртаким, ҳар булҳавас  
Зарқ ашкидин этак юб пок доман бўлмади.

Лофи ишқ урған кўнгул ғам дўзахидин қочмасун  
Ким, самандарға ёлиндин ўзга маскан бўлмади.

Эй Навоий, кимни севсанг қилма зоҳирким, санга  
Кимдурурким, дўстлуғ фаҳм этти, душман бўлмади.

– V – – – V – – – V – – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Луғат

**Фан** – 1) Илм, хунар, санъат; 2) ҳийла, найранг; 3) мақсад

**Ахгар** – лахча чўғ, олов; ошиқ

**Равзан** – туйнук, дарча, тешиқ

**Савдо** – 1) Ишқ-муҳаббат, шайдолик; 2) хаёл, хавас, орзу;  
3) мажнунлик, алқдан озиш; 4) олди-сотди, тижорат; 5) манфаат,  
бойлик; 6) касаллик номи, меланхолия; 7) инсон аъзосидаги тўрт  
унсурнинг бири

**Миод** – 1) Ваъдагоҳ, ваъдалашилган жой; 2) муддат, ваъда  
пайти, муҳлат

**Муайян** – аниқ, маълум; равшан; ошкора; махсус, ҳос

**Булҳавас** – 1) Ҳавасга берилган, енгилтак, беқарор; 2) орзули,  
ҳавасманд; ишқибоз

**Зарқ** – 1) Алдов, макр, риё, ҳийла; 2) мунофиқлик, иккиюзла-  
мачилик, ғийбат, фисқу фасод; 3) тезак; қаҳр-ғазаб; жирканч, ёқмас

**Доман** – 1) Этак; 2) ҳар бир нарсанинг охири; 3) саҳро, биёбон

**Ёлин** – ёлқин, аланга, учқун, олов, оташ

**Зоҳир** – 1) Ёруғ, ялтироқ, порлоқ; 2) кўриниб турган, очик,  
ошкора; 3) ташқи кўриниш, бирор нарсанинг сирти, таши

### Шарҳ ва изоҳлар

Бўлмади радифли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан  
парокандадир. Унда ошиқ қалби изтироблари, ҳижрон ва висол  
можаролари қаламга олинади.

Кўнглум оҳидин табассум лаълингга фан бўлмади  
Уйлаким, лаъл ахгари ел бирла равшан бўлмади.

*Кўнглимдан чиқаётган “оҳ” лабингга санъат асари каби ярашмади, яъни қор қилмади, бу гўё лаълнинг шуъласи шабада билан равшанлашмаганига ўхшайди.*

Бундан олдинги (“Ғаройиб ус-сиғар” 622) ғазал матлаъсида шоир тортган оҳларимдан ёрим юзига табассум пайдо бўлди, деб ёзганди. Бу ғазалда эса у ҳолатнинг тескарисини қаламга олинмоқда. Ва бу ҳолат ташхис санъатига мурожаат этилган ҳолда гўзал мисолга қиёсланмоқда.

Байтда лаълингга фан бўлмади жумласи орқали истора санъати ҳам яратилмоқда.

Истади жисм уйи бир равзан, ўқунгдин, войким,  
Қолмади равзан ериким, неча равзан бўлмади.

*Жимсим уйи ўқунгдан биттагина туйнук очилишини хоҳловди, войки, бир неча марта қайта тешилмаган бирор бутун жойи қолмади.*

Бу ўринда ўқ – маъшуқанинг қарашма билан боқиши, яъни нигоҳи, жимсдаги равшан – тешик-туйнуқлар эса ошиқ кўнглига етган жароҳатлардир. Яъни, ошиқ ёрим бир бор менга боқармикин, дегандим. У менга дам-бадам назар ташламоқда, лекин бу қарашлар ўқ каби отилиб, вужудимни илма-тешик қилиб юборди, демоқда шоир.

Байтда ўқунг сўзи, жисм уйи бирикмаси, унинг равзан (илма-тешки) бўлиши орқали истиора, равзан сўзининг такроридан тақрир ва унинг радд ул ҳашв илал ҳашв тури ҳосил бўлган.

Деди, бир душном учун жонингни олгумдур баҳо  
Ўлтурур савдоки, миоди муайян бўлмади.

*Бир назар учун жонингни оламан, деганди, бундай ноаниқ савдо одамни ўлдиради.*

Навбатдаги байтда юқоридаги фикр давом эттирилмоқда. Яъни, маъшуқа бир назар учун ошиқ жони сўради. Бироқ бу назарнинг қачон, қай пайтда ошиқ томон йўналиши аниқ айтмади.

Бечора ошиқнинг эса бу назарни кутиб, умри ўтмоқда. Ва у бундай ноаниқ ваъдадан кўра маъшуқамнинг нигоҳи ўлдирса яхши эди, деб орзу қилмоқда.

Байтда баҳо, савдо сўзлари орқали таносиб санъати яратилмоқда.

Эл чаманда ул парий бирла кезиб, мен телбага  
Ваҳки, ишрат жилвагоҳи ғайри гулхан бўлмади.

*Одамлар чаманда у парисифат маъшуқам билан сайр этиб юришибди, мен телбага эса (рашк ва соғинчдан) хурсандчилик жилвагоҳи гулшан (кули ва ўти)дан бошқа нарса бўлмади.*

Навбатдаги байтда ошиқ қалбидаги рашк изтироби қаламга олинмоқда. Яъни, шоир кўнгил қўйган парисифат маъшуқа ўғил бола феълли бўлиб, ҳамма билан кулишиб, ҳазиллашиб, гулзорда сайр қилиб юрибди. Бу ҳолатдан ошиқ қалбига ўт тушмоқда. У мумтоз адабиётида кўпинча параллел қўлланиладиган пари ва телба образларига мурожаат этиб, бу ҳолатда мен гулхандан бери келмай қолдим, демоқда. Бу ўринда телба кишиларнинг гулханга интилиши, ёки гўлаҳлик қилиши назарда тутилмоқда.

Байтда ишрат жилвагоҳи – хурсандчилик жилва қиладиган маскан маъносидаги бирикма кинояли қўлланилган бўлиб, акс маънони ифодаламақда. Бундан ташқари байтда пари ва телба сўзлари орқали таносиб санъатига ҳам мурожаат этилмоқда.

Оҳ ўтидин хирқани пок ўртаким, ҳар булҳавас  
Зарқ ашкидин этак юб пок доман бўлмади.

*Оҳ ўти билан хирқамни бутунлай ёндириб юбордим, ҳар бир ҳавасманд риёкорлик кўз ёши билан этагини ювиб, покиза бўлиб қолавермайди.*

Навбатдаги байтни ошиқона ва орифона байтлар орасидаги кўприк дейиш мумкин. Яъни, ошиқман деган ҳар бир ҳавасманд ҳам риёкорлик кўз ёшларини тўкиб, фидойи бўлиб қолмайди.

Ёки: ҳақиқий ошиқ бўлиш учун хирқа мисолидаги риёкорликни, сохталикни, зоҳирбинликни ёндириб юбориш керак. фақат кўз ёш тўкиш билан киши покдомон ошиқ бўлиб қолмайди.

Байтда оҳ ўти бирикмаси орқали истиора ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Лофи ишқ урған кўнгул ғам дўзахидин қочмасун  
Ким, самандарға ёлиндин ўзга маскан бўлмади.

*Ишқ лофини урған кўнгил ғам дўзахидан қочмасинки, самандарга ёнғиндан бошқа жой маскан бўлиши мумкинми, ахир?!*

Навбатдаги байт юқоридаги фикрнинг бевосита давоми бўлиб, унда ҳақиқий ошиқ дўзахдай азоб берадиган ғам, ҳижрон, соғинч каби туйғулардан қочмаслиги уқтирилмоқда. Сабаби, ҳақиқий ошиқ худди оловда туғилиб, яшайдиган, олов ўчса ҳалок бўладиган самандар кабидир. Уни ҳижронда соғинч ўртаса, висол онлари ёрнинг ҳусну жамоли ўртади.

Байтда лофи ишқ ва ғам дўзахи бирикмалари орқали истиора, самандар, ёлин сўзлари орқали таносиб, кўнгулни жонлантириш орқали таъхис ҳамда таъсил санъатларига мурожаат этилмоқда.

Эй Навоий, кимни севсанг қилма зоҳирким, санга  
Кимдурурким, дўстлуғ фаҳм этти, душман бўлмади.

*Эй Навоий кимни севсанг ҳам зинҳор (унинг кимлигини) ошкор қилма, чунки кимки сенга дўстман деса, ўшаларнинг ҳаммаси душманлик қилмай қолмаган.*

Мақтаёда Навоий яна ғазалдаги асосий фикрига қайтмоқда. Яъни маъшукангни ошкор қилма, чунки кеча дўст бўлиб, сирингни билганлар, бугун душманлик қилишлари мумкин. Ҳа, Навоий, балки шундай андеша билан севгилисининг номини ҳеч қачон ошкор қилмаган. Балки шунинг учун ҳам биз улуғ шоир кўнгил қўйган инсоннинг кимлигини ҳеч қачон билолмасмиз.

Байтда эй Навоий ундолмаси орқали илтифот, дўст ва душман сўзлари орқали эса тазод санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал муҳаббат изтироблари, ошиқлик шартлари ва ишқ ҳақидаги Навоийнинг шахсий қарашларини акс эттирувчи санъат асаридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

  
“Май халос этти риёйий порсолиғдин мени...”  


Май халос этти риёйий порсолиғдин мени,  
Шукрим, кутқарди зуҳду худнамолиғдин мени.

Бўлди нобуд ўзлугум, юз шукрим, қилди халос  
Хар замон бу корғаҳда беҳаёлиғдин мени.

Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилдим уч талоқ,  
Фард қилди Борий мундоқ кадхудолиқдин мени.

Бўлдилар бегона аҳли зуҳд хуш давлат буким,  
Қилди манъ ул қавм бирла ошнолиғдин мени.

Оразимдин ғусса кожининг саводин қилди ол,  
Шукрим, кутқарди мундоқ юзқаролиғдин мени.

Бандамен соқийғаким, бир жоми молломол ила  
Айлади озод юз минг мубталолиғдин мени.

Тавба аҳли ёруманг мундоқки махрум эттингиз  
Дайр ичинда масту лояъқил гадолиғдин мени.

Душманимсиз дўстларким, қовдингиз айлаб ҳужум,  
Бенаволиғ кишварида подшолиғдин мени.

Эй Навоий, ҳам магар, ё муғбача, ё пири дайр  
Синдуруб тавбам чиқарғай бенаволиғдин мени.

– V – – V – – – V – – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

## Луғат

**Риё** – мунофиқ, иккиюзламачи

**Порсо** – тақводор, художўй

**Корғах** – 1) Ишхона, корхона, дўкон; 2) дунё, фалак, тақдир;  
3) манзил, қароргоҳ; 4) умидхона

**Борий** – Яратган, Худо, Тангри (Худонинг сифатларидан бири)

**Кож** – шапалок; изтироб, азият

**Савод** – 1) Қора, қоралик; 2) қоронғи, қоронғилик; зулмат;  
3) атроф, гирд; 4) шаҳар, мулк, диёр, мамлакат, кишвар; 5) ёзувнинг биринчи нусхаси (қоралама); 6) қора мўйлаб

**Моломол** – тўла, лиммо-лим тўла

**Мубтало** – 1) Гирифтор, дучор бўлган; 2) ошиқ, шайдо

**Ёруманг** – 1) Яшнаманг, порламанг, чақнаманг; 2) ёруғлик пайдо қилманг

**Лояъқил** – ақлсиз, эссиз, беҳуш, ҳушсиз

**Бенаво** – 1) Фақир, қашшоқ; ғариб, нотава; 2) бебаҳра, маҳрум; 3) навосиз, хомуш; 4) дардсиз, беҳабар

## Шарҳ ва изоҳлар

Тўққиз байтли “мени” радифли ушбу ғазал мазмунан риндона ва шаклан мусалсал бўлиб, майнинг инсон, хусусан ориф ошиқ руҳиятига кўрсатган таъсири хусусида баҳс юритади.

Май халос этти риёйий порсолиғдин мени,  
Шукрим, қутқарди зуҳду худнамолиғдин мени.

*Май мени сохта тақводорликдан халос этди, шукурки, худбинларча зуҳддан ҳам қутқарди.*

Матлаъдан маълум бўлмоқдаги бу ўринда сўз мисни олтин қиладиган, инсонни сохталиқ ва риёкорликдан халос этадиган май – илоҳий маърифат хусусида кетмоқда. Демак ғазал орифона мазмунни ўзида акс эттирган риндона мавзудадир.

Байтда риейий порсолиғ ва зуҳду худнамолиғ бирикмалари орқали таъдид, майни жонлантириш орқали эса ташхис санъатлари яратилган.

Бўлди нобуд ўзлугум, юз шукрим, қилди халос  
Ҳар замон бу коргахда беҳаёлиғдин мени.

*Ўзлигим нобуд бўлди, йўқолди, юз шукрларки, бу оламда беҳаёликдан ҳам ҳалос этди (мени ўша май).*

Навбатдаги байтда матлаъдаги фикр кучайритилмоқда. Яъни, дастлаб риекор такво ва худбинларча зуҳддан ҳалос қилган май – маърифат энди соҳибининг худбинларча менлигини нобуд қилиб, бу дунёда иккиюзламачилик орқасидан шарманда бўлишдан асраб қолди.

Байтда коргах сўзи орқали истиора ва ташхис санъатларига мурожаат этилмоқда.

Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилдим уч талок,  
Фард қилди Борий мундоқ кадхуолиқдин мени.

*Дунё кампирини тўрт мазҳабда уч талок қўйдим, Яратган мени бундай куёвликлан ҳалос қилиб, танҳоликка етказди.*

Учинчи байтда мавзу ўзгарди. Энди сўз дунё келини, ундан ҳалос бўлиш ҳақида кетмоқда. Дунё келини, дунё кампирини бир маънони ифодалаб, тасаввуф адабиётида мол-дунё, амал-матраба, шон-шуҳрат каби дунёвий, нафсоний эҳтиёжларнинг умумий маънода яхлитлашган образидир. Уни кекса аёл қиёфасида тасаввур қилишган. Бу кампир хийла-макр билан инсонни ўзига ром қилган ва йўлдан тамом оздирган. Илоҳий маърифат майидан қалби камолга етган ориф бу кампирни ҳар тўрт мазҳабда уч талок қўйиши – бу унинг камолотга эришувидир. Бу ишда Борий – йўқдан бор қилувчи Аллоҳ унинг ёрдамчиси бўлиши ҳам бекор эмасдир.

Байтда даҳр золи бирикмаси орқали истиора, фард, уч ва тўрт сўзлари орқали таносиб санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Бўлдилар бегона аҳли зуҳд хуш давлат буким,  
Қилди манъ ул қавм бирла ошнолиғдин мени.

*Зухд аҳли (май ичганимдан сўнг) мендан бегона бўлдилар, (демак май) бу қавм билан ошноликдан қайтарди.*

Навбатдаги байтда яна май – илоҳий маърифатнинг соҳибига қилган фойдаси тўғрисида сўз бормоқда. Яъни, илоҳий маърифат ўз соҳиби бўлган зоҳидларга бегона қилди. Буни шоир хуш давлат дейиши бежиз эмас. Чунки, зоҳидлар кўр-кўрона ибодат қилувчи бўлиб, диннинг асли бўлган Аллоҳга муҳаббат қўйишни тушунмайдилар, ҳатто таъқиқлайдилар. Ориф инсон бўлса, қандай ибодат қилмасин, унинг замирида Аллоҳга бўлган ишқ бўлади.

Байтда бегона ва ошно сўзлари ёрдамида тазод ва ташхис санъатлари яратилмоқда.

Оразимдин ғусса кожининг саводин қилди ол,  
Шукрим, қутқарди мундоқ юзқаролиғдин мени.

*Юзимдаги ғам-ғусса шапалоғининг қорасини қизилликка ўзгартирди (яъни май юзимни қизартирди) ва шукурки, мени бу юзи қароликдан қутқарди.*

Майнинг яхшиликлари таърифи давом этмоқда. Илоҳий маърифатни ҳис этиб, дунё ишларидан узоқлашган инсон шодлику қувончни ҳам, ғам-аламни ҳам бирдек кутиб олади. Шунинг учун у инсонни ғам-ғуссадан фориғ этиб, қорайган юзини қизиртирган шаробга ўхшатилмоқда.

Байтда ғусса кожи, ғусса кожининг саводи бирикмалари ёрдамида истиора, ташхис санъатларига мурожаат этилмоқда.

Бандамен соқийғаким, бир жоми моллом ила  
Айлади озод юз минг мубталолиғдин мени.

*Соқийга шунинг учун қул ва асирманки, у лиммо-лим тўла бир жом билан юз минг (балою дард, турли хил дунё ташвишлари каби-ларга) мубталоликдан озод қилди.*

Энди май эмас, унинг сузувчиси – соқий улуғланмоқда. Соқий – орифона адабиётда илоҳий маърифат талабгорларига уни сузиб, тарқатувчи пири комил маъносини билдиради. Яъни, у илоҳий маърифатга лиммо-лим жомдек кўнглидан толиблар қалбига

илм, маърифат улашади. Бу билан у юз минг турли дунё ташвишларидан халос этади.

Байтда банда ва озод сўзлари орқали тазод ва муболаға санъатлари ҳосил этилмоқда.

Тавба аҳли ёруманг мундоқки маҳрум эттингиз  
Дайр ичинда масту лояъқил гадолиғдин мени.

*Эй тавба аҳли (яъни тавба қилганлар, тавбага мойил бўлганлар) ҳеч яйраб-яшнамангки, мени майхона ичида эсдан оғган ҳолда гадо бўлиш (роҳатидан) маҳрум қилдингиз.*

Шу таҳлит толиб илоҳий маърифатдан баҳраманд бўлиб, камолга етаётганди. Бироқ тавба аҳли ғазал лирик қаҳрамонини ҳам нима қилиб бўлса ҳам танлаган йўли – ишқ ва маърифатнинг хато эканлигига ишонтирдилар. Уни Худодан қаттиқроқ кўрқиб, тинмай тоат-ибодат қилишга кўндирдилар. Кўзи очилиб, ақли кирган толиб, майхона ичида мастлик ва ўзини унутишдан маҳрум этдингиз, ҳеч яйраб-яшнаманг, дея маломат қилади. Бу ўринда мастлик ва ўзни унутиш – илоҳий маърифатдан баҳраманд бўлиб, камолотга етишни англатида.

Байтда масту, лояъқил, гадолиғ сўзлари орқали таъдид санъатига мурожаат этади.

Душманимсиз дўстларким, қовдингиз айлаб ҳужум,  
Бенаволиғ кишварида подшолиғдин мени.

*Эй дўстларим, (Сиз асли) душманим экансиз, мени бенаволик мамлакатада подшоликдан қувдингиз (маҳрум этдингиз).*

Панд-насихат қиладиган дўстларини душманимсиз деб маломат қилган Навоий уларни бенаволик кишвари – ўзлигидан жудо бўлганлар мамлакатада подшоликдан маҳрум қилдингиз, деб ўқинмоқда. Дарҳақиқат, илоҳий ишқнинг биринчи шарти ўзликдан маҳрум бўлишдир. Ўзликдан маҳрум бўлмай туриб, ишққа эришиш мумкин эмас. Шунинг учун бундай маҳрумиятдан жудо қилганларни шоир душманимсиз деб атамоқда.

Байтда душман ва дўст сўзлари орқали тазод, бенаволиғ кишвари бирикмаси ва подшолиғ сўзлари орқали истиора, кишвар

ҳамда подшо сўзлари воситасида таносиб санъатлари яратилмоқда.

Эй Навоий, ҳам магар, ё муғбача, ё пири дайр  
Синдуруб тавбам чиқаргай бенаволиғдин мени.

*Эй Навоий (ҳадемай, Худо хоҳласа), ё муғбача ё майхона пири (иккаласидан бири) тавбамни синдириб, мени бенаволикдан чиқаради (албатта).*

Мақтаъда шоир илоҳий маърифатдан баҳрамандлик даврини эслайди ва Худо хоҳласа, ўша кунга қайтаман, дейди. Бунинг учун ё илоҳий маърифат соҳиби пири муғон, яъни пири комил ёки бўлмаса илоҳий ҳусн соҳиби муғбача яъни гўзал инсон сабаб бўлади. Улардан бири, албатта, тавбамдан қайтириб, мени сохталик ва риёкорлик олаmidан узоқлаштиради ва самимият ҳамда гўзаллик оламига ошно қилади. Ҳазал шундай умидворлик билан тугайди.

Байтда эй Навоий ундалмаси орқали илтифот санъатига мурожаат этилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал илоҳий маърифат ва ундан баҳрамандлик мадҳига бағишланган.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

——  
“Юзидин ўлмаса, ё раб, раво кўзум тилаги...”  
——

Юзидин ўлмаса, ё раб, раво кўзум тилаги,  
Тазаллумум илигидур адолатинг этаги.

Кўнгулда фурқат ўқи биркишибдур андоқким  
Киши чекарда гумон айлагай анинг сўнгаги.

Чаманда ғунча эмаским, бўлушур ул гул учун  
Фигоним ончаки, қон боғланиптурур юраги.

Чечак нечукки, ёпар кўзни тийра айлаптур,  
Кўзум баҳорини гулгун сиришкнинг чечаги.

Лаби хаёлида бағрим шикофини тиксам,  
Алифдин игна қилур, жону риштадин ипаги.

Хазон чаманға шабихун келурга бўлди далил  
Санавбар ушбу чамандин канора айламаги.

Не кўнглини бузадур дарду ғам Навоийнинг,  
Чу ул парийдуру бас ушбу телба кўнглидаги.

V-V- V V-- V- V- V V-  
мафоилун фаилотун мафоилун фаилун  
мужтасси муссаммани маҳбуни маҳзуф

### Лутат

**Раво** – мумкин, муносиб, мос, лойиқ

**Тазаллум** – зулмланиш, зулм кўриш, шикоят

**Сиришк** – қатра, кўз ёши

**Шикоф** – 1) Ёруғ, дарз, чок, тешик; 2) жароҳат, хасталик

**Шабихун** – кечаси тўсатдан қилинадиган хужум; ғорат; та-  
лон-тарож

**Канора** – қуйи, ён, тараф, томон; сохил, қирғоқ

### Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли радифсиз бу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан  
якпорадир. Унда ошиқнинг ҳижронда чеккан озорлари қаламга  
олинган.

Юзидин ўлмаса, ё раб, раво кўзум тилаги,  
Тазаллумум илигидур адолатинг этаги.

*Юзингдан кўзимнинг тилаги раво бўлмас экан, адолатнинг эта-  
ги мазлумлигим қўлидадир.*

Яъни: агар маъшуқамнинг дийдорини кўрмасам, озор топ-  
ган кўнглим адолатнинг этагини тутати. Яна аниқроқ айтадиган  
бўлсак, висолига эришолмасам, икки кўлим адолатнинг этагида  
бўлади. Матлаъда ошиқ висолга ташна ва унга томон қаттиқ ин-  
тилаётганлигини билдирмоқда.

Байтда юз ва кўз ҳамда тазаллум ва адолат сўзлари орқали бир  
йўла икки ўринда таносиб, ё раб ундалмаси орқали илтифот ва  
ташхис санъатлари яратилмоқда.

Кўнгулда фурқат ўки биркишибдур андоқким  
Киши чекарда гумон айлагай анинг сўнгаги.

*Кўнглимга айрилиғингнинг ўти шу қадар бирикиб кетганки, ажрат-  
моқчи бўлган одамлар бу унинг суяғими, деб гумон қилишади.*

Матлаъдаги изтиробнинг сабаби иккинчи байтда аён бўл-  
моқда. Ошиқ маъшуқасини анчадан бери кўрмаган. Шунинг учун  
у бу ҳолатини жисмимга айрилиқ ўти бирикиб кетган, деб тасвир-  
ламоқда.

Байтда фурқат ўти бирикмаси ёрдамида истиора ҳамда мубо-  
лаға санъатининг ақл бовар қилмас даражаси – ғулувга мурожаат  
этилмоқда.

Чаманда ғунча эмаским, бўлушур ул гул учун  
Фиғоним ончаки, қон боғланиптурур юраги.

*Чамандаги (ғунчалар аслида) ғунча эмас, у гул учун фиғон қи-  
лишганидан юраклари қон бўлибди.*

Ошиқ гулзорга кириб ҳам ёрини эслаб, кўнгли тўлмади. У ер-  
даги ғунчалар унинг кўзига ғунча эмас, маъшуқани кўролмай, қон  
бўлган юраклар шаклида кўринди.

Байтда ружуъ, ташхис ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Чечак нечукки, ёпар кўзни тийра айлаптур,  
Кўзум баҳорини гулгун сиришкнинг чечаги.

*(Чамандаги гуллар ҳам аслида) чечаклар эмас, улар кўзни хира қилувчи кўзим баҳорини гулгун кўз ёшларининг чечагидир (аслида).*

Энди ошиқнинг кўзи чамандаги гулларга тушди. Ва уни қонли кўз ёшларга, кўзини эса уларга ватан бўлгани учун эрта баҳорга қиёслади.

Байтда ружуъ, кўзум баҳори, сиришкнинг чечаги бирикмалари ёрдамида истиора, лафф ва нашр санъатлари ҳосил этилган.

Лаби хаёлида бағрим шикофини тиксам,  
Алифдин игна қилур, жону риштадин ипаги.

*Лаби хаёли билан бағрим яраларни тикиш учун алифдан игна, жон ипидан ипак қилишим керак.*

Ошиқ бағир яраларини тикиш учун маъшуканинг лабининг хаёлига мурожаат этмоқда. Нима учун? Чунки маъшуканинг лаблари очилмаган ғунчадай маҳкам. Зора уни ўйлаган ошиқнинг бағир яралари битиб қолса. Бунинг учун у алиф “и” ҳарфидан игна ясаб, жон ипидан ипак тайёрлаши керак.

Байтда лаби хаёли, бағрим шикофи бирикмалари орқали истиора, китобат санъатлари юзага келмоқда.

Хазон чаманға шабихун келурга бўлди далил  
Санавбар ушбу чамандин канора айламағи.

*Хазон (лашқари, яъни кузнинг) чаманга тунда тўсатдан бостириб келишига далил санавбарнинг ушбу чамандан узоқлашиши бўлди.*

Санавбар – ҳамиша ям-яшил бўлиб тик ўсувчи игна баргли ҳушбўй дарахт бўлиб, одатда, маъшуқа қадди-қоматига қиёс қилинади. Унинг боғдан кетиши, чекиниши, балки қуриши – бу боққа хазон сипоҳининг ташрифидан, ташриф бўлганда ҳам тўсатдан қиладиган ташрифидан дарак. Бу балки қиёсий маънода оламга ажал лашқарининг ташрифи ҳақидадир. У ўз “ташрифи” билан нафақат қариб-қартайган, балки навнихолдай сановбарларни ҳам ўз қаърига тортиб кетади.

Байтда хазон сўзи ёрдамида балоға, хазон, чаман, шабихун сўзлари ёрдамида таносиб, чаман сўзи тақроридан тақрирнинг

радд ул ҳашв илал ҳашв тури ҳамда ташхис санъатлари яратил-  
моқда.

Не кўнглини бузадур дарду ғам Навоийнинг,  
Чу ул парийдуру бас ушбу телба кўнглидаги.

*Ҳеч қандан дарду ғам Навоийнинг кўнглини бузолмайди, бу тел-  
ба кўнгилнинг ичидаги фақат ўша паридир.*

Мақтаъда Навоий яна ғазалдаги асосий фикрга қайтиб, маъ-  
шуқа унинг кўнглида экан, бу кўнгилга ғам-у дард кира олмасли-  
гини таъкидламоқда.

Байтда кўнгил ва кўнгли сўзлари орқали тақрирнинг рад ул-  
ҳашв илал ажуз тури, пари ва телба сўзлари воситасида эса тапо-  
сиб санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Умуман, ушбу ғазал маъшуқа дийдорига интилган, ҳар бир  
гулу гиёҳда унинг сиймосини кўрган садоқатли ошиқ дил изҳо-  
ридир.

**Зухра МАМАДАЛИЕВА**

  
**“Кеча ҳажрингда тирикликдин малолим бор эди...”**  


Кеча ҳажрингда тирикликдин малолим бор эди,  
Тонгга тегру айта олманким, не ҳолим бор эди.

Фурқатинг бедодидин йўқ эрди бир соат мажол,  
Бўлса дағи йиғлар эрдим то мажолим бор эди.

Тош уруб кўксумга, туфроғлар бошимга совуруб,  
Лек бу вақте эдиким, эътидолим бор эди.

Келсам ўз ҳолимга ногаҳ бу маломатлар аро,  
Гоҳ ўзумдин, гаҳ улусдин инфиолим бор эди.

Васл умиди кирмаса жоним аросиға гаҳе,  
Қайда жон элтурга боре эҳтимолим бор эди.

Васл таркидин агарчи мужрим ўлдум, ваҳ, қачон,  
Ҳажрни бу навъ саъб эркон хаёлим бор эди.

Эй Навоий, фурқатим айёми мундоқ қолмағай,  
Қолмади чун улки, даврони висолим бор эди.

– V – – V – – V – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Луғат

**Малол** – 1) Соғиниш, зерикиш; сиқилиш, азият чекиш, қийналиш; 2) озор, ғам, андух, ғусса, малол; 3) заҳмат

**Тегру** – ... гача, ...га қадар

**Мажол** – 1) Қувват, куч, мадор; 2) дармон, ҳол; 3) ҳаракат, қувват

**Фурқат** – айрилик, жудолик

**Эътидол** – 1) Ўрта даража, ўртачалик, муътадиллик; 2) келишганлик, ярашиқлик; 3) тик, тўғри

**Инфиол** – ҳаяжонланиш; таъсирланиш; ҳижолат тортиш

**Мужрим** – гуноҳкор, айбдор; жинойтчи

**Саъб** – қийин, оғир

### Шарҳ ва изоҳлар

Бор эди радифли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан яқпорадир. Унда ошиқнинг ҳижрон кечаси кўрган жабру жафолари ва алал оқибат висолга етиб борганлиги муболағали тасвирлар билан таърифланади.

Кеча ҳажрингда тирикликдин малолим бор эди,  
Тонгга тегру айта олманким, не ҳолим бор эди.

*Кеча (ёки кечаси, яъни тунда) ҳижронинг шу даражада азобладик-  
ки, тириклик ҳам малол келди, тонггача ҳолим қандайлигини ўзим  
ҳам айта олмасдим.*

Ошиқнинг жон-жонидан ҳижрон шу даражада ўтиб, суяклар-  
ни ҳам қақшатиб юборганки, ҳатто унга тириклик ҳам малол ке-  
ляпти. Тонггача тирик қоладими, йўқми, ўзига ҳам номаълум.

Байтда муболаға санъатидан фойдаланилмоқда.

Фурқатинг бедодидин йўқ эрди бир соат мажол,  
Бўлса дағи йиғлар эрдим то мажолим бор эди.

*Айрилигинг дастидан бир соат ҳам мажолим йўқ эди, бўлса ҳам  
куч-қувватим борица (фақат) йиғлардим.*

Муболағали таъриф давом этмоқда. Айрилиқнинг дастидан бир  
соат ҳам дармони йўқ ошиқ, мадор топган он ёри эсига тушмоқда ва  
ўша мадорни ҳам уни эслаб йиғлашга сарфлаётир.

Байтда муболаға билан биргаликда мажол сўзининг такроридан  
такрирнинг радд ул-аруз илал ҳашв тури ҳосил бўлмоқда.

Тош уруб кўкsumга, туфроғлар бошимга совуруб,  
Лек бу вақте эдиким, эътидолим бор эди.

*Кўкsumга тош уриб, бошимга тупроқ сеип (йиғлашим) шундай  
бир вақт эдики, ўзимга ярашарди.*

Яъни, мен ошиқ эдим, менга ҳар қандай хорлик, ҳокисорлик  
бўлса, ярашарверарди, дейди шоир.

Байтда тош ва туфроғ ҳамда кўкsum ва бошим сўзлари ёрдами-  
да бир йўла икки ўринда таносиб санъати яратилмоқда.

Келсам ўз ҳолимга ногаҳ бу маломатлар аро,  
Гоҳ ўзумдин, гаҳ улусдин инфиолим бор эди.

*Ўзимга келсам ҳам, бу ҳолимга ёғилган маломатлар ичида ўзим-  
дан ҳам, эл-юртдан Таъсирланиб, хижолат тортардим.*

Ошиқ бу қадар беҳудликлардан бир лаҳза ўзига келади. Ўшанда уни маломат қиладиган одамларни кўради ва ўз аҳволидан ҳижолат тортади. Сабаби, ошиқ ўзи ор-номусли инсон. Фақат ишқ ўти кучайгандагина у инсондаги ор-номусни ҳам кўйдириб кул қилишга қодир.

Байтда муболаға ва гоҳ сўзининг такроридан тақрир санъатига мурожаат этилмоқда.

Васл умиди кирмаса жоним аросига гаҳе,  
Қайда жон элтурга боре эҳтимолим бор эди.

*Висолинг умиди жонимга аро кирмаса, жонимни қаерга олиб боришда тахминларим бор эди (яъни ўлишим мумкин эди).*

Шунча азоблар билан ҳам ошиқ тирик. Нима учун? Бунинг сабаби, унда висол умиди бор. Бу умид унинг жонининг орасига кирган каби қилдай ҳаётини омон сақлаб турибди. Бу ҳолатни шоин қаерга жонимни олиб боришим маълум эди, деб тасвирламоқда.

Байтда жон сўзининг такроридан радд ул-ҳашв илал ҳашв, бор сўзининг такроридан эса тақрир ҳамда муболаға санъатлари ўз ўрнида қўлланилмоқда.

Васл таркидин агарчи мужрим ўлдум, ваҳ, қачон,  
Ҳажрни бу навъ саъб эркон ҳаёлим бор эди.

*Висолини тарк этиб, қачон гуноҳкор бўлдим экан, ҳижронини бу қадар қийин эканлигини ўйламовдим.*

Демак, ошиқ бир пайтлар ёри билан бирга суҳбат қурган, висол онларини ўтказган. Ўшанда ҳижроннинг бу қадар қийинлигини билмаганлиги учун уни писанд этмаган. Энди эса ўша кунлардан пушаймон.

Байтда васл ва ҳажр сўzlари воситасида тазод, муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Эй Навоий, фуқратим айёми мундоқ қолмағай,  
Қолмади чун улки, даврони висолим бор эди.

Эй Навоий, айрилиқ кунлари бу тахлитда қолмайди (насиб бўл-са), қолмади ҳам, чунки висол даврони бордир (мен учун ҳам)!

Ғазал якунида умидворлик оҳанглари сезилмоқда. Ҳижрон умрбод бўлмайди, бир кун у висол билан ўрин алмашади. Ошиқ ўша висолдан умидвор. У қачонлардир келишини билади, йўқ, қачонлардир эмас, у тез орада бўлиши мумкин. Фақат ҳижронга сабр ва яхши ният қилиш керак, холос. Ғазал мана шундай умидворлик оҳанглари билан якунланади.

Байтда эй Навоий ундалмаси орқали илтифот, фурқатим айёми, даврони висолим бирикмалари орқали истиора, фурқат ва висол сўзлари воситасида тазод санъатларига мурожаат этилмоқда.

**Зухра МАМАДАЛИЕВА**



**“Эй сабо, кўздин учур Мозандароннинг вардини...”**



Эй сабо, кўздин учур Мозандароннинг вардини  
Ким, қилибмен сурма Марви шоҳи жоннинг гардини.

Улки аҳбобин қилур парварда айшу ноз ила,  
Не тонг бошим олиб кетсам қўюб ёру диёримни.

Чекма заҳмат, эй табиб, эрмас чу мумкин айламак,  
Шарбати васл ўлмағунча дафъ фурқат дардини.

Англағай дўзахда бор иссиғ-совуғ бирла азоб,  
Ҳажр аро ким кўрса ўтлуғ кўнглум оҳи сардини.

Анжуми ашқин тўкар тонг отқуча мендек сипехр,  
Йўқламиш ул ҳам магар бир меҳри оламгардини.

Эй кўнгул, васл истасанг беҳуд бўлуб ғам емаким,  
Ком топмас кимса қилмай тарк хобу хўрдини.

Ёр агар ҳижрон аро солди Навоийни йироқ,  
Бок эмастур васл ила гар қилса боз овардини.

- V - - - V - - - V - - - V -  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Луғат

**Вард** – атиргул, кизил гул

**Аҳбоб** – севимлилар, дўстлар, ёронлар, сирдошлар

**Парварда** – тарбияланган, парваришланган

**Сард** – совуқ

**Анжум** – 1) Юлдузлар; 2) дурлар

**Сипехр** – осмон, замон, даҳр; тақдир

**Оламгард** – дунё кезувчи, оламни айланувчи

**Ком** – 1) Оғиз, танглай; 2) мурод, мақсад, орзу, тилак, майл;

3) бахт; 4) етишиш, ноил бўлиш

**Хоб** – уйқу

**Хўрд** – емиш, таом, емоқ, ичмоқ

**Бок** – 1) Қўркинч, ҳавф, ваҳм; 2) зарар; 3) андеша, парво; 4) ажаб

**Овард** – келтирувчи, келтирган

### Шарҳ ва изоҳлар

Етти байтли радифсиз ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал бўлиб, унда ҳижрон таърифи, ундаги ошиқ қалби ҳолати тасвирланади.

Эй сабо, кўздин учур Мозандароннинг вардини

Ким, қилибмен сурма Марви шоҳи жоннинг гардини.

*Эй тонгги шабада, Мозандарон атиргулининг (жамолини) кўзимдан нари қил, жон қадар (севикли бўлган) Марви шоҳи гардини кўзимга сурма қилиб юрибман (ахир).*

Матлаъда жуда кизик маълумот берилмоқда. Ўйлаймизки, унинг ҳасби ҳол билан боғлиқ қандайдир аҳамияти бор. Бу маълумотни Навоийнинг биографлари аниқлашларига умид қиламиз.

Байтнинг биз англаб етган маъноси эса қуйидагича: улуғ шоир шабадага мурожаат этиб, аини пайтда кўриб тургани Мазандарон шахрининг қизил гули (балки бир гўзал нозанини) жамолини кўздан нари қилишини сўрамоқда. Бунга сабаб қилиб Марв шоҳи қадмининг гардини кўзига сурма қилиб юргани ва уни унитишни хоҳламаганлигидир.

Байтда эй сабо ундалмаси орқали илтифот, Мозандарон ва Марв шаҳарларини эслаш орқали эса талмех санъатлари яратилмоқда.

Улки аҳбобин қилур парварда айшу ноз ила,  
Не тонг бошим олиб кетсам қўюб ёру диёримни.

Чекма заҳмат, эй табиб, эрмас чу мумкин айламак,  
Шарбати васл ўлмагунча дафъ фурқат дардини.

*Эй табиб, заҳмат чекиб (беҳуда) ҳаракат қилма, висол шарбати (муяссар) бўлмагунча айрилиқ дардини йўқ қилиб бўлмайди.*

Навбатдаги байтда шоир табибга мурожаат этиб, ишқ дарди бедаво эканлиги ва унинг ҳижронини фақат висол билан енгиш мумкин эканлигини айтмоқда.

Байтда эй табиб ундалмаси орқали илтифот, васл ва фурқат сўзлари орқали эса тазод санъатлари яратилмоқда.

Англағай дўзахда бор иссиқ-совуғ бирла азоб,  
Ҳажр аро ким кўрса ўтлуғ кўнглум оҳи сардини.

*Ким ҳижрондаги ўтлиқ кўнглимнинг “оҳ”лари совуғини кўрса, дўзахда иссиқ-совуқ қандай бўлишини билиб олади.*

Ошиқ айрилиқда ўтли кўнгилдан совуқ “оҳ”лар тортади. Бу ҳолат, яъни иссиқ ва совуқнинг бир жойда пайдо бўлишини эса у дўзах азобига қиёслаб, ким дўзахдаги икки хилликка ишлонмаса, менинг бу ҳолатимни кўрсин, демоқда.

Байтда иссиқ-совуқ сўзлари орқали тазод ҳамда тамсил санъатларига мурожаат этилмоқда.

Анжуми ашкин тўкар тонг откуча мендек сипеҳр,  
Йўқламиш ул ҳам магар бир меҳри оламгардини.

*Осмони фалак ҳам мен каби тонг отгунча юлдузлардан кўз ёш тўкмоқда, у ҳам бир оламни айланиб юрувчи қуёшини йўқлаяпти экан-да!*

Навбатдаги байтдан маълум бўлмоқдаки, ошиқнинг маъшуқаси дунёни айланиб юрувчи, яъни сайёҳ табиат. Ошиқ эса уни соғиниб, туни билан кўз ёши тўкмоқда. У ўзининг бу ҳолатини тундаги юлдузлар билан нурафшон осмонга қиёслаб, у ҳам оламни айланиб юрувчи қуёшини соғинганми дейман, туни билан юлдузлардан кўз ёш тўкиб, йиғлаб чиқди, дейди.

Байтда анжуми ашкин ва меҳри оламгард бирикмалари орқали истиора, анжум, тонг, сипеҳр ва меҳр сўзлари орқали таносиб ва тамсил санъатлари яратилмоқда.

Эй кўнгул, васл истасанг беҳуд бўлуб ғам емаким,  
Ком топмас кимса қилмай тарк хобу хўрдини.

*Эй кўнгил, висол излар бўлсанг, ўзингдан кетиб ғам еяверма, уйқу ва таомни тарк этмасдан киши мақсадига эриша олмайди.*

Навбатдаги байтда Навоий лирик чекиниш орқали дарддошлари бўлган ошиқларга насиҳат қилмоқда ва айни пайтда ғазал мавзусини ҳам давом эттираяпти. Яъни, висолга, умуман ҳар қандай мақсадга фақат оху нола билан етиб бўлмайди. Мақсадга қараб интилиш керак. Нуқтаи назарни бир томонга қаратиб, бошқа нарсаларга чалғимай интилиш керак. Бу йўлда уйқую таомни ҳам чеклаш керак.

Байтда “эй кўнгул” ундалмаси орқали илтифот санъатига мурожаат этилмоқда.

Ёр агар хижрон аро солди Навоийни йироқ,  
Бок эмастур васл ила гар қилса боз овардини.

Ёр ҳижрон аро Навоийни ўзидан узоқлаштирди, бироқ ажаб эмас, у висол билан яқинлаштирувчи бўлса.

Ҳазал умидворлик оҳанглари билан якунланади. Яъни, ҳижрон билан ўзидан узоқлаштирган маъшук яна висол билан ошиғини ўзига чақириб олса, ажаб эмас. Ахир, висол ва ҳижрон, давр ва соғломлик, ғам ва хурсандлик доимо ўрин алмашиб туради-ку!

Байтда ҳижрон ва висол сўзлари орқали тазод, йироқ ва бозовард сўзлари орқали эса шатрли тазод санъатлари яратилмоқда.

Умуман, ушбу ҳазал ҳижрон алами, маъшуқа соғинчи ва висол умиди билан йўғрилган ихчам дилномадир.

**Зухра МАМАДАЛИЕВА**

**“Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни...”**

Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни,  
Тилармен бир йўли бузмоқ бузулгон рўзгоримни.

Фалак бедодидин гарчи мени хокий ғубор ўлдум,  
Тилармен топмағайлар тутиёлиғка ғуборимни.

Шак эрмас партаве тушгач, уйи ҳам, рахти ҳам куймак,  
Чу ғўристон гадойи сирмағай шами мозоримни.

Деманг қай сори азм эткунг, манга йўқ ихтиёр, охир  
Қазо илгига бермишмен инони ихтиёримни.

Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфароний юз,  
Ҳалак зулми бадал қилди хазон бирла баҳоримни.

Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимға юз меҳнат,  
Не тонг бошим олиб кетсам, қўюб ёру диёримни.

Ёмон ҳолимға бағри оғриғой ҳар кимсаки кўргай  
Бағир парголасидин қонға булғанған узоримни.

Ҳаётим бодасидин саргаронман асру, эй соқий,  
Қадаҳқа заҳри қотил куй, дағи дафъ эт хуморимни.

Жаҳон таркини қилмай чунки тинмоқ мумкин эрмастур,  
Навоий, қил мени озод ўртаб йўғу боримни.

V --- V --- V --- V ---  
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
хазажи мусаммани солим

### Лугат

**Жунун водийси** – жиннилик, девоналик саҳроси, беҳудлик –  
ошиқлик, ошуфта-лик дунёси. Мажнун ҳолатига ишора

**Хокий** – тупроқдан ясалган

**Тўтиё** – сурма каби кўз дориси, руҳнинг кукуни

**Рахт** – асбобу анжом, тўшак, кийим-кечак

**Қазо** – илоҳий ҳукм, тақдир

**Илик** – қўл

**Инон** – ишонч, ихтиёр

**Ашк** – кўз ёши

**Заъфароний** – сарик, гуллари сарик рангли хушбўй гиёҳ дори  
Кўп истеъмол қилган кишининг ранги сарғаяди, заифлашади

**Бадал** – алмаштириш

**Паргола** – бўлак-бўлак, парча-парча

**Узор** – юз

**Бода** – олдинги шарҳларга қаранг

**Сирмамоқ** – юлиб олмоқ, чимчиламоқ

**Бедод** – зулм, жабр-у жафо

### Насрий баён

Нола-фиғонлар қилаётган харобу дардкаш жонимни девона-  
лик водийси сари боришини мойил кўраяпман. Бу аҳволда бузи-

лаётган хону моним, рўзгоримни бира тўла вайрон бўлишини истайман.

Гарчи тупроқдан қорилган бу таним фалак зулми туфайли ғуборга айланган бўлса-да, лекин бу ғуборимни ҳеч ким ҳатто кўзига суртмовчи бўлганда ҳам топишларини хоҳламайман.

Қабристонда яшовчи гадо агар мозорим устидаги шамнинг учини юлиб олганда, кулбаси ҳам, кўрпа-тўшаги, асбобу анжоми ҳам куйиб кетишига шубҳам йўқ.

Қайси томонга сафар қиласан, деб сўраманг, чунки менда ихтиёр йўқ, ихтиёрим тизгини қазо қўлидадир.

Йиғлайвериб, қонли ёшларим ҳам тугади, энди заъфар гулидай сарғайган юзим қолибдир, нима қилайки, фалакнинг зулму жафоси баҳоримни хазон – кузга алмаштирди.

Диёрим аҳли ҳам, ёр деб севганим ҳам бошимга юз кулфату азоб келтирдилар, шунинг учун агар ёру диёримдан кечиб, бошимни олиб кетсам ажабланманг.

Кимки менинг бағрим пора-пора бўлганидан қонга булганган юзимни кўрса, ёмон ҳолимга ачиниб, юраги оғрийди.

Эй соқий, ҳаёт майидан беҳад безор ва беҳуду паришонман. Қадаҳга май ўрнига заҳардан қуй. Мени бир йўла хумордан ҳам, сархушлиқдан ҳам халос эт.

Зеро, дунёни тарк этмасдан, киши тинмайди, эй Навоий, мени бир йўла йўғу боримдан қутқар.

### Шарҳ ва изоҳлар

“Ғаройиб ус-сиғар” девонидан жой олган ушбу ғазал юксак ғоялари, ҳазин, аммо қудратли бир инсоний дарднинг янграши билан ажралиб туради.

Шеърни ўқиганда фалак жафоси, қазо ихтиёридаги ҳаёти чеккан аламлар, ёрга етолмаслик алами қўшилиб улкан Дард бўлиб портлагандай туюлади. Бир томондан, муҳаббат қийноқлари, хижрон азобидан хайрон-у саргардонлик. Иккинчи томондан, диёр аҳлининг нобоблиги, ошиқ аҳволини англамасдан, жафо қилишлари, “юз меҳнат” тошини ёғдиришлари лирик қаҳрамонни (демак, Навоийнинг ўзини ҳам) руҳан эзади, у ана шу нотанти

замон ва нобоб макондан қочиб кетмоқчи! Бундай руҳий азоб, айниқса, улуг мутафаккир, бемисл шоир, буюк ниятлар йўлида тунни тун, кунни кун демай ижод қилаётган, инсонларга фақат яхшилик қилишни одат қилиб олган ҳазрат Навоийни эзарди. Айнан шунинг учун унинг асарларида шодликдан кўра ғам, фараҳли дамлар тасвиридан кўра инсон нуқсонларидан задалик, фожеъ кайфият етакчилиқ қилади.

Ҳаётда таянч – ҳақиқат излаш, ундан қониш, руҳий-маънавий инсонийлик булоғидан баҳрамандликни топмоқчи бўлади. Аммо, афсус, дунёда буни топиш имкони йўқ. Шу боис орифларга қўшилиб, барчасидан озод бўлишга даъват этади. Албатта, Навоий сўфий эмас, умр бўйи у Ҳусайн Бойқаро хизматида бўлди, давлат хизматини адо этиб, шеър ёзишни ҳам бир кун бўлсин, канда қилмади.

Аммо унинг лирик қаҳрамонининг кайфияти орифлар, мажнунсифат ошиқлар кайфиятига эш. Бу Навоийнинг идеали, эрк ҳақидаги орзуси эди. Келтирилган ғазалнинг мақтаъси шундан далолат беради.

**Нажмиддин КОМИЛОВ**

——  
**“Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни...”**  
——

Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни,  
Тилармен бир йўли бузмоқ бузилган рўзгоримни.

Фалак бедодидин гарчи мени хокий ғубор ўлдум,  
Тилармен топмағайлар тўтиёлиғқа ғуборимни.

Шак эрмас партаве тушқач уйи ҳам, рахти ҳам куймак,  
Чу ғўристон гадои сермағай шамъи мазоримни.

Деманг қай сори азм эткунг, манга йўқ ихтиёр, охир  
Қазо илгига бермишмен инони ихтиёримни.

Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфароний юз,  
Фалак зулми бадал қилди хазон бирла баҳоримни.

Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимга юз меҳнат,  
Не тонг бошим олиб кетсам қўюб ёру диёримни.

Ёмон ҳолимга бағри оғригай ҳар кимсаким, кўргай  
Бағир парголасидин конга булғанган узоримни.

Ҳаётим бодасидин саргаронмен асру, эй соқий,  
Қадахқа захри қотил қуй, дағи дафъ эт хуморимни.

Жаҳон таркин қилмай чунки тинмоқ мумкин эрмастур,  
Навойи, қил мени озод ўртаб йўқу боримни.

V — — — V — — — V — — — V — — —

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
ҳазажи мусаммани солим

Бу ғазалда шоир ўзининг севимли қаҳрамони Мажнунга из-дош. Чунки “ғавғойи жунунга мубтало” Мажнун “Хушумни жунун ели совурди”, дея эътироф қилган. Гап шундаки, ғазалдаги лирик “мен”нинг ақли ҳуши ҳали “жунун ели”дан бутунлай соврилмаган. Унда ҳозирча “жунун водийсиға” майл пайдо бўлган. Унинг “Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни”, деган сўзларни тинглаб, мойиллик сабабини ҳам дарҳол англаймиз. Демак, бу — жоннинг зориқишидан туғилган истакдир. Иккинчи сатр зорлик шиддатиға тоқат қила олмаслик даражасига етган ошиқнинг тилагини ифодалайди:

**Тилармен бир йўли бузмоқ бузилган рўзгоримни.**

Бузилганни яна бузмоқдан не самара? “Бузилгон рўзгор”ни бир йўли тузмоқ мумкин эмасми? Йўқ, жунун маърифати бунга ўргатмайди.

“Жунун — мастликда ниҳоят, дарвишликда бидоят эрур. Жунун шундай огоҳликдурки, унда киши ўзлигидан беҳабар бўлмоғи керак”, дейди Саййид Жаъфар Сажжодий. Жунун — тасаввуфда ваҳдат майидан мастликнинг ниҳояти. Навоий назарда тутган “жунун водийси”, бизнингча, дарвешликка дахлдордир. Чунки ғазалнинг биринчи байтида ўзликдан кечмоқ нияти таъкидланган, холос.

Фалак бедодидин гарчи мени хокий ғубор ўлдум,  
Тилармен топмағайлар тўтиёлиғқа ғуборимни.

Бу мисраларни шоир Эркин Воҳидов бундай шарҳлайди: “Яъни, золим одамлар мени тириклигимда ҳўрладилар, қадримга етмадилар. Вақт келарки, менинг одамларга кўргазган меҳру сadoқатим, фидойилигим аён бўлар. Кишилар менинг қадримга етарлар, мазорим хокини кўзларига тўтиё қиларлар. Лекин тирик-лигимда бедодлик қилганлар мен дунёдан ўтгач ўкинмоқлари бенаф, кўзларига тўтиё қилмоқ учун ғуборимни топмағайлар”. “Фалак бедодидин” шикоят, албатта, шундай мулоҳазаларни ил-гари суришга имкон беради. Аммо бу фикрлар байтнинг зоҳирий мазмунига тегишли бўлиши мумкин. Унинг ҳақиқий маъноси эса бошқачадир.

Фалакнинг зулму адолатсизлигидан жисми хоки ғуборга ай-ланган шоир, “Тилармен, топмағайлар тўтиёлиғқа ғуборимни”, дейди. Бу гаплар кимга қаратилган? Энг аввало, ишқ аҳлига.

Абул Ҳасан Харақоний “Нур ал-улум”да ишқ туфайли ғойиб ўлмоқни учга ажратади: аввалгиси, ўзингни англасанг, Худо ҳам сени билса ва кишиларни сийрак кўрсанг. Иккинчиси — сен бўлсангу, маъшук бўлса. Учинчиси — ҳамма бўлса-ю, сен бўлмасанг.

Навоийнинг навбатдаги тилаги шу сўнгги ғойиблик, яъни ваҳдати вуҷуд билан тамоман бирлашмоқдир. Турк олими Иброҳим Чубукчи ёзади: “Ваҳдати вуҷуд назариясининг асосчи-си Ибн Арабийдур. Унга кўра борликда Аллоҳдан ўзга ҳеч нарса йўқдир... сўнгсиз шаклларда тажалли этадиган ёки кўринадиган ягона ҳақиқат — Аллоҳ бор. Бу Ҳақиқатни майдонга келтирган ёхуд яратган бирор сабаб бўлмаганидек, унинг аксидан бошқа зуҳурланмиш нарса ҳам йўқ”. Тасаввуфда илоҳий жамол тимсо-

ли — Нур. Агар Худо ўз аксини кўрсатса — олам нур ва ёруғликка чулғанади. Навоий бу Нурнинг оламшумул қудратини улуғлаб дейди:

Шак эрмас партаве тушгач уйи ҳам, рахти ҳам куймак,  
Чу гўристон гадойи сезмагай шамъи мазоримни.

“Шамъи мазор” — жаҳондаги барча нарсани ўтга гарқ этувчи самовий порлоқликка нисбатан кичик бир ёруғлик рамзи. Бироқ, инсон руҳи “шам”га қиёсланадиган бўлса, унинг шуъласи Ҳақ нурига сингиб кетишга қодир. “Гўристон гадойи” — умумлашма образ. Шоир унда инони ихтиёрини “қазо илкига” топшириш сирларидан беҳабар ғофилларга муносабатини изҳор қилган. У дашти фанога равона бўлишни кўзлагани учун ҳам ихтиёрсиз. Кейинги уч байтда “ўлим”га ризолик сабаблари шарҳланади. “Ашки гулгун”нинг тугаши, “заъфароний юз” билангина қолиниши — булар ҳақиқий ошиққа хос камолот белгилари. Бу ҳолатга эришган кишига фалак зулм ўтказиши, аҳли диёр ғанимлик назари билан қараши табиий. Мажнун қисматини хотирланг. Уни ким тушунди? Деярли ҳеч ким. Одамлардаги гумроҳликни фалак авж олдирмаганида Мажнун дашту саҳроларга бош олиб чиқиб кетармиди? Қаттол фалак ҳамиша кўнглида “руҳий қудси” назул қилган ошиқларнинг “ҳазон бирла баҳорини” беҳато ажратиб берган. Улар гўёки хазон фарзандлари. Хазон япроғи янглиғ сарсон-саргардонлик учун дунёга келгандай. Шоир ёмон ҳоли, тилинган бағир қонига беланган юзини кўрган кишининг кўнгли оғришини эътироф этса-да, барибир ёру диёридан қочишга қатъий аҳд қилади:

Диёрим аҳли бирла ёрдин бошимга юз меҳнат,  
Не тонг, бошим олиб кетсам, кўюб ёру диёримни.

Қисмат майи аччиқ ва тахир, деган гап бор. Бу бода соқийи азал — Худо томонидан ато этилади. Шунинг учун Навоий ўша соқийга мурожаат қилиб, тақдир қадаҳига “заҳри қотил қуй”, яна хуморимни таркат дейди:

Ҳаётим бодасидин саргаронмен асру, эй соқий,  
Қадаҳқа захри қотил қуй, дағи дафъ эт хуморимни.

Навоийнинг нуқтаи назарида дунёдан кечиш — “захри қотил” ичиб кун кечиришдай гап. Бу аччиқ захарни сипқормагунча, жаҳонни тарк этиб бўлмайди. Тарки жаҳон қилмагунча, тиним ва хотиржамлик, қаноат ва дарвешликка эришиш мумкин эмас.

Жаҳон таркин қилмай, чунки тинмоқ мумкин эрмастур,  
Навоий, қил мени озод ўртаб йўқу боримни.

Охирги сатрда ийҳом санъати ишлатилган. Уни “Йўқу боримни ўртайдиган бир наво қилгилки, мен бутунлай озод бўлай”, маъносида англаса ҳам бўлади. Бу куйнинг ижрочиси Худодир. Бу илоҳий наво инсон Руҳини ҳақиқий озодлик мақомига кўтаради. Худди шу наво ишқ аҳлини жунун водийсига чорлайди:

Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни...

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

  
“Кўзи ҳажри мени бемор этти...”  


Кўзи ҳажри мени бемор этти,  
Қора оғриққа гирифтор этти.

Жузв-жузвимға тикиб мужгонинг  
Руҳум ажзосини афгор этти.

Субҳ гул сафҳаларидин булбул  
Оразинг васфини такрор этти.

Лабинг анфосидин эрдики, Масих  
Ўлуг ихёсида изҳор этти.

Заррайи меҳри жамолинг Юсуф  
Топибон олам элин зор этти.

Айлади зуҳду риёға иқро  
Кишиким, ишқдин инкор этти.

Даҳрдин топти Навоий чу малол,  
Масканин кулбайи хаммор этти.

—V— VV— —  
фоилотун фаилотун фаълун  
рамали мусаддаси маҳбуни мақтуъ

### Луғат

**Жузв** – 1) Бўлак, бошқа, ўзга; 2) майда, оз, бирор нарсанинг бир қисми, бир донаси; 3) аъзо, бадан аъзолари

**Ажзо** – 1) Жузвлар, бўлақлар, парчалар, бутуннинг бўлақлари; 2) китоб қисмлари, жузвлари, кичик рисола

**Афғор** – 1) Яраланган, жароҳатланган, мажруҳ; 2) эзилган, ўртанган, ночор; ғамли, андуҳли

**Анфос** – 1) Дамлар, нафаслар; 2) тил, овоз, сўз, сўзлаш оҳанги  
**Ихё** – тириклик

**Хаммор** – 1) Майхўр; 2) май тайёрловчи, май сотувчи

**Даҳр** – 1) Замон, давр, дунё, олам; 2) замона; 3) ер юзи; 4) ҳаёт

**Ораз** – чехра

**Васф** – таъриф-тавсифлаш, мақташ. сифатлаш

### Шарҳ ва изохлар

“Этти” радифли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан парокандадир. Унда маъшуқа хусну жамоли таърифланади, ошиқ садоқати, ишқ ва ҳижрон уқубатлари куйланади.

*Кўзи ҳажри мени бемор этти,  
Қора оғриққа гирифтор этти*

*Кўзининг ҳижрони мени бемор қилиб, қора оғриққа дучор қилди.*

Нима учун айнан қора оғриққа? Чунки маъшуканинг жон олувчи кўзлари қоп-қора эди. Нима учун дастлаб кўзлари мадҳ этилмоқда? Чунки, инсон инсонга кўзи тушганда дастлаб кўзларга қаралади. Дастлаб кўзлар кўзларга тушади. Ва ҳар қандай ҳиссиёт дастлабки нигоҳдан бошланади: муҳаббат ҳам, нафрат ҳам. Ғазабу алам ҳам, дўстлигу қадрдонлик ҳам. Шунинг учун ғазал лирик қаҳрамони бўлган ошиқ ҳам дастлаб маъшукасининг кўзларини мадҳ этмоқда. Аниқроғи кўзларининг таъсирини ифодаламақда.

Байтда кўзи ҳажри бирикмаси орқали истиора, кўзни жонлантириш орқали ташхис ва муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Жузв-жузвимга тикиб мужгонинг  
Рухум ажзосини афгор этти.

*Бўлак-бўлагимга кипрингинг тегиб, руҳим парчаларини жароҳатлади.*

Энди навбат кўзда жойлашган киприкларга. Улар ҳам ошиқни жароҳатлаган. Шунчаки жароҳатлаган эмас, нафақат танини, балки руҳу жонини ҳам парчалаб юборган. Одатда, мумтоз адабиётда маъшуқа киприги ўққа, ханжарга қиёсланиб, ошиқ кўксига, кўнглига қадалганлиги ҳақида сўз кетарди. Навоий ушбу ғазалда муболаганинг гулув даражасига мурожаат этган ҳолда, киприкларни ошиқ руҳу жонига ҳам етиб борганлигини, уни ҳам парчалаб, жароҳатлаганлиги ҳақида сўзламақда.

Байтда жузв сўзининг такроридан мукаррар, руҳум ажзоси бирикмаси орқали истиора ҳамда ташхис санъатлари яратилмоқда.

Субҳ гул сафҳаларидин булбул  
Оразинг васфини такрор этти.

*Тонг пайти гул саҳифаларида булбул гўзаллигинг таърифини такрор-такрор айтди.*

Нима учун булбул гулга, унинг саҳифадай очиладиган япроқларига қараб, маъшуқани эсламоқда? Сабаби, маъшуқанинг чехраси шу гулдай гўзал ва тароватли. Аслида булбул эмас, гулга қараб ёрини эслаган ошиқнинг ўзи. У нима учун ўз ҳолатини булбулга нисбат бермоқда? Бунинг сабаби, булбул ҳам худди ошиқ каби шайдо. Фақат у қизил гул шайдоси. Шунинг учун у қизил гул гўзаллигини маъшуқа чиройи билан омукта ҳолда кўрмоқда.

Байтда гул ва булбул сўзлари орқали таносиб, гул саҳфалари ва оразинг васфини бирикмалари орқали истиора, булбулни жонлантириш орқали ташхис ва албатта, муболаға санъатларига мурожаат этилмоқда.

Лабинг анфосидин эрдик, Масиҳ  
Ўлуг ихёсида изҳор этти.

*Лабинг нафасларининг (кучини) Исо Масиҳ ўликни тирилтириш билан изҳор қилди.*

Маъшуқа лабини лаълга, ғунчага, чўғга қиёслаш билан бирга Исо нафасига ҳам ўхшатиш мумтоз адабиётдаги анъанавий ташбеҳлардан бири. Шу ташбеҳга мурожаат этаётган Навоий уни ҳам оригинал ифодалаш йўлини топди. Яъни, ўликни тирилтираётган Исо пайғамбар – Масиҳо сенинг лабларинг нафасини изҳор этмоқда, аслида.

Байтда лабинг анфоси бирикмаси орқали истиора, Масиҳга мурожаат этиш орқали талмеҳ, ўлуг ва ихё сўзлари орқали эса таъод санъатлари яратилган. Одатдагидек, муболаға ҳам ўз ўрнида қўлланилмоқда.

Заррайи меҳри жамолинг Юсуф  
Топибон олам элин зор этти.

*Жамолинг қуёшининг заррасини топиб олган Юсуф олам элини (хусну жамолига) зор қилди.*

Навбатдаги мисрада Навоий мумтоз адабиётда гўзаллик тимсоли бўлган Юсуф пайғамбар образига мурожаат этмоқда. Маълумки, Юсуф алайҳиссалом бениҳоя гўзаллиги туфайли кимки уни кўрса, ошиқ-мубтало бўлар, шунинг учун ҳазрати Юсуф юзига

ниқоб тақиб юришга мажбур бўлган экан. Миср қаҳатчилигининг охириг қирқ кунда ошлиқ қолмагани учун Юсуф аҳолини йиғиб, ниқобини очар, шунда ҳамма очлигини ҳам унутар экан. Ғазал қаҳрамони шундай хусну жамол соҳиби бўлган Юсуф кўркини ўз маъшуқасининг гўзалигининг бир зарраси сифатида эътироф этмоқда.

Байтда Юсуфга мурожаат этиш орқали талмеҳ ва муболага санъатлари яратилмоқда.

Айлади зуҳду риёға иқро  
Кишиким, ишқдин инкор этти.

*(Ўз феълү атвори ва хулқу аъмоли билан ) ишқни инкор қилган киши риёкорларча қилинадиган тақводорликка иқро бўлади.*

Навбатдаги маъвиза байтда Навоий ишқни зуҳд, яъни тақводорликка қарши қўймоқда. Лекин қандай тақво? Албатта сохта, риёкорларча тақво. Муҳаббат билан қилинмаган ибодат риёға йўл очади. Шунинг учун ишқни инкор қилган киши сохта тақвога иқро бўлади.

Байтда ишқ ва зуҳд ҳамда иқро ва инкор сўзлари орқали бир йўла икки ўринда шартли тазод санъати яратилмоқда.

Даҳрдин топти Навоий чу малол,  
Масканин кулбайи хаммор этти.

*Навоий дунёдан малолланди ва масканини майхоначининг кулбаси қилди.*

Мақтаъда Навоий маъвиза байтдаги фикрини давом эттирмоқда ва дунёга қарши майхонани зидламоқда. Нима учун? Чунки, дунёдан озорланган киши мажозий маънодаги майхонадан, яъни орифлар суҳбатидан баҳра олади, фойда топади. Ошиқона ғазал мана шундай орифона фикр билан якунланмоқда.

Байтда даҳр сўзи ва кулбаи хаммор бирикмаси ёрдамида шартли тазод санъати ҳосил қилинмоқда.

Умуман, ушбу ғазал маъшуқа гўзаллиги, унинг ошиқ руҳиятига таъсири ҳамда орифона фикрлар уйғунлиги асосида яратилган гўзал, ўзига хос лирик таронадир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

  
**“Эй узоринг оллида шарманда меҳри ховарий...”**  


640

Эй узоринг оллида шарманда меҳри ховарий,  
Йўқса невчун ёшунур ҳар кеча андоқким парий.

Коматингдин азми саҳро қилди гулшандин тазарв,  
Тоғ сари уйлаким фарёд этиб кабки дарий.

Гулшани ҳуснунгға зийнат берди тердин қатралар  
Ким, кўрубтур бўйла гулбарг узра шабнам гавҳари.

Ҳажр сўзи заъфлиғ жисмим аро бўлмиш ниҳон,  
Бас ажабдур бир овуч хас ичра дўзах аҳгари.

Сафҳайи ҳуснунгда ҳақ сиррин кўрар кўнглум аён,  
Тонг эмас булбулға мусҳаф ўрнида гул дафтари.

Ёр базмида висол аҳли чекар жоми мурод,  
Давр чун ҳажр аҳлиға қисм этти меҳнат соғари.

Эй Навоий, ёр зулмиға не чора, ғайри сабр,  
Кимса неткай сабр қилмай золим ўлса дилбари.

– V – – V – – V – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

**Луғат**

**Узор** – 1) Юз, бет, чехра; 2) жамол, кўрк; 3) сатҳ, бет, саҳифа

**Ховарий** – шарқий, шарққа мансуб; меҳри ховарий – шарқдан чиқиб келаётган қуёш

**Тазарв** – тустовуқ

**Кабки дарий** – каклик

**Заъф** – қувватсизлик, ҳолсизлик, касаллик, хасталик

### **Шарҳ ва изоҳлар**

Анъанавий етти байтли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан парокандадир. Унда маъшуқа жамоли мадҳи, ошиқнинг ишқ ва ҳижрондан чеккан азоблари тасвирланган.

Эй узоринг олдида шарманда меҳри ховарий,  
Йўқса невчун ёшунур ҳар кеча андоқким парий.

*Эй ҳусну жамолинг олдида шарқдан чиқиб келаётган қуёш ҳам шарманда бўлган (гўзал), агар шундай бўлмаса, қуёш нега ҳар кеча паридек яшириниб олади?!*

Матлаъда маъшуқанинг чехраси, ҳусну жамоли таърифланмоқда. Унинг гўзаллиги олдида шарқдан чиқаётган қуёш ҳам ҳижолат. Йўқса, нима учун ҳар куни парилардек яшириниб олади. Қуёшнинг ботиши асосида гўзал сўз ўйини яратаётган Навоий ҳусни таълил санъатига мурожаат этмоқда. Қуёшнинг парига ўхшатирилиши асосида эса ташбеҳ санъатига мурожаат этилмоқда.

Коматингдин азми саҳро қилди гулшандин тазарв,  
Тоғ сари уйлаким фарёд этиб кабки дарий.

*Коматингни соғингани учун, тустовуқ гулшандан саҳрога йўл олди, ёки каклик фарёд солиб тоққа кетди?*

Иккинчи байтда маъшуқанинг сарв қомати таърифланмоқда. Мумтоз адабиётда маъшуқа қоматига қиёсланадиган образлар – тустовуқ ва какликка мурожаат этган Навоий уларнинг яшаш ҳудудидан фойдаланган ҳолда ҳар иккаласи ҳам сенинг гўзал қоматингга ҳавас қилиб, кўролмагач, бири гулшандан саҳрога, бири эса тоққа чиқиб кетди, демоқда.

Байтда Навоийнинг нафақат нозик диди, балки табиатни ҳам чуқур билиши намоён бўлмоқда. Яна унда тазарв ва кабки дарий-

ни жонлантириш орқали ташхис ва ҳусни таълил санъатлари яратилмоқда.

Гулшани ҳуснунгга зийнат берди тердин қатралар  
Ким, кўрубтур бўйла гулбарг узра шабнам гавҳари.

*Ҳуснинг гулшанига тердан (ҳосил бўлган) қатралар (шундай) зийнат берди. Гулбарг устидаги бундай шабнам гавҳарини ким ҳам кўрибди?!*

Навбатдаги байтда маъшуқа юзидаги тер томчиларининг унга нақадар ярашганлиги тасвирланмоқда. Бунда маъшуқа юзи гул баргига, тер томчилари шамнам доналарига қиёсланмоқда.

Байтда гулшани ҳуснунг бирикмаси орқали истиора ва тамсил санъатлари юзага келмоқда.

Ҳажр сўзи заъфлиг жисмим аро бўлмиш ниҳон,  
Бас ажабдур бир овуч хас ичра дўзах аҳгари.

*Ҳижрон олови ҳолсиз ва хаста кўнглим аро шундай яшириниб олганки, худди бир ховуч хас ичида учқуни олови яшириниб олгандек.*

Навбатдаги байтда ошиқ энди ўз аҳволига мурожаат этмоқда. Яъни, ҳижрондаги аҳволи гўё ичига олов яширинган, биргина чўт билан “пов” этиб ёниб кетадиган хасга ўхшайди. Кўринишидан сокин, бироқ ичида оловли туғён бор.

Байтда ҳусни таълил санъатига мурожаат этилмоқда.

Сафҳайи ҳуснунгда ҳақ сиррин кўрар кўнглум аён,  
Тонг эмас булбулға мусҳаф ўрнида гул дафтари.

*Ҳуснинг саҳифасида Ҳақ сирини кўнглимнинг аён кўриши булбулға саҳифа ўрнида гул дафтари очилгандек бўлади.*

Маъвиза байтда Навоий ўз ишқининг мажозий муҳаббат эмас, балки илоҳий ишқ эканлигига ишор қилиб ўтмоқда. Яъни, мен сенинг ҳуснингда Ҳақ сирини, Унинг гўзаллигини, камолотини кўргандай бўлдим. Ахир, булбулға ҳам гул япроқлари мусҳаф, яъни Куръони карим ўрнида қадрлидир.

Байтда саҳфаи ҳуснунг, гул дафтари бирикмалари ёрдамида истиора, ҳусни таълил санъатлари юзага келмоқда.

Ёр базмида висол аҳли чекар жоми мурод,  
Давр чун ҳажр аҳлига қисм этти меҳнат соғари.

*Ёр базмида висол аҳли муродига етдилар, ҳижрон аҳлини насибасини эса замон меҳнат жоми қилиб тайинлади.*

Навбатдаги байтда яна маъвиза байтга хос бўлган фалсафий фикрга мурожаат этилмоқда. Яъни, ҳамма нарса тақдирнинг қўлида кимлардир висол учун яратилган бўлади ва жойи ёр базмию, қўлида мурод жоми туради. Ҳижрон учун яратилган бечоралар эса қўлида меҳнат – азоб-уқубат, қайғу ғам қадаҳи бўлади.

Байтда висол аҳли, ҳажр аҳли, жоми мурод, меҳнат соғари бирикмалари ёрдамида истора, висол ва ҳажр сўзлари орқали тазод, даврни жонлантириш орқали ташхис, жом ва соғар сўзлари орқали таносиб санъатлари яратилган.

Эй Навоий, ёр зулмига не чора, ғайри сабр,  
Кимса неткай сабр қилмай золим ўлса дилбари.

*Эй Навоий ёр зулмига сабрдан бошқа қандай чора бор, кимники дилбари золим бўлса, сабр қилмай нима қилсин?!*

Мақтаъда Навоий ғазалда мадҳ этган юзидан шарқ қуёши ҳам хижолат бўлиб беркинадиган, қоматига тарзарв ва каклик ошиқ бўлган, юзидаги тер қатралари олдида гул устидаги шабнам лол қолган маъшуқасининг золим эканлигига ишора қилиб, шунинг учун кўрган куни ҳижрон эканлигини ва сабр қилишдан бошқа чораси йўқлигидан ишора орқали шикоят қилмоқда.

Байтда эй Навоий ундолмаси орқали илтифот, зулм ва золим сўзлари орқали иштиқоқ, сабр сўзи орқали тақдирнинг радд ул аруз илал ҳашв тури, ёр ва дилбар сўзларидан эса таносиб каби санъатлари яратилган.

Умуман олганда, ушбу ғазал ёр мадҳи, ошиқ арзи ҳоли, илоҳий муҳаббат тасвири. Тақдирнинг мутлақлиги каби фикрларнинг ихчамгина инъикосидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

—❧❧❧❧❧❧❧❧—  
“Чу ишқ илги забун айлар диловар подшоларни...”  
—❧❧❧❧❧❧❧❧—

Чу ишқ илги забун айлар диловар подшоларни,  
Тааққул айлагилким, найлагай бедил гадоларни.

Далил айтай эрурлар деб парийзоду малаксиймо,  
Десамким, одамий сонида эрмас бевафоларни.

Вафони, эй вафосиз, элга кўргузсанг карам айлаб,  
Жафокаш жонима боре мусаллам тут жафоларни.

Анингдек ҳушдин бегонаменким, тоний олмаслар  
Мени ҳам ошнолар уйлаким, мен ошноларни.

Қилурға зулм ишқ аҳлини айлар жамъ ул золим,  
Нечукким, шоҳ эҳсон қилғали йиғқай гадоларни.

Агар юз чок қилдим кўнглакимни ҳам ёмон эрмас,  
Фироқинг тийғидин жисмимда боғларға яроларни.

Эрур муҳлик жаҳон шуғли май ичким, қутқарур ҳар дам  
Ўкуш вобасталиғлардин бизингдек мубталоларни.

Қиёмат дашти бўлғай тийра дўзах сари юзлансам,  
Хито хони сипаҳ чеккан кеби бошлаб хитоларни.

Агар ушшоқингга базм ичра йўл берсанг Навоийдек,  
Бирар соғар била ҳам ёд қил биз бенаволарни.

V — — — V — — — V — — — V — — —  
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун  
хазажи мусаммани солим

## Луғат

**Диловар** – 1) Ботир, қахрамон, паҳлавон; 2) маъқул, хуш келадиган; 3) кўнгил кўтарувчи, хуш келувчи

**Забун** – 1) Ожиз, нотавон, заиф, бечора, эзилган, хорланган; 2) мағлуб, енгилган; 3) арзимас

**Тааққул** – фаҳм, идрок, фикр юритиш, ақлга келтириш

**Бедил** – 1) дилсиз, юраксиз, ҳолсиз, мажолсиз; дардли, алам-ли; мафтун, маҳлиё; 2) қайғули, ҳасратли, ошиқ; 3) ошиқ, мафтун

**Мухлик** – ўлдирувчи, ҳалок қилувчи, ҳалокатли

**Ўкуш** – кўп, анча, талай

**Вобаста** – боғлиқ, алоқадор

**Мубғало** – 1) Гирифтор, дучор бўлган; 2) ошиқ, шайдо

**Тийра** – 1) Қора, қоронғу; 2) ғам-ғуссали, қайғули; 3) хира, нурсиз

## Шарҳ ва изоҳлар

Тўққиз байтли радифсиз ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсалдир. Унда ҳижрондан шикоят, маъшуқа соғинчи ва висол умиди каби мотивлар силсилали тарзда қуйланади.

Чу ишқ илги забун айлар диловар подишоларни,  
Тааққул айлагилким, найлагай бедил гадоларни.

*Ишқ қўли паҳлавон подишоларни ҳам ожиз ва мағлуб қилган бир пайтда ақлингни ишлатки, ҳолсиз ва мажолсиз гадоларни не аҳволга солади?!*

Матлаъда умумий маълумот сифатида ишқнинг ўзига ишонган паҳлавон шоҳлару гадоларни не ҳолга солиши тасвирланмоқда. Лекин ҳали ошиқ ўз ҳоли баёнига ўтгани йўқ.

Байтда ишқ илги бирикмаси орқали истиора, диловар подишолар ва бедил гадолар бирикмалари орқали тазод, диловар ва бедил сўзлари орқали иштиқоқ санъатлари яратилмоқда.

Далил айтай эрурлар деб парийзоду малаксиймо,  
Десамким, одамий сонида эрмас бевафоларни.

*Бевафоларнинг одамгарчилиги йўқлиги учун (гўзал) бевафоларни паризод ва малаксиймо деб аташади.*

Иккинчи байтда ошиқ ўз маъшуқасидан ва умуман гўзаллардан аламзада эканлигини билиш мумкин. Яъни, парийзод, малактабиат деб улуғланган гўзалларни шоир ўз мантиғига кўра, улар вафосизлиги, одамгарчиликни билмаганлиги учун шундай ном олганлар деб таъкидламоқда.

Байтда парийзоду малаксиймо сўзлари орқали таъдид санъати юзага келмоқда.

Вафони, эй вафосиз, элга кўргузсанг карам айлаб,  
Жафокаш жонима боре мусаллам тут жафоларни.

*Эй вафосиз, вафони бошқаларга кўрсатсанг (ҳам майли), жафокаш жонимга жафоларни бағишла!*

Навбатдаги байтда ҳам юқоридаги фикр ривожлантирилмоқда. Яъни, ошиқ паризод ва малаксиймо деб улуғланган лекин бевафоликда одамийликдан йироқ маҳбубуасига бошқаларга вафо қилсанг ҳам майли, ҳеч бўлмаса, жафокаш бу кўнглимни, яъни мени жафо билан бўлса-да йўқлаб тур, дея ўтинч билдирмоқда.

Байтда вафо ва вафосиз, жафо ва жафокаш сўзлари орқали бир йўла икки ўринда иштиқоқ, вафо ва карам сўзлари орқали таносиб, эй вафосиз ундалмаси орқали илтифот, жафокаш, жонима, жафоларни сўзлари орқали “ж” товуши такроридан тавзеъ санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Анингдек ҳушдин бегонаменким, тоний олмаслар  
Мени ҳам ошнолар уйлаким, мен ошноларни.

*Ақлу ҳушддан шу қадар бегонаманки, мени ошнолар ва ошноларни мен ҳам таний олмайман!*

Навбатдаги байтда ҳижрон ва соғинч туфайли ошиқнинг батомом ақлу ҳушдан айрилганлиги назарда тутилмоқда. Яъни, менку, ишқдан воз кеч, ўзингни тутиб ол, деб насиҳат қилувчи ошноларимни танимаслигим ажабланарли ҳол эмас, лекин шу даражада беҳушлигимдан насиҳатгўй ошнолар ҳам мени танимадилар.

Бу ҳол ошиққа маъқул. Сабаби, ишқсиз элни танигандан, унинг маломатини тинглагандан улардан узоқ бўлган яхши.

Байтда муболага, мен ва ошнолар сўзлари орқали икки ўринда тақрир. Ошно ва бегона сўзлари орқали эса тазод санъатлари юзага келмоқда.

Қилурға зулм ишқ аҳлини айлар жамъ ул золим,  
Нечукким, шоҳ эҳсон қилғали йиғқай гадоларни.

*Шоҳ эҳсон қилиш учун гадоларни йиққани каби ишқ аҳли (яъни ошиқларни) зулм қилиш учун у золим (маъшуқам) жам қилади.*

Навбатдаги байтда маъшуқадан ёзғириш, шикоят қилиш оҳанглари давом этмоқда. Маъшуқа нима муносабат биландир, ошиқларни бир жойга йиғиб, уларни ерга уради, мазҳара қилади. Бундан таъсирланган шоир шоҳ эҳсон қилиш учун муҳтожларни, гадоларни йиғса, у золим ошиқларини йиғиб, зулм қилмоқда, дейди алам билан.

Байтда зулм ва золим сўзлари орқали иштиқоқ, шоҳ ва гадо сўзлари орқали тазод, жамъ ва йиғган сўзлари орқали эса таносиб санъатларига мурожаат этилмоқда.

Агар юз чок қилдим кўнглакимни ҳам ёмон эрмас,  
Фироқинг тийғидин жисмимда боғларға яроларни.

*Кўйлагимни йиртиб юз марта чок-чок қилиб ташладим, бу ҳолат ҳам ёмон эмас, айрилиғинг тиғида (жароҳатланган) яраларни боғлашга (керак бўлади).*

Навбатдаги байтда яна ҳижрондан нолиш давом этмоқда. Фақат бу байтда ошиқ маъшуқасига мурожаат этмоқда. Яъни, зулминг алаmidан кўйлагимни юз бўлак қилиб йиртдим. Кейин ўйлаб қарасам, бу ҳам ёмон эмас экан. У айрилиғинг ханжари жароҳатлаган яраларимни боғлаш учун керак бўлмоқда.

Байтда муболага, фироқинг тиғи бирикмаси орқали истиора санъатлари яратилмоқда.

Эрур муҳлик жаҳон шўғли май ичким, кутқарур ҳар дам  
Ўкуш вобасталиғлардин бизингдек мубталоларни.

*Жаҳон машғуллиги ҳалок этувчидир, шундай экан май ич, бу ҳолат биз каби мубталоларни анча алоқалардан қутқаради.*

Бу ўринда май орифона истилоҳ бўлиб, илоҳий маърифат маъносини билдириб келмоқда. Илоҳий маърифатга ошuftа кишига жаҳон машғуллиги ўлдирувчи, ҳалок этувчи бир жараён бўлиб кўринади. У қалбларни сўқир қилиб, унинг илоҳиётга томон интилишидан тўсади. Бунинг давоси эса, албатта яна илоҳий маърифатдир. Ундан баҳраманд бўлиш жаҳон машғуллигидан, унга бўлган алоқадорликдан ҳалос этади. Шунинг учун деярли ҳар бир ғазалида ҳазрат Навоий май ич – илоҳий маърифатдан баҳраманд бўл, деб ўқтиради ўз ғазалхонига.

Қиёмат дашти бўлғай тийра дўзах сари юзлансам,  
Хито хони сипаҳ чеккан кеби бошлаб хитоларни.

*Қоронғу дўзах сари юзлансам, қиёмат бўлади, бу ҳолат худди Хитой хони хитойликларни бошлаб аскар тортган каби бўлади.*

Навбатдаги байт бир мунча тушунарсиздек. Нега Навоий қиёмат, дўзах манзарасини Хитой хони ва хитой аскарларига қиёсламоқда?! Менимча, бу Хитойликларнинг

Агар ушшоқингга базм ичра йўл берсанг Навоийдек,  
Бирар соғар била ҳам ёд қил биз бенаволарни.

*Агар базмингда ошиқларга Навоийдек йўл берар бўлсанг, бирор-та қадаҳ билан бўлса ҳам, бизни эслаб қўй!*

Мактаъда, одатдагидек Навоий, яна ғазалдаги асосий мавзуга қайтиб, уни хулосаламоқда. Эй, золим ёрим агар фақат ошиқларингга жабр-зулм қилишдан чарчаб, бир мурувват қилиб, висолнинг базми қурадиган бўлсанг, бир қадаҳ билан бизларни ҳам эслагин.

Агар маъвиза байт билан ушбу байтни кетма-кет қўядиган бўлсак, маъшуқа Яратганнинг гўзаллигини ўзида акс эттирган сиймо, яъни мазҳар, унинг висоли эса илоҳий дийдорга тенг, у тутадиган май эса маърифат шароби маъносида келаётганлиги маълум бўлади. Шунинг учун ҳам у гўзалнинг ҳижрони инсонни

ўзлигидан маҳрум қиладиган даражада кучли, висоли эса, аксинча, жон бағишловчидир.

Байтда базм ва соғар сўзлари орқали таносиб, Навоий ва бенаво сўзлари воситасида эса иштиқоқ санъатлари яратилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал ҳижрон ва соғинчдан шикоят билан бошланиб, илоҳий ишқ ва маъхрифат тараннуми билан тугаган ихчам кўнгил кечинмасидир.

**Зухра МАМАДАЛИЕВА**



**“Навбаҳор ўлдию айшим гулбуни очилмади...”**



Навбаҳор ўлдию айшим гулбуни очилмади,  
Ком ила бир гунчаси балким табассум қилмади.

Васл жомидин улус маст ўлдилар, юз войким,  
Бир қадах бирла хумори фурқатим ёзилмади.

Эл кўзин ёрутти барқи васл, ҳижрон кожидин  
Қайси ўтларким, кўзумга барқдек чоқилмади.

Васл гулзори аро эл масту ҳижрон даштида,  
Қолмади эркин тиканким, бағрима санчилмади.

Лолалар кўнглумга қонлиғ доғлардур навбаҳор  
Ким, ватанга доларухсорим азимат қилмади.

Фурқатим саъб эрканин ишқ аҳли ичра билмагай,  
Ёриға улким, кўшулмоқдин бурун айрилмади.

Қайда бағрим чоки муҳлик эрканин фаҳм айлагай,  
Улки, ҳижрон тийғи захролуди бағрин тилмади.

Чун ўлармен сирри ишқим маҳфи ўлган яхшироқ,  
Билмасун эл ҳам чу ҳажри жоним олган билмади.

Бир жунун ўти аро тушмиш Навоий телбаким,  
Бўлди куймақдин халос улким, анга қотилмади.

– V – – V – – – V – – – V –  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

### Луғат

**Гулбуни** – гул, гул тупи

**Ком** – 1) Оғиз, танглай; 2) мурод, мақсад, орзу, тилак, майл;  
3) бахт; 4) етишиш, ноил бўлиш

**Кож** – шапалоқ; изтироб, азият

**Муҳлик** – ҳалок қилувчи, ўздирувчи

**Заҳролуд** – заҳар аралашган, заҳарли, заҳарланган

**Жунун** – 1) Жиннилик, ақлдан озганлик, савдойилик; 2) ошиқ-  
лик, беқарорлик

**Қотилмади** – қўшилмоқлик

### Шарҳ ва изоҳлар

Тўққиз байтли радифсиз ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан якпора бўлиб, ҳижрон азоби, маъшуқа соғинчи мавзусига бағишланган.

Навбаҳор ўлдию айшим гулбуни очилмади,  
Ком ила бир ғунчаси балким табассум қилмади.

*Баҳор келди, лекин менинг хурсандчилигим гуллари очилмади,  
ҳатто биргина ғунчаси ҳам бахтдан кулиб қўймади.*

Матлаъда ошиқ баҳор келганидан хабар бераяпти, лекин унинг мақсад гули очилмади, ҳатто бирор ғунчаси очилишга ҳа-

ракат ҳам қилмади. Байтда табиатдаги ўзгариш шоир кўнглидаги ҳолат билан контраст тарзда қўйилган.

Байтда айшим гулбунӣ, ғунчаси бирикма ва сўзлари орқали истиора санъатига мурожаат этилмоқда.

Васл жомидин улус маст ўлдилар, юз войким,  
Бир қадах бирла хумори фурқатим ёзилмади.

*Одамлар висол жомидан маст бўлишди, юз марта вой бўлсинки,  
биргина қадах билан ҳам айрилиғимнинг хумори барҳам топмади.*

Навбатдаги байтда улус ва лирик мен ўртасида контраст яратилмоқда. Яъни, баҳор келиб, кишилар севгилиси билан висол кўришмоқда ва бундан сармаст юрибдилар, менга эса бу майдан бир қадах ҳам насиб қилмади, яъни маъшуқамни бир бора ҳам кўра олмадим.

Байтда васл жоми, хумори фурқатим бирикмалари орқали истиора, васл ва фурқат сўзлари воситасида тазод, бир ва юз сўзлари орқали эса таносиб санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Эл кўзин ёрутти барқи васл, ҳижрон кожидин  
Қайси ўтларким, кўзумга барқдек чоқилмади.

*Бошқалар кўзини висол чақмоғи ёритди, лекин ҳижрон шапалоғидан (менинг) кўзимга ўтлар худди чақмоқдек чақилди!*

Барқ, яъни чақмоқ баҳорга хос бўлган ходисалардан саналади. Шунинг учун навбатдаги байтда шоир чақмоқ чақиши ҳодисасига мурожаат этмоқда. Фақат бу оддий табиат ҳодисаси эмас, балки висол чақмоғи, яъни маъшуқанинг инсон кўзига бирдан тушувчи, ёруғ, нурафшон жамолидир. Бу байтда ҳам эл (бошқалар) ва лирик мен контрасти давом этади. Яъни, бошқалар маъшуқанинг чақмоғдек нурафшон ва балки, тасодифий кўриниш беришидан кўзлари ёришди, бироқ менинг юзимга ҳижрон шапалоқ уришдан қолмади, бу шапалоқдан кўзларимдан ўт чақнаб кетгандай бўлди!

Байтда барқи васл ва ҳижрон кожи бирикмалари орқали истиора, барқ сўзининг такроридан тақрирнинг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури, ҳижронни жонлантириш орқали таъхис санъатлари яратилмоқда.

Васл гулзори аро эл масту хижрон даштида,  
Қолмади эркин тиканким, бағрима санчилмади.

*Эл висол гулзорида маст бўлган бир пайтда айрилиқ даштида  
бағримга санчилмаган бирорта тикан қолмади.*

Эл ва лирик қахрамон ҳолати орасидаги контраст ҳамон да-  
вом этмоқда. Энди эл висол боғида маст ва хурсанд. Яъни, энди  
маъшуқа билан лаҳзалик ёки тасводикий кўришиш эмас, ўйлан-  
ган, режалаштирилган висол дамлари амалга ошмоқда. Бироқ  
ғазал қахрамони бу ҳолатни кўриб, бағрига тикан санчилгандай  
бўлаяпти. Оддий тикан эмас бу, хижрон дашти тиканлари. Сабаби,  
унинг ёри ҳамон ошиғига тарахҳум қилмаяпти.

Байтда васл гулзори, хижрон дашти бирикмалари орқали ис-  
тиора ва тазод, шунингдек, тикан ва дашт сўзлари аро таносиб  
санъатлари юзага келмоқда.

Лолалар кўнғлумга қонлиғ доғлардур навбаҳор  
Ким, ватанга лоларухсорим азимат қилмади.

*Илк баҳор кунлари лолалар кўнғлимга қонли доғлардек кўрина-  
япти, чунки лола юзлигим ватанга таширф буюрмади.*

Шу байтдан бошлаб эл, улус, бошқалар ва лирик мен орасидаги  
контраст тугайди. Энди ошиқ кўнғлидаги хижрон дардини таби-  
ат ва жамият ҳодисалари мисолида арз этмоқда. Яъни, шоирнинг  
лола юзли ёри лолазорга лола сайрига келмади. Шу сабабли унинг  
кўнғлига лолалар ҳушнудлик солмаяпти, аксинча, қонли доғлар  
сингари кўринмоқда. Ёр лоларухсор бўлганидан кейин ватан ҳам  
лолазор бўлади, албатта.

Байтда лола ва лоларухсор сўзлари орқали иштиқоқ санъатла-  
рига мурожаат этилмоқда.

Фуркатим саъб эрканин ишқ аҳли ичра билмагай,  
Ёрига улким, қўшулмоқдин бурун айрилмади.

*Айрилиғим оғир эканлигини ишқ аҳли ичида билмаган одам ёри-  
га етишишдан олдин айрилмагандир.*

Навбатдаги икки байтда ошиқ ўз дардини ишқ дардига чалинган дарддошларидан бошқа ҳеч ким тушуна олмаслигини образли тарзда тасвирламоқда. Яъни, ҳижрондаги аҳволимнинг нечоғлик оғир эканлигини ишқ дардига чалинганлар ҳам билмайди. Фақат уларнинг орасида ёрига етишаётган бир пайтда ундан жудо бўлган кишигина англаши, тушуниши мумкин.

Байтда ишқ аҳли бирикмаси орқали истиора, қўшилмоқ ва айрилмоқ сўzlари орқали эса тазод санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Кайда бағрим чоки муҳлик эрканин фаҳм айлағай,  
Улки, ҳижрон тийғи захролуди бағрин тилмади.

*Ҳижроннинг захарли ханжари бағрини тилмаган одам бағрим яраси ҳалок этувчи эканлигини билмайди.*

Ҳа, дардни бошидан ўтказмаган киши унинг оғир-енгиллигини билмайди. Ошиқнинг бағир яраси ҳалок этувчи, ҳавfli эканлигини ҳам ҳижроннинг тиғи бағрини тилмаган, висол боғларида яйраб-яшнаган, масту мастағрақ бўлган бедардлар қаердан билсин?!

Байтда бағрим чоки, ҳижрон тиғи захролуди бирикмалари орқали истиора, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Чун ўлармен сирри ишқим маҳфи ўлган яхшироқ,  
Билмасун эл ҳам чу ҳажри жоним олган билмади.

*Ўладиган бўлганимдан кейин ишқимнинг сири яширин қолгани яхшироқдир, жонимни олаётган одам буни билмагандан кейин эл билиб нима қилади!*

Навбатдаги байтда ошиқнинг нақадар ҳаёли ва содда эканлиги маълум бўлмоқда. Яъни, ўладиган ҳолга келган ошиқ ҳам ёрига дил изҳори қилмаган (балки бунга имкон тополмаган). Энди жонимни олаётган маъшуқам бу дардни билмаганидан кейин бошқаларнинг билишидан нима умид, яхшиси ишқим сири яшинлигича қолақолсин, дейди у тамом умидсизликка тушиб.

Байтда ўлармен ва ўлган сўzlари орқали тажнис, ишқ ва ҳажр сўzlари орқали таносиб ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Бир жунун ўти аро тушмиш Навоий телбаким,  
Бўлди куймақдин халос улким, анга қотилмади.

*Навоий шундай бир телбалик олови ичига тушганки, унга етмаган киши куйишдан халос бўлмайди.*

Мақтаъда Навоий ўзи “тушган” ишқ ўтини асли қандай “ўт” эканлигини англатмоқда. Яъни бу шундай ўтки, унга тушмаган киши дунё ва охират азоблари – оловидан хаолс бўла олмайди. Демак, бу олов мисни тоблаб олтинга айлантирадиган илоҳий ишқ, муҳаббат оловидир. У ошиқ зоҳиран хаста, телба, мажруҳ этса ҳам, лекин ботинан уни тоблар, камолотга етказди ва икки оламнинг олов каби озорларидан халос қилади.

Байтда жунун ўти бирикмаси орқали истиора, жунун ва телба ҳамда ўт ва куймак сўзлари орқали икки ўринда таносиб санъатлари яратилмоқда.

Умуман, ғазалда ҳижрондан нолиган Навоий хулосада кўрганимиздек, бу ишққа гирифтор бўлганлигидан хурсандлигини изҳор этмоқда.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



---

**“Кўзум тортар ҳамоно ёр келгай...”**

---



Кўзум тортар ҳамоно ёр келгай,  
Солур кўнглум магар дилдор келгай.

Кучуштум сарв бирла тушта, гўё  
Буён ул қадди хуш рафтор келгай.

Чу сен бординг, кўнгул ҳам кетмиш эрди,  
Чу келдинг, ул дағи ночор келгай.

Қачонким ул парийпайкарни кўрса,  
Қўнгул ул сари мажнунвор келгай.

Мени ул кўйдин қовмангки, булбул  
Гулистон жониби бисёр келгай.

Қўнгул бу қатла борса хонақаҳдин,  
Муқими кулбайи хаммор келган.

Қўнгулни бир кўз олди, ваҳ, не билдим  
Ким, ул соғ борғаю бемор келгай.

Қўнгул жон олдуруб келди қошингдин,  
Не билдим буйла миннатдор келгай.

Навоий борса ул ён шод боргай,  
Вале келса, топиб озор келгай.

V--- V--- V--

мафоилун мафоилун фаувлун  
хазажи мусаддаси маҳзуф

### Луғат

**Рафтор** – 1) Одат, расм; 2) юривчи, юриш

**Дағи** – яна, тағин; ҳам, ҳамда

**Жониб** – 1) Томон, тараф, жиҳат; 2) ҳурмат, эҳтиром; 3) боис, сабаб

**Бисёр** – мўл, кўп, ортик, сероб, анча

### Шарҳ ва изоҳлар

Тўққиз байтли, келди радифли ихчамгина бу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан парокандадир. Унда ишқ изтироблари, қўн-гил дарди ва хоҳиш-истаклари қаламга олинган.

Матлаъ халқона ирим тасвири билан бошланади:

Кўзум тортар ҳамоно ёр келгай,  
Солур кўнглум магар дилдор келгай.

*Кўзим тортаяпти, ёрим келади, чоғи, кўнглимга солди, дилдорим келарми дейман?!*

Ошиқнинг кўзи тинмай тортишиб, “учаяпти”, у эса бундан хайрли хулоса чиқариб, хурсанд бўламан, ёрим келадиганга ўхшайди, демоқда. Бундай пайтда киши соғинган одамани эслайди ва ўзича турли тахминлар қилади. Кўнглимга бундай хабарни Худо солди, дейди иккинчи сатрда шоир ўз фикрини мустаҳкамлаб, демак, дилдорнинг келиши аниққа ўхшайди.

Байтда келгай сўзининг такрори нафақат радиф сифатида аҳамиятли, балки бу такрор, ошиқ ниятини кучайтириб, матлаъдаёқ ғазал таъсирчанлигини оширмоқда.

Кучуштум сарв бирла тушта, гўё  
Буён ул қадди хуш рафтор келгай.

*Тушимда сарв билан қушишибман, қадди-қомати чиройли кўринишли (ёрим) келадиганга ўхшайди.*

Навбатдаги байтда матлаъдаги фикр давом эттирилиб, кучайтирилмоқда. Ошиқ кўзи учгани камдай, тушида игна баргли доим ям-яшил яшнаб турадиган дарахт – сарв билан қучишган. Бундан ҳам у хайрли таъбир излаб, қадди хуш, хиромони ровон гўзалим келиши аниқ, дея хурсанд бўлмоқда.

Байтда тамсил санъати яратилмоқда.

Чу сен бординг, кўнгул ҳам кетмиш эрди,  
Чу келдинг, ул дағи ночор келгай.

*Сен кетганингда кўнгул ҳам (сен билан бирга) кетганди, келганингда кўнгул ҳам ночор қайтади-да энди.*

Навбатдаги байтда ошиқ хаёлан маъшуқага мурожаат этмоқда. Бир кўриниш бериб, кетган пайтинг кўнглим ҳам сен билан кетганди. Энди сен келадиган бўлсанг, у ҳам ночор қайтади. Чунки кўнглим сен билан бирга-да!

Байтда кўнгилни шахслантириш орқали ташхис санъати ҳосил бўлмоқда.

Қачонким ул парийпайкарни кўрса,  
Кўнгул ул сари мажнунвор келгай.

*Қачон кўнглим у парисифатни кўрса, мажнунсифат бўлиб унга томон боради.*

Мумтоз адабиётда пари ва телба сўзи кўпинча параллел қўлланилади. Бу ҳам парилар ниҳоятда гўзал қиз тасвирида бўлиб, уларни кўрган киши ақлдан озади, деган халқона қарашга бориб тақалади. Навбатдаги байтда шу қарашга мурожаат этган шоир маъшуқасини парисифат деб таърифлаб, кўнглини мажнун – телбага қиёсламоқда.

Байтда пари ва мажнун сўзлари орқали таносиб ҳамда ташхис санъатига мурожаат этилмоқда.

Мени ул кўйдин қовмангки, булбул  
Гулистон жониби бисёр келгай.

*Мени у кўчадан қовманглар, булбул гулистон томонга кўп боради(-да, ахир)?!*

Навбатдаги байтда ошиқ маъшуқасини гулга, ўзини булбулга, маъшуқасининг кўчасини эса гулистонга қиёслаб, ёрига гўзал лутф қилмоқда.

Байтда тамсил ҳамда булбул, гулистон сўзлари орқали таносиб санъатлари юзага келмоқда.

Кўнгул бу қатла борса хонақоҳдин,  
Муқими кулбайи хаммор келган.

*Кўнгил бу сафар хонақоҳдан узоқлашса, майхоначи кулбасига муқим бўлади.*

Тасаввуф таълимотининг инъикоси бўлмиш мумтоз адабиётда майхона орифлар суҳбатгоҳини, хонақоҳ эса, аксинча синдирилиши керак бўлган шаклни, сохта суратпарастликнинг ифодасидир.

Шунинг учун ошиқ кўнгли хонақоҳдан ихлоси қайтиб, майхоначи кулбасида муқим қолмоқда.

Байтда хонақоҳ ва кулбаи хаммор сўзлари воситасида шаклий тазод яратилмоқда.

Кўнгулни бир кўз олди, ваҳ, не билдим  
Ким, ул соғ борғаю бемор келгай.

*Шундай бир кўз кўнглимни олдики, натижада, у соғ бориб, бемор келди.*

Кўнглим ёрим томонга соғ бориб, бемор бўлиб қайтишининг сабабини энди тушундим, дейди ошиқ. У кўринишидан касалга ўхшаган хумор бир кўзга ошиқ бўлибди. Шунинг учун унинг касали кўнглимга ҳам юқибди. Байтда шоир маъшуканинг кўзини жодуга, хуморга қиёсланаши билан бир қаторда беморга ўхшатилишидан фойдаланмоқда. Ахир, касал одамнинг кўзи сузилиб, хорғинлиги билинади-ку.

Байтда кўнгил ва кўзни жонлантириш орқали бир йўла икки ўринда ташхис, соғ ва бемор сўзлари орқали тазод санъатларига мурожаат этилмоқда.

Кўнгул жон олдуруб келди қошингдин,  
Не билдим буйла миннатдор келгай.

*Кўнгил қошингдан жонини олдириб келди, (бу ҳолдан қандайин ҳам) миннатдор келсин?!*

Кўнгил сенинг ёнингдан фақат касалга чалиниб, яъни ошиқ бўлиб эмас, балки жонини олдириб, жонсиз ҳолда келди. Лекин шу ҳолида ҳам у сендан миннатдор. Бунинг сабабини эса ҳамон тушунмайман. Байтда ошиқ ўз кўнглини ҳатто жонсиз келса ҳам, маъшукани кўрганидан миннатдор эканлигини изоҳлаш билан бирга “қошингдан” сўзига ҳам нозик ишора қилмоқда. Байтда бу сўз икки маънода ишлатилиб, ийҳом санъати яратилмоқда. Яъни, сўзнинг биринчи маъноси ҳузурингдан. Кўнглим сенинг ҳузурингдан жонсиз келди, лекин барибир миннатдор. Иккинчи маъноси эса кўнглим сенинг қиличдек қошларинг дастидан жонсиз келди, бироқ ҳамон миннатдор. Иккинчи маънода маъшуканинг

қошлари қиличга, шу билан бирга камонга, ёйга қиёсланишига ишора қилинмоқда ва гўзал сўз ўйини яратилмоқда.

Бундан ташқари кўнгилни жонлантириш орқали ташхис санъатидан ҳам фойдаланилмоқда.

Навоий борса ул ён шод борғай,  
Вале келса, топиб озор келгай.

*Навоий у томонга борса, хурсанд бориб, озорланиб келади.*

Мақтаъда Навоий ғазалдаги умумий фикрни ҳуосалаб, якунламоқда. Яъни, Навоий қачон маъшуқаси томонга борса, уни кўраман, дея хурсанд бўлиб боради. Лекин нуқул озорланиб қайтади. Сабаби, ёрнинг қошлари камон, кўзлари жон олувчи, ўзи ҳам дилозор. Сабаби, у ҳеч кимга ошиққа ҳам, унинг ишқига ҳам эҳтиёжсиз. Бунинг сабаби эса у Яратганнинг гўзаллик сифатини ўзида акс эттирган комил инсон. Мана шунинг учун ҳам ҳамманинг ва Навоийнинг ҳам унга эҳтиёжи бор. Бу эҳтиёж, унинг камолотига интилиш ишқ тарзида намоён бўлган. Шунинг учун ҳам Навоий ва бошқа барча ошиқлар қанча озор кўрсалар ҳам унга қараб интилаверади.

Байтда шод бориб ва озор топиб сўзлари орқали шартли тазод санъати яратилмоқда.

Умуман, ушбу ғазал кўнгилнинг маъшуқага бўлган бетизгин интилиши тасвирдир.

**Зухра МАМАДАЛИЕВА**

—~~~~~—  
“Эврулай бошинггаю беҳушу ҳайронинг бўлай...”  
~~~~~—

Эврулай бошинггаю беҳушу ҳайронинг бўлай,
Бир замон садқанг бўлай, бир лаҳза қурбонинг бўлай.

Хони васлингдин агар қовса рақибинг, рағмиға
Кўнглум истардек тахайюл бирла меҳмонинг бўлай.

Нетти жон топсам висолингдин лабингнинг холидек,
Кўзу зулфунгдин неча масту паришонинг бўлай.

Хушдур-ур васлинг майидин ҳар тараф хирқамда доғ,
Неча, жоно, мубталойи доғи ҳижронинг бўлай.

Гарчи бандангман, мени озод қилма лутфдин,
Ким қуюндек садқайи сарви хиромонинг бўлай.

Танни жилванг вақти туффроғ айлай, эй чобуксувор,
То бошингға эврулурға гарди майдонинг бўлай.

Эй Навоий, гунгу лол истар эсам тонг йўқ сени,
Тобакай озурдаи фарёду афғонинг бўлай.

– V – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Лутат

Эврулмоқ – айланмоқ

Хон – дастурхон

Рағм – хор тутиш, назарга илмаслик; аксига, бировнинг май-
лига тескари иш қилмоқ

Тахайюл – хаёл қилмоқ, тасаввур этмоқ

Хирқа – дарвешлар кийими

Тонг йўқ – ажаб эмас, ҳайрон бўлмоқ

Насрий баён

Эй ёри азиз, бошингда айланай, хуснинг ишқида беҳушу ҳай-
ронинг бўлай, бир нафас садқангу бир лаҳза қурбонинг бўлайин.

Агар рақибинг (душманинг, талабгоринг) васлинг дастурхонидан мени қувса, унинг қасдма-қасдига (аксига) тасаввуру хаёлимда кўнглим истаганча меҳмонинг бўлайин.

Худди лабингнинг холидай висолингдан жон топсам на бўлур ҳам кўзингдан масту зулфингдан паришоннинг бўлайин.

Васлинг майидан дарвешлик хирқамнинг ҳар жойида доғлар пайдо бўлгани яхши, аммо эй жоним, қачонгача айрилиқ доғига мубтало бўлайин?

Агар банданг бўлсам ҳам менга лутфу марҳамат кўргузиб, озод қилма, токи қуюн каби сарвдай қадингнинг садқаси бўлайин.

Хуснинг жилва қилган вақтда, эй чопқир от минган гўзалим, танимни тупроқдай гард-гард қилай, токи сен майдонга от чоптириб кирганда, ғубордай кўтарилиб, бошингдан айланайин.

Эй Навоий, соқов ва лолу хайрон ҳолатда сени истасам, айб қилма (ажаб эмас), ахир қачонгача ҳажрингда фарёду фиғон чекиб, азоб тортайин?

Шарҳ ва изоҳлар

Ҳар бир ғазалда Ёр жамоли ва унга ошуфта ошиқнинг дил изтироблари алоҳида тарзу тароват, майин, латиф ташбеҳларда қуйлангани каби бу ғазалда ҳам лирик ҳислар ўзига хос муносиб бадий санъатлар билан ифодаланганини кўрамиз. Ошиқ – бетоқат, Ёр учун қурбон бўлишга тайёр, у ўз севгилисининг жамолидан тўймайди, унинг атрофида киргиттон бўлишга, бошидан юз марта айланиб, парвонадай ишқини изҳор этмоқчи. Шоир ана шу садоқат туйғусини бўрттириб тасвир этади.

Ошиқ рақибини кўрарга кўзи йўқ, бироқ уни қувишга қурби етмайди, чунки Ёри рақиб билан бирга. Аксинча, рақиб уни қувиб ҳайдайди. Ана шунда у хаёлан рақибдан ўч олади, яъни хаёлида рақиб истагини писанд қилмай, Ёр меҳмони бўлади. Ажойиб кашфиёт, ажиб бир тасвир! Ёки учинчи байтга эътибор қилинг. Ошиқ Ёр лабидаги холга ҳаваси келади, чунки у васл оғушида – Ёр билан бирга. Қанийди мен ҳам шу хол каби висолдан жон топсам, яйрасам, муродимга етсам, холбуки мен Ёр кўзидай маст, зулфидай паришон ҳолман, дейди ошиқ. Хол – аслида тасаввуфда ваҳдат нуқтаси, яъни зоҳирий олам мушоҳадасидан ботиний олам

мушоҳадаси орқали қўлӣётга етиш, Аллоҳ жамоли моҳиятини идрок этишга ишора. Бироқ бу ғазалда холнинг ушбу маъноси билан реал инсоний ғўзаллик белгиси сифатидаги мазмуни бирлашган. Бошқача айтганда, реаллик ва рамзийлик, илоҳий маъно дунёвий маъно бирлашгандир. Шу боис ошиқ ҳол бўлгиси келади, яъни Ёр васлига етиб, ваҳдатни исботлашга чоғланади.

Кўзнинг ошиқни маст қилиши унинг жонон жамолининг аёнлашуви – кўринишидан беҳуду беҳуш бўлишга ишорадир. Умуман, кўз инсоннинг моҳиятини акс эттиради ва кишининг кишига таъсири ҳам авваламбор кўз орқали кечади. Шу боис маъшуқа кўзи ошиқ дилини ром этувчи қудратли нурга эга. Зулф эса паришонлик ва ҳижрон рамзи. Зулф ошиқларнинг юзини беркитади (юз – моҳият, манба бўлса, зулф, соч – уни ёпувчи парда). Зулф – моддий дунё касратига ҳам ишора этади. Дунё эса паришонлик, ҳижрон, изтироб жойи. Дунёни тўла забт этиб, англаб, юзни очган дарвеш Ҳаққа етади. Кейинги байтдаги “валсинг майи”, “хирқа доғи” иборалари ҳам шу талкиннинг давомидир. Бешинчи байтда чиройли ташбеҳ бор: биринчи мисрадаги озод (эркинлик) сўзи билан иккинчи мисрадаги сарвихиромон сўзлари ўзаро маънодош.

Шу тариқа қалбни туғёнга солувчи ҳам илтижо, ҳам ёлбориш, садоқату фидоийликни ифодаловчи шеър ҳосил бўлганки, бу улуг шиор мўжизаларидан бири сифатида юз минглаб инсонлар қалбини сархуш ва мафтун этувчи куйдай жаранглаб ҳузур бағишлаб келади, уни қайта-қайта ўқигинг, завқ-у шавқингни баҳам кўргинг келади.

Нажмиддин КОМИЛОВ

“Сурганда жафо тийгин қўл асрамадинг боре...”

Сурганда жафо тийгин қўл асрамадинг боре,
Қонимни тўкар чоғда раҳм айламадинг боре.

Юз лофи вафо урдунг, минг тийги жафо сурдунг,
Хар нечаки ёлбардим, ҳеч эсламадинг боре.

Ахбобни хос эттинг жон бергали лутфунгдин,
Қатл эткали ҳам бизни бир истамадинг боре.

Қатлимни бурун ваъда қилдинг, чу ғазаб сурдунг
Баъзини бурун, сўнгра деб толғамадинг боре.

Дардингға қулоқ солғум деб, маст чиқиб келдинг,
Ҳолим неча шарҳ эттим сўз тингламадинг боре.

Эй зоҳиди динойин, дайр ичра тутуб таскин,
Зуннор ипини тортиб, хирқанг ямадинг боре.

Давронға вафо чун йўқ, шукр айлаки, кўнглунгни
Ул сари Навоийдек кўп боғламадинг боре.

--V V--- --V V---

мафъувлу мафойилун мафъувлу мафойилун
ҳазажи мусаммани ахраб

Луғат

Ахбоб – севимлилар, дўстлар, ёронлар, сирдошлар

Толғамоқ – ажратмоқ, фарқ қилмоқ

Динойин – диний одат, диний расм, йўл-йўриқ

Шарҳ ва изоҳлар

Навбатдаги етти байтли боре радифли ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсалдир. Унда ошиқнинг маъшуқага қилган ўпка-гиналари ва зору таваллолари тасвирланади.

Сурганда жафо тийгин қўл асрамадинг боре,
Қонимни тўкар чоғда раҳм айламадинг боре.

Жафо тигини сурганинда қўлингни эҳтиётламадинг (яъни ҳеч кимни аямай жафо қилдинг), қонимни тўқар пайти ҳам раҳм қилмадинг.

Матлаъдаёқ ошиқ маъшукани золим, жафокор ва ҳатто қотил дея ўпкаламоқда. Бу ҳолат мумтоз адабиётда одатий ҳол бўлиб, бу маъшуканинг мағрур, гўзал ва эҳтиёжсиз эканлиги ҳақидаги анъанавий тасаввурга бориб тақалади. Навбатдаги байтда маъшуканинг юқоридаги “хислат”лари очилиб боради.

Байтда жафо тиги бирикмаси ёрдамида истиора, муболага санъатларига мурожаат этилган.

Юз лофи вафо урдунг, минг тийғи жафо сурдунг,
Ҳар нечаки ёлбардим, ҳеч эсламадинг боре.

Вафо лофини юз марта уриб, минг бор жафо тигини сурдинг ва ҳар қанча ёлворсанг ҳам бир бор эсламадинг.

Ушбу байтда маъшуканинг бевафолиги ҳам мазаммат қилинмоқда. Яъни у вафо қиламан деб ваъда бериб, аксинча жафо қилди, ёлборса ҳам бағритошлик қилиб, эсламади.

Байтда вафо ва жафо сўзлари воситасида тазод, юз ва минг сўзлари орқали таносиб, лофи вафо, тиги жафо бирикмалари орқали истиора, мусажжаъ, яъни ички қофия санъатлари яратилмоқда.

Аҳбобни хос эттинг жон бергали лутфунгдин,
Қатл эткали ҳам бизни бир истамадинг боре.

Яқинларни лутфингдан эъзозлаб, (эвазига миннатдорчиликдан) жон беришга ҳам тайёр қилдинг, биз (бечорларни) эса (ҳатто) қатл этишни ҳам истамадинг.

Ошиққа алам қиладиган жойи шундаки, маъшуқа ўзига яқин бўлган бошқа кишиларни шу қадар эъзозлаб, лутфу марҳамат кўрсатадики, улар миннатдорчиликдан жон беришга ҳам рози бўладилар. Лекин бечора вафодор, тавозели ошиққа қайрилиб ҳам қарамайди. Зора, қайрилиб бир боқсаю, қошу кўзи билан жонимни олса, деб орзу қиладиган ошиқ “Қатл эткали ҳам бизни бир истамадинг боре” деб қолаверади.

Байтда аҳбоб ва биз сўзлари орқали шартли тазод, муболаға санъатлари яратилмоқда.

Қатлимни бурун ваъда қилдинг, чу ғазаб сурдунг
Баъзини бурун, сўнгра деб толғамадинг боре.

Бугун қатлимни ваъда қилиб, ғазабландинг, кейин эса бугун кейин деб (берган ваъдаларингни) ажрата олмадинг.

Байтда тасвирланишича, маъшуқа бир пайтлар вафодор ва жафокаш ошиғининг “ҳижронингда бундай азоблаганигдан кўра, бир бор келиб ўлдириб қўя қол” деган ўтинчига “ҳа бир куни бориб, ўлдирсам, ўлдирарман” дея ҳазил аралаш ваъда берган. Лекин шу ваъдаси ҳам эсидан чиқиб. Бугун, эрта деб вафо қилмаган. Ошиқ мана шу ҳолатга ишора қилиб, “ўлдиришни ҳам пайсалга солдинг” дея ўпкаламақда.

Байтда бурун сўзининг такроридан тақрир, бурун, сўнгра сўзларидан таносиб ва муболағанинг ғулув даражаси юзига келмоқда.

Дардингга кулоқ солғум деб, маст чиқиб келдинг,
Ҳолим неча шарҳ эттим сўз тингламадинг боре.

Дардингни эшитаман деб (майхонадан) маст (ҳолда) чиқиб келдинг, ҳолимни неча марта шарҳласам ҳам, (бир бор) тингламадинг.

Ниҳоят ошиқнинг илтижоларидан кўнгли эриган маъшук “дардингни бир эшитсам-эштай”, дея майхонадан чиқади. Бироқ маст киши бировнинг тугул, ўзини ҳам ҳолидан хабардор бўла олмайди. Бечора ошиқ яна ночор қолаверади.

Эй зоҳиди динойин, дайр ичра тутуб таскин,
Зуннор ипини тортиб, хирқанг ямадинг боре.

Эй динни йўл-йўриғи бўлган зоҳид, майхонада таскин топдинг ва зуннор ипини тортиб, хирқангни ямадинг (асли).

Маъвиза байтда Навоий мавзудан чекиниб, динга қаттиқ берилган зоҳидга мурожаат этмоқда. Яъни унинг шунча тақвоси, Художўйлиги, самимияти асли дайр – майхонада таскин топга-

ни, яъни, орифлар суҳбатгоҳида орифлардан файз олгани, зуннор ипидан олиб, хирқа ямаши, яъни орифларнинг илоҳий ишқ йўлида белни маҳкам боғлаши – сидқу садоқатидан баҳра олганини таъни қилиб. Таъкидламоқда. Демак, ошиғига бир бор назар солмаган, уни ҳатто қатл этишни ҳам истамай, пайсалга солган,

Дардини эшитиш учун майхонадан маст чиқиб. Ўзидан ҳам хабари бўлмаган маъшуқ. Аслида илоҳий ишқдан сармаст, Яратганнинг гўзалигини ўзида акс эттирган гўзал ва комил инсон экан. Унинг майхонадан маст чиқиши, умуман ҳушқайфлиги илоҳиётга ошуфталигини ифодалаб, ошиқни шайдо қилган унинг мана шу ҳолати, яъни камолоти экан.

Байтда илтифот, дайр, зуннор ва зоҳид, хирқа сўзлари орқали икки ўринда таносиб санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Давронға вафо чун йўқ, шукр айлаки, кўнглунгни
Ул сари Навоийдек кўп боғламадинг боре.

Замонага вафо йўқ, шукур қилки кўнглингни Навоий каби унга кўп ҳам боғламадинг.

Мақтаъда Навоий бутунлай бошқа мавзу, бошқа фикр билан ғазални якунламоқда. Яъни, замон бевафо, унга кўнгил берма, ундан кўра комил инсонлар камолоти ва гўзаллар латофатига кўнгил бер. Замон жилвалари бевафо, лекин камолотга интилиш инсонни ўша комилликка олиб боради.

Маъшуқага ўпка-гина қилишга бағишланган ошиқона ғазал мана шундай орифона-ижтимоий фикр билан якунланмоқдаки, бу ҳам Навоийнинг донишманд даҳосининг бир қиррасини намоён этади.

Зухра МАМАДАЛИЕВА


“Эй фалак, бир ой ғамидин асру зор эттинг мени...”


Эй фалак, бир ой ғамидин асру зор эттинг мени,
Пўядин тун-кун ўзунгдек беқарор эттинг мени.

Токи қилдим бир парийваш дарди ишқин ихтиёр,
Телбалик афғонида беихтиёр эттинг мени.

Гўйиё ҳар кавкабингнинг ламъасин бир ниш этиб,
Дарди ҳижрон шоми сартосар фиғор эттинг мени.

Ғар улус ани кўрардин манъ этар ҳам хушдурур,
Ғарчи меҳнат хайли йўлинда ғубор эттинг мени.

Ёр зулфидин мени айлаб паришонрўзгор,
Тори зулфиндек паришонрўзгор эттинг мени.

Найлай аниким, ёшим дур бўлди бори ҳолима
Йиғламоққа уйлаким абри баҳор эттинг мени.

Эй Навоий, ишқ торожиға то бўлдунг асир,
Дарбадарлардек жаҳонда хору зор эттинг мени.

– V – – V – – – V – – – V –
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
рамали мусаммани маҳзуф

Луғат

Пўя – 1) Югуриш, елиш, чопиш; 2) мусобақа, чопиш
Ламъа – шуъла, нур
Сартосар – бошдан оёққача, бошдан охиригача

Фигор – 1) Жароҳатли, мажруҳ, дард тортган, алам кўрган; 2) жароҳат

Хайл – 1) Гуруҳ, гўда, тоифа; 2) эл, жамоа; 3) оила, бола-чақа, аҳли аёл

Абр – булут

Шарҳ ва изоҳлар

Эттинг мени радифли навбатдаги ғазал мазмунан мусалсал ва шаклан мусалсал бўлиб, фалак (тақдир, қисмат)га мурожаат шаклида ёзилган.

Эй фалак, бир ой ғамидин асру зор эттинг мени,
Пўядин тун-кун ўзунгдек беқарор эттинг мени.

*Эй фалак бир ой(дек гўзал) ғамидан жуда ҳам зор қилдинг мени,
югуришидан тун-кун ўзинг каби мени ҳам сабрсиз – беқарор қилдинг.*

Ошиқ маъшуқасига ега олмаганлигини тақдирдан кўрмоқда (зеро Навоий асарларида тақдир ҳукми мутлақ, ўзгармасдир) ва маъшуқаси ҳажрида бир жойда тура олмай, беқарор бўлганлиги учун ҳам қисматни айбламоқда. Байтда бир ой бирикмаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Яъни, шоир айна пайтда тақдир тимсолида реал фалакка мурожаат этганини кўришимиз мукин. Шоир “бир ой” дея осмон жисмини кўзда тутгандай туюлса ҳам, аслида ойдек маҳбуба, ойдек маъшуқани кўзда тутмоқда.

Байтда эй фалак ундалмаси орқали илтифот, фалак ва ой сўзлари орқали таносиб, тарсий ва фалакни жонлантириш орқали ташхис санъатларига мурожаат этилган.

Токи қилдим бир парийваш дарди ишқин ихтиёр,
Телбалик афғонида беихтиёр эттинг мени.

Бир парисифат ишқи дарини ихтиёр қилганимдан бери телбаларча фиғон тортишда ихтиёрсиз қилдинг.

Иккинчи байтда матлаъдаги фикр кучайтирилмоқда. Энди “бир ой”ни “бир парисифат, париваш” деб атаётган муаллиф уни

кўриб, пари теккан девона ҳолига тушганини ва ўз хоҳишидан ташқари ҳолда фиғон тортаётганини сўзламоқда.

Байтда париваш ва телба сўзлари орқали таносиб, телбалик афғони бирикмаси орқали эса истиора ва ташхис санъатлари яратилмоқда.

Гўйиё ҳар кавкабингнинг ламъасин бир ниш этиб,
Дарди ҳижрон шомӣ сартосар фиғор эттинг мени.

Ҳар бир юлдузинг нурини бир ништар қилиб, ҳижрон шомӣ тонг отгунча мажруҳ ва алам тортган қилдинг мени.

Навбатдаги байтда ҳам тақдир тимсолида реал фалак, яъни осмонга мурожаат давом эттирилади. Яъни, шом бўлиб, юлдузлар бирин-кетин чиқаётганда айрилиқ ва соғинчдан ошиқнинг бағри тилина бошлайди. Бу ҳолат токи юлдузлар сўниб, тамом бўлгунича, яъни тонг пайтигача давом этади. Нега? Чунки, тиб илмидан ҳам маълум, баъзи руҳий ва сурункали касалликлар шомда қўзийди, диний томондан ҳам шом жинлар изғиган вақт ҳисобланади. Шунинг учун ошиқ руҳиятида шом пайти толотўп-бўрон бошланмоқда ва бошқалар кўнглини яйратган юлдузлар унинг кўксига ниш бўлиб қадалмоқда.

Байтда дарди ҳижрон шомӣ бирикмаси орқали истиора ва тахшис санъатлари яратилмоқда.

Гар улус ани кўрардин манъ этар ҳам хушдурур,
Гарчи меҳнат хайли йўлинда ғубор эттинг мени.

Агар қийинчилик, азоб-уқубат йўлида ғубор қилсанг ҳам, одамларга уни кўришни мағн этдинг. Бу ҳам яхши, аслида.

Навбатдаги байтда ҳам олдинги байтлардаги фикр кучайтирилмоқда.

Байтда гар ва гарчи сўзлари орқали тақрирнинг радд ул-садр илал аруз, меҳнат хайли бирикмаси ёрдамида истиора, муболаға ва одатдагидек ташхис санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Ёр зулфидин мени айлаб паришонрўзгор,
Тори зулфиндек паришонрўзгор эттинг мени.

Ёрнинг сочлари (соғинчидан) мени хонавайрон қилиб, сочларининг толаси каби хардамхаёл қилдинг мени ҳам.

Ошиқ маъшуқанинг узун сочларини эслаб тунлари кўзига уйқу келмайди. Унинг сочилган сочларидек хардамхаёл, паришон хотир бўлиб қолади. Нафақат сочларидек, ҳатто сочларининг толаси каби ҳолатга тушади.

Байтда зулфи сўзининг такроридан радд ул-ҳашв илал ҳашв, паришонрўзгор сўзининг такроридан радд ул-аруз илал ҳашв тури, муболағанинг кичиклаштирувчи, яъни булуғ даражасига мурожаат этилмоқда. Ва албатта фалакка мурожаат орқали ташхис санъати ҳам яратилмоқда.

Найлай аниким, ёшим дур бўлди бори ҳолима
Йиғламоққа уйлаким абри баҳор эттинг мени.

Кўз ёшларим худди дурдек бўлди шу ҳолимда, гўёки йиғлашда баҳор булутига ўхшатдинг.

Навбатдаги байтда ҳижронда тақдирнинг ошиққа кўрсатган яна бир зулми тасвирланмоқда. Яъни, ўз ҳолига ачинган ошиқнинг кўз ёшлари дурдек тўкилди. Бу аҳволда ўзи баҳор булутига ўхшаб қолди.

Байтда дур сўзи ва абри баҳор бирикмаси орқали истиора ҳамда ташхис ва муболаға санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Эй Навоий, ишқ торожиға то бўлдунг асир,
Дарбадарлардек жаҳонда хору зор эттинг мени.

Эй Навоий, ишқ талончиларига асир бўлганингдан бери жаҳонда дарбадарлардек хору зор қилдинг (мени ҳам).

Мақтаъда Навоий энди тақдирга эмас, таҳаллусини қўллаган ҳолда ўз-ўзига, аникроғи ўз кўнглига мурожаат этмоқда. Яъни ошиқ бўлганингдан кейин, мени дарбадар қилдинг, хор этдинг, зор айладинг.

Байтда эй Навоий ундалмаси орқали илтифот, ишқ торожи бирикмаси орқали истиора, дарбадарлардек сўзи орқали ташбеҳ санъатлари яратилмоқда.

Байтдаги, умуман ғазалдаги тақдирга ва ўз-ўзига мурожаат тарзида айтилган шикоят, нолиш оҳанглари аслида хушнудлик, хурсандчилик тароналаридир. Сабаби, ошиқлик ва унинг ортидан келадиган заҳматлар, аслида инсонни қувонтиради. Чунки, кўнгли пок инсонгина ошиқ бўлади ва ишқ ўз соҳибини олов каби тоблаб, мисни олтинга айлантириш хусусиятига эга.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Мангаки кўрмаки ул шўхнинг муҳол ўлғай...”

Мангаки кўрмаки ул шўхнинг муҳол ўлғай,
Бўла олурки, бу кўрмак дағи хаёл ўлғай.

Қуёш юзидин эмастур мисол хусн ичра,
Магарки, оғзи анинг заррадин мисол ўлғай.

Қадим ниҳоли, дединг, ҳадди эътидолдадур,
Хироми ўлтурур элни, не эътидол ўлғай.

Фалакнинг ойи юзунгга мушобих ўлғай агар,
Оғиз Суҳову Зухалдин юзинда хол ўлғай.

Ўлукка руҳ висолингда муҳтамалдур, лек
Ҳаёт кимсага сенсиз не эҳтимол ўлғай.

Малолатимни фироқ ичра англағай улким,
Менингдек анга бирав ҳажридин малол ўлғай.

Чу мозий ўттию мустақбал ўртада эрмас,
Сенгаки ҳол эмас муғтанам не ҳол ўлғай.

Бу дамни ориф эсанг яхши тутки, жоҳил иши
Етишмагангаву ўтганга қийлу қол ўлғай.

Навоий айласа ишқингда куфру дин тарки,
Қачон бу воқиа шавқ аҳлидин муҳол ўлғай.

V-V- VV-- V-V- --

мафоилун фаилотун мафоилун фаълун
мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ

Лугат

Муҳол – мумкин бўлмайдиган иш; душвор, маҳол

Эътидол – 1) Ўрта даража, ўртачалик, муътадиллик; 2) келиш-ганлик, ярашиқлик; 3) тик, тўғри

Мушобиҳ – ўхшаш, монанд

Суҳо – 1) Хулкар тўпламидаги юлдузларнинг энг кичиги;
2) жуда кичик, арзимас

Муҳтамал – эҳтимол бўлган, мумкин бўлган нарса

Мозий – ўтмиш, қадимги

Мустақбал – келаси замон, келажак вақт

Муғтанам – ғанимат саналган, ўлжа ҳисобланган, ўлжа олинган

Қийлу қол – гап-сўз

Шарҳ ва изоҳлар

Ўлғай радифли тўққиз байтли бу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсалдир. Унда маъшуқа мадҳи – унинг гўзаллиги ва мағрурлигига бағишланади.

Мангаки кўрмаки ул шўхнинг муҳол ўлғай,
Бўла олурки, бу кўрмак дағи хаёл ўлғай.

*Менга у шўх (гўзалимнинг) дийдори шу қадар маҳол бўлдики,
хатто бу дийдорни хаёл деса ҳам бўлади.*

Матлаъда гўзалнинг ўз гўзаллигини намоён этмаслиги, ошиққа юз кўрсатмаслиги тасвирланмоқда. Шундай бўлгандан кейин бўса олмоқни, албатта, хаёл деса бўлади.

Байтда кўрмак сўзининг такроридан радд ул-ҳашв илал ҳашв ва муболага санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Куёш юзидин эмастур мисол ҳусн ичра,
Магарки, оғзи анинг заррадин мисол ўлғай.

Куёш ҳусн ичда унинг юзига мисол бўла олмаса ҳамки, оғзи заррага мисол бўла олади.

Маъшуқанинг гўзаллиги олдида куёш ёғдуси ҳам хира. Шунинг учун куёш ҳусн ичра унинг юзига мисол бўла олмайди, дейди шоир. Лекин унинг оғзи заррага мисол бўла олади, яъни зарра каби кичик, кўринмас.

Байтда маъшуқа юзи мисолида муболаганинг кучайритувчи даражаси – ғулув ва оғизи мисолида унинг кичрайтирувчи даражаси – булуғга мурожаат этилмоқда. Бундан ташқари юзи, оғзи сўзлари орқали таносиб, мисол сўзининг такроридан эса тақрирининг радд ул-ҳашв илал ҳашв тури яратилмоқда.

Қадим ниҳоли, дединг, ҳадди эътидолдадур,
Хироми ўлтурур элни, не эътидол ўлғай.

Қаддим ўртача дегандинг, қадам ташлаши (бутун бир) элни ўлдираман деяптию, элни бу қандай ўртачалик бўлди?!

Навбат маъшуқа қадди гўзаллигининг таърифига келди. Яъни, маҳбуба “бўйим ўртача” деб камтарлик қилади. Бу сўзни – ҳуснда ўртачалик дея қабул қилган ошиқ, қадам ташлашининг ўзи одамларни ўлдираман, деяптию бу қандай ўртачалик бўлди, деб ажабланмоқда.

Байтда қадди ниҳоли, ҳадди эътидол бирикмалари ёрдамида истиора, эътидол сўзининг такроридан тақрирининг радд ул-аруз илал ҳашв ва муболаганинг ифрок даражасиси юзага келмоқда.

Фалакнинг ойи юзунгга мушобих ўлғай агар,
Оғиз Суҳову Зухалдин юзинда хол ўлғай.

Фалакнинг ойи юзингга ўхшаш бўлади, оғизни кичик Суҳо юлдузю, Зуҳал юзингга хол бўлишга арзийди, холос.

Навбатдаги байтда маъшуқа мадҳи осмону фалакка кўтариб мақталади: унинг гўзаллиги само жисмларига қиёсланади. Яъни, юзи тўлин ойга, оғзи мумтоз адабиёт анъаналари бўйича кичрайтирилиб, Хулкар туркумидаги энг кичик, кўринар-кўринмай хира милтиллайдиган Суҳо юлдузига, холи эса само ҳиндуси деб номланиб, қора сайёра дея талқин этиладиган Зуҳалга ўхшатилади.

Байтда ой, Суҳо ва Зуҳал сўзлари орқали таносиб ва айни пайтда, талмех, ой юзга, Суҳо оғизга, Зуҳал холга қиёсланиши орқали лафф санъатларига мурожаат этилмоқда.

Ўлукка руҳ висолингда муҳтамалдур, лек
Ҳаёт кимсага сенсиз не эҳтимол ўлғай.

Висолингдан ўликка руҳ (кириши) эҳтимолга яқин, бироқ сенсиз ҳаёт(нинг кераклиги) эҳтимолдан узоқ.

Навбатдаги байтда маъшуқа висоли улуғланиб, ўликни тирилтирувчи қудратга ўхшатишмоқда. Мумтоз адабиётда, маъшуқа висоли, унинг лаби, нафаси воситасида Исо нафасига, оби ҳаётга ўхшатилиши анъанавий ҳодиса. Шу анъанавийликка мурожаат этган Навоий энди унинг зиддига ҳам эътибор қаратмоқда. Висолинг ўликни тирилтиради, лекин ҳижронинг ўлдирувчи куч. Бунинг сабаби, сенинг висолингсиз ҳаёт ҳеч кимга ҳаётдай кўринмайди.

Байтда муҳтамал ва эҳтимол сўзлари орқали иштиқоқ, ўлук ва ҳаёт сўзлари орқали тазод, муболағанинг ғулув даражаси ҳосил бўлмоқда.

Малолатимни фироқ ичра англағай улким,
Менингдек анга бирав ҳажридин малол ўлғай.

Малолатимни фироқ ичида кимки англаган бўлса, у ҳам бировнинг ҳижронида (ўз-ўзидан) малолланиб юрган (бўлиб чиқади).

“Табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб” ёки “соғ одамнинг олдида бошим оғриди, дема” каби иборалар бекорга шаклланмаган. Дарҳақиқат, ошиқликнинг оғирлигини, малолини, биров-

га кўнгиш бериб, унга интилиш, кўнглига қараш оғирлигини мен каби ошиқ бўлган билади, дейди Навоий навбатдаги байтда.

Байтда малолат ва малол сўзлари орқали иштиқоқ, фироқ ва ҳажр сўзлари орқали эса таносиб санъатлари яратилмоқда.

Чу мозий ўттию мустақбал ўртада эрмас,
Сенгаки ҳол эмас муғтанам не ҳол ўлғай.

Ўтмиш ўтди, келажак эса ҳали келгани йўқ, сенда қандай ҳол бўлса ҳам, у ғаниматдир.

Навбатдаги маъвиза байтда Навоий орифона мушоҳидага навбат бермоқда. Яъни, сўфий вақт ўғлидир, деган ҳикматга мурожаат этган ҳолда ориф ғазалхонига ўтмишу келажак билан ишинг бўлмасин. Шу дамнию, ундаги ҳолни ғанимат бил, дея насиҳат қилмоқда.

Байтда мозий ва мустақбал сўзлари орқали тазод, ҳол сўзининг такроридан тақрир санъатлари юзага келмоқда.

Бу дамни ориф эсанг яхши тутки, жоҳил иши
Етишмагангаву ўтганга қийлу қол ўлғай.

Маърифатли бўлсанг, шу лаҳзани яхши (ҳисоблаб) ғанимат тутки, жоҳил киши етишмаганигаю, ўтганга гап-сўз қилади.

Навбатдаги байтда ҳам юкоридаги фикр давом эттирилади. Яъни, ориф – маърифатли инсон бўлсанг, бу дамни, шу лаҳзани ғанимат тут. Ўтган вақтигаю, етмаган нарсасига гап-сўз кўлайтирган киши жоҳил одамдир.

Байтда ориф ва жоҳил сўзлари орқали тазод, етишмагану ўтган сўзлари орқали шартли тазод, қийлу қол сўзлари воситасида эса таносиб санъатларига мурожаат этилмоқда.

Навоий айласа ишқингда куфру дин тарки,
Қачон бу воқиа шавқ аҳлидин муҳол ўлғай.

Навоий ишқингда куфр ва динни тарк этадиган бўлса, бу воқеа қачон шавқ аҳлига маҳол бўлади (яъни шавқ эгаларига) бу одатий ҳол-ку!?

Мақтада Навоий ғазалдаги асосий мавзуни ва шу билан бир-галикда маъвиза байтлардаги фикрни якунламоқда. Яъни, ўтгану келадиганга эътибор қилмай шу лаҳзада топганим, қомати кишини ўлдиришга қодир, юзи ойга, лаблари Сухую, холи Зухадга ўхшаган самовий гўзаллик соҳибининг ишқи деб дину куфр, яъни барча яхшию ёмондан воз кечаман ва бу ишқнинг кучайтирилган ҳолати бўлган шавқ аҳлига маҳол, яъни оғир иш эмас. Аниқроғи, енгил ва одатий ҳолдир.

Байтда, куфр ва дин сўзлари воситасида тазод, ишқ ва шавқ сўзлари орқали таносиб, муболағанинг ифрок даражасига мурожат этмоқда.

Умуман, ушбу ғазал маъшуқа гўзаллиги орқали инсон камолоти ва бу инсон камолоти мисолида илоҳий маърифат таърифи тасвиридар.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“Вафо кўз тутқан андин хушдин бегонае бўлғай...”

Вафо кўз тутқан андин хушдин бегонае бўлғай,
Паридин одабийлиғ истабон девонае бўлғай.

Анингдек базм аро руҳум қуши кирмакка йўл топти
Магар ул ҳусн шамъи гирдига парвонае бўлғай.

Фароғат қасридин кўнглум агар уркуб бузуғ истар,
Ажаб йўқ чўғдининг манзилғаҳи вайронае бўлғай.

Ёнимни сўкти чун тийғинг сўнгалар шаклидин кўрдум
Бузуғ кўнглум уйининг фаршиға дандонае бўлғай.

Дема, мендин узуб кўнгул яна бир ёр тутмишсен,
Гумон қилмаки, олам ичра сендек ёнае бўлғай.

Дединг, бўлсам санга меҳмон не ерни базмгаҳ қилгунг
Гадойи хастага манзил бузуғ кошонае бўлғай.

Фано дайрин тилармен бўлмағай ҳеч кимса ўзлук ҳам
Улуғ бирла кичикдин бир купу паймонае бўлғай.

Жаҳон маккораси шўхедурур бас дилфириб охир,
Не эрким, бошидин кечгай анинг мардонае бўлғай.

Навоий ғамга ҳўй айлабдурурким, офаринишда
Фалакнинг жавфидек мушкил агар ғамхонае бўлғай.

V --- V --- V --- V ---

мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
хазажи мусаммани солим

Луғат

Уркуб – хуркиб, чўчиб, кўркиб

Чуғд, чуғз – бойқуш, бойғўли

Фарш – тўшак, гилам, палос, ерга тўшалган нарса

Дандона – 1) Тиш, олдинги икки тиш, курак тиш; 2) қалъа, қаср деворларининг юқори қисмидаги дандона, кунгура

Куп – хум, май сақланадиган идиш

Паймона – 1) Пиёла, май идиши; 2) умр қадаҳи

Дилфириб – 1) Кўнгилни алдовчи; мафтун қилувчи, йўлдан оздирувчи; 2) дилрабо, дилбар

Офариниш – 1) Яратиш, вужудга келиш; 2) борлиқ, коинот

Жавф – ич; курсок; бир нарсанинг ичи; бўшлиқ; кавак; қалб

Шарҳ ва изоҳлар

Тўққиз байтли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан парокандадир. Унда маъшуқа мадҳи, ошиқ изтироблари ва охирги уч байтда орифона фикрлар дамул-жам бўлган.

Вафо кўз тутқан андин хушдин бегонае бўлғай,
Паридин одамийлиғ истабон девонае бўлғай.

*Ундан вафо кутган киши хушдан бегона, яъни ақлсиз бўлади,
(аникроғи) паридан одамийлик кутган киши девона бўлиши тайин.*

Матлаъда маъшуқа жафоси ва айни пайтда гўзаллиги ихчам кўринишда мадҳ этилмоқда. Яъни, маъшуқа вафосиз. Шу даражада вафосизки, ундан вафо кутиш учун одам ақлдан бегона, яъни телба бўлиши керак. бунинг сабаби, Навоийнинг маъшуқанинг ҳаддан ортиқ гўзалигига асосланиб, поэтик далиллашича, маҳбуба одам наслидан эмас. Яъни у пари. Паридан эса одамийлик кутиб бўлмайди. Шунинг ўзи ҳам девоналикдир. Яна бир сабаб, паридан нафақат одамийлик излаган, балки уни бир кўрган киши ҳам девона бўлади, деган гап бор халқ орасида. Навоий матлаъда мана шу фикрга ҳам ишора қилмоқда.

Байтда пари ва одамий сўзлари асосида таносиб, пари ва девона сўзлари орқали эса шартли тазод, бандан ташқари муболага ва балоға санъатлари яратилмоқда.

Анингдек базм аро руҳум қуши кирмакка йўл топти
Магар ул ҳусн шамъи гирдига парвонае бўлғай.

*Руҳим қуши (у иштирок этган) базмга кириш учун йўл топди,
энди у ҳусн шамининг атрофида парвона бўлади.*

Навбатдаги байтда тасвирланишича, ошиқнинг руҳи маъшукани соғинганидан танни тарк этиб, қуш бўлиб учди, маҳбуба иштирок этадиган базмга йўл топди – кирди. Ўша ерда энди у ниятига эришади – ҳусн шамъми бўлган маҳбубаси атрофида айланиб, парвона бўлади. Ҳазал кўтаринки драматик пафос билан давом этмоқда.

Байтда руҳим қуши ва ҳусн шамъи барикмалари ёрдамида истиора, шамъ ва парвона сўзлари орқали таносиб, ташхис ва муболаганинг кучли даражаси – ғулувга мурожаат этилмоқда.

Фароғат қасридин кўнглум агар уркуб бузуғ истар,
Ажаб йўқ чўғднинг манзилгаҳи вайронае бўлғай.

Кўнглим роҳат-фароғат қасридан чўчиб, бузуқ (макон) изласа, ажабланарли эмас, ахир бойқушнинг манзилгоҳи вайрона бўлади-да.

Ошиқ кўнгил синиқ, вайрон, шикаста. Сабаби, маъшуқа унга эътибор бермайди, назар қилмайди, кўнглига қарамайди. Шунинг учун ошиқ шоир ўз кўнглини вайрона излаб юрадиган бойқушга қиёсламоқда. Бундан бесарамжон кўнгилга роҳат-фароғат ёкмайди. Шунинг учун у бундай осойишта қасрлардан ҳаловат тополмай, ўзини вайрона сари уради. Вайрона кўнгил вайронага интилади. Ушбу байтда ошиқ психологияси бир байт асосида гўзал тарзда очиб берилган.

Байтда фароғат қасри бирикмаси орқали истиора, чўғд, бузуғ ва вайрона сўzlари орқали таносиб ва тамсил санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Ёнимни сўкти чун тийгинг, сўнгақлар шаклидин кўрдум
Бузуғ кўнглум уйининг фаршига дандонае бўлғай.

Биқинимни тиғинг кесди, бузилган кўнглимнинг уйига устун бўладиган нарсани мен суяқлар шаклида кўрдим.

Маъшуқанинг тиғи, яъни ўткир нигоҳи, ўқдай киприги воситасида ошиқ биқинини тешиб ўтди. Шу даражада ўткир жароҳатладик, ундан суяқлар кўриниб қолди. Бу суяқларни кўрган ошиқ кўнглим уйининг устунлари бўлса керак, ёримнинг бир нигоҳи билан улар тушиб кетиб, кўнглим вайрон бўлибди-да, деб ўйлади. Ҳазалдаги драматик пафос трагик пафосга айланиб бормоқда.

Байтда бузуғ кўнглум бирикмаси орқали истиора, лафф ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Дема, мендин узуб кўнгул яна бир ёр тутмишсен,
Гумон қилмаки, олам ичра сендек ёнае бўлғай.

Мендан воз кечиб, бошқасини топибсан, дема, бу оламда яна сен каби бўлиши мумкинми?!

Навбатдаги байтда иқрор ва садоқат акс этмоқда. Яъни шунча жабру жафо қилган маъшуқа яна бунинг устига ошиққа “мендан бошқасини топиб олдингми дейман”, дея иддао қилмоқда. Бу олам ичра сенга тенг келадиган, сендек гўзал, ёки сен каби севик-

ли бошқа бўлиши мукин эмас, шунинг учун мендан шубҳа қилма”, демокда ошиқ маъшуқасининг қуруқ тухматига жавобан.

Байтда савол-жавоб ва “сендек ёнае бўлғай” жумласи орқали балоға санъатлари юзага келтирилмоқда.

Дединг, бўлсам санга меҳмон, не ерни базмгаҳ қилгунг
Гадойи хастага манзил бузук кошонае бўлғай.

Агар сенга меҳмон бўлсам, қаерда базм қиласан, дединг, ахир хаста гадонинг манзили бузуғ хона бўлади-да!

Навбатдаги байтда маъшуқанинг бироз юмшаб, ошиққа илтифот қилгани тасвирланмоқда. Яъни, сенга меҳмон бўлсам, мени қаерда кутасан, мен учун қаерни базмгоҳ қиласан? деган саволига “ахир хаста бир гадонинг манзили бузук кошона бўлади-да” деб жавоб бермоқда ошиқ. Нима учун ошиқ умрбод кутган маъшуқасини вайронада меҳмон қилишга, ўзини эса хаста гадо деб аташга ор қилмаяпти? Бунинг сабаби, ошиқ шу савол берувчи гўзалнинг ишқи туфайли ақлу ҳушидан жудо бўлиб (балки унинг парилигини билмай, Одам наслидан деб ўйлаб), хаста ҳолга келди, хону-монидан айрилиб, гадо бўлди. Шунинг учун у бу ҳолатини орланмай, ҳатто фахр билан изҳор қилмоқда.

Байтда савол-жавоб ва муболага санъатларига мурожаат этилмоқда.

Фано дайрин тилармен бўлмағай ҳеч кимса, ўзлук ҳам
Улуғ бирла кичикдин бир купу паймонае бўлғай.

Йўқлик майхонасини тилайман, ундан ҳеч ким, ҳатто ўзлик ҳам бўлмасин, фақат катталардан бир хум, кичиклардан (эса бир) пиёла бўлсин!

Ҳазалдаги уч байтдан иборат маъвиза байтларнинг дастлабкисида Навоий фано дайри – йўқлик майхонаси тўғрисида сўз юритмоқда. Яъни, бу шундай бир майхона бўлсинки, демокда улуғ шоир, унда ҳеч кимча, ҳатто ўзлик ҳам кира олмасин. Улуғлардан фақат бир куп – хум, яъни ориф устоз қалби бўлсин. Ундан менинг кўнглимга хумдан пиёлага қуйилгани каби илоҳий маърифат шароби қуйилсин.

Байтда фано дайри бирикмаси орқали истиора, улуг ва кичик сўзлари орқали тазод, дайр, паймона сўзлари воситасида эса таносиб санъатларига мурожаат этилмоқда.

Жаҳон маккораси шўхедурур бас дилфириб охир,
Не эрким, бошидин кечгай анинг мардонае бўлғай.

Жаҳон деб аталмиш бир маккор шўхдирки, ҳаммани кўнглига фириб беради. Унинг бошидан кечган (яъни ундан воз кечган) киши мардона бўлади.

Навбатдаги маъвиза байтда, Навоий фано дайрининг зидди бўлган жаҳон маккораси ҳақида сўзламоқда. У шундай бир шўхки, гўзаллиги, жилолари билан ҳаммани йўлдан оздиради. Ўзига ошиқ қилади, бироқ ҳеч кимга вафо қилмай, фириб бериб, аро йўлда қолдиради. Бу шўх маккордан воз кеча олган ҳақиқий эр кишидир.

Байтда жаҳон маккораси бирикмаси орқали истиора, маккора ва дилфириб сўзлари орқали таносиб санъатлари яратилмоқда.

Навоий ғамга хўй айлабдурурким, офаринишда
Фалакнинг жавфидек мушқил агар ғамхонае бўлғай.

Фалакнинг ичи, бўшлиғидек мушқул бир ғамхона бўлса ҳам, Навоий яратилмишдаёқ ғамга майл билдирибди.

Мақтаъда, маъвиза байтда Навоий ўзини бу даражада ғамга ботганининг сабабини ўқувчисига арзи ҳол сифатида изҳор этади, гўё. Яъни, фалак бўшлиғи каби ғамхона бўлса ҳам, Навоийга тўтри келаверади. Сабаби, у яратилмиш айёмидаёқ ғамга майл билдирибди. Шунинг учун унга гоҳи одамийлик нималигини билмаган маъшуқалар жабр қилади, висолдан дариғ тутади, гоҳида эса жаҳон маккораси фириб бериб, зулм этади. азалдан қисмат шу бўлган эса, бунинг чораси йўқ.

Байтда фалакнинг жавфидек бирикмаси орқали ташбех, ғам ва ғамхона сўзлари орқали иштиқоқ ва муболағанинг ғулув даражаси ҳосил бўлмоқда.

Умуман олганда, ушбу ғазал инсон руҳияти пўртаналарининг ихчамгина инъикосидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

—~~~~~—
“Вах, неча ул шўҳ бедодин мени шайдо кўрай...”
~~~~~—

Вах, неча ул шўҳ бедодин мени шайдо кўрай,  
Ишқидин яғмо чекай, ҳуснидин истиғно кўрай.

Неча ул дурри гаромий шавқида ҳижрон туни,  
Кўз етишгунча сиришким сайлини дарё кўрай.

Неча ул рашки ғазоли чинни истаб дашт аро,  
Ит кеби девона кўнглумни жаҳонпаймо кўрай.

Неча бир кофир хаёлининг сипоҳи зулмидин  
Кишвари жон ичра диним нақдиға яғмо кўрай.

Неча зухду офият ичра кўруб тақво элин,  
Ўзни ишқ ошубидин олам аро расво кўрай.

Неча кўз қони ҳубобидин балийят даштида  
Бир юзи гулгун ғамидин лолаи ҳамро кўрай.

Соқие, ул навъ ғарқ эткил мени май ичраким,  
Ғар дам урсам май ютай, ғар кўз очай сахбо кўрай.

Элда чун йўқтур вафо сахроға қилдим азмким,  
Халқ ила кўргунча кишвар, ваҳш ила сахро кўрай.

Жон била азм тим ул қотил сариким, саъй этиб,  
Ё Навоийдек қилай жонни фидоси, ё кўрай.

— V — — V — — — V — — — V —  
фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани маҳзуф

## Луғат

**Бедод** – 1) Адолатсизлик, зулм; жабр, ситам; 2) кучли изтироб, азоб

**Кишвар** – 1) Мамлакат, ўлка, вилоят; 2) иқлим

**Яғмо** – 1) Талон-тарож, вайронгарлик, бузғунчилик; 2) қабила номи

**Ошғуб** – ғавғо, фитна, тўпалон; кўрқинч, ҳаяжон, ташвиш

**Истиғно** – 1) Муҳтож бўлмаслик, эҳтиёжсизлик; давлатмандлик, озга қаноат этиш, кўзи тўқлик; 2) ўз иззатида туриш, иззат-нафсини туширмаслик; иззати нафс туйғуси; 3) ўзини катта тутиш, мутакаббирлик, ғурур; 4) ноз, карашма

**Хубоб** – 1) Сув юзида пайдо бўладиган пуфакчалар; 2) осмон гумбази

**Балийят** – бало, ранж, озор, машаққат, қийинчилик, азоб, қайғу, мусибат, кулфат

**Ҳамро** – қизил

**Гароний** – 1) Оғир, вазмин; 2) қимматбаҳо, қадрли; 3) соҳилдаги, қирғоқлик

**Сиришк** – қатра, кўз ёши

**Саҳбо** – қизил май; узум суви; олий сифатли май

## Шарҳ ва изоҳлар

Тўққиз байтли ушбу ғазал мазмунан ошиқона ва шаклан мусалсал бўлиб, унда ишқ йўлида ошиқ тайёр турган изтироблар, ошиқлик мартабасининг нақадар буюклиги таърифи бир неча обрازلар воситасида тасвирланган.

Ваҳ, неча ул шўх бедодин мени шайдо кўрай,  
Ишқидин яғмо чекай, ҳуснидин истиғно кўрай.

*Мен бечора (ошиқ) неча бора у шўхдан зулм кўрсам, (яна шунча марта) ишқидан талон-тарожлик ва ҳуснидан эҳтиёжсизлик кўрай!*

Матлаъда шўх гўзалнинг зулм кўрган ошиқнинг ноалари акс этган. У бундай зулму бедод, истиғною эҳтиёжсизликни кўрган. Буни у яна такрор ва такрор кўришини билади бунга тайёр!

Байтда ишқ ва ҳуснни жонлантириш орқали ташхис, ишқ ва ҳусн сўзлари орқали таносиб санъатларига мурожаат этилган.

Неча ул дурри гаромий шавқида ҳижрон туни,  
Кўз етишгунча сиришким сайлини дарё кўрай.

*Неча марталаб ҳижрон кечаси у қарғоқда яшовчи қимматбаҳо дурни кўргунимга қадар кўз ёшим селини дарёдай кўраяпман.*

Ошиқнинг маъшуқаси дарё қирғоғида яшайди. Шунинг учун ошиқ уни қирғоқдаги дур деб атайди. Ва унинг ишқи шавқида айрилиқ кечасида кўз ёшларини дарё каби кўрмоқда.

Байтда дурри гаромий ва ҳижрон туни бирикмалари орқали истиора ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Неча ул рашки ғазоли чинни истаб дашт аро,  
Ит кеби девона кўнглумни жаҳонпаймо кўрай.

*Неча марта у Чин оҳуси рашк қиладиган гўзални дашт оралаб излаб юрган кўнглимни телба ит каби жаҳонни айланувчи (бир ҳолатда) кўрай!*

Навбатдаги байтда шоир маъшуқасини Чин оҳуси ҳам рашк қиладиган нозик ва хуркак, уни излаб юрган ўз кўнглини эса телба бир итга киёсламоқда. Бу кўнгил ўз маъшуқасини излаб жаҳон кезишга, яъни жаҳонпаймо бўлишга ҳам тайёр!

Байтда ит кеби сўзи орқали ташбеҳ, ташхис ва муболаға санъатлари яратилмоқда.

Неча бир кофир хаёлининг сипоҳи зулмидин  
Кишвари жон ичра диним нақдиға яғмо кўрай.

*Кофир хаёлининг лашкари зулмидан қочиб, жоним салтанати ичида диним хазинасини неча бора таланган кўрдим!*

Байтни икки хил маънода тушуниш мумкин. Биринчиси: маъшуканинг хаёли кофир. У ошиқ қалбидаги дину имонни талон-та-

рож қилишга ҳам қодир. Иккинчидан: маъшуқанинг ўзи кофир ва унинг хаёли ошиқнинг, боягидай дину имонини талон-тарож қилиб юбора олади.

Байтда кофир хаёли, сипоҳи зулми, кишвари жон ва диним нақди бирикмалари орқали бир йўла тўрт ўринда истиора санъатларига мурожаат этилмоқда.

Неча зухду офият ичра кўруб тақво элин,  
Ўзни ишқ ошубидин олам аро расво кўрай.

*Олам элини тақво ва осойишталик ичида кўриб ўз(имни эса аксинча), ишқ балосида олам аро расво кўрдим неча (марталаб)!*

Тақводорлар зоҳидлик ва офият (саломатлик, осойишталик) ичида хотиржам яшайдилар. Бу ҳолатни кўрган шоир бундай яшагандан кўра ишқ балоси ичида овораю расво бўлишни афзал билмоқда. Нега? Чунки тасаввуф адабиёти зоҳидликни икки-юзламачилик ва риёкорлик деб билиб, унга қарши Яратганнинг мазҳари бўлмиш инсонга бўлган муҳаббатни қўяди ва ҳақиқий зухду тақво ҳам, офият ҳам ишқ ўти ичида ёниб, тобланиб, мис кўнгилни олтинга айлантиришдир, дейди.

Байтда зухду офият ва ишқ ошуби бирикмалари орасида шартли тазод санъати яратилган.

Неча кўз қони хубобидин балийят даштида  
Бир юзи гулгун ғамидин лолаи ҳамро кўрай.

*Бир юзлари гулдай (гўзалнинг) ғамидан бало даштида кўзимнинг қонли кўз ёшлари хубобларини қизил лола каби кўрай!*

Навбатдаги байтда ошиқ ишқдан келадиган балоларни бир дашт мисоли кўриб, қонли кўз ёшларини лолаларга қиёслайди. Нима учун? Сабаби, маъшуқанинг юзи қизил лолаларга ўхшайди!

Байтда балият дашти бирикмаси ёрдамида истиора, гулгун ва лола сўзлари орқали эса таносиб санъатлари ҳосил бўлмоқда.

Соқие, ул навъ ғарқ эткил мени май ичраким,  
Гар дам урсам май ютай, гар кўз очай саҳбо кўрай.

*Эй соқий, мени май ичига шу даражада ғарқ этки, нафас олсам,  
май ичай, кўз очсам қизил шаробни кўрай!*

Навбатдаги маъвиза байтда улуг шоир соқий, яъни комил устозга мурожаат этиб, мени майга – илоҳий маърифатга шу даражада ғарқ этгинки, нафас олсам ҳам, ундан бахраманд бўлай, кўз очсам ҳам фақат уни кўрай – ҳис этай, демоқда.

Байтда соқийе ундалмаси орқали илтифот, май сўзининг такроридан тақрир, май ва саҳбо сўзларидан эса таносиб шеърий санъатлари яратилган.

*Элда чун йўқтур вафо саҳроға қилдим азмким,  
Халқ ила кўргунча кишвар ваҳш ила саҳро кўрай.*

*Элда вафо йўқ, шунинг учун саҳроға қараб йўл олавер, халқ билан  
мамлакату шаҳарларни кўргунча ваҳшийлар билан саҳрони кўриб  
юрганим яхши!*

Навбатдаги маъвиза байтда Навоий энди ижтимоий мавзуда фикрлаб, олам аҳлида, одамларда вафо йўқ, улардан кўра ҳайвон яхши, шунинг учун одамлар билан шаҳару мамлакат, ободлигу, қурилишларни кўргандай ваҳшийлар билан саҳрою, биёбонларни кўриб юрган маъқул, демоқда! Сабаби ҳайвонларда иккиюзламачилик, риёкорлик йўқ. Улар яхши кўрсалар, самимий севадилар, ёмон кўрсалар ҳам ялтоқланиб ўтирмай узоқлашадилар ёки тилка-пора қилиб қўя қоладилар. Муҳими, ваҳш аҳли инсондан кўра самимийдир. Бу улуг шоирнинг нозик қалби инсон зотидан зада бўлган пайтдаги ноалари бўлса, ажаб эмас!

Байтда эл ва халқ сўзлари орқали таносиб, саҳро сўзининг такроридан тақрир, халқ ва ваҳш, кишвар ва саҳро сўзлари орқали эса шартли тазод санъатларига мурожаат этилмоқда.

*Жон била азм эттим ул қотил сариким, саъй этиб,  
Ё Навоийдек қилай жонни фидоси, ё кўрай.*

*У қотил сари жон билан юриб, ҳаракат қилдим, ё Навоийдек жонимни фидо қилай, ёки уни (бир марта бўлсин) кўрай!*

Мақтаъда Навоий ёрени қотил деб атаб, уни кўриш учун йўлга чиқдим уни ё кўраман, ё ўламан, демоқда. Чунки ёрнинг истиғно-

си, яшириб, ўзини кўрсатмаслиги ошиқни қатл этиш билан тенг!  
Ошиқ эса ё уни кўришга ёки бу йўлда жон беришга тайёр!

Байтда радиф бўлиб келган “кўрай” сўзи мақтаъдан бошқа байтларда кўчма маънода келган бўлиб, фақат мақтаъдагина ўз маъносида келмоқда. Байтда муболаға санъатидан фойдалинилмақда.

Умуман олиб қараганда ушбу ғазал ишқ изтиробларини жон билан қабул қилган ошиқнинг кўнгил изҳоридир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА



“Эй қуёшқа кўз қамаштурғон жамолинг партави...”



Эй қуёшқа кўз қамаштурғон жамолинг партави,  
Сарви раъноликда хушрафтор қаддинг пайравий.

Қоф тоғин гар парилар маскан этмишлар не тонг,  
Қарилардур навжувоним ҳижлатидин мунзавий.

Уйлаким Моний ишидин зойиъ ўлди нақши Чин,  
Ул бути Чин сувратидин бўлди нақши монавий.

Ишқ илги қуввати мен хастани қилмиш забун,  
Эй кўнгул, не чора айлай мен заифу ул қавий.

Булбул ар гулбонг урар гул сувратидин мен хамуш  
Ким, такаллум тахтига кирмас адоий маъनावий.

Ишқ сиррин ринди дурдийкаш билур, йўқ аҳли дарс  
Улча авроқ узра сабт ўлмас не билгай Мавлавий.

Демангиз булбул Навоийни, самандардекки, бор  
Назми ичра шуълайи Жомию сўзи Хусравий.

– V – – V – – V – – V –

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун  
рамали мусаммани махзүф

### Луғат

**Партав** – ёғду, нур, шуъла; ёруғлик

**Пайрав** – 1) Эргашувчи, эргашиш; изидан (кетидан) боровчи;  
тақлид қилувчи, тобе; 2) бировга тақлид қилиш

**Мунзавий** – узлатга чекинган, халқдан четланган, хилватга  
кетган

**Зойиъ** – йўқолган, йўқ бўлган; зарар, зиён; бекорга кетиш,  
беҳуда

**Гулбонг** – баланд овоз билан нола қилиш, фарёд чекиш; хушо-  
воз билан сайраш

**Хамуш** – хомуш, сукут сакловчи, жим турувчи

**Такаллум** – 1) Сўз, нутқ; 2) очилмоқ, ёрилмоқ

**Дурдийкаш** – май куйқасини ичувчи, тотувчи

**Авроқ** – 1) варақлар, саҳифалар; 2) барглар, япроқлар; 3) бў-  
лаклар, парчалар, қисмлар; 4) қоғозлар, ҳужжатлар; 5) ёзилган  
нарсалар, ёзувлар; 6) бирор нарсанинг мажмуаси, қомуси, йиғин-  
диси

**Сабт** – 1) Қайд қилинган, ёзилган; 2) ёзмоқ, битмоқ

### Шарҳ ва изоҳлар

Орифона фикру-мулоҳазалар акс этган ушбу ғазал мазмунан  
ошиқона ва шаклан пароканда бўлиб, унда ишқ изтироблари маъ-  
шуқа мадҳи ва ошиқ қалбидаги турфа хилликлар акс этган.

Матлаъ маъшуқага мурожаат билан бошланади:

Эй қуёшқа кўз қамаштурғон жамолинг партави,  
Сарви раъноликда хушрафтор қаддинг пайрави.

*Эй жамолингнинг нури қуёшнинг кўзини қамаштирган ва гўзал қоматлиликда сарвлар қаддингнинг тақлидчиси, тобеси бўлган гўзал!*

Ошиқ маъшуқасига мурожаат қилишдан мақсади унинг гўзаллигини таърифлаш ва улуғлашдир. Ундан бошқа ҳеч нарса сўрамайди, таъма қилмайди. Сўфийлар таъмасиз ибодатни ёқлаб, уни “риёсиз ибодат” дейдилар. Худди шундай бу мурожаат ҳам Яратганнинг мазҳари бўлган маъшуқани таъмасиз, риёсиз эслаш, фақат улуғлаш учун ёд этишдир.

Байтда муболағанинг кучли даражаси – ғулувга мурожаат этилган.

Қоф тоғин гар парилар маскан этмишлар не тонг,  
Қарилардур навжувоним хижлатидин мунзавий.

*Қоф тоғини парилар маскан этишлари бекор эмас, у қарилар ёшгина (гўзалим) хижлатидан узлатга чекиндилар.*

Навбатдаги байтда ошиқ маъшуқасининг гўзаллигини парилардан ҳам юқори қўйиб, мақтаяпти. Мангу навқирон ва гўзал тимсолда акс этган парилар ҳам шоирнинг маъшуқаси бўлмиш одамзод қаршисида қари кўринадилар. Шунинг учун ҳам хижолат бўлиб, узоққа – Қоф тоғидан нарига узлатга чекинганлар.

Байтда қари ва навжувон сўзлари воситасида тазод, қоф тоғи ва парилар сўзлари орқали эса таносиб ҳамда муболаға санъатларидан фойдаланилмоқда.

Уйлаким Моний ишидин зойиъ ўлди нақши Чин,  
Ул бути Чин сувратидин бўлди нақши монавий.

*Моний ишидан кейин Чин нақши йўқ бўлди, лекин Моний санъати у Чин бути (яъни менинг маҳбубам) сурати орқали машхур бўлди.*

Навбатдаги байтда улуғ шоир Моний санъаткорлиги ва унинг шуҳрати сабабига мурожаат этмоқда. Афсонларга қараганда пайҳамбарлик даъво қилган мусаввир Моний тасвирий санъатни ўз мўжизаси деб эълон қилган ва Аржанг ғорини гўзал тасвирий санъат намуналари билан тўлдирган экан. Ушбу афсонага муро-

жаат этган Навоий Моний асли Чин бути – санамига ўхшаган ме-  
нинг маъшуқамни тасвирлаб, машҳур бўлди, демоқда.

Байтда Моний ва монавий сўзлари орқали иштиқоқ, Чин сўзи-  
нинг такроридан тақрирнинг радд ул-аруз илал ҳашв, нақш сўзи  
такроридан эса радд ул-ҳашв илал ҳашв турилари ҳамда, одатда-  
гидек, муболағанинг ғулув тури яратилмоқда.

Ишқ илги қуввати мен хастани қилмиш забун,  
Эй кўнгул, не чора айлай мен заифу ул қавий.

*Ишқ кўлининг кучи мен хастани забун қилиши ҳайратланарли  
эмас, эй кўнгул нима қилайки, мен заифу, у кучли-да, ахир!*

Навбатдаги байтда ошиқ ўзининг қалбидаги ишқ олдида  
ожизлигини таъкидламоқда. Бу ишқ ошиқни ожиз ва забун ай-  
лайди. Лекин бу ожизлик айни пайтда энг буюк қудрат, бу забун-  
лик эса айни камолотдир. Чунки бундай қудратли ишқ фақат по-  
киза қалбларни макон тутати.

Булбул ар гулбонг урар гул сувратидин мен хамуш,  
Ким, такаллум тахтига кирмас адои маънавий.

*Булбул гул суратни кўриб хуш овоз билан сайрасаю, мен жим  
турсам, ажабланмаки, ахир маъно дурлари сўз тахтига кирмай-  
ди-да!*

Навбатдаги байтда шоир ўзини булбул билан қиёсламоқда.  
Булбул ўз маъшуқаси гулнинг гўзаллигини мадҳ этиб, куйлайди.  
Бироқ у ташқи гўзалликка – гулнинг суратигагина ошиқ. Шунинг  
учун қалбида маъно дурлари йўқ. Шоир эса маъшуқасининг маъ-  
навий гўзалигига – Яратганнинг жилоси акс этган қалбига ошиқ  
бўлган. Бу маънавий гўзаллик ва ошиқлик сўз тахтига сиғмайди.

Байтда булбул ва гул сўзлари ёрдамида таносиб, гул ва гулбонг  
сўзлари воситасида иштиқоқ, такаллум тахти ва адои маънавий  
бирикмалари воситасида бир йўла икки ўринда истиора санъат-  
лари яратилмоқда.

Ишқ сиррин ринди дурдийкаш билур, йўқ аҳли дарс  
Улча авроқ узра сабт ўлмас не билгай Мавлавий.

*Ишқ дарсини талабалар эмас, май куйқасини ичувчи ринд – май-  
параст билади, варақлар устида ёзилмаганни Мавлавий ҳам била  
олмайди!*

Навбатдаги байт юқоридаги байтнинг мантиқий давомидир. Яъни, ҳақиқий ишқ варақларда ёзилмайди, қалбларда намоён бўлади. Шундай экан, уни талабалар эмас, ишқ дурдини симирувчи, яъни ошиқлик изтиробларини қалбидан ўтказган ошиқ билади. Бу ишқ азоблари мударрис Мавлавийга эмас, дарवेश Шамс Табризийга аён.

Байтда Мавлавий сўзи ёрдамида талмеҳ санъатига мурожаат этилмоқда.

Демангиз булбул Навоийни, самандардекки, бор  
Назми ичра шуълайи Жомию сўзи Хусравий.

*Навоийни булбул деманг, у шеърятда Жомий шуъласию, Хусрав  
олови ичида ёнувчи бир самандардир.*

Мақтаъда Навоий ўзини ишқ наволарини куйлагувчи булбулга тенглаштириш билан кифояланмаяпти, балки олов ичида туғилиб, яшаб ўтадиган, оловдан чиқса нобуд бўладиган жонивор – самандарга қиёслаяпти. Оловни эса назм – шеърят олови демоқда. Бироқ бу қиёсловни у ўта камтаринлигу, устозларга ҳурмат юзасидан Хусрав шеърининг оловию, Жомий назмининг шуъласи ичидаги самандарман, яъни шу устозлар шеърятни мени самандарга айлантирди, демоқда.

Байтда Навоий, Жомий ва Хусравий сўzlари ёрдамида талмеҳ ва булбул ҳамда самандар сўzlари воситасида таносиб, шунингдек муболаға санъатлари яратилмоқда.

Умуман олиб қараганда, ушбу ғазал Аллоҳ гўзаллигига ошиқ бўлган ориф инсоннинг дил изҳоридир.

**Зухра МАМАДАЛИЕВА**

## Мундарижа

|                                                           |    |
|-----------------------------------------------------------|----|
| “ФАЛАК КҶРМАДИ МЕН КИБИ НОДИРЕ”.....                      | 3  |
| “Наргисин гул узраким, бемор этар ноз уйқуси...” .....    | 7  |
| “Эй кўнгул, бердинг иликдин васлининг давронини...” ..... | 10 |
| “Ул ойки, меҳр ила оламини мухтарам қилди...” .....       | 15 |
| “Қилдим ул ой оллида ошиқлиғим изҳорини...” .....         | 23 |
| “Оҳким, ул ганж ёд этмас бизинг вайронани...” .....       | 28 |
| “Хар тикан бу ғунчадек кўнглумда пайкон боғлади...” ..... | 32 |
| “Эй кўнгул, келким, иков бўлуб нигоре кўзлали...” .....   | 37 |
| “Ғунчадек қон боғланибдур кўнглум, эй гул хирмани...” ... | 42 |
| “Ғариблиғ яна кўнглумни дарднок этти...” .....            | 47 |
| “Лаълингга боғланди жоним ҳажр элиндин ол ани...” .....   | 52 |
| “Қани висолингга бир мендек орзуманде...” .....           | 56 |
| “Ўтум худ этмади ул тошбағирға таъсире...” .....          | 60 |
| “Жоним чиқадур, ҳажр ила жонон керак эрди...” .....       | 64 |
| “Бўлди ийд, ул турки чобук азми майдон қилғуси...” .....  | 68 |

|                                                               |     |
|---------------------------------------------------------------|-----|
| “Ёр ила бир хилват истарменки, ағёр ўлмағай...” .....         | 73  |
| “Яна бало чоқинин ишқ телба жонима урди...” .....             | 79  |
| “Лабинг такаллум этиб, сўзда лол қилди мени...” .....         | 84  |
| “Хароб айладинг, эй ишқ, хонумонимни...” .....                | 88  |
| “Дедимки, кўзга чекай гарди раҳнавардингни...” .....          | 92  |
| “Кўзғади оҳим сўнгак бирла тани ғамнокни...” .....            | 96  |
| “Ишқинг ичра кўксума онча жунун тошин урай...” .....          | 101 |
| “Эй кўнгул, бир навъ ўлубмен аҳли даврондин малул...” .....   | 106 |
| “Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ғам тутай...” .....     | 111 |
| “Олса жонимни лабинг даврон тўкуб қон ёшини...” .....         | 116 |
| “Эй кўнгул, қўйғилки, мундин сўнг гадолиғ фан қилай...” ..... | 121 |
| “Кўнглумга шўр солди биравнинг малоҳати...” .....             | 125 |
| “Қилса кул жисмимни ўртаб оташин ораз гули...” .....          | 130 |
| “Оразинг зар ҳуққалардин, эй малоҳат машъали...” .....        | 134 |
| “Команд учига еткурмас ғаму андеша айёри” .....               | 139 |
| “Эмас боғ ичра сариғ лола занбақ билки, ҳар сори...” .....    | 153 |
| “Донайи холи узра кўр сабзайи хат нишонаси...” .....          | 158 |
| “Ишқ аҳли гўристонида қабрим чу зоҳир бўлгуси...” .....       | 164 |
| “Бутмади гулшан тавофи бирла бағрим ёраси...” .....           | 171 |

|                                                         |     |
|---------------------------------------------------------|-----|
| “Ғам чекар жисму кўнгулни кулбайи аҳзон сари...” .....  | 175 |
| “Гарди яздий миъжар остида қошинг, эй кўркабой...” .... | 180 |
| “Бода бу макбуллуқ зотимда мавжуд айлади...” .....      | 185 |
| “Оҳима ёр оғзи бир дам кулмагин кам қилмади...” .....   | 190 |
| “Оҳима ёр оғзи бир дам кулмагин кам қилмади...” .....   | 196 |
| “Кўнглум оҳидин табассум лаълингга фан бўлмади...” ...  | 200 |
| “Май халос этти риёйий порсолиғдин мени...” .....       | 205 |
| “Юзидин ўлмаса, ё раб, раво кўзум тилаги...” .....      | 210 |
| “Кеча ҳажрингда тирикликдин малолим бор эди...” .....   | 214 |
| “Эй сабо, кўздин учур Мозандароннинг вардини...” .....  | 218 |
| “Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни...” ...    | 222 |
| “Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни...” ...    | 225 |
| “Кўзи ҳажри мени бемор этти...” .....                   | 229 |
| “Эй узоринг оллида шарманда меҳри ховарий...” .....     | 234 |
| “Чу ишқ илги забун айлар диловар подшоларни...” .....   | 238 |
| “Навбаҳор ўлдию айшим гулбуни очилмади...” .....        | 243 |
| “Кўзум тортар ҳамоно ёр келгай...” .....                | 248 |
| “Эврулай бошинггаю беҳушу ҳайронинг бўлай...” .....     | 253 |
| “Сурганда жафо тийғин қўл асрамадинг боре...” .....     | 256 |

|                                                        |     |
|--------------------------------------------------------|-----|
| “Мангаки кўрмаки ул шўхнинг муҳол ўлғай...” .....      | 265 |
| “Вафо кўз тутқан андин ҳушдин бегонае бўлғай...” ..... | 270 |
| “Ваҳ, неча ул шўх бедодин мени шайдо кўрай...” .....   | 276 |
| “Эй қуёшқа кўз қамаштурғон жамолинг партави...” .....  | 281 |


Алишер Навоий

# ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР

*Ғазалларнинг шарҳ ва изоҳлари*

10 ЖИЛД

Монография



*Муҳаррир С.Абдунабиева  
Бадиий муҳаррир А.Набиев  
Компьютерда саҳифаловчи У.Рахматов*

**Нашр. лиц. АА №0038.  
“О‘ЗКИТОBSAVDO” нашриёти**

Босишга рухсат 19.12.2020-йилда берилди.  
Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ . Офсет усулида босилди.  
“РТ Сэриф” гарнитураси. Шартли б.т. 10,75. Нашр ҳисоб т. 10,35.  
Адади 40 дона. 16-буйуртма.

**“О‘ЗКИТОBSAVDO” нашриёти.  
100000, Тошкент, Қуйлук даҳаси, 5.**

ISBN 978-9943-6858-8-8



9 789943 685888